

ЁШЛК



Адабий-бадий,
ижтимоий-
сиёсий
ойбитик

118
Октябр

1982 йилдан чиқа бошлаган

Муассислар:

Ўзбекистон ЛКЕИ
Марказий
Қўмитаси ва
Ўзбекистон
Ёзувчилар
уюшмаси

Бош муҳаррир:

Тоҳир МАЛИК

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Хуршид ДАВРОН
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ
Ҳамид ИСМОИЛОВ
Омон МАТЖОН
Насриддин МУҲАММАДИЕВ —
масъул котиб
Олим ОТАХОНОВ
Азим СУЮН
Абдуқодир ЭРГАШЕВ
Нурали ҚОБУЛ
Абдурашид ҚОДИРОВ
Усмон ҚУЧҚОР
Ғаффор ҲОТАМОВ —
бош муҳаррир ўринбосари

Тошкент
«Камалак» нашриёт-матбаа
бирлашмаси

ОЗОД БЎЛСИН БУ ЎЛКА...

Инсоният тарихида бирон-бир жумҳурият ўз миллий мустақиллигини таъминловчи қонунни бизчалик лоқайд қарши олмаган бўлса керак. Гарчи мустақиллик эълон қилинган кун — 1 сентябр байрам деб белгиланса-да, ялпи халқ тўлиб-тошиб кўчага ёпирилмади. Лекин байрам нишонланди, бир-бирини бағрига босиб қутлаганлар, кўзларидан тирқираб севинч ёши чиққанлар ҳам бўлди. Булар эртанги кунга, мўътабар Қонун воситасида халқини озодликка олиб чиқишга, келгусида шу куннинг улуғ шодиёнага айланишига шубҳасиз ишонган собит иродали кишилар эди.

Биз Олий Кенгаш қандай ҳужжат қабул қилса, у билан танишиб: «Хўш, нима бўпти, оддий-одатий бир қонун-да», дейишга одатланганмиз. Нар и борса: «1924 йил ҳам жумҳурият Мустақил давлат дея эътироф этилган, хўш, оқибати нима бўлди?» дея ўз шубҳамизни оқламоқчи бўламиз. Лекин ўша пайтдаги тарихий шароитни ҳам ҳисобга олайлик, Чўлпон зор қақшаб айтган ушбу сўзлар ёдимиздан чиқмасин:

*Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан,
Кишан кийма,
Бўйин эзма,
Ки сен ҳам ҳур туғилғонсан!*

Бугун тарихий шароит, кишилар, уларнинг моддий оламга муносабати, тушунчаси, нуқтаи назари ўзгача. Эҳтимол, йиллар мобайнида қонқонимизга сингиб кетган мутелик кўникмаси боис буни ҳам теран ҳис эгмаётган чиқармиз, аммо шуни унутмаслик керакки, мўътабар бу Қонун XXI аср бўсағасида халқимиз учун берилган чексиз имкониятдир. Вақтида буни илғай олмаслик, Қонуннинг амалга ошуви учун жон олиб жон бермаслик охир-оқибат машъум фалокатларга олиб келиши мумкин. Истиқлол учун ҳар бир фидойи жон бу ҳақиқатни теран англаши керак.

Одатда, мустақиллик кураш ва қон эвазига қўлга киритилади. Бу — рост, лекин биз кечаги кунга, ўтмишга, шу кунга етиб келгунча босиб ўтилган йўлга назар ташлайлик, бу мақсад йўлида озмунча қонлар тўкилдими, ахир?!

«Урта Осиё мулкига ҳукмронлигимизни ўрнатишимиз учун, албатта, Туркистон ва Тошкентни эгаллашимиз шарт», деган эди Ўренбург генерал-губернатори Катенин. Лекин истило ҳаракати бу фикр айтилишидан анча аввал — 1714 йилдан бошланган. 1864 йилга келиб босқинчилар ҳамласига қарши чиққан ватанпарварлар қони дарё-дарё бўлиб оқа бошлади.

Алимхон ва Дукчи эшон, Пўлатхон ва бўлак фидойилар қони қадим бу заминни қирмизи тусга киритди. Ҳа, ватаннинг ҳар бир қарич ери учун озмунча жон олиб, жон берилмади. Бироқ хонликлар ўртасидаги ички низолар Урта Осиёнинг охир-оқибат «ўрис тожидаги энг қиммат-баҳо дур»га айланишига имкон туғдирди.

Инқилоб арафасида ва ундан кейин ҳам миллий мустақиллик йўлида фидо бўлган ҳаммиллатлар оз эмас. Шу боис қувончли бу кунда Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби ажойиб сиймоларни ёд этиб, уларнинг хотираси қошида таъзим қилишга бурчлидирмиз. Улар ҳатто умрларининг сўнгги нафасида ҳам истиқлолга ишонч билан қарашган:

*Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги кўланка,
Бир қўзғалур, бир кўпирар, бир қайнар,
Бир интилуру, бир ҳовлиқар, бир ўйнар,
Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...*

Тагин бир хавотир, бир умид билан ўйлаймиз: энди биз Масковдаги раҳбарларнинг оғзига қарамаймизми; энди жигарларимиз, иниларимиз аскарликка чақирилгач, олис-олислардан қувончу суюнчилар ўрнига темир тобутлар «посилка» қилинмасми; энди қўли қадоқ ўзбек деҳқонининг заҳмату машаққат ила етиштирган ҳосили «Ватанга!» деган шиор остида чин ватанимиздан ташиб кетилмасми; энди тиллаю пилламиз, чорва-чўлигимиз чиндан ўзимизники бўладими; энди оталаримиз, оғаларимиз ноҳақ қамалиб, кўзларимиз ёшланмасми; биз, қалам аҳли ҳақни сўйласак, бурнимиз қонамасми?!

Ҳаёт ҳар бир авлод зиммасига тарихий шароит, тарихий заруратдан келиб чиқиб муайян вазифа юклайди. Шу маънода тарих илгари сураётган энг оғир масъулият ҳозирги ёшлар гарданига тушади. Зеро, Олий Кенгаш ва жумҳурият Президенти Ислоҳ Каримов имзолаган тилимизга Давлат тили мақоми бериш, ижодий ташкилотларни фирқа тасарруфидан чиқариш, жумҳурият Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги кўмитасини жумҳуриятнинг қонуний тасарруфига олиш ҳақидаги ҳужжатлар ҳали халқ эътиборида қадр топангича йўқ. Уларнинг қадр топиши, турмушимиз муайян изга тушиши эса ҳар биримизнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ. Зотан, бу ҳужжатлар замирида халқнинг ҳақ-ҳуқуқи, давлат

мустақиллигини таъминловчи бирламчи омилар яшириндир.

Ўзбекистоннинг Мустақил давлат деб эълон қилиниши — улуг ҳаракатнинг бошланиши, холос. Қонуннинг ҳаётда ўз ифодасини топиши ақл бовар қилмас ислоҳларни тақозо этади. Биз турмуш тарзига кўникмаларни тубдан ўзгартиришимиз, ҳар биримиз ўзимизга, ҳаётда кечаётган ислоҳга ва келажакка масъул бўлишимиз лозим. Дунёдаги дўст ва хайрихоҳ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш, фавқулудда ва мухтор элчилар айирбошлаш, йирик шаҳарларда консулхоналар очиш, халқаро миқёсда тижорат алоқаларини йўлга қўйиш...

Аввало, инсон руҳий дунёсини инқироз сари етакловчи мутелик психологиясидан халос бўлиш...

Ҳамон юқорининг ишорасига маҳтал турли қатламдаги ноҳалқчил раҳбарлардан қутулиш...

Жумҳурият ҳудудидаги сув, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва ерости маъданларига, маънавий жавоҳиротга, жаъмики бойликларга, оталардан мерос бўлмиш шу заминга хўжайинлик туйғусини шакллантириш...

Ватанни англаш, унга масъуллик, муҳаббат...

Халқнинг ўзлигини англаши, иқтидорини юзага чиқариши ва шунинг баробарида киндик қони томган тупроқни яшнатиши...

... бу — узоқ давом этадиган сермашаққат, оғир ва мураккаб, аммо шарафли жараён. Бу ҳар биримизни тоблайдиган, Ватаннинг эртанги кунини, унинг қиёфасини белгилайдиган улкан тарихий ҳодиса.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти»даги айрим моддаларни аниқлаштириш ва янада қатъийроқ ифодалаш мақсадга мувофиқ.

«Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро субъект сифатида қатнашади» деган гапларни қандай тушуниш керак? Чунки Ўзбекистон тўла мустақил халқаро субъект бўладиган бўлса, у албатта БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши лозим. Қолаверса, мустақил давлат бўлишнинг асосий шартлари — ҳарбий, сиёсий, иқтисодий мустақиллик алоҳида моддаларда аниқ-равшан баён қилиниши лозим. Акс ҳолда, Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисидаги ҳар қандай гап асоссиз бўлиб қолаверади. Шунинг учун Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқдош республикалар билан сиёсий, иқтисодий, айниқса, ҳарбий ҳамкорлиги фақат ва фақат халқаро қоидаларга асосланиши шарт.

Аён бўлишича, жумҳуриятимизнинг биргина вилоятида 231 хўжалик, кўча ва майдон Ленин номи билан аталар экан. Шу вилоятнинг 52

жойида унинг ҳайкали қад ростлаб турибди. «Коммунизм машъали», «Ленин йўли», «Октябрь 50 йиллиги», «Социализм», «Партия XX съезди», «Коммунизм», «Кремль» каби ном остида яшаётган хўжаликлар эса сон-саноксиздир.

Гарчи Масковда Ф. Дзержинский ҳайкали аллақачон олиб ташланган бўлса-да, юртимизда ҳамон қатор хўжаликлар, мактаб ва кўчалар бу зобитнинг номи билан аталиб келинади. Ўзбек халқини қонга ботирган Фрунзе, Куйбишев каби зобитларнинг ҳайкаллари ҳануз кўксимизни эзиб турибди. Зеро, мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришлардан биз огоҳмиз, аммо ҳар кун шу ном, шу ҳайкалларга қайта ва қайта кўзимиз тушса-да, ҳайратдан ёқа ушламаймиз, негаки лоқайдмиз, кўникиб кетганмиз шундай яшашга. Бу эса яна бир бор шунини тасдиқлайдики, истиқлол аслида тафаккурнинг янгиланишидан бошланади.

Бу ҳайкал, бу номлар ўрнига она Ватан учун жонини тиккан азиз инсонлар исми-шарифи ёзиладиган вақт келди. Шу маънода жумҳурият Президентининг Ленин номли майдонни Мустақиллик майдони дея қайта номлаш, «Озодлик» ҳайкали ўрнатиш ва маъмурий-худудий бирликларнинг номлари тўғрисидаги тегишли таклифларни тайёрлаш хусусидаги Фармони бағоят қимматлидир. Бу тадбир кўнгилдагидек кечиши учун ҳар биримиз жавобгар эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Ҳа, истиқлол ҳар биримиздан алоҳида ҳозирлик, алоҳида фаоллик ва алоҳида фидойилик тақозо этади.

*Болалик йилларим эслайман оз-оз,
Босиқ уйқу ичра ётганда олам,
Тонглар қулоғимга келарди овоз:
«Ғафлатда ётмагил, эркатой болам».
У жажжи баҳорнинг шўх саси эди,
У жунис онамнинг нафаси эди.
Йиллар ўтди, бир оз улгайдик, букун —
Ватан хизматига бир қадар дастёр.
Олам ташвишидан юракда тўлқин,
Ватан қудратидан қалбда ғурур бор.
Энди сен чорласанг, токи танда жон,
Лаббай деяжакман, Ватан — онажон.*

Ниҳоят, шундай кун келди: она Ватан мустақиллик сари юз бурди, у бизни оқилона ҳимоя, истиқлолнинг тўла-тўқис қарор топиши учун курашга чорлаётир. Бундай шарафли давлатга лаббай дея жавоб бериш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир!

Тоҳир МАЛИК, Ғаффор ҲОТАМ, Носир МУҲАММАД, Яшар ҚОСИМ, Абдул ЖАЛИЛ, Собир УНАР, Тўхтамурод РУСТАМОВ, Шодикул ҲАМРОЕВ, Абдул Ғани ЖУМА, Расул ЖУМАЕВ, Муҳаммад ВАЛИ



Қонунг үйк ишк деген қонундан бұлак

Публицистик дард

Сен учун синдирдим синмас созимни...

Рауф Парфи

Тенгдошларим масрур ютуқлар билан,
Парвозу донглари кимгадир армон.
Мен эсам курашчан нутқлар билан,
Мақолалар билан бўлдим андармон.

«Мирзо қолиб кетди...» — Уқлар бесанок
Учар нафсу таъма пастликларидан.
«Соф» шоир бўлардим, олмасам сабоқ
Фақат ҳақ ва қасос дарсликларидан.

Келгайдир мени ҳам тушунгич замон,
Елларга совурдим қонли додимни.
Истиқболинг учун, юртим, онажон,
Қурбонликка сўйдим истеъдодимни.

Аламли фаҳрим бор, ўкинч йўқ бундан.
Аммо лаънат бўлсин, лаънат бу онга —
Шоирга мақола ёздириб қўйган,
Сиёсат ортқилаб қўйган замонга!

Қалбимнинг қаърида шеър унган кундан
Борми ҳаётимда қутлуғроқ сана!
Қон силқиб турганда сенинг кўксингдан,
Мен қандоқ шўх куйчинг бўлайин, она?!

Бас! Иқбол қуёши бу кун тutilган,
Жонимда дарёлар қизиб борадир.
Кўзлар осмонидан юлдуз тўкилган,
Тунлар вужудимда тоғлар юрадир...

Мен тинглаб бир мубҳам кирғоқдадирман
Қисматнинг гулдирос кулгиларини.
Балки ўз жисмимда кўрмоқдадирман
Бу кун охирзамон белгиларини.

Балки биз бир карра яшаб ўтганмиз,
Энди моддий олам оҳ-воҳларимиз?
Эҳтимол, гуноҳкор ўлганларнинг биз
Дўзахга ташланган арвоҳларимиз?!

Оҳим! Осийларни оёққа қалқдир,
Қиёмат кўргузмай далил-хужжатин,
Ки, бу ҳам яшашга ҳаққи бор халқдир,
Қалбларга қадаб қол қасос кўчатин!

Муте қисматимиз — жаҳоний тилсим,
Кўкламни алишдик мунгулғу хазонга.
Лаънатлар, лаънатлар, лаънатлар бўлсин
Хур қалбни банд этиб қўйган замонга.

Ким зиндон тузумни яшар қуллуқлаб?
Уликлар тушунмас қонли додимни.
Юртим! Эркинг учун ўзим қуллуқлаб,
Қурбонликка сўйдим истеъдодимни.

На ижод, на доврўқ — истак-нажотим,
Дилларни поклайин ноҳақ шубҳадан:
Буткул сабил қолсин менинг ижодим,
Фақат озод бўлсин шу халк, шу Ватан!..

Юкинув

Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ,
аммо сендин ўзга ҳам кишим йўқ!..

Алишер НАВОИЙ

Илоҳи, сўзимда сўнгсиз сўровлар,
Аслимни ҳовучлаб, йиғладим гоҳи.
Бировлар билмаган жумбоқ-буровлар
Номингдан ечилиб яйрар, илоҳи.

Илоҳи, нигоҳинг сирларга гувоҳ,
Гуноҳим даштида унди дил оҳи.
Аёнинг, ўзимга ноаён гуноҳ,
Умидим паноҳи сенсан, илоҳи!

Илоҳи, бу руҳим бақога ёндош,
Фанога қариндош қаттиқ вужудим.
Энг кичик зарраман — йўқликка номдош,
Дунёи далилман, йўқдир ҳудудим!

Илоҳи, тоғларинг ҳаракатдадир,
Улик водийларинг тузгай зиёфат.
Минг ҳикмат хонқиздек бир санъатдадир,
Чирилдоқ унида — мангу зарофат!

Илоҳи, қуёшинг, ойинг авайлар
Жонзоту экинлар — туман исмлиқ.
Дилга чуқур қўниб, тилимда сайрар
Қуш оёқ, қуш тили деган ўсимлиқ.

Илоҳи, инсон-ку ўзи — коинот,
Денгизда — долғалар, қалбада — эҳтирос...
Тамонликдан тортган изтиробим бот
Тавбам деб англсанг, кимда эътироз?!

Илоҳи, ҳар наки мангуликка эш,
Ҳар наки покликдан — сандан далолат,
Унга ҳайратимни сочсам куну кеч,
Шукронам деб қабул қилгайсен фақат!

Илоҳи, билгайсен вазиятимни,
Илоҳи, умидим қилмагайсен кул.
Ҳақ йўл деб чеккан ҳар азиятимни
Ибодат ўрнида этгайсен қабул!..

Авлод

Эшқобил Шукур, Абдували Қутбиддин, Мақсуд Бекжон, Азиз Саид, Назар Эшонқул, Дилшод Шамс, Абдул Жалил ва шу сафдаги бошқа дўстларимга бағишлов

Шукр, сиз келдингиз,
Ғам йўқ камимдан,
Номус жанггоҳида эмассиз четгир.
Ғамингиз ғамлироқ менинг ғамимдан,
Кўзларингиз менинг кўзимдан ўткир.

Боқсам,
Сўзингизда — руҳ ўйинлари,
Иймон ранг кўргузар янгилик билан,
Улим-ла довлашар қалб қуюнлари,
Ажал ўйнашади мангулик билан!

Ҳасратдан не асиг?
Туткун заминда
Оҳ! — десам, оғзимга юрагим келар.
Акалар қинғирлик қилган замонда
Укалар бошини силагим келар.

Асл шеърятга ҳар гал дуч келиб,
Мен-ку уяламан шоирлигимдан.
Саботли сафларга уланди бўлиб,
Шукр, сиз келдингиз! —
Энди мен кимман?

Энди мен табаррук доврўингизга
Ҳавас-ла боқувчи жангчиман, холос.
Фақат... Гоҳ туз селса оғриғингизга,
Тилдош оломондан ранжиманг, холос.

Юртда бир шоирнинг бағри ҳам бутмас,
Ҳақиқат — тупроқда, фалак тоқида.
«Фақат шоир бўлиш...
Бу ҳали етмас,
То кишан бор экан юрт оёғида»*

Ижод қолар эмиш!..
Жанг ҳам қолғуси!
Кишанбанд жоҳилнинг ожиз саси бу!
Тургач халқ бошида тузум чалғиси,
Қўрқоқ қочкинларнинг фалсафаси бу!

Умидим — ноумид қилмасин фалак,
Уюшган улусни «бутаб» бўлмайди.
Барча феълимизга эл чидар бешак,
Фақат хиёнатга чидаб бўлмайди.

Кураш биздан бўлса,
Умид — худойдан!
Кунчиқар юртини кўрингиз озод,
Эй, салаф овози етмаган жойдан
Ватан туркусини бошлаган авлод!

Ҳақиқат

Йўк, йўк, аҳволимни гуллар тушунмас,
Гуллар сўлса ҳамки, очилиб сўлар.
Ҳақиқат! Бу тугун юрагимдан, бас,
Беғубор баҳор ҳам гулдираб кулар.

Беморлигим важи аниқ эмас, дод,
Тилсимдир тушларим таратган нола.
Ҳақиқат! Қошингда менман — умрбод
Отасин соғиниб ичиккан бола!..

* Абдулла Орипов сатрлари.

Тасаввуф

Қадаҳ дунё экан,
Дунё қадаҳдир!
Май — мазмун, илоҳий ишқ экан, ажаб!
Кўксимга гўзаллик тиғин қадабдир
Мангу мажоз билан оламни бежаб.

Ўзидан кечмаку
Дунёдан кечмак —
Ўзни топмак экан,
Дунёга етмак!
Дунёни тарк этмак — ер билан, демак,
Борлиқ хилқат билан бирлашиб кетмак!

Ёр надир?
Зор надир?
Ва дийдор надир?
Ёр ҳақдир, ким келар ҳақиқатга дуч?!
Бизнинг жўн севги ҳам ерда ҳарнадир,
Бу — илоҳ ишқидан мингдан бир улуш.

Бунча ёр васлига ошиқмай десам,
Рухоний дунёнинг буюк сири бор:
Мен нечун бандадай ошиқман десам,
Аёл чиройида
Оллоҳ нури бор!

Олимлар, эй, юзсиз замонларга жўр,
Илм сизга — қолип, мозий ажабми?!
Умар Хайём магар ширакайф майхўр,
Навоий шунчаки майсевар қалбми?!

Тупроқ тилсим экан,
Хок айла, ё раб,
Илмга озуқа қилгин гилимни.
Халқ эмас, юрт эмас фақат,
Во ажаб,
Кўрдик мустамлака бўлган илмни.

Рухлар дунёсидир илоҳий баёт,
Қадаҳ бор бўлгаю
Шароб бор бўлгай.
Дунёдан кечганга ёр бўлгай ҳаёт,
Ўзидан кечганга худо ёр бўлгай!..

* * *

Эй, юртимнинг хилватлари, овлоқлари,
Аждодларим, азизларим тупроқлари!
Еқмас менга кенгашлари, йиғноқлари,
Юрагимда фақат ишқнинг тўлғоқлари!..

Эй, Тўполон дарёгинам қурғоқлари,
Сувлоқлари, тошлоқлари, қумлоқлари,
Қайга учар қамишларнинг тўзғоқлари?..
Юрагимда фақат ишқнинг қийноқлари!!!

Эй, Бандихон саксовули, юлғунлари,
Қоплонсойнинг ковраклари, сўлғинлари!
Янгичадир қирғинлари, сургунлари...
Юрагимда фақат ишқнинг тўлқинлари!

Эй, рақиблар пистирмаси, бўғовлари,
Саройчилар буровлари, сайловлари,
Бари — тузум алдовлари, алдовлари!..
Юрагимда фақат ишқнинг оловлари!

Етар! Энди на зор керак, на ор керак,
Дунёси тор! Дийдор керак, дийдор керак!
Балки менга фақатгина бир дор керак!
Юрагимда фақат ишқнинг армонлари!..

Мени енгган истак

Юрт безанур, юрагим юпун,
Анда омон асрасин сени!
Баҳор бўлиб қолдинг мен учун,
Баҳорларда эслагин мени.

Кўчганида кўкда гулдирак,
Кўчиб ҳар гал кўксимдан юрак,
Ишқ фаслидан топурман дарак,
Баҳорларда эслагин мени.

Ёшлиқ қолур ишқ эртагида,
Биз хўшлашган боғ этагида,
Ғам устида, ёмғир тагида —
Баҳорларда эслагин мени.

Дийдор бўлгач яшашдан мурод,
Лангар ишқдир, йўлиқса сирот!..
Бошқа фасл этмасанг ҳам ёд,
Баҳорларда эслагин мени.

Ўз қалбимга ўтлар қалайин,
Пок севгига умр тилайин.
Ўлсам, сендан олдин ўлайин,
Баҳорларда эслагин мени.

Сендан совға — армон, беғубор,
Тагин ширин хаёллар юбор.
Мендан сенга эсдалик — баҳор!
Баҳорларда эслагин мени...



Лўли манзумаси

Қайдаки лўли бор — эркин йўли бор,
Мангулик бу толе чиқмагай йўққа!
Лўли қиз кўшиғи — беғубор, у зор
Жисмимни тутатиб, ўрлатар кўкка.

Фақат эрк кўксига қапа тиккан халқ,
Фақат ҳур кўшиқлар айтган қабила
Қайси сир-жодудан қолгайдир бефарқ?
Лўли билганини, оҳ, мен на билай?!
Фақат бир нарсани билмас лўлилар,
Бир ҳолдан вокифмас у сайёр банда:
Ватансиз эрк ичра яшаса бўлар,
Яшаб бўладими эрксиз Ватанда...

Кўпдан бери матбуотда (айниқса, «Ёшлик»-да) шеърларим кўринмагани баъзан ўзимни ҳам ўйлатади. Бир томондан эса ўта ақлли кўринган кўрқоқларнинг: «Адибдан фақат ижод қолади, сиёсатга аралашма», деган фикрлари кўнгилни ғаш қилади. Бироқ шоир қалбини матбуотда шеъри чиқмаслик ҳолати эмас, балки шеър ёзолмаслик ҳолати қийнайди. «Чеккагир қаламкашларга» деган машқ шеъримда мен юқоридагидек таъналарга, бундай офатлардан халқнинг қирилса, ижоднинг кимга қолади! — деган маънода жавоб берганман. Бу гапга яна қайтишга ўзимда мажбурият сездим ва шеър ёзолмасликнинг сабабини ушбу

Бодом гулбарглари

Хар гал сени кўрсам ҳаёт тонгидан,
Эски туйғуларим яшнар янгидан.
Ухшаши йўқ гўзал юз кўрдимми, бас,
Шу кун барча ишим келар ўнгидан.

Сўзлаш самодаги малойик билан,
Сирлашма кўп аҳли алойик билан.
Ошиқ, Гўрўғлидек ўзингдан қолма,
Ишқ иши битмагай халойик билан.

Бораман, келаман, хорман, сарсонман,
Қийноқ майин ичиб, мастман, шодонман.
Умрбод озодлик учун курашиб,
Изнимни бир гулга берган нодонман.

Муҳаббат номасин бағри бутга бер —
Иста — сувга ташла, иста — ўтга бер!
Одам бўлмайман ишқимдан кечиб,
Хоҳла — устимдан ёз, хоҳла — судга бер!

Рақиб: мен куйганман, деди тутоқиб,
Мен ўлиб кетганман, дедим жим боқиб...
Бир гулнинг устидан ҳасратлар қилиб,
Дўстона тарқалдик иккита рақиб.

Қонун йўқ ишқ деган қонундан бўлак,
Қисмат! Бас, сўрмагил қонимдан бўлак.
Рақиб борин тикди жонидан бошқа,
Менинг ҳеч нарсам йўқ жонимдан бўлак.

Ҳар қайда тарози, ҳар не нархи бор,
Рухимда изтироб — дунё тарки бор!
Энди дўзах бўлса борар жойим ҳам,
Воҳ, икки дунёнинг нима фарқи бор?!

Кўзимдан ёш кетиб, қурғоқ бўлурмен,
Шароб ичган сари қақроқ бўлурмен.
Йиллар йўлларингда йиғлаган сайин
Вужуд лойим куриб, тупроқ бўлурмен.

туркумдаги айрим битикларимда ифодалашга уриндим.

Қаламкаш адабиёт ихлосмандини фақат ўз дарди билан бўғаверса ҳам бўлмайди. Шу хи-жолат билан, тагин шеърхонга шафқат юзасидан, бу туркумга солмоқ жиҳатидан ҳафифроқ, яъни енгилроқ лирик шеърлардан, ҳазил унсурлари аралашган тўртликлардан ҳам қўшишга қарор қилдим.

Шеърни қаттиқ соғинган эканман, ҳуллас, мен ёзмаган, баҳор фаслида ўзи ёзилган ушбу шеърларни минг андиша билан ўқувчи ҳукмига ҳавола этдим.

МУАЛЛИФ

Бугун учинчи кундирки Туркистонда аза, Бухорода эса алоҳида мотамсаролик. Шаҳар бозорларида Зирабулоқ яқинидаги жангда душман ғолиб келгани, не-не йигитлар беаёв тигдан ўтказилгани, амир Музаффар қўрқоқлик қилгани тўғрисида бир-бирдан ваҳимали «миш-миш»лар тарқалган. Шу кун кечга томон мағлуб лашкар амир Музаффар бошчилигида шаҳарга қайтди.

Қалъа дарвозаси олдида тўпланган шаҳарликлар мағлуб лашкар пойидан кўтарилган чанг булут ичида қолиб кетди. Шом намози ўқилгач, амир Музаффар сарой аёнлари қуршовида шаҳарга кирди. У эгар устида бошини ҳам қилиб ўтирар, жуссаси жуда кичкина ва ғариб кўринар, сарой шоирлари қўшиқ қилиб куйлаган

— Бу қандай шовқин? — Амир Музаффар қўли билан шаҳар томонга ишора қилди. — Бухорода нималар бўляпти ўзи?

— Исён, олампаноҳ... — қўрқаписа жавоб берди девонбеги. Амирнинг қўйқўзларидан ўт чиқиб кетди.

— Муддаоси нима экан уларни? — деди у ғазаб билан.

— Халқ урушни давом эттиришингизни сўраяпти, олампаноҳ. — Фон Кауфман билан сулҳ тузганимизни эл билмайдими?

— Билишади, олампаноҳ. Амир Музаффар девонбегининг кўзларига қаттиқ тикилди.

— Билишса яна нега исён кўтаришади? Сабабини англатинг, бек!

— Халқ ғазабда, олампаноҳ. Бухорога келган қочоқлар бир-бирдан ваҳимали воқеаларни сўй-



Насрулло ҚОБУЛ

Амир Музаффар

ҲИКОЯ

«соия худо»дан кўра, пиридан дакки эшитган муридга ўхшаб кетарди. Амир Музаффар бошини кўтариб атрофга қарай олмади, тўпланган оломон ичидан шошиб ўтганча Аркка кирди.

Эрталаб амир Музаффар жойнамоз устида саловот ўқиётганида қулоғига олисдан, Арк билан шаҳарни ажратиб турган баланд тош девор ортидан одамларнинг гоҳ наърага, гоҳ нолага ўхшаш ғалағовури эшитилди. У юзига фотиҳа тортгач, ўрнидан кўзғалмай қарсак чалиб:

— Ҳой, оғалик! — деди овозини баланд кўтариб. Орадан лаҳза ўтмай остонада эшик оғаси пайдо бўлди.

— Девонбегини чорланг!

— Хўп бўлади, олампаноҳ!

Ичкарига девонбеги кирди.

лашмоқда. Ҳазратим буюрсалар, ҳаммасини арз қилайин.

— Айтингиз!

— Битимга муборак муҳрингизни босган куннинг эртасига фон Кауфман Самарқанд чорсусида дор қурдирган. Эл оғаларидан ўн тўққиз кишини остирган. Даҳбет қишлоғида одам бошига бир тилладан солиқ солибдилар. Тўлашга қурби етмаганларни бола-чақаси билан ҳовузга чўктиришибди. Бу ҳам етмагандай уларнинг жасадини сотиб, ўликфурушлик қилганлар...

Амир Музаффар ўрнидан туриб кетди.

— Нима дедингиз?! Уликларни сотишибдими?

— Олампаноҳ каромат қилдилар, — деб гапида давом этди девонбеги. — Каттақўрғон қалъасидаги навкарлар девор ёнидан

ўтган болаларни ўлдиришган. Ким жасадаларга яқин борса уларни ҳам отишган. Ота-оналар болаларининг ўлиги устига боролмай қолгач, ахийри қалъа тўрасига арз қилишса, «пул берсангиз, ўликларни олиб кетасиз», дебди...

— Фақат шуми?

— Бобобек билан Жўрабек Шаҳрисабзда қурултой чақириб, сизни тахтдан маҳрум этилган деб эълон қилибди. Уғлингиз шаҳзода Абдумаликни хон қилиб кўтаришибди.

«Демак, фон Кауфманга таслим бўлиб сулҳ тузгандан бери юртнинг баъзан у, баъзан бу беклигида кўтарилиб турган ғалаёнлар энди бутун хонликка ёйилибди-да».

— Яна қандай «хушхабар»лар бор?!

— Шаҳзода Абдумалик фон

Кауфман устига қўшин тортмоқчи эмиш...

Амир Музаффарнинг назарида, сарой девори бир томонга оғаётгандай туюлди, қулоқлари шанфиллаб, боши айланди.

— Ҳузуримга Усмонбекни чорланг! Тезроқ!

Бир неча дақиқадан кейин амир Музаффар қаршисида лашкарбоши Усмонбек турар эди.

— Эшитгандурсиз Усмонбек, ўғлимиз сулҳ шартларини бузибди. Нонкўр бекларнинг сўзига учиб ота юзига оёқ қўйибди. Бу бебошликни олдини олмоқ лозим. Сарбозларни оёққа турғазинг. Самарқандга отланг. Фон Кауфман билан бирлашиб ғалаённи бостиринг!

Усмонбек индамади.

— Нега жимсиз, бек?

Усмонбек амир Музаффарнинг кўзларига тик қараб оҳиста, аммо қатъият билан:

— Мен халқнинг ва танграмнинг қарғишидан кўрқаман, олампа ноҳ... — деди.

— Очикроқ гапирингиз, бек.

— Элимни талаган босқинчи қолиб ўз биродарларимни қонга ботиришга қўлим бормайди...

Амирнинг юзига бирдан қон тепди ва бу ғазаб қони бутун танини олов олдириб юборди.

— Жаллод! — деб бақирди у телбавор овозда.

Эртаси кун амир Музаффар шаҳзода Абдумалик устига қўшин тортди.

Амир Музаффар ўша кундан буён тарки дунё қилгандек на девонхонага, на ҳарамхонага борар, ҳеч ким билан гаплашмай хосхонасига беркиниб олган эди. У бугун ҳам аср намозини ўқиб, аранг ўрнидан қўзғалди.

У қоронғу тушиши билан вужудида пайдо бўладиган азобли ўйлар яна бош кўтараётганини ҳис этди. Юраги сиқилди, тобора зўрайиб бораётган кўрқувдан қутулиш умидида дераза раҳига бориб суянди. Арkning баланд деворлари ортидаги шаҳар тун пардаси ичида аста-секин ғойиб бўлиб борар эди. Дам ўтмай тун қуюқлашиб, зулматга айланди. Аввал Минораи Калонни, сўнгра унинг пойидаги Мир Араб мадрасасини домига тортди, кейин Аркни қамраб олди. Улкан шаҳар Бухорои шариф гўё ҳеч қачон дунёда бўлмагандай кўздан йўқолди. Амир бу қоронғу зулматга тикилиб тураркан, хаёлида, «Эсизгина Бухоро», деган тушкун ўй кечди. Ич-ичидан ўкрик тутиб келди, кўзига ёш қуйилди.

У умидсиз қиёфада дераза қаршисидан нари кетиб, шоҳона тўшакка чўзилди. Бир зумда уни уйқу элтди. Тушида ўргимчак ини билан қопланган хосхонада турганмиш. Тўрдаги ўриндиқда қотма гавдали Усмонбек ўтирганмиш, бошида салласи йўқ эмиш, ўнг қулоғидан симбога ўхшаган суюқлик осилиб турганмиш. Усмонбек жимгина унга тикилармиш-у, аммо шу нигоҳининг ўзи ниҳоятда оғир ва даҳшатли эмиш. Амирнинг нафаси бўғила бошлабди, турган ерида қалт-қалт титраб, тўшак томон юрмоқчи бўлибди. Усмонбек қулоғида осилиб турган суюқ томчини кафтига олиб, унга узатибди. «Ич», дебди. «Заҳар?!» Хаёлига келган даҳшатли фикр уни қочишга ундабди. Бироқ оёқларига ўралиб олган ўргимчак ини уни жойидан қимир этгани қўймасмиш. Усмонбекнинг «заҳар» тутган қўли у томон чўзилибди. Амир жонҳолатда ўзини ортга ташламоқчи бўлибди. Аммо на оёғини кўтара олармиш, на қўлини қимирлартармиш. Эшик оғасини ёрдамга чақириш учун оғасини очибди, лекин овоз чиқиш ўрнига жағларидаги тишлари тўкилиб, оёғи остига тушибди...

У қора терга ботган қўйи уйғониб кетди. Юрагини дуқиллаб уриши ўзига аниқ эшитилар эди. «Яна таъқиб, яна ўшанинг кўзлари. Ох, разил! Қачонгача тикиласан менга? Нега ўз ҳолимга қўймайсан?! Э, худойим, қай гуноҳим учун бунча азоблайсан?» Унинг эти увиша бошлади. Тўйқус ҳозиргина кўрган тушини эслаб қолди. «Боя тушимда тишларим тўкилдимми? Демак, менинг куним битибди...» У ҳансираб нафас оларкан, деворни пайпаслаб ушлаганча тўшак ёнига келди, ўзини кўрпача устига беҳол ташлади. Кўзларини чирт юмиб, ҳеч нарсани ўйламасликка тиришди. Аммо ўйламасликнинг иложини қилолмади. «Нега мени таъқиб қилади?» деган савол миясига маҳкам ўрнашиб олганди. «Агар ёғийни қўли баланд келиб, юртни эгаллаган бўлса, худонинг хоҳиши. Ҳеч нима тақдирдан ташқари бўлмас». У шундай ўйни кўнглидан ўтказаетиб, бирдан кўзлари қосасидан чиқиб кетгудек чақчайиб, меҳробга тикилиб қолди. Меҳробда бир жуфт кўз унга қараб турарди.

— Яна нега келдинг? — деб жон ҳолатда бақирди амир Музаффар.

— Титрашингни қара, — деди нафрат билан меҳробга жойлашиб олган кўз. — Кўрқоқ эдинг, кўрқоқлигингча ўласан.

— Мен-а, юрт соҳиби-я?

— Эсингдами Зирабулоқ жанги, қиличингни қинидан чиқармадинг-а? Жанг тугамай Қизилқум тарафга қочдинг...

— Юртни деб, янги қўшин тўплагани...

— Ёлғон! Жонингни асраб қолдинг, ватанфуруш. Юртни сен ҳароб қилдинг. Ёдингдами, Алимқул додхоҳ Чимкент ёнида ўрисларни тор-мор қилганди. Сен унга кўмак бериш ўрнига Қўқон устига қўшин тортдинг. Алимқул додхоҳ ёғий қолиб, сен билан уришмоққа мажбур бўлди...

— Мен отамерос ерларни тағипаст Худоёрхондан қайтиб олмоқчи бўлдим.

— Шайхулислом Ҳожа Дўстни нега қатл қилдирдинг? Ибодулла Тўқсабони-чи? Сотқин Саидазимбойнинг гапига кириб, элимиз устунларини қулатдинг, сўйдинг... Мени-чи, нега қулоғимга заҳар қўйиб ўлдирдинг?

— А-ҳа, — деди амир Музаффар даҳшат билан вишиллаб. — Юрт ғамидат келдингни десам, ўзингнинг хунингни сўраб юрган экансан-да. Сизлар мenden ортиқ-массиз, ҳаммангиз разилсиз.

— Хунини сўраб юрган ёлғиз мен эмас. Қара, улар сен томон келишяпти.

Дарҳақиқат, меҳроб кенгайди-ю, унинг ичидан юзлари қон гўдаклар, чавақланган ўсмирлар, ҳўрлаб ўлдирилган аёллар, бошлари чопилган эрлар, тириклай ёндирилган чоллар отилиб чиқа бошлади. Хона зах тупроқ ва ирий бошлаган мурдаларнинг қўланса ҳидига тўлиб кетди. Улар бирон сўз айтмай, жимгина амирга тикилишар эди.

— Мана сенинг қурбонларинг, — деди меҳробдаги кўз.

— Мен уларнинг ҳеч қайсинини сени дидрмаганмен.

— Сен уларни ўз ҳолига ташлаб қўйгандинг. Эсингдами, Черняев Тошкентни қамал қилганда, сендан ёрдам сўраб элчилар келганди. Сен эса уларни ҳайдаб юбординг.

— Бир томонда Муҳаммад Раҳимхон, иккинчи ёқда Худоёрхон Бухорога кўз олайтириб турган бўлса, қандоқ қилиб Тошкентга қўшин юборардим?!

— Сизлар бир-бирингизнинг гўштингизни егунингизча Черняев Тошкентда анавиларни бўғизлади, — меҳробдаги кўз шундай деб болалар томон ишора қилди. — Қолганлари Жиззахда, Қўқонда, Самарқандда чавақланди.

Амир Музаффарнинг юзи ға-

забдан буришиб кетди, хирқирок овоз билан ингради:

— Менга сенинг ўзинг камлик қилаётганмидинг? Нега буларни ҳам бошлаб келдинг?!

— Мен бошлаб келганим йўқ, уларнинг ўзи ўз қотилларини излаб келишди.

Меҳробдан кўзлар кўкиш тусга кириб ёнабошлади. Сўнгра кўзлар ёнидан қўл ўсиб чиқди-да, амир Музаффарнинг юзи томон узалди.

— Юзингга қоракуя суртаман. Бу доғ маҳшар куниям сендан кетмайди.

Мурданикидек совуқ, кўқарган бармоқлар унинг юзига теккандай бўлди. Амирнинг бутун вужуди муз қотди ва жонхолатда бақириб юборди-да, ўз овозидан ҳушига келди.

— Ҳой, ким бор?!

Остонада, қўлида шам тутганча эшик оғаси пайдо бўлди.

— Йўл ҳозирлигини кўринг, эҳромлик матосини тайёрланг, мен ҳажга бораман!..

Узоқлардан хўрозларнинг қичқириви эшитилди. Тонг бўзариб кела бошлади. Амир Музаффарнинг хосхонасига олиб кирадиган даҳлизда икки киши турар эди.

— Гумонингиз тасдиқланса, шаҳзода ни шу ерга олиб келамиз. Сўнги марта қачон алаҳсираган эдилар? — сўради қозикалон Убайдулло ҳожи.

— Ҳар тун алаҳсирайдилар.

— Нималар деб гапирадилар?

— «Жонимни олгин» деб худога нола қиладилар. Баъзида ҳажга отланиб қоладилар, баъзан...

— Хўш? — деди қозикалон тоқтасизланиб.

— Афв этинг, тақсир,— деди ҳарам оғаси,— қолган гапларни ҳеч кимга айтолмайман.

— Мендан шубҳа қиласизми? — деди қозикалон Убайдулло ҳожи синовчан тикилиб.

— Айтсам мени телба деб ўйлайсиз. Чунки сўзларимни тасдиқлайдиган шохид йўқ...

Шу пайт хосхона эшиги очилиб, қўлида обдаста кўтарган амир Музаффар кўриниш берди. Қозикалон билан ҳарам оғаси таъзим билан бош эгишди. Амир қаршида турганларни пайқамгандай таҳоратхона томон юрди.

— Кўрдингизми? — деди ҳарам оғаси пичирлаб. — Қасам ичаман, қараб туриб бизни кўрмадилар.

Амир Музаффар таҳоратхонанинг эшигини очиқ қолдириб, ичкарига кирди.

— Юринг, яқинроқ борайлик, —

деди ҳарам оғаси таҳоратхона томон юраркан. Қозикалон индамай унга эргашди. Улар таҳоратхонага яқинлашганда амир Музаффар таҳорат ола бошлаган эди.

— Ё тавба, — деб юборди қозикалон Убайдулло ҳожи. Негадир унинг афти буришиб, чап кўзининг ости пир-пир уча бошлади. — Офтобада сув йўқ-ку?

— Қаранг, қўлларига қаранг. — Юзларини бунча ишқаламасалар?

— Хаёлларида юзимни ювяпман деб ўйлайдилар. Баъзида соатлаб бетларини ишқалайдилар. «Қўл-бетимга қозонкуя суртилган» деб йиғлайдилар. Номоз ўқиб бўлгач, марҳумларни чақира бошлайдилар, — деди ҳарам оғаси шивирлагандек паст овозда.

Қозикалоннинг эти жунжикиб кетди. «Кимни?» дейишга базўр тили айланди.

— Шайхулислом Ҳожа Дўстни, Усмонбеки... Кимники жаллод қўлига топширган бўлсалар, ҳаммасини чорлайдилар...

Қозикалон Убайдулло ҳожининг ранги оқариб кетди. «Қон тутибди» деган муҳиш ўй миёсига урди.

— Мен билан юринг! — деди у хириллаган овозда. — Зудлик билан девонни тўплаш лозим.

Улар оёқ учиде қадам олишиб таҳоратхонадан узоқлашишди.

Амир кечадан буён йиғиштирилмаган жойнамоз устида аср намозини ўқийётганда остонада қозикалон Убайдулло ҳожи билан ҳарам оғаси пайдо бўлди. Улар нимадандир бетоқатланиб, амирдан кўз узмай туришар эди. Амир юзига фотиҳа тортгач, қозикалон деярли пичирлаб гапирди.

— Бир муҳим хабар важидан ҳузурингизга келдик, олампаҳоқ. Амир сўз қотмади, «хўш» дегандай киприк қоқмай тикилди.

— Фон Кауфман элчиси Саидазимбой ёрлиқ олиб келди. Илкин-гиздан чиққан Китоб, Шаҳрисабз, Қарши вилоятлари яна ҳукмингизга қайтарилибди. Сарбозларингиз билан фон Кауфман қўшини бир-галлашиб исёни бостирибди.

— Шунинг учун кўк тўн кийиб олдингизми?

— Йўқ, олампаҳоқ... Фанимларингиз Бобобек билан Жўрабек фон Кауфман хизматига ўтибди...

— Шаҳзода-чи?

— Уғлингиз шу ерда, олампаҳоқ.

Шундай деб қозикалон ортига ўгирилди ва қўлини кўтариб остонада турган сарой оғасига ишора қилди. Хизматкорлар устига чой-

шаб ёпилган тобутни ичкарига олиб киришди-да, хона ўртасига қўйишди. Амир Музаффар жойнамоз четини маҳкам чангаллаб, ўрнидан турди.

— Шаҳзода ўз жонига қасд қилибди, олампаҳоқ...

Қозикалон Убайдулло амир Музаффардан кўзини узмай, жим қолди. Хонага чўккан сукунат узоқ давом этди, ниҳоят, амир Музаффар сарой оғасига қаради-да:

— Юзини очингиз, оғалик, — деди.

Сарой оғаси энгашиб чойшабни кўтарди. Амир Музаффар ўғлининг энгагига танғилган саллапешга, дўнг пешонасига, бурнига ва кузалган мўйловига ранги бўзариб тикилди. Қозикалоннинг назарида у бирпасда қариб, мункайиб қолгандек туюлди. У ота-ўғилни ёлғиз қолдириш ниятида сарой оғаси ва хизматкорлар билан хонадан чиқди.

Қозикалон шитоб билан юриб бораркан, дарҳол шаҳзода Абдулаҳадни топиш лозимлиги ҳақида ўйларди. Мотамсаро саройнинг қайсидир кунжида ўтирган гўдак, шаҳзода Абдулаҳад энди унинг ягона умиди эди...

Амир Музаффар тобутга яқинроқ бормоқ учун олдинга интилди, аммо буткул аъзойи-баданига қўшилиб дағ-дағ қалтираётган оёқларини қимирлатишга ўзида мажол топмади.

«Яна бир хиёнат, оёғим ҳам менга бўйсунмайди-я...» Амир бўғзига тиқилган газабдан инграб юборди, ҳамон қўлида чангаллаб турган жойнамозни алам билан чайнай бошлади. Дафъатан, ҳажга отлангани ёдига тушдию бошини илқис кўтарди. «Саройда ортиқ қоламанмайман. Маккага, тезроқ ҳаж сафарига жўнашим керак... Хаёлига келган фикрдан далда олди, оёқларини судраб босганча эшик томон юрди ва остонада бир жуфт кўз ўзига қараб кулиб турганини кўрдию чинқириб юборди. Юзини қўллари билан бекитиб, ўзини орқага ташлади. Аммо хона ичини юзлаб, минглаб кўзлар босиб кетганди. Улар буюмлар орасидан, шифтдан, девордан амирга газабнок тикилишарди.

Кутилмаганда ўртадаги тобутдан унга таниш бўлган кўз учиб чиқди-да, бостириб кела бошлади. Амир ўзини бурчакка отди, қўллари билан бошини чангаллаб ёжанак бўлиб олди, бўғзи йиртилгудек овозда бақирди. Қўрқувдан сочлари тиккайиб, кўз олдини туман пардаси қоплади.



Чинакам шоир хамиша шеър толиби, ишк толиб бўлиб яшайди. «Ешлик»нинг бугунги шеърят давра-сига йиғилганлар ҳам шеър толиблари, яъни чоқда эса турли илм масканларининг ҳам талабаларида: Инсон, айниқса, талабалик йилларида шеърнинг барча гўзалликларнинг фидойи ошиғи бўлади. Буни талаба ёшлардан журнализмнинг назм бўлимига кел-лаётган шеърини машқлар, изланишлар оқими яна бир қарра исботлайди. Шу ҳолни эътиборга олиб, «Ешлик» саҳифаларида янги мунтазам руки — «То-либ диллар давраси»ни ташкил этдик.

Марҳамат, толиблар мушоирасини тинглаб, баҳо-лаш — Сизга ҳавола, мухтарам шеърхон!

Назм бўлими

Моҳигул Отамирзаева

* * *
Арзимас, — дейишди, тирноқларингга,
Уларга қўшиб
Бармоқларимни ҳам
Сугуриб ташладим...
Дейишди:
Сочингнинг толаси қимматроқ ундан,
Сочларимни юлдим битта қолдирмай...
Кутмагин, — дейишди,
Хайф, кўзинг нури...
Нурсиз қолди қорачиқларим.
Охир... келди!
Шундоқ ёнгинамдан ўтиб кетди у
Кўрмайин —
Тирноқсиз, бармоқсиз, нурсиз одамни...

* * *
Улар...
Олмаларни «қарс-қарс» тишлаб,
Сувларин сачратиб
Еб юборишар.

Ва яна қўл чўзар
Оппоқ олмаларга...
Биз...
Кўрқамиз уларни ушлашдан ҳатто,
Кўлларимиз тоза эмасдай гўё.
Шундай тикиламиз уларга,
шундай тикиламизки,
Минг йил ановлар —
Шу шайт билан ейишганда ҳам
Биздек била олмас
Олмаларнинг нечоғ ширинлигини

* * *

Игна билан қудуқ қазийётгандим.
Синиб кетди игнам...
Ҳа-я, ахир уни —
Қудуқ қазимас,
Қашта тикиш учун берганди онам.
Энди қандай қашта тикаман
Синиқ игна билан?

10-синф

Деразадан ташқари — Дунё,
Деразадан ташқари — рўё —
Муаллимнинг айтган сўзи — сўз:
Фақат «синус», фақат «косинус».
Деразадан ташқари — баҳор,
Деразанинг кўзлари — ишқ,
Емғирда...
энг гўзал дарсда ўлтирар
«Б» синфдан бир бахтсиз ошиқ,
Ичкарида ... сочи узун қиз,
Этса ҳамки юраги «жиз-жиз»,
Табассумин қизғонар, муз-муз —
Ҳали...
ўқиш керак «синус — косинус»...

ТошДД, журфак, IV курс

Олим Усмон

Ҳолат

Ҳазин оҳанг таратади ой,
Сомеъ бўлиб тинглар кўзларим.
Оғиз очсам, раишқу ҳасаддан
Кетиб қолар ойдай сўзларим.

Ҳазин оҳанг таратади ой
Ёр номини пичирлаб лаби,
Мунгли-мунгли қўшиқлар айтган
Чўнг девларга банди қиз каби.

Ҳазин оҳанг таратади ой,
Кўкка боқар севишган кўзлар.
Сассиз йиғлаб кетаверар у,
Хайрон қараб қолар юлдузлар.

* * *

Ҳисоб-китобингни қилавер дунё,
Мен сендан бошимни олиб кетаман.
Поёнсиз бағрингга сиғмади бошим,
Мен энди ер қаёғрин макон этаман.

Эгилма қошимда мажнунтол бўлиб,
Овутма йўлимга гулларинг сочиб.
Алдама, гўзалман дея алдама,
Барибир бир қуни кетаман қочиб.

Чумолининг исёни

Жонга тегиб кетди гимирлаб яшаш
Чумолилар ичра, тошлар остида.
Эртадан кечгача елиш-ҳансираш,
Озиқ илинжида, бир дон қасдида.

Ногаҳон хаёлга келди учмоқлик,
Боқдим ниначининг ишқ ўйинига.
Улкан тош устига чиқдим-да, илкис
Ташладим ўзимни бўйлиқ қўйнига.

Ботиний кўзларим очилиб кетди,
Очилди кўринмас боғлиқ қанотим.
Мен учдим илк бора, учдим сўнги бора,
Яшиндай чақнади нурсиз ҳаётим...

Ҳар ҳолда англадим дунё нелигин,
Ҳар ҳолда яшадим мен ҳам бир лаҳза

ТошДД, филфак, V курс



Дилдора Мардиева

* * *
Намозиомгул маънос чалганида бонг,
Яшил боғ саҳнида титраганда тонг,
Бир япроқ оҳига сингиб бўзладим,
Имкон изладим...

Кенг қулоч ёзганда доларанг шафақ,
Қуёш ер кўксига бўлганида гарқ,
Руҳим тиловини айтиб кўзладим,
Осмон изладим...

Қаро шом хун исин туйганда тупроқ,
Соз додин ютолмай инграганда моҳ,
Ёввойи чечакнинг баргин сизладим,
Имон изладим...

Офтобдан, ойдан-да айро сузса чўғ,
Сабил туйгуларим — муаллақ гуруҳ,
Дилимни рихлатга, шеърга юзладим,
...изладим...

* * *
Дилдираб ингранса кумуш томчилар,
Сумалак бағридан сизиб чиқса пар,
Ёввойи қирғоқлар меҳрга тўлса,
Соҳирий ҳаёлга чўмар нилуфар —
Нигоҳида кўклам суврати.



Каримжон Турсун

Йўл

Бу йўл жуда узун, манзили олис,
Бекати саноқсиз, муюлиши кўп,
Бундай кўчаларда юрган одамнинг
Деворга бошининг урилиши кўп.

Йўловчи боради оғир хўрсиниб,
Юраги ҳадикда, қўлида ханжар,
Қароқчини эсга олса ногаҳон
Кўзи йўқ ярогин ҳаёлга санчар.

Орқасидан борар умр карвондек,
Унинг ҳам ишончли бир сарбони йўқ,
Кўча уйларида яшовчи элнинг
Бир-бирин қўллашга ҳиммат, жони йўқ.

Оламда мен ҳам бир адашган одам,
Кўз очиб кўрганим шу бўлди фақат —
Боши берк кўчага ўтириб олган
Тиланчи кампирга ўхшар салтанат.

Синган қилич

Қуёш унсиз йиғлар елкамга миниб,
Кўз ёшини артар қўлсиз шабада,
Тутларнинг тагида тўшагин судраб
Айёр соя ҳордиқ олар панада.



Еллар сочларини силаса тонгининг,
Ёпинчиқ, изласа оппоқ капалак,
Гуллар дийдасига интилса офтоб,
Соҳирий ҳаёлга чўмар камалак —
Нигоҳида кўклам суврати.

Ойнинг соясида бир дил тўлғонса,
Кўналғаси бўлса доим узлатгоҳ,
Майсалар тилагин кўксига жойлаб,
Соҳирий ҳаёлга чўмади тупроқ —
Нигоҳида кўклам суврати.

* * *
Ялангликда югураман ялангоёқ,
Пок манзилга элтармикин гулли сўқмоқ,
Мени кечир, азиз тупроқ, азиз тупроқ,
Нигоҳимга Зухро юлдуз кўмар сўроқ —
Кетасанми, менинг билан кетасанми?..
Қолиб кетса ўтмишларда суянкчим,
Саҳарларда қум ўлкага бўлсам интиқ,
Қовжираган қиёқларда ёнган дилни
Дарёларга улоқтирсам, улоқтирсам,
Мени кечир, азиз тупроқ, азиз тупроқ,
Юлдуз, ахир, орамизда узоқ йўл бор,
Мен чақинга айланаман, айланаман,
Сувда чўкиб кетса нетай юраккинам,
Уммон билан энди илсиз бойланаман,
Мени кечир, азиз тупроқ, азиз тупроқ,
Ирмоқлардан тонмай яшай оппоқ-оппоқ,
Сайёралар нур сипқорсин сув тубидан,
Бир бахт энсин бўм-бўи қолган кўкрагимга,
Мени кечир, азиз тупроқ..

ТошДД, журфак, III курс

Қуёшни елпийман яктагим ечиб,
Мудроқ босар уни бироз яхлагач,
Дарахтлар ярогин шамолда қайрар
Эртадан кечгача сукут сақлагач.

Менинг ишончим йўқ бу дарахтларга,
Тонггача йиқилар етмасдан кучи,
Пойшдан кесилган ҳар битта терак —
Исёнкор бобомнинг синган қиличи.

Мерос

Бобом эккан толлар бирма-бир
Учоқларда ёниб кул бўлди,
Бир туп олма дарахти охир
Қуртларга ем бўлдишу ўлди.

Ҳатто боши эгик мажнунтол
Ерни чизиб яшайдан толди,
Кўчамизнинг бошида эса,
Ҳеч гулламас симёғоч қолди.

Фаргона ДД, тарих факултети, V курс

Сен болсан гўё
эсладимми, лабим тамшанар,
Сен бир кулгу
шиддатидан кўз ҳам ёшлар.
Мен ғарибман, ким ҳам хафа қиларди,
Дўзах кўрдим, энди жаннат истар дил.
Эх, бошқалар, нечун сени севадир,
Севма сен, одаммас улар ахир,
Уларда дард ва изтироб не қилар,
Улар фақат кишнаб юрган йилқилар...

Улжас СУЛАЙМОНОВ

...ғира-шира.

Қандайдир кул сепилган ерга эмас, шифтга тикилиб ётганлигини у кейинчалик — зарғалдоқ тус пардага кўзи тушгач англади.

Хўрсинди...

Ҳамон билакларига бош қўйганича сим каравотда чўзилиб ётар, кечаси кўрпани оёқ учига тўдалаб, шунга оёқларини мингаштирган кўйи узала тушган, қачон кўзи илинган — билмас эди.

...ҳали тонг отмаган, деразанинг очиқ тавақасидан юлдузчасимон панжара ортидаги... осмон кўриниб турар, у — тунд, қат-қат булутлар иркит увада каби тўзғиб ётарди.

...ечинмапти ҳам.

Қаймоқранг атиргул! Уша кулбада?!

Буткул ёдидан ўчган кулбани туш кўриши ва унда қандайдир атиргулнинг барқ уриб туриши нохуш, ғайриоддий эди.

Кўкка топингач, оллоҳдан ваҳий келишини кутаётган Муҳаммад каби у фалакка тикилди, кўзларидан зиё кетиб, шуури зиёлашди. Шу зиё ёдининг бир четида муҳрланиб қолган кулбанинг аксини ёритгандай бўлди. Қўш тавақали ғужум эшик секин очилди-да, у ичкари кириб борди. Зах тупроқ оёқлари остида кул каби уваланди. Тарвузга узалган чоғи рутубат янада ачқимтирлашганини тўйди. Беногоҳ совуқ ва таҳдидли вишиллашдан сесканиб, бир қадам ортага чекинди, кўрдик, кулча бўлиб ётган чипор илон ҳаммага шайланиб, айри тилини пешлаётди...

Кейин... боши янчилган чипор, уни белкуракка илдириб, олиб чиқишаётганида ҳамон белининг майишмай тургани... хира суврат янглиғ кўз олдида аксланди. Ушанда — уйларининг ортида — илонни қиймалайтуриб айтган гапини орадан йигирма беш йил ўтгач, отаси тағин эслатган бўлди: «Илон — бехосият: ойна кўрса, тирилади. Буниси тирилмаган тақдирда ҳам, бошқалари шунинг изидан келиб ўч олади, тинч қўймайди энди». Чипор кўмилгач, текислаб ташланган ва илоннинг пўстидай йилтиллаб қолган жой анчага довр кўзларига кўриниб турди. Етти яшарлигида отаси дилига солган, кейин буткул унутган ўша ваҳм қайта бошдан юрагида ғимирлаб бош кўтарди ва хонанинг зимистон бурчакларида аламзада илон ҳамон вишиллаб ўч олиш пайида юргандек туюлаверди...

Уша уйларидан асар ҳам қолмаган.

У тирсагига таяниб қўзғалди-да, туриб ўтирди. Суяги оғир, қони гўё увиб қолгандай эди.

Ётар маҳали на қишлоғи ва на отаси хаёлига келмаган, унут воқеалар қаёқдан тушига кириб юрибди — ўзи ҳам ҳайрон. У узалиб устол устида турган «Родопи»дан бир дона олди-да, тутатди, нохуш ҳид кўнглини оздирди, сигаретни эзгилаб ўчирди, кейин бадбўй қўланса таралаётган кулдонга норозиланиб қаради.

У оғир хўрсиниб бошини кўтарди. Девор туссиз, булутли куннинг ўлик уфқига ўхшарди. Ранглар шу қадар оғир ва малолли эдики, улар муайян бир тус касб

Гаффор Ҳотам

ТОҲИР ВА КУЛМАГАН

этиши учун аввало унинг ўзи турғун ҳолатдан қутулиши, бунинг учун кайфиятини ўзгартириши, нимагадир уннаши, нимадир қилиши, яъни ҳолатга кириши лозим, шуни у билар, бироқ нимадан бошласин? Не қилсин? Нимага кўл урсин? Умрни сарфлашга арзигули нима бор ўзи? Ҳеч вақо... ҳеч вақога кўнгли чопмасди.

Бўғзига довр балчиққа беланиб ётган одамга ўхшар, бундан чиқиш фурсати гарчи аллақачон етган бўлса-да, гарчи шуни ўзи англаб турса-да, ҳеч бир рағбат сезмас эди.

Деразадан найза каби санчилган нур молберт қиррасига урилиб, синди. Молбертда Леонардо да Винчининг Мона Лизасига ўхшаб сузилиб турган малак мунг тўла кўзларини унга тикиб турар, чимирилишидан у норозидек, шундай эмас-да энди, яратувчим, юрагимда нималар борини пайқамас экансан, мен бечорани чалажон қилиб нетасан, дея гина қилаётгандек туюларди. Дераза тирқишидан қуйилаётган тангадай нур малаканинг ёноғидан ўпди, нурдан тириклик шарпаси янглиғ таралган шуъла унинг нурсиз юзини фавқулодда ёритиб юборди. «Чехраси нақадар жонсиз...»

У оғир сўлиш олди-да, бошини эгди. «Жалолиддиннинг Ватани» эмиш. Нақадар дабдабали сарлавҳа! Ҳолбуки...

Назарида, ранглар маъно касб этганидан буён шу триптихга уннайди у. Ватанини бир қиз сиймосида ифода этишга у дастлаб ўн беш йил аввал уринган. Ушанда хаёлан Гулбаҳорни тасаввур этган, чизган ҳам...

Ҳали у ҳаётнинг паст-баландини кўрмаган, китобларда ниманики ўқиган бўлса, муаллимлари ниманики ўргатган бўлса шу қабилда дунёни кўрадиган ва шу қабилда хаёлий мушоҳада юритадиган ўспирин эди. Институтнинг кириш имтиҳонига — иншо ёзгани ҳам аудиторияга дунёдаги тантиқ ва энг билимдон киши каби виқор билан кириб борди, ҳамманинг назари ўзида каби туюлиб, бундан ғурурланиб, кўзга ташланадиган жойга бориб ўтирди. Оқсоч домла аудиторияга кириб келганида унинг кўйлаги ғижимлигидан, рост, ажабланди. Домла иншо мавзуларини доскада қайд этгач бориб курсига ўтирди, бошларини чангаллаб, афтидан мудрай бошлади. Шунда унинг тамомила ҳафсаласи пир бўлди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси бир кун бурун тўй-пўйда ўлғудай ичса агар, эртаси кун уларга: «Қани бир футбол ўйнаганлар», дерди-да, ўзи бир четга бориб шу алфозда карахт ўтирарди. Тағин бу домла ҳеч бошини кўтармай: «Агар биронданг ул-булдан кўчирсанг қувиб соламан!», дея пўписа ҳам қилади.

ЗУҶРАНИНГ БАҲТИ

ҚИССА



Секин-аста ўтирганлар даҳага кирган қурт каби ги-мирлаб қолишди, баргнинг шитирлаши каби бирдан қисирлаган, шитирлаган товушлар аудиторияни тутиб кетди. Унинг ёнгинасида ўтирган йигит китобдан йир-тиб олган саҳифаларни титкилай бошлади, ундан нари-даги қиз хонатлас кўлагини сони баробар кўтарди-да, остига қўл суқиб, бир сиқим қат-қат қоғоз олди. У эса... У шўрлик...

...жанга аслаҳасиз кирган аскар каби нажот истаб теваракка аланглади. Назарида, аनावилар институт дар-возасидан ичкари кириб кетишаётир, у эса оёғи миҳлан-ган каби бир жойда қимир этолмай турибди. Аслида, ҳаммаси ўзи ёд билган мавзулар, бироқ таҳлика боис, йил этган бир фикр хаёлига келмайди.

Илк дафъа тақдирида рол ўйнаган ва аудиторияда қарор топган ноҳақлик иродасини тамомила синдирди. Ҳафсаласи ўлгач, қоғоз-қаламни бир четга суриб қўй-ди-да, зўрға қўзғалди ва йўлак тарафда ўтирган қизга рўбарў туриб қолди.

— Кечирасиз, қизиқ кетмоқчи эдим, ўтказиб юбор-сангиз!

Қиз унга паришон тикилди, кейин хаёли бўлингани-дан норозиланди — бу унинг нигоҳида акс этди.

Унга туюлдики, шу оҳу кўзларни илгари ҳам қайдадир кўрган. «Қаерда?» Қиздан кўз узиш, узилиб кетиш жуда маҳол эди. Бу кўзлар гўё ўзи пайқаманган ҳолда ўн сак-киз йил хаёлида яшаган, ўн саккиз йил юрагида армон бўлган.

— Айбга буюрмайсиз! — деди у анчайин хазин, гу-ноҳкорона овозда. Сўнг синиқ жилмайди. — Мен...

У қайтиб жойига ўтирди, шу кўзлар чиройи, ҳар кун и уларни кўриб туриш истаги кўнглига қувват бўлди...

Биринчи курснинг иккинчи ярмида Қоработир деса дегулик бир йигит ўша кўзларга банди бўлган каби худо-нон берган кун и уларнинг аудиторияси атрофида ўра-лашиб қолди. Тоҳир бир кун и қизнинг йўлини тўсиб бир нималар деганини, қизнинг лаби бурилиб кетганини кўрди, шунда йигит оғир шарт қўйган каби жуда кескин ҳаракат қилди, қизнинг юзи оқариб кетди. Кейин у ҳеч кимга қўшилмай, бир хил бўлиб юрди...

Тоҳир ҳис этдики, тақдир қизни қандайдир зулумот сари ҳайдаётир, Қоработир деса дегулик йигит унга: «Ўлдириб кетаман», деган бўлиши ҳеч гап эмас. Шу пайтга довр қизга у бир нима демаган, шу боис дабду-рустан унинг шахсий ишларига аралашшга ҳеч қан-дай ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. У охир-оқибат бир фалокат содир бўлиши муқаррар эканини ҳис этар, қизни шу ба-лодан халос этишига журъат сезар, ҳали ҳарҳолда фур-

сат бор, шу имкондан фойдаланиб икки орага тўсиқ қўйиши лозим, шуни истар эди. Уч кун дарсга борма-ди у, уч кеча миҳжа қоқмади ҳам. Жисми-жаҳонида яширин ва ўзи астойдил ишонган илоҳий қудрат ларза-га келди-да, унинг тошқинлари сиёҳга айланиб, мато юзига оқиб тушди. Тасвири солинган қиз зоҳиран Гул-баҳорнинг ўзгинаси эди. Эгнида бурма ёқали оқ ҳарир кўйлак, ёқалари ҳам учишга шайланган қалдирғочнинг қанотларига ўхшаб кетади. Фарқи чиройли очилган соч-лари икки ёнига қўйилиб тушган, улар хаёл каби унсиз, беором. Малакнинг гунча лабларию камондек қошла-рида қалдирғоч қанотиға монандлик бор. Қийғоч кўз-ларида сирли бир хилқат яширин, бу нима: ёрга инти-зорликми, айрилиқ қийноғими, меҳрми ва ёки меҳрга ташналик — билиш маҳол эди. Синчиклаб узоқ тикилган кишигина унинг кўзлари хиёл намланганлигини, қисмат-даги кўргулик сезгисидан беором эканлигини пайқаш и мумкин эди, холос.

Сувратни тугатгач, у шалағи чиққан йиғма каравотга омонатгина ўтирди, кўзларини юмди-да, бир лаҳза тин олди. Вужудини ларзага солган қудрат руҳи-жонида со-кин ва улугвор осойишталик қолдирган эди. Нина қа-далгандек ачишаётган кўзларини у зўрға очиб, ўрнидан турди, бориб қизга полотнони тақдим этмоқчи ва инда-май изига қайтмоқчи эди.

...Эшикни ижозатсиз очдию сил каби мотамсаро бир алфозда узала тушиб, оғир ўйга толиб ётган қизни, кейин унинг шоша-пиша очилиб қолган сонларини ёпиш-га уринганини илғади ва беихтиёр ҳолатдан чиқди — ижозатсиз кирганлигидан ҳижолат бўлди у, талмовсира-ди. Даҳлизга чекинаётганида: «Киринг, кираверинг!», деган эркакшода овозни эшитдию бошини ўгириб тўрға қаради. Қизнинг ҳамхонаси — ўнг қўлида мўйқа-лам, чап қўлини белига тираб, молберт олдида турар эди.

— Киринг! — деди у, сўнг дугонасига юзланиб: — Турсанг-чи, Гулбаҳор! — деди ва мийиғида жилмайиб қўйди. — Хонани йиғиштир, мен чой қўйиб келай, худо ёрлақаб шундай йигит меҳмон бўлиб келибди.

Гулбаҳор жойини, кейин устол устини йиғиштирди, дастурхон ёзди. Чой ичиб ўтириб, сувратни энди қизга бера олмаслигини у ҳис этди. Журъати адо бўлган, бу ерда қиладиган иши қолмаган эди. Пиёлани дастурхон устига қўйиб, бўшашган кўйи ўрнидан турди.

— Хай, майли, мен бора қолай!

— Намунча? — Эркакшода ўсмоқчилади. — Дарс-даям кўринмайсиз, соғинтирасиз. Тинчликми ўзи?

У, ҳа, тинчлик, деган маънода шоша-пиша бош

ирғади, кейин кўз остидан Гулбахорга назар солди. Қизнинг қарашлари худди ўзи чизгани каби теран бир ҳасратга кўмилган эди. Бу кўзлар нажот истаётгандай, ёлвораётгандай бўлиб туюлди унга. Шунда ўзининг журъатсизлигидан эзилиб, ерга кириб кетай деди у.

— Кўлингиздаги нима? — яна уни гапга тутди эркакшода. — Мунча бағрингизга босмасангиз уни? Суратми? Кимники? Узингизникими, ё?..

— Ҳа, бир чизувдим... — деди у тутила-тутила, манг-лайидан тер чиқиб кетганини пайқагач, ноқулай бу ҳолатдан тезроқ қутулиш учун: — Хай, майли, мен бора қолай. Утинглар мунда-ай, — деди. Ва шунда қайтиб Гулбахорга рўбарў бўла олмаслигини, мана шу сонияда барчаси биратўла бой берилаётганини у англаб етди. Эҳтимол, чорак соатдан сўнг буткул кеч бўлар? Эҳтимол, қайтиб у хонасига боргунича ҳеч қутилмаган фалокат рўй берар? Шунга англайтириб, тақдирга тан берган киши янглиғ ортига чекинди. Ва ноғох кимгадир урилиб кетди у, шунда кўлидаги суврат учиб, шарақлаб полга тушди; ўзи урилган вужуд бағоят майинлигидан у пайқадики, ортидаги — қиз, шу боис сувратга ўзалишдан аввал қайрилиб ундан кечирим сўради, сўнг сувратини олмоқчи бўлиб ўгирилганида кўрдик, уни аллақачон эркакшода курсдоши олган, сувратнинг юзига қоплаган қоғозгина полда тўшалиб ётар эди. Шу чоғ:

— Вой, бу сенинг суратинг-ку! — деган овозни эшитди ва кўрдик, эркакшода курсдоши Гулбахор сари юзларини сувратни унга кўрсатиб турибди.

Гулбахорнинг кўзлари чақнаб кетди. Дардга чалиниб ётган кимса интизор кишисини кўрганида не ҳолатга тушса, худди шундай — юзларига бир севинч ёйилди. Сувратга талпиниб ўрнидан турди-да, унга сари кўлларини узатди.

— Вой, қандай яхши!..

— Лекин нима учун энди «Жалолиддиннинг Ватани»? — Эркакшода курсдоши унга саволомуз тикилди. — Нега? Ахир, бу бир нимадан безовта бўлган малак-ку, йўқ, мен эмас, Гулбахор ҳам эмас, самовий бир малак! Қарашлари нечоғлик сокин — Рафазлнинг суратларидаги малойика бамисоли! Аммо сал нотинч у, яхшилик истайди, қани энди яхшилик улашсам дейди! Йўқ, нигоҳи сокин эмас, кўз илғамас сирли хилқатлар яширин унда. Бир нималар бўлаётгандай. Нима, сиз Жалолиддиннинг ватани шунга ўхшаш демоқчимисиз, Тоҳир? Жуда ғалатию қарашларингиз, а?!

У индамади. Бағридаги чигил тарқаб бораётган эди. Гулбахор лаблари билан унинг юзини силамоқчи бўлган каби оққушниқидай бўйнини чўзиб:

— Раҳмат сизга! — деди бағоят миннатдор, унинг гап оҳангидан яққол сезилиб турарди бу.

Эртаси кун яна у дарсга бормади — тош қотиб ухлади. Индинга эшитдики, Гулбахор Қоработир деса дегулик ўша йигитга:

— Бир бошда бир ўлим! — депти!..

Қани энди, манави чизганларини кўриб, лоақал бирон киши шундай деса: «Бир бошда бир ўлим!»

Бир кун келиб шундай кўйга тушиши муқаррар эканлигини ўзи ҳам сезар эди. Сурункасиз-ижод, ўз бошига орттирган ортиқча ғалва — ойномани безаш, турмуш ташвишлари, шунга кўмилган кунлар шамга, айтайлик, туйғулар ёғ бўлса, шу ёғни пилик каби шимиб, шунинг эвазига лопиллаб турган шамга ўхшар, қачондир ўша ёғнинг адо бўлиши, қачондир пилик қуриб, тутай бошлагани муқаррар эди. Тўққиз ойдирки, бу дунёда қиладиган бирон иши қолмаган каби бетайин ивирсийди, юраги зик. Икки ой бурун ўзини зўрлаб бир суврат ишлай

бошлади, бунда у гўё гўзалликнинг иккинчи умрини ифода этмоқчи бўлди. Мона Лизаникига қиёсан бир малак сувратини яратмоқчи, кейин дарз кетган ойна каби уни уч бўлакка бўлиб ташламоқчи ва уларнинг ҳар бирига қўшимча маъно ташувчи деталларни кенг кўламда, хирароқ йўсинда киритмоқчи, бирида қозон-товоқ, иккинчисиде — бола-чақа, учинчисиде — бужмайиб қолган олмага ўхшаш юракнинг тасвирини солмоқчи эди. Малак сувратини чизишга чиздию бирдан ният бачкана туюлди. Ҳар қалай, ундан эътиборга молик бир нима чиқмаслигига кўзи етгач, буткул кўнгли совиди, ортик ҳеч вақога ҳафсаласи қолмади. Авжи саратонда беомон каллакланган дарахт каби шалпайиб, толгин ва ноумид, афтодаҳол ўтирганида аллаким гўё қақиргандек туюлди. Шу ҳол яна такрорлангач, ҳаёлини йиғиб, товуш келган тарафга юзланди у: телефон. Оғринган каби ўмганини кўтарди-да, қирмизи аппаратга узалди, шу чоғ жиринглаш тинди ва тик ётган товуш эшитилди. У дастакнинг белига кафтини босганча хийла кутди, бироқ телефон қайта овоз чиқармади. У аппарат остига бостириб қўйилган эскизга кўз ташлади, бужмайган юрак тасвири қирмизи ранг олдида беғоят туссиз ва ўлик кўринди. Уч йил бурун шу ҳолатни туйганида, шаксиз, эскизни ғижимлаб итқитган бўлур эди, ҳозир ҳатто шунга ҳафсаласи келмади. Бундан буён бирон-бир кимсанинг дилида сўнгсиз бир ҳайрат туғдиргулик асар яратишга на умид, энг даҳшатлиси — ҳаттоки рағбат сезмади у. Кўллари — устол устиде — бургутнинг синган қанотлари каби шалпайиб ётар эди, қайтиб улар қилт этмайдиган каби, мўйқалам тутмайдиган каби. Зим-зиё саҳро оғушига сингиб кетаётган карвон гўё унга кўриниш бергандек бўлди. Ҳар бир туя — бир лаҳза. Улар — юксиз, уларни юкламаққа эса унинг юки йўқ. Вақт карвони шу зайл бесамар ўтиб бораётир — йўқлик сари. Карвон кўнғироғи садолари ўлик сукунатни тилим-тилим қилиб юборгандек туюлди. Тағин у телефон аппаратида унча хушламай тикилди ва иккинчи бор жиринглаганидан сўнг гўё ўлганининг кунидан дастакни олди-да, қулоғига тутди.

— Ало-о, — бу сас гўё ғойибдан келаётгандек эди, оҳанграбо сасларидай майин, дилни ўртагуччи, жонбахш.

У ҳорғин овоз берди:

— Ҳа.

— Кечирасиз, Тоҳирни чақириб бера олмайсизми, а? — Қиз унинг йўқ дейишидан чўчиётган каби шунчалар илтижо билан ўтиндики, ўтинч сасларини тинглай туриб, ўзини у дастакка суяниб тургандай ҳис этди. — Ало-о?

Қиз яна бир: — Ало-о? — дегач, ҳаёли ўчган каби у бирдан ҳушёр тортди ва: — Ҳозир, — деди-ю, сўнг нима деярини билмай ўйланиб қолди. Фаҳмича, уни эмас, қиз бўлак бир Тоҳирни йўқлаётган эди. Бу даргоҳда эса ундан бўлак Тоҳирнинг ўзи йўқ. Шунга рўй-рост айтишга эса сира унинг тили бормади, ипакдай майин шу овоз уни буткул ром этган, яна эшитгиси, яна у билан сўзлашгиси келар эди. Шу боис атай тайинсиз жавоб қилди:

— У киши... шу тобда... йўқ эдилар!

— Нима, бирон ёққа чиқиб кетибдими? Ва ё?..

— Ким билади дейсиз.

— Пичадан кейин сим қоқсам, чақириб бера оласизми у кишини?

«Сим қоқсам...»

— Албатта. Жоним билан. Биздан нима кетади... — У пойма-пой гапларни қалаштириб ташлади. Шу чоғ қизнинг:

— Сизни овора қилдим — айбга буюрманг мени.

Хўп, хайр, раҳмат сизга! — дегани эшитилди, астойдил хижолат бўлгани унинг овозидан яққол сезилиб турар эди. Тоҳирда бу муҳаббат ҳақида ёзилган дилбар ҳикоянинг диловар хотимаси янглиғ таассурот қолдирди.

Қисқа-қисқа ту-тулаган заиф овоз ҳамон жимликни бузиб турар эди, қўлидаги гулгун дастакка у маҳлиё бўлган каби бир лаҳза термулиб турди-да, кейин уни жойига қўйди.

«Оҳанграбодай-а! Нима эмиш, «сим қоқсам» эмиш! «Сизни овора қилдим — айбга буюрманг мени!» Хатто шоирлар ҳам мунчалар чиройли жумла тузолмайди... Тоҳир? Ким бўлди экан у? Тоҳир-р. Ҳм-м. Тоҳирлар манглайи қаро бўлган, ким экан бу — худо ёрлаққан? — У қирмизи аппаратга умрида илк дафъа жонли бир матоҳга қарагандай қаради. — Яна «сим қоқаман», деди. Ким экан у? Биронтасининг... — Узига шу тарзда тегишиши мумкин бўлган дўстларини эслади у, йўқ, ҳеч ким ҳозир бирон қизга унинг номерини бермайди ва айтмайдики, телефон қил, шуниям бир қитиқпага тегиб қўйялик, деб. Уша тенгдошлари аллақачон бунақа ҳазил-мутуйба дунёсини тарк этган, барчаси вазмин тортиб, ўзларига қўйилажак доҳиёна қиёфадаги ҳайкаллар шохсупасини тиклаш билан банд. Ҳазил-мутуйба аралаш кечган дамларни кўмсади, дили орзиқди. Сўнг яна ўша саслар ёдига тушдию шундай малак йўқлаб турган номаълум адашига ҳаваси келибми, юрагида армон туғилди, дили ўртанди. Қизнинг саси авжи саратон булоқдан таралаётган шабада янглиғ хуш ва оромбахш эди. Баайни мана шу шабадага кўмилиб кетгиси келаётганини ҳис этди у. Шунинг учун ҳам нотаниш қизнинг гапи мухтасар бўлганлигидан ўкинди, ҳатто унинг номини ҳам сўрамапти-я, лекин бўлиб ўтган суҳбатнинг ўзиёқ дилидаги қарахт туйғуни қўзғаб юборган, хаёлида бир нима туғилган, бироқ ҳали-ҳозирча шунинг нима эканлиги буткул мавҳум эди. — Адашиб тушди-микин ё менга? Аммо тили бағоят ширин, аломат экан!

Уша кун у токи кечга довуз қизнинг сим қоқишини интизор кутди. Иш вақти тугагач, ҳатто қоронғи тушгач ҳам юпун шу хонада кўмилиб ўтирди. Атай унинг асабига тегмоқчи бўлган каби қирмизи аппарат ҳам мумтишлаб тураверди, жиллақурса кўнгил учун тиқ этмади у, савил қолгур ишляптими ўзи ва ёки йўқми, деган хаёлда неча бор дастакни қулоғига тутди, шунда ажабтовур бир сас эшитилди, демак ишляпти. Фақат... Диққати ошган сайин хўрликка ўхшаш бир туйғу юрагини эза бошлади. Назарида, шаҳарнинг аллақайси бурчагида, миллионлаб хоналарнинг қайси бирида товушлари ипақдай майин ҳурилиқо уни интизор қилиб ўтирибди, билади — бир оғиз лутфи-карамини тинглашга маҳтал, билади — кўзи тўрт, кутяпти, билади — юраги тас ёрилиб кетай деяпти, лекин сим қоқмайди. Гарчи унга шундай бўлиб туюлса-да, қизга нисбатан на ранж туйди дилида, на нафрат.

Хона даразаси яхлит бир сувратга ўхшаб кетар эди. Тўшалиб ётган шаҳар эса унда акс этиб турарди. Шомнинг гунафша ранг тўзғиган сочларини итқитиб ташламоқчи бўлган каби миллион-миллион чироқлар беҳолгина милтирарди.

Шу пайтда ҳам кимнингдир сим қоқишини кутиб ишхонада ўтириш... Эҳтимол, бирон юмушга андармон бўлиб хаёлидан кўтарилган чиқар? Балки у истаган Тоҳир ўз оёғи билан унинг уйига кириб боргандир? Ҳойнаҳой, шундай бўлган, бўлиши мумкин-ку, ахир?! —

Ниҳоят, у ўрнидан турди, паришон тимириланиб устол устидаги қоғозларни йиғиштирди. Сўнг шошилмай кийинди-да, чироқни ўчириб даҳлизга қўқди. Эшикни ёпишдан аввал ихтиёрсиз равишда қирмизи аппаратга термулди. Сўниб бораётган умид маёғига ўхшар эди

у, ахийри ширқ эткизиб қалитни буради-да, ҳувиллаб ётган кимсасиз йўлак бўйлаб юриб кетди.

Эртаси кун тушлиқдан қайтса, телефон оламини бузгудай жиринглаб ётибди. Қизни ҳам, кеча унинг «сим қоқаман» деганини ҳам ва қандайдир Тоҳирни йўқлаганини ҳам тамомила унутган эди. Шу боис бамайлихотир эшикни очди у ва ичкарига кирди-да, шошилмай дастакни олди, шунда... нақ миясига яшин келиб урилгандай бўлди:

— Ало-о?

— Ҳа?

— Тоҳир-ир? — дея дараклади қиз, қандайдир сезилар-сезилмас журъатсизлик билан.

Унинг дами ичига тушиб кетди. Кечаги кайфиятидан асар ҳам қолмаган, шу тобда аллақандай қиз билан пачакилашишни ҳам ўзига эп кўрмас, фақат қиз шунчалар муштоқлик билан Тоҳирни йўқлаётган эдики, дабурустдан, бизда ундай одам йўқ, дейиш, унинг раъйини синдириш оғир эди. Шу боис у мавҳум жавоб қилди:

— Ало?

— Тоҳир? — Қоронғида одамлар бир-бирининг юзини пайпаслаб топгани каби қиз ҳам гўё овози билан унинг юзларини пайпаслаётгандек, Тоҳирини излаётгандек бўлиб туюлди унга. — Тоҳирмисиз?

— Нимайди?

Бундай саволни ҳеч кутмаган эканми, қиз жим бўлиб қолди. Тоҳир унинг заиф товушидаги титроқни пайқаган, ишончсизлик боисми, Тоҳирмисиз, деганида ҳам хуркибгина сўраган эди, тўсиндан берилган тайинсиз бу саволни айтгулик жавоби бўлмаса, дастакни қўйиши тайин. Шу боис, қизни чалғитиш муродида у:

— Кеча нега сим қоқмадингиз? — дея ўсмөқчилади.

— Сиз... — Қизнинг товуши титраб кетди, — кутганмидингиз? — деди хиёл жонланган овозда ва ширин энтикди — аниқ сезилди бу. — Сизга айтганмидилар? — деди қандайдир ёниқ ҳаяжон билан, кейин: — Мен... — деди алланечук рангсиз оҳангда, сўнг ҳатто нафас олиши ҳам эшитилмай қолди.

Ғалаҳи эди: ўзини сичқон билан ўйнашаётган мушук каби ҳис этди у.

— Ярим кечага довуз кутдим-ов сизни, — деди атайгина қилгандек оҳангда.

— Чинданми?! — Бир неча товушдан таркиб топган бу сўз сўз эмас эди гўё, табиий йўсинда таркиб топган оҳанрабо сасининг муслиқий жилваси ва ёки ялт этиб нур тушган дуру ноёбнинг камалак янглиғ жилланиши деймизми, ҳар қалай, шунга ўхшаш ҳайратангиз бир мўъжиза эдики, унинг назарида, оч сариқ, оч яшил ранглар оч қизилга қоришиб бирдан бодрадио бу ёруғ оламини тугтилар кетди. Шу синоат замирида нозу ишва ҳам, эркаланиш ҳам, қарор топаётган ишонч ҳам — барча-барчаси мавжуд эди. — Мен... мен ўйлабманки... — дея давом этди қиз китобий йўсинда, — сиз... янглиш рақам териб... ахир, тусмоллаб... менга туюлдики, сиз... аслиям телефон номерингиз шудир деб ўйловдим-а! Кўнглим сезувди ўзи!

Аввал бошда — Тоҳирининг дардида адойи тамом бўлиптию бечора, деб ўйлаган йигит қизнинг кейинги гапларидан сўнг томомила гарангсиди. Қизнинг узук-юлуқ гапларидан бир маъно чиқариб олишга қурби етмади унинг, ҳарчанд ўйланмасин, калаванинг учини тополмади, алай-балай деб яна мунофлик қилишга тили бормади — қизга жавобан бир нима деёлмади, шу тариқа ўртага ноқулай жимлик чўқди, бу — нохуш эди: у жўрттага ташвишланганнамо: — Ало! Ало! — деди. Бунга жавобан қиз овоз берди. Шунда:

— Негадир товушингиз эшитилмаяпти, — деди у ўзича шумлик қилиб.

— Мен эса яхши эшитяпман! — деди қиз.

— Номерингиз ўшами? — деди у, худди ҳеч вақон эшитмаётган одамдай, товушини баландлатиб, — ҳозир мен телефон қиламан сизга. Номерингиз...

У тарафдан садо келмади. Хийладан сўнг қизнинг оҳишта йўталгани эшитилди, кейин истар-истамас — бу гап оҳангидан аён сезилди — у олти рақамни санади ва ўтинди:

— Фақат... илтимос, кўнглингизга олманг-у...

— Хўш, хўш?

— ... Сиз сим қоқмасангиз! Мен... ўзим... хайр...

Беихтиёр:

— Хайр, — деди у ҳам. Сўнг, эҳтимол, одоб юзасидан, биринчи бўлиб дастакни қўймай қиз сукут сақлаётганини пайқагач, — хайр, саломат бўлинг, сим қоқишингизни кутаман, — деди у ва оҳишта дастакни кўндоғига қўйди. Кўнгли хижил эди. Узалиб қаламини олди-да, ўтирди ва чап кафтига иягини тираган қўйи хийла вақт бир нуқтага тикилиб қолди. У на ўй ўйлар, на мушоҳада юритар, уйқуси қочгач кўрпадан чиққиси келмай чўзилиб ётган киши алпозиди эди. Қизнинг беҳислат эмаслигини ва қандайдир Тоҳирни кўмсаётганини у фаҳмлаган, бироқ бу ҳақда ўйлашни ҳам истамас эди. Фақат унинг товуши... Шу чоғ устол четиди ётган эскизга кўзи тушди. «Гўзалликнинг иккинчи умри». У бир варақ олди-да, булутли осмон тасвирига сола бошлади: оламни зулумот қоплаган, тумтайган булутлар орасидан эса бамисоли ипак толасидай бир ҳовуч нур қуюлар эди. У нимтагина ойдан мўралаётгани ва ёки офтобдан, буни билиш маҳол. «Суврат ортига худди мана шундай тус берилади», деб ўйлади у, шубҳасиз, бу уни жонлантриб юборарди, аммо санамнинг ўзи... санамнинг ўзи қандайдир жонсиз, қандайдир беҳол... Шу эскизга неча бор уннаган бўлса, бирон марта қизнинг чеҳрасини аниқ-тиниқ кўз олдига келтира олмади, шундан қийналди у. Баногоҳ, шу сувратга оби-ҳаёт янглиғ таъсир этиши мумкин бўлган бир синоат яшириндек туюлди. «Хўш, нима у?» Кўзларини юмди-да, у чап кафтига иягини босди, «нима?.. Менга нима бўлди ўзи?» Мияси тўнгиб қолгандай эди. У бошини кўтарди ва яна қирмизи аппаратда қизнинг овози ғойибдан келаётгандай туюлиши унинг ёдига тушди. Ҳа, ҳа, суҳбатлашаётиб, у анави дастакка, йўқ, йўқ, қизнинг майин ва жонбахш овозига суюниб тургандай ҳис этар эди ўзини! Бироқ бу овозни, камалакдай товланувчи муסיқий сасларни, ундаги нов-ниҳол тароватни сувратга қандай сингдиради у?

... Эртаси кун қизни у атай чалғитди.

— Раъно, сизмисиз? — деди у, қизнинг товушини эшитган заҳоти таниган бўлса-да, лекин у тарафдан, йўқ, бу — мен, фалончиман, деган иддао келмади, қиз индамади. — Гулчеҳра?..

Ниҳоят, бир нимадан дили озор чеккан каби синиқ, сал фаромуш овозда қиз дедиди:

— Йўқ, Раъно эмасман, Гулчеҳра ҳам эмас!

— Кимсиз унда?

— Бу — мен! — деди қиз. — Менман! — дея таъкидлади жиндай алам ва ғурур йўғрилган иддао билан, гап оҳангидан унинг «наҳот менинг овозим бировларникига ўхшаса?» деган ўқинч яққол сезилиб турар эди. — Сиз... — деди у ва гарчи малакнинг қорасини ҳам кўрмаган бўлса-да, шу тобда қошлари чимирилганини Тоҳир аниқ тасаввур қилди, — ... анавиларнинг сим қоқишини кутаётган эдингизми?

Мабодо, у, ҳа, деса, қизнинг йиғлаб юбориши тайин,

унинг титраб кетган хиёл бўғиқ овозидан йиғи ҳиди келиб турарди. Шу боис у кечирим сўради ва шоша-пиша изоҳ берган бўлди:

— Анавилар, — деди у қизга ёқиш учун атай беписанд оҳангга, гўё уларни ерга уриб, — бир маҳаллар бирга ўқишган қизлар. Мен ўйлабманки...

— Мен жамики овозлар ичидан ҳеч адашмай сизникини билиб оламан-ку, ахир?! — деди қиз, алам ичра сўниб бораётган овозда, шу овоз гўё унинг жонини суғуриб чиқди ҳам.

Тоҳир бирдан чўкди, манглайдан реза-реза тер чиқиб кетди, ўзини йўқотиб қўйди ва у нима деярини билмай:

— Биласизми, улар... шунчаки, сим қоқишмоқчи эди, холос, — деди у гўлдираб, — кутиб турган эдим...

— Унда... кечиринг, — деди қиз йиғлаб бўлган кишининг овозида. — Мен...

— Ало! — Шундай бўлиши муқаррар эди — унинг илтижоси бўғзида қолди, дастакдан товуғини чақираётган кампирникига монанд ту-тулаган овоз эшитила бошлади. Аслида, Раъно деган курсдоши йўқ эди унинг, Гулчеҳра деган ҳам. Қизнинг исмини билиб олиш ниятида атай ўсмоқчилаб кўрган эди, холос. Қилмишдан пушаймон бўлди у. «Шартмиди шу?!» У қўйин дафтарчасини бир-бир варақлаб, ниҳоят, қизнинг телефон номерини топди-да, бирин-кетин олти рақамни терди, тердию шу заҳоти тагин дастакни аста жойига қўйди, қизнинг иродасига қарши боришга ҳадди бўлмади унинг. Умуман, қилаётган шу иши...


«Мен жамики овозлар ичидан ҳеч адашмай сизникини билиб оламан-ку, ахир?!» Минглаб чумоли ўрмалаган каби унинг вужуди жимирлаб кетди. Уридан турди-да, атрофига аланглади, тимириланди, кўнгли алланамани тусар, бироқ ўша матоҳни ахтариб топа олмас эди. «Мен жамики овозлар ичидан ҳеч адашмай сизникини билиб оламан!..» Тимириланиб у ғаладонни титкилади, баногоҳ кўзи «Родопи»га тушди. Бир донга сигарет олиб лабига қистирди, худди ҳовурини шу оладигандай шоша-пиша гугурт чақиб, уни чўғлантриди-да, ютоқиб чекди. Дераза олдига бориб, ҳаворанг тутунни бурқситар экан, беихтиёр такрорлади: «Жамики овозлар ичидан ҳеч адашмай сизникини билиб оламан!..»

Агар, жисми-жони минг-минглаб чечаклардан таркиб топган-у, улар аллақачоноқ қовжираб сўлган бўлса, гўё чашмадан шундай бир намхуш насим таралдики, ўша чечаклар қайта бошдан япроқ ёзгандай туюлди. Бундан беш йилча илгари асаб толиқиши туфайли хийла вақт даволанган, кунларнинг бирида у касалхона ҳовлисига чиқиб, баайни ҳозиргидай ҳолатни бошидан кечирган, барқ ураётган яшилликка, тенгсиз даражада шаффоф, тенгсиз даражада мусаффо сувга, ундан ҳам тиниқ ва ундан ҳам поёнсиз феруза осмонга — маҳобатли, муҳташам илоҳий чиройга термулганида... тош қотган дийдаси эриб, кўзларидан тирқираб ёш чиққан эди. Ҳозир ҳам ташқарига, адоқсиз осмонга тўйиб-тўйиб термулгиси келдию бироқ деразанинг ғубор инган ойналари ҳарир парда янглиғ оламни тўсиб турарди, шу пайтга довуру бунга эътибор қилмаганига ўзи ҳам ажабланди, дастрўмолчасини олди-да, дераза тавақаларини очиб ойнасини арта бошлади. Шу чоғ яна телефон жиринглади. У юмушини чала қолдириб ортига ўгирилди ва дастакни олди. «... жамики овозлар ичидан...»

— Алу-у?

Юрагидаги ўтга биров бир челақ сув сепгандай бўлди. Хушламайгина, ҳа, деди у.

— Хўжайин?



«Гулбахор». Оламда шундай бир товуш ҳам мавжудлигини ёдидан чиқарган экан у. Мана шу товуш гўё бўйнига сиртмоқ бўлиб тушди-да, қуйига — етти қават осмон устидан қуйига сургалай бошлади.

— Нима дейсан? — деди у зарда қилгандай, энсаси қотиб, ҳалиям етти қават осмон устидан кўнгил узгиси йўқ эди.

— Кечқурун каттангизнинг мактабида...

«... ота-оналар мажлиси бор экан. Утарсиз». Хотинининг гапини у шарт кесди:

— Узинг ўтсанг, тўпиғинг тушадими? — деди у иддао қилиб, бари бир, алами босилмади, — йиғинга мен югурай, бозорга мен югурай, қачон ўз ҳолимга қўясан, ахир? — У дастакни шарақлатиб кўндоғига, босди, сўнг қарсиллатиб деразани ёпди, кейин тутоққан кўйи эшикка довур борди, шу ерда пича турди-да, қайтиб келиб тагин жойига ўтирди. Очиқ-сочиқ ғаладондан яна бир дона сигарет олди, асабий ва узоқ эзғилади, сўнг оҳиста хўрсинганча уни лабларига қистирди...

Табиатан қоришиқ бўёқларни ёқтирмасди у. Ҳозир туйғулари қоришиб кетиб таъбини хира қилди. Қизнинг сим-қоқшини кутиб турганида хотинининг телефон қилиши, тагин атай қилгандек ўглини эслатиши уни телба қилиб қўяёзган эди. Мана шу хилқат — чирмовуқ каби уни чирмаб турган мана шу хилқат... Кейин, ҳовури бир оз босилгач, хотинининг илтижосидаги беозор оҳангни, унга жавобан қилган дағаллигини эслаб, баттар дили хуфтон бўлди. Кечга довур нима қиларини билмай чўғи оловланмаган тараша каби тутаб ётди у.

Чоршанба, пайшанба, ҳатто жуманинг биринчи ярми ҳам коктейл сингари туюлгувчи — қуйқа ва ўлик кунлар бўлди. Аввал бошда калаванинг учини йўқотиб қўйган одамдай фаромуш юрди, бирон-бир ишга қўли бормади. Ҳафтанинг охириги кунни эса безакларни топшириб улгуриши лозимлигини қайта ва қайта эслатишгач, кўмилиб ишлади. Уша қизни кўмсаш тугул манглайдаги реза-реза терни сидиришга ҳам фурсат топа олмади. Доимий равишда ойда бир марта қайтарилувчи мана шу жараён аллақачон бадига урган, кун сайин, соат сайин шу ишдан кўнгли совиб борар, энг нохуши — шуни ҳис этган ҳолда тагин ўзини зўрлаб бўлса-да, ўтирар эди. Бола-чақа — тиркичилик ташвиши, агар шу зарурат бўлмаганида аллақачон у этагини бир силкиб кетган бўлар эди бу ердан. На чора.

У ўсмирлар ойнамаси мусаввири бўлмиш бақалоқнинг беўхшов чизмасини қўлига олди-да, ўзининг таъбири билан айтганда, косиблик қилишга тутинди. Жиндай-жиндай сайқал бергач, яроқсиз матоҳ пича жонлангандай туюлди. Кишига малол келадигани — шу. Косиблик қилмай деса, анави суллоҳ кўз очиргани қўймайди. «Ҳеч бўлмаса, йилда бир номимиз кўринсин, ока. Биздаям уч-тўртта чуғурчиқча бор, ҳар оқшом оғизларини карнай қилиб, юҳодай ютаман деб туришади. Шафқат қилинг! Хи-хи-хи-хи. Биз, ока, даҳоликни даъво қилмаймиз, пақир киши панада». Чиқармайин деса...

Гап хашаки матоҳда эмас. Ижоднинг йўли шундай — бўтана дарёга ўхшайди ўзи ва унинг таркибида хасу хашак ҳам, олтин зарралари ҳам қоришиб оқади. Лекин у — бир замонлар барчани бирдек «бир бошда бир ўлим» дейишга ундовчи асарлар яратаман, деб ўйлаган зот косиблик қилгунча...

Юраги тош қотиб, назарида, тобора оғирлашаётган эди. Узини у яна ботқоқ қаърига чўкиб бораётгандай ҳис этди. Мана, кифтлари ҳам қандайдир юк остида

қолди ва у бўғилиб бошини кўтарди-да, зўрға нафас олди. «Жалолиддиннинг Ватани»дан тортиб Пикассоча йўсинда чизган сувратларию энг сўнгги уринишларига довр — ҳамма-ҳаммаси тадрижий тарзда муайян тартиб ҳосил этиб кўз олдида уйғунлашди. Аллақачон бу сувратлар унинг оламидан узилиб кетган, иккинчи даражали бўлакка айланган, руҳиятидаги бугунги тўхтама эса қандайдир чигал ва боз устига шу мавҳум кайфият моҳиятини ифода этай деса нимадир қўлу оёғини ипсиз боғлаб турар эди. Бўғзида довр ботқоққа ботган янглиғ у қимирлашга имкон сезмас, гўё миясида биргина ҳужайра ишлаб турар ва неники кўрса, шуни идрок этар, аъзойи бадани эса ўликни каби сезгидан маҳрум эди.

Телефон ҳам одатдагидек жирингламади, назарида, аллаким нақ миясига ертешарни тираб тариллатгандай бўлди. У сесканиб, асабий важоҳатда аппаратга ўқрайди. Кимдир атай, гўёки ғашига тегиш, гўёки асабларини чийириш учун сим қоқаётгандай эди.

— Ҳа! — Товуш эмас, гўё бир ҳовуч заҳар сачраб кетгандек туюлди.

— Ало-о?

Шароб дарддан фориг этиб, элитгани каби бирдан ҳовури босилди, интиқ нарсасига талпинаётгандай иягини хиёл олдинга чўзди ва қулт этиб ютинди. Бемажол кўзлари юмилди ва қизга жавобан толғин, узр-хоҳ овозда:

— Ало! — деди.

— Бу — мен! — дея изоҳ берди ноаён хилқатда яшарин малак, бемаҳал безовта қилганидан юраги титраб кетгандай бир аҳволда эди у.

У, чарчоқ ва тажанглик боис тиришган юзларига гўё фаришталар хушбўй анбар суртиб силаб-сийпашаётган каби бир ором туйди, ширин бир уйқу элита бошлади.

— Бу — мен! — деди қиз тағин, қайдадир у билан сўзлашиш илинжида интиқ турганлигини эслаётган каби, сўнг ўксингандай энгилгина хўрсиниб қўйди.

У ширин туш кўриб уйқудан уйғонган кишидай кўзларини очди ва чап қўлида қирмизи аппаратни кўтарганча ўрнидан турди-да, қоғозлар орасидан суғурилиб чиқиб, дераза олдида борди.

— Албатта, бу — сизиз! — деди сўнг йиғи пардалаган бўғиқ овозда. — Сиздан бўлак ким ёдга оларди мени — шундай пайтда...

— Раҳма-ат сизга!

Бу ғаройиб товушни илғамоқ истарди у: қаёқдан келаётир мезонга ўхшаб, нега мунчалар ёқимли, оҳанграбоси борми унинг? Деразанинг артилган ўша бир еридан у ташқарига — деворига чанг ўтирган биноларга, чўзилиб ётган ҳорғин кўчаларга, ғубор босган олис уфққа тикилди. Нақадар толғин эди бу шаҳар, унинг хира осмонида мезон янглиғ учиб юрган ўша овозни илғай олмади у. Шунда-да қизга уникадан-да майин овозда илтифот кўрсатиб, бир нима дегиси келди унинг, бироқ бўғзида турган товуш бағоят беўхшов чиқшини, ўзининг туриш-турмуши бесўнақайлашиб кетганлигини ҳис этдию жим қолди. У дастакнинг қуйи қисмини кафти билан тўсди-да, томоқ қирди. Шу пайт қизнинг тағин: — Ало-о! — дегани эшитилди. «Ало-о» деяётиб, негадир унинг товуши титраб кетди, афтидан, раҳмат, дегач, ундан бир садо чиқмагани боис ўнғайсизланаётган, сим қоққанига пушаймон бўлаётган эди у.

— Яхшимисиз? — деди у ниҳоят ва сўнг қизнинг шунга жавобан назокат ила бир сўз айтишини кутди, баногоҳ унга туюлдими, малак, товушингиз мунчалар дағал, дея инжилади. Юраги увишиблар кетди унинг.

Бироқ ундай демади қиз, аксинча, шуни, яъники овози нечоғлик дағал эканлигини айрича йўсинда сездирди, холос, демоқчимизки, таърифига ҳаттоки тил ожиз бўлмиш бир назокат ила:

— Тузукмисиз? — дея кўнгил сўради у ва шу лутфу қарамда буткул бир ансамбл ижросидаги нағма мужжасам эдики, хусусан, кейинги жумла истифода-сида шундай бир истиғно жилва қилдики, унинг чанг босган кўнгил торларига илоҳий бир сас келиб урилгандек, камалак янглиғ жилвалангандек туюлди. Наҳот ундан кўнгил сўраган ўша малак бўлса? Ва ё фариш-тами? Ахир, инсон боласига шунчалар дилвор товуш насиб этиши мумкинми сира? Бунчалар майин у? Бунчалар жозиб? Беқарор туйғулардан бунчалар товланмаса бу саслар?!

— Нега индамайсиз? — Қизнинг товушида оромсизлик белги берди ва бу нафас текканида атиргулнинг сезилар-сезилмас лохасланишини эслатиб юборди унга. «Мабодо фаришта эмасмисиз?», дейишга энди у оғиз жуфтлаган эди, зарб билан очилган эшикнинг шарағлаши қулоғига чалинди. Ва беихтиёр ортига ўгирилди — хомсемиз ҳамкасбининг терчираган бағбақасига кўзи тушди.

— Ҳормасинлар! Жа-а, бу дейман?.. Қалай, бизнинг шедеврларни кўриб улгурдингизми, ока?

Бақалоқнинг гапини у жавобсиз қолдириб, тағин дераза тарафга юзланди. Аллақандай нохушлик юрагини босар эди. Шу чоғ бижғиб ётган кўлмакка сизиб кирган тиниқ сувдайин фарахбахш бир сас таралди:

— Нега индамайсиз, ахир?..

— Сизнинг овозингизни эшитсам, дейман-да! Шунга... — деди у бегонанинг олдида хижил бўлиб, сўнг ҳали кўнглидан кечган гапни эслашга уринди. Эслаёлмади. Уша малакнинг кўнглига ёқувчи яна бир фикр хаёлини равшан этди-ю, тўсундан: «Анави безбет ҳалиям зинкийиб турибдим», деган ўйга борди ва қайрилиб ортига қаради, шу чоғ қуйилиб келган фикрлар беихтиёр тилига кўчди: — Биласизми, худонинг ўзи ҳар кимга бир неъмат инъом этади, дейлик, у сизга овоздан берган. Шу овозни эшитатуриб, агар ўлиб кетса армон қилмайди киши. Мен... мен... бўлак масала бу. Биласизми, нима, бир шоир, — кеча унинг асарига суврат ишлаган эдим, ҳозир, — у шеърнинг иккинчи нусхасини қоғозлар орасидан ажратиб олди, — биласизми, у нима деб ёзади, кечирасиз, сиз шеърни хуш кўрасизми ўзи?

— Вой, бўлмасам-чи!

— Уқиб берайми?

— Кимники? Ишқилиб, ўзингизники эмасми, а?!

Қизнинг саволини жавобсиз қолдирди у.

— Хў-ўш, эшитинг унда, — негадир товуши йиғига йўғрилиб чиқди, — Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, қоврилмай то ғашлик алангасида, Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Нафасимни ростлай кўланкасида. Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Қушлар овозига қулоқ солайин. Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Хаёл оғушида ором олайин. Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим. Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим...

У жим бўлиб қолди, қиздан ҳам садо чиқмади, хийла вақтга довр ҳатто унинг нафас олиши ҳам эшитилмай қолди. Йигит қандайдир лаззатбахш, тотли жимжитликни бузишни истамас, ҳорғин шаҳар чангу ғуборга кўмилиб ётар, у шунга кўз тиккан қўйи сукутга толган, лекин ҳеч вақони кўрмас, илғамас, аллақачон дийдаси эриб, қароқлари намланган эди. У қандайдир жонсиз дастакни эмас, дардини олгу-

лик фариштаннинг қўлидан тутиб, кафтини юзига босиб тургандай ҳис этар ўзини. Гўё фариштаннинг тим қаро сочлари мажнунтол кокилларидай боши узра қуюлган-у, у... Ниҳоят, малакнинг енгилгина хўрсингани қулоққа чалинди, кейин у бирдан кулиб юборди. Тоҳир, аллақандай қитмир гўё ортида жўрттага танга сочгандек, танга жаранги хаёлини ўғирлаб беихтиёр ўғирилганида ҳалигининг калакаомуз турқига кўзи тушгандек жуда нохуш аҳволда қолди. Тагин дийдаси муз қотди унинг. Кўзларидаги аланга сўндию унинг ўрнида қаҳрми, топталган туйғулар маломатими, ишқилиб, шунга ўхшаш совуқ бир ифода акс этди.

— Кулгили эканми? — деди у дили оғриган кишининг аччиқ тўла овозида.

— Йў-ўк, нега? — Қизнинг ҳушёр тортгани шундоқ товушидан сезилиб турарди. — Мен... кечирасиз... сизни... — Яна кулги садолари бу овозни босиб кетди.

Бамисоли ёр олчани тишлагандай йигитнинг афти буришди.

— Нега куласиз? — деди у ошқора таъна, адоват билан.

— Мен сизни... кечирасиз... Мен сизни Алпомишдай бўлсалар керак деб ўйлагая эдим. Алпомишни кўтари-иб келиб қандайдир мажнунтол остига ўтқазиса... кулгили эмасми, ахир? — Қизнинг кулгиси яна танга жарангидай жаранглаб кетди, бу гал у йигитнинг кўнглида малол уйғотмади, балки унинг ўзи ҳам шу кулгига шерик бўлди. — Алпомиш чолга ўхшаб мункайиб ўтирсаю унга мажнунтол... — тошиб келаётган кулги қизнинг гапини бўғиб қўйди. — ... мажнунтол гапира бошласа, кулгили эмасми, а?! — Қиз кулмас, гўё кимдир, қайдадир нафисгина тилла кўнғироқчани чалар, унинг тапсиқ садолари гўё атиргулнинг муаттар бўйига йўғрилган бағоят мусаффо, фарағбахш кўклам ҳавосини дераза тирқишлари орасидан бошлаб кираргандай туюлар эди. Йигит енгил нафас олди, сўнг нохуш сўз айтиб қўйишдан, ўларини шарҳлаётиб ноўхшов ўхшатиш қўллаб юборишдан чўчиб, эҳтиёткорлик билан айтдики:

— Йўк ердаги гапларни айтасиз-а! Алпомиш қаёқдаю... мана шу ўхшатиш тасаввурингизда... — фикрининг давомини у қай йўсин баён этарини билмай пича чайналди ва охири китобий қилиб: — Мантиқсизлик туғдирган, бу эса кулгили, — деди сўник ва лоқайд овозда.

Қиз эътироз билдирмади, аксинча, қандайдир ҳадик-хавотир билан:

— Мабодо, ишдан қўймаяпманми сизни? — деб сўради. Йигит туйдики, унинг овозида хўжасига мулозамат қилаётган ва унинг марҳаматидан дариг қолишни истамаётган жориянига монанд ҳаяжон яширин. Қандай қиз экан бу? Шу тобда нима қилаётир ўзи? Шуни у тасаввур қилишни истади ва ҳадди сиғиб сўрадики:

— Утирибсизми, ё?..

— Нимаиди? — Қиз ҳушёр тортди ва унинг хиёл бўлса-да, ташвишлангани овозидан яққол сезилди.

— Сизни... қандай тушунтирсам экан, ҳолатингизни...

— Билмоқчийдингиз, шундайми? Ҳозир дераза олдида...

— Турибсиз, шундайми?

— Ҳа.

— Эгингизда қирмизи халат?

— Қаёқдан билдингиз?

— Деразадан ташқарига...

— Қийғоч гуллаган бир туп ўрикка...

— Уйчан термулиб...

— Турганча...

— Мен билан...

— Сиз билан...

— Суҳбатлашаётирсиз, — деди йигит хушнуд овозда. Гарчи дили яйраган бўлса-да, юрагидаги муз батамом эриммаган, бу муз — йиллар бадалида йиғилган чарчоқ — тош каби қотиб турар, бу оний суҳбатлар ҳарорати уни сел қилишга қодир эмас эди, чамаси. — Нима, қийғоч гуллаган бир туп ўрикка, деддингизми? — дея сўради у бирдан сергак тортиб. — Ўрик гуллапими, а?

Яна ўша — тилла кўнғироқчанинг нафисгина аксу садоси қулоғига чалинди.

— Ўрикнинг гуллаганига ҳайронмисиз?! — деди қиз ҳайратини сира яширмай. — Ахир, ҳосилга киряптию!

У нимаданбир қуруқ қолган кишидай хиёл ташвишланиб, ғубор инган ойнанинг артилган жойидан кўчага, хиёбонларга эътибор бериб тикилди ва дарахлар яшил либос кийганини, шаҳарнинг олис бурчаклари яшнаб ётганлигини ниҳоят илғади; баайни шу яшиллик кифтидан гарду ис аралаш бир ҳорғинлик босиб турганлигини ҳам илғади у. Ва беихтиёр:

— Баргларга ўтирган чангу ғуборни ҳам кўряпсизми? — деган сўров оғзидан чиқиб кетди. Репродукторда бир шарпа ғув этдию кейин кар жимлик ҳукм сурди. Пичадан сўнг гўё сув кириб том битган қулоғи очилгандай тагин бир нима ғув этди ва қизнинг:

— Қанақа ғубор? — деган навозишли тансиқ овози қулоққа чалинди. Боя у кулгисини яшириш учун кафти билан дастакни тўсиб қўйганини йигит шунда фаҳмлади.

— Нима, ғуборни кўрмаяпсизми? — деди у пича идао билан.

— Ахир, улар кеча куртак ёзишдию! Тагин қанақа ғубор инсин?.. — Қизнинг шалоланикидай тиниқ овози таққосида, ҳарқалай, ўзини у бирмунча қартайиб қолган каби ҳис этди. «Ахир, улар кеча куртак ёзишдию! Тагин қанақа ғубор?..» дея хаёлан такрорлади у ва ногоҳ кўнглидан кечган фикрни қизга баён эта кетди:

— Сиз.. сиз-чи, сиз, эндигина тоққа чиқиб келаётган Сизифга ўхшайсиз. Бир пайтлар худди шу ҳолатни бошдан кечирганман. Ушанда ҳаммаси кўзимга бошқача — сирли ва ғаройиб бўлиб кўринган, тоғнинг ортида нелар бор — билмайсан, шуни билишни истайсан киши. Ҳозир сиз, чўққига чиқишни, қаршингизда бўй бермай турган хилқатни ўйлайсиз, холос!

— Сиз-чи, сиз?

— Менми? — Алами келиб у чуқур хўрсинди. — Мен аллақачон бу йўлни босиб ўтганман, — деди ҳасратга тўлиб, сўнг алам билан жилмайди. — Энди мен... дарага қулаб боряпман — Сизифга ўхшаб!

— Чўққининг нарёғида нима бор экан? — деди қиз эркаланганнамо, унинг гап оҳангида ҳасадга ўхшаш бир синиқлик ҳам яширин эдики, у йигитнинг гапларига кулиб қараётгани шундай сезилиб турарди.

— Чўққининг нарёғида?.. — хаёлини банд этиб турган Сизифнинг кўргулиги бошқа йўсинда фикр юритишга монелик қилди. — Сиз... сиз Сизиф ҳақидаги нақлни ўқиганмисиз?

— Йўк, аввал сиз менга чўққининг нарёғида нима борлигини айтиб беринг-чи?

У — булутларга ёндош иморатнинг энг тепа қава-тида турган одам, деразадан нарига қаради: йўлак че-тидаги акациялар шувоқчалик кўринмас, талтанглаб бораётган одамлар чумолига менгазулик эди. У бо-шини кўтарди ва шундоқ рўпарада осмоннинг устуни-дек кўкка бўй чўзиб турган телеминорага кўзи туш-ди. У турган баландлик миноранинг «тизза»сига ҳам

тенг келмас эди. Таниш бир кечинма дилини чулғади. Шу чоғ қизнинг бир нимадан ташвишланган каби:

— Ало-о! — дегани эшитилди.

— Ха?

— Чўққининг нарёғида нима бор экан?

— Шундай жойларга ҳеч чиқмаганмисиз дейман?

— Ҳм-м.

— Айтайми чўққининг нарёғида нима борлигини?

— Айтинг!

— Толиблик пайтлари алпинизм билан шуғулланар эдик, — деди у тилар-тиламас, — учунчи курсда Чимторга чиққанмиз, ўзиям беш ярим минг метр баландликда. Қанча тайёрландик, қанча вақт кетди шунга, ахирчи чиқдик ҳам, — ортда қолган машаққатлар хаёлида жонландио синиққина жилмайиб кўя қолди у. — Чиққунимизча она сутимиз оғзимизга келди-ёв. Энди чўққига кўтарилган пайтдаги хурсандчиликни айтиб ўтирмасам ҳам бўлади, қийқирган — ким, байроқча ўрнатган — ким. Мен ўша — шамол учириб кетай деяётган жойда туриб, кўйига қарадим: сизнинг бутун бошли шахрингиз кафтдаги носчалик кўринмайди у ердан! Мана мен деган денгиз, ишонсангиз, чумолининг кўз ёшичалик туюлмайдди. Рост. Ҳали шоир айтганидай, баҳри муҳит нима, нима у денгиз... Чўққининг нарёғида нима борлигини ўшанда кўрдим.

— Хўш, нима бор экан?

— Дара. Оддийгина, туман чўққан дара. Худди тубида сув қайнаб, буғланиб ётгандай. Ҳозир ҳам уни аниқ кўриб турибман, сиз билан гаплашяпман-у, назаримда, ўша дарага эниб бораётгандайман!

— Унда... сиз қайтинг, дарров жойингизга қайтинг! Хўпми? Уша чўққида учрашамиз!

Йигитнинг юраги бир чайқалди. Уксик кўзлари намлангандай бўлди, кейин истеҳзоли кулги лабларига қалқиб чиқди.

— Э-э, сиз!.. Сиз!.. — деди у аламзада овозда. — Сиз билмайсиз-да, ўша дара нақадар тубсиз эканлигини, менинг туманда адашиб қолганимни, кейин...

— ... Юрагимга даҳшат солган аслида бу дара ҳам эмас! Унинг нарёғида — туман кўйнида тоғнинг яна бир шундай силсиласи бор эдики, энди унинг чўққиси... — У яна телеминорага қаради. — Асли қайтмаслигим керакмиди ўшанда? Шерикларга, унияма бира-тўла забт этайлик, денса, ҳафсала қилишмади. Уз-лари-ку, майли, мениям йўлдан қайтаришди, бекорга ўлиб кетасан, дейишди. Шу-шу...

— Ҳалиям чиққингиз борми ўша чўққига?

— Йў-ўқ.

— Нега ўкинасиз унда?

— Қандай тушунтирсам экан сизга? Энди... юракда ғужур қолмаган, ғужур! Энди... у чўққи мен учун маъносини йўқотган, тушундирганими?

— Агар мен ўша чўққига чиқсаму сизни чақирсам, чиқармидингиз?

— Ким билсин? Ҳарқалай, кеч эмасмикин энди?

— «Тоҳир, Тоҳир, Тоҳир!», дея муттасил овоз бериб турсам-чи, агар?!

Қиз гўё рўпарасида турган каби у, билмасам, деган маъно англатиб елка қисди.

— Қўлингиздан тутиб тортсам-чи агар? Ҳоли-жонингизга қўймасам-чи сира?!

— Раҳма-ат! — деди у, қизнинг болаларча беўйлик ва тантиқлик билан айтган гапларидан мийиғида кулиб, кейин, назарида, малакнинг гап оҳангида астойдил куюниш бордек туюлди унга ва меҳри товланиб дедик: — Мингдан-минг раҳмат сизга! Лекин у чўққининг ўз хўжаси бор, шуни билганингизда бундай

демаган бўлур эдингиз! Шундай чўққини эгаллайман деб Сизиф оқсуяк бўлган! Уриниб-суриниб чиқаётганини кўргач чўққида ўтирган яратган эгамнинг ўзиям аввал бошда хиёл шодланган, сўнг, унинг чўққига ажабтовур чиқиб, ёнига келаётганини, тенг мавқе эгаллаётганини кўргач, ғаши келган-да, манглайдан чертиб юборган! Сиз... шу қисматни менгаям раво кўрмоқчимисиз? А?!

Унинг саволига жавобан қизнинг товуши эмас, ҳазин бир наво қулоққа чалинди, туйқусдан Алланинг «Қадимий соатлар» кўшиғи маҳзун мусиқаси билан шуурда янгради ва унинг: «Ортга қайтариб бўлмас ўтган умрни», деган сатри хонага қамалиб қолган қалдирғоч янглиғ хаёлида чарх ура бошлади. Худди шуни ерпарчин қилиб ташлашни истаган каби репродуктордан: «Ёрим бўлсанг, ёнимга кел, узокдан термулиб турмоқлигинг нечун?!» деган бир дардчил муножот таралди. Қизнинг: «Қўлингиздан тутиб, тортсам-чи агар? Ҳоли-жонингизга қўймасам-чи сира?!» дегани кўнглидан кечиди юраги япроқдай титраб кетди. Кейин гўё аллаким нақ қулоқлари остида шивирлай бошлади: «Тоҳир! Тоҳир! Тоҳир!» Кишини хушёр тортирувчи бу майин даъват мунгли бир қўшиқ янглиғ жону жаҳонини тутиб кетди гўё.

Унинг кўзлари юмилди:

— Ҳамон дераза олдидамисиз? — деди ҳаяжон юққан овозда ва хиёл олдинга қўл чўзди, хаёлан унинг сочларига қўл юборди у. Қизнинг мажнунтол қоқиллари янглиғ қуюлган сочларини хаёлан силаб-сийпалар экан, шуни равшан ҳис этдики, қиз ҳам сарҳуш, гўё унинг оғушида тургандек, гўё ёноқлари унинг ўтли нафасини туяётгандек...

Олдин мусиқий наволар тинди, кейин қандайдир бегона, уларнинг оламига етти ёт товуш, кейин қизнинг ҳадик тўла овози:

— Хайр! — дегани аниқ эшитилди. Қизнинг хуфя томони борлигини у сезган, бир кун келиб муқаррар шу овозни эшитишини аввалдан билар эди. Отасими? Йўқ, ундай бўлиши ҳеч мумкин эмас. Акасимикин? Эҳтимол, шундай чиқар?!

Қулоғи остида чийиллаб турган бир маромдаги тутулаган овоз ғашига тега бошлаган эди.

Саробга ўхшайди. Агар ҳануз дастакдан таралаётган тутулаган овозни айтмаганда, барчаси туш, мақр ила жодунинг ўзгинаси. Унинг товуши, ҳатто бу оламда мавжудлиги ҳам ақл бовар қилмайдиган ҳодиса.

— Тавба-а! — Боя қўққисдан қулоғига чалинган дағдагани эслашни ҳам, ўша малак ҳақидаги тасаввурига бирон нима дахл солишини ҳам истамас эди. Агар мана шу тутулаш бўлмаса, унинг сим қоққанига ҳам ишониш маҳол.

У дастакни жойига қўйди-да, кафтларига иягини босган кўйи туриб қолди. Емғир ёғишидан аввал содир бўладиган таранглик кайфиятида ҳоқим, ишга қўли бормас, худди умр бўйи қидирган матоҳини топиб олиб, энди томоша қиламан деб турганида биров кўлидан уни юлиб олган каби дилтанг: кўнглидаги безовталик портлаб портламайди, қўйиб қўймайди ҳолига. Ҳали қуёшнинг ботишига анча вақт бор. Ундан кейин тонг отишига яна қанча фурсат бўлса, кун ботишига ҳам тагин шунча бор. Сўнг яна ва яна... У бўғилиб кетди. Сигарет тутатди-да, ўрнидан турди, йўлакка чиқди. Пастга тушиб, қаҳвахонага кирди.

Қаҳвахона ичини тамаки тутуни янглиғ жаз садолари тутган: кўйлагига хорижий ширкат рамзи солинган тўрт нафар йигит қаҳва ичганча, сигарет тутатиб ўтиришар эди. У икки юз грамм коньяк олди-да, бориб хилват бурчакдаги курсичага ўтирди. Ва ичимликни икки

бор ҳўплагач, сездики, юрагида тош қотган ғамни май эритди, улар силқиётган дардга айланди, шунда куйлагиси, томоқ пардалари йиртилиб шундай бир қўшиқ айтгиси келдики, асти сўраманг, нафасидан тўфон кўпсаю — дов-дарахтни илдизи билан суғуриб учириб кетса; тоғу тошлар мум каби эриб, дарё бўлиб оқсал!

Лекин қани у қўшиқ? Юрагини ўртаб, бўғзига ёш бўлиб қадалиб турган нима бу — дарду ҳасратми ва ёки муҳаббат? Армонми, ўкинчми ва ёки ғамми? Нима у?

Анави қиз ким ўзи? Нега сим қоқди у? Нечун қийнайди мунча? Гуноҳи нима унинг?

Наҳот ҳаётнинг унга атаган бирон-бир инъоми бўлмаса? Наҳот умри тоабад аросатда кечса? Ахир тош қотиб кетди-ку юраги... Қачон, қачон унга имкон беради ҳаёт? Қачон?

У деразадан ҳовлига — гунчалаган атиргулларга термулиб ўтирар, ҳаёлининг бир четиди — безакларни кечга довур босмаҳонага топшириши зарурлиги; анави қиз ва ўзларининг оламига таҳдид солаётган етти ёт овоз... ҳамон михланиб турар эди. Ким бўлди у? — Уша қиз билан анави кимса тил бириктириб, бир четга ўзини сиқиб чиқаргандай — ўкситилган ҳис этди у, баногоҳ қизнинг телефон рақами ёнида борлиги ёдига тушди. — У билан гаплашиш керак, учрашиш керак! — Бироқ кечга довур безакларни топширишига ҳам, қизга сим қоқишига ҳам кўзи етмади, бунга ўзини мажбур этгиси келмас эди.

Хонага чиққач, кетма-кет сигарет тутатиб, кечга довур булк этмай ўтирди, на бир ишга қўли борди, на безак топширишга. Шом зулумоти ёпирилиб келгач, мужмал бир кайфиятда ўрнидан турди, секин йўлакка чиқди, эшикни қулфлаб уйга ҳам эмас, устахонага бормоқчи, ичиб, мотам тутиб шанба-якшанба ётмоқчи бўлиб турганида кўнглидаги ҳакам: «Майли, қизга сим қоқа қол», дегандай бўлди. Тагин эшикни очди ва қайтиб ичкари кирди, хотиржам, дастакни олди-да, қизнинг рақамини терди. Шундагина унинг: «Сим қоқа кўрманг!», дея ўтингани ёдига тушди, бироқ қизнинг иродасига қарши бориб чакки қиялпман шекилли, дея ўйлаб кўрмади ҳам. Телефон иккинчи бор қақиргач, қиз, қанақа одамсиз ўзи, ахир сизга айтган эдим-ку!, дея таъна қилиши мумкинлиги хаёлидан кечди. «Ҳеч маҳал у; «қанақа одамсиз ўзи?», дея олмайди менга, — деб ўйлади у қатъий ишонч билан, — нари борса, майин, жуда майин товушда, сизга ўзим сим қоқардим-ку, дея зорланади, холос». Шу ўй замирида туғилган ғурур дилига таскин бағишлади. «Дунё қизиқ-да. Юлдузи юлдузига тўғри келди, деганлари шумикин? Кимдир ҳар оқшом унинг йўлини пойласа, жон-дилидан яхши кўриши мумкин бўлса? Шундай қиз ростдан ҳам бор бўлса агар, жонини беришга ҳам тайёр у, лекин...» Ғаюр бир туйғу унга ҳузур бағишлади. Бироқ ҳеч ким дастакни кўтармагач, тоқатсизлана бошлади. Диққатпазлик дилидаги журъатни бамисоли топпот урган гул каби сўлдирди. Шу чоғ нариги тарафдаги дастак кўтарилди ва аллаким ирғитган ғазаб учиб келиб нақ қулоғига урилди: — Да?!

Унинг борки журъати, наинки журъати, балки юраги тутдай тўкилиб тушди.

— Да-а! Гапирмайсанми?! Гапир!

— ...

— Тилиннга чечак чиққанми дейман, гапир!

Шу чоғ олисдан қизнинг, менга бер, дегани эшитилди. Қиз қандайдир исканжа ичра қолгандай эди, унинг товушида мутелик оҳанга янқол сезилар, ёлворишидан ер билан битта бўлгани ағлашилиб турар-

ди. «Эримикан? Эри бўлса-я! Унда... йў-ўқ, товушидан қиз болалиги... Эридир, эҳтимол, ажралишган чиқар? Балки келиб турар? Бўлиши мумкин-ку, ахир. Бир-бирини яхши кўриб... кейин... ҳар нима бўлиши мумкин! — Қалашиб келаётган турфа гумонлар унинг юрагига даҳшат солди. — Эҳтимол акаси, — дея ўзини чалғита бошлади у, шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир? Ким бўлса ҳам чакки қилдинг! Номаъқулнинг бу нонини емаган маъқул эди!» Қандайдир оғир бир юк кифтларидан босганча ерга киритиб юбораёзди. Қизнинг: — Ало-о? — деган титраган овозини эшитиб, кўнгли уйи хиёл ёришди, айна пайтда но боп иш қилиб қўйган бола каби ўсал бўлиб, ўзини қўярга жой топа олмай қолди.

— Сизмисиз? — деди қиз ниҳоят, худди унинг дастак ортида жовдираб турганини аниқ кўргандай, майин, илтифотли овозда; бу овоз бояги исканжани парчалаб ташлаб эмин-эркин чиқаётган эди. Йигит ўзларининг оламига ҳеч қандай куч дахл қила олмаслигини шундагина теран ҳис этди. Ёш боладай қувониб, ҳам узрли овозда: — Ҳа! — деди.

— Айбга буюрмайсиз — боя мен шошиб... узр! Гапингиз чала қолди-я!

— Ҳа.

— Айтинг, айтаверинг! Узим ҳам, сим қоқиб қолсангиз керак, деб ўйлаб турувдим. Ростини айтсам, кутаётувдим!

— Эртага вақтингиз зиқмасми?

— Нимаиди?

— Суратингизни чизмоқчи эдим, — деди негадир йиғлагиси келиб, — билсангиз...

— Биламан...

— Қай маҳалда борсам бўлади, а?

— Кўнглингни тусанган пайтда келаверинг! — деди қиз ва борар йўлнинг йўриғини айтди, сўнг, эҳтимол, атай: — Билсангиз, сиз учун ҳамиса эшик очиқ! — деди, муштоқона оҳангда илова қилди ҳам: — Кутаман-а!

У молбертдан кўз узди-да, қўлларини боши остига қўйганча тагин каравотга чўзилди. Симиллаб оғриётган боши зилдай оғир эди. Гарчи хона хийла салқин бўлса-да, манглайда реза-реза тер чумолидай ғимирлаб, ғашига тегарди. Буйраги шамоллаган эди унинг. «Яна қанча яшар эканман? — деб ўйлади ниҳоят, тақдирга тан берган кимсадек маҳзун кайфиятда, — ахийри шу дард...»

Юлдузсимон панжара ортидаги булутли осмон йиғламоқдан бери бўлиб турган аёлнинг ўксик юзларига ўхшаб кетарди. «Узимни ўнглаб ололмасам, а?! Наҳотки, шу кўйда?! Наҳот умр деганлари шу бўлса? Наҳотки, барчаси бирдек барҳам топган? Гоҳи доҳиёна гоҳ ёнлама, гоҳи ўйчан, гоҳи ашаддий қиёфадаги сувратларини кетма-кет ойнамаларда эълон қилаётган соғлом, фақат мўйқаламлари тузук бир асар яратишга ноқобил ҳамтенглари кўз олдидан ўтди, алами келди унинг. У даҳо бўламан, деб...

Қани энди шундай бир асар яратсаки, бирон мусаввир босиб ўта олмаса уни; Достоевский, гўзаллик оламини қутқаради, дегани каби фавқуллода тугал ҳосила бўлса!..

Брак бежиз айтмаган-да ўзи, туйғу шакли бузади, заковат эса уни қолипга солади, деб. Ишлаш керак, ақлий камолот учун интилиш керак...

Анави санъатшуноснинг ёзганларида асос бор: ҳамма нарса эскираётир. Эрталаб шов-шув бўлган асарнинг оҳори кечга довур сониялар эпкиннида чангдай учиб кетаётир. «Фақат Тоҳирнинг изланишларигина...», деяпти у. Бу изланишларда ўша санъатшунос ағлаши маҳол бўлган жиҳатлар ҳам йўқ эмас, неларнидир

у инкор этган, анъанавий йўсинни синдирган. Афсуски, бу ҳам аслида эскирди. Санъатшунос шуни рўй-рост айтишга журъат қилаолмаган, холос. Ақлнинг маҳсули бўлган ҳар қандай ҳосила инкорга маҳкум, тоабад яшашга қодир асарлар эса ақлдан ташқарида юзага келади... — У оёқ учида — деворда осиглик турган Леонардо да Винчининг «Мона Лиза»сига назар солди. Беш юз йил мобайнида ҳам Мона Лизанинг чеҳрасини тарк этмаган хаёл шарпаси, гўё ҳозиргина тушган ёруғдан тилло каби товланаётган барқут энгию унинг кўзларидаги меҳр жилваси дилида яна бир бор ҳайрат кўзгади, — менда атиги бир имкон бор, — деб ўйлади у, — унинг товуши... — Ҳаётдаги борки синоат тажассум топган ўша илоҳий товушни ўлик сурпада, мўйқалам воситасида қай йўсин ифода этиши мумкин? Ахир?... Жокондадан кўз узиб, тагин юлдузсимон панжара оша қат-қат булутлар уймалашиб ётган фалакка кўз юборди. Шу чоғ ўзи чизган эскиз — угада булутлар бағрини шамширдай тилиб, қуйига ёғилаётган ипакдай майин нур кўз олдига келди, ихтиёрсиз равишда ирғиб ўрнидан турди. Ва «Мона Лиза»нинг чап тарафида осиглик турган Пикассонинг «Қочиш»ига кўзи тушдию тагин шашти синиб туриб қолди. — Наҳотки бу детал... эскирган? Эскирган! — дея хитоб қилди у беихтиёр товуш чиқариб, — эскирган! Пикассо... — У, Моно Лизадаги назокатни ташлаб қочаётгандек, аслида тўнгиб қолгандек туюлгувчи беўхшов қоматларга тикилди. Икки аёл... олақуроқ булутлар тош қотган осмон остида муаллақ... чап тарафдагиси гўё учиб кетаётгандай, унга қўлини берган ва ярим қадамча ортда қолган иккинчиси эса таққа тўхтаётгандай... шу аллозда бошини орқага ташлаб, оллоҳ макони бўлмиш кўкка кўз тиккан у.

Учиб кетаётган аёл... бесўнақай чап қўлини олдинга чўзиб сермаётган, гўё Мона Лизага демоқчики, нари тур! Агар, хиёл ўзини четга олмаса ҳозир бу икки аёл Мона Лизани босиб-янчиб ўтиб кетиши тайин... Шу пайтга довура пайқаманган эканман буни. Е тавба-а! Сувратларнинг жойлаштирилиши-чи! Этти ухлаб, ҳатто тушингга ҳам кирмайдиган тасодиף.

Ҳамон биз Мона Лизани чизишни истаймиз, бироқ бешафқат ҳикмат, яъни йиллар тўфони қолдирган асорат Пикассода аниқ кўриниб турибди-ку! Ҳамон биз гўзалликни ибтидоий ҳолида кўрмоқ истаймиз, аммо ўтган асрлар бу чиройни ер билан битта қилганлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Аслида бизга елкадош бўлган аёл — мана шу! — деди у овоз чиқариб, сўнг сувратдаги қўпол ва ярашиқсиз қоматга қаради, у ва унинг ортидаги аёл ҳам ўлат қувиб, шундан қочаётган юраксиз кимса каби кўрқинчли ҳолатда эдилар. — Улар кимдан қочапти асли? Аллоҳданми? Ва ёки тараққиётдан? Менданми ва ёки ўзларидан? Мунчалар даҳшатга тушмаса улар? Мунчалар ҳолдан тойган бўлмаса? Ҳа, дарвоқе, бу аёллар билан бизнинг ораминда ҳам бутун бошли юз йил яшириниб ётибди, юз йил! Ҳозир... қочишга ҳафсала ҳам йўқ, ҳол ҳам қолмаган. Аслини олганда, кимдан ҳам қочишсин? Узлигингдан қочгандан кўра уни маҳв этиш осонроқ кечса... — У бошини солинтириб турди-да, кейин оғир ингранди. Буни у муҳокама этиши эмас балки ифодалаш зарур шуни билар эди. Беихтиёр Пикассонинг таъкиди ҳаёлидан кечди: «Охир-оқибат, қарши туриб, фақат қарши туриб ишлаш мумкиндир, ҳатто ўзингга ҳам. Бу жуда муҳим...» Ҳа, бу жуда муҳим...

Мона Лиза сувратидagi улғвор сокинлик асосларини унинг сийратидан излаган ҳолда у ўрнидан турди. Малакнинг чеҳрасидаги осойиш илоҳий бўлиб, у

иззат талаб этар эди; тагин у буткул борлиғида тенгсиз бир даҳшат акс этган оёқланг қочоқларга қадалиб қаради. Гарчи улар нафосатдан йироқ ва беўхшов бўлса-да, аллақайси жиҳати кўнгилга яқин, яъни у кўрган ва билган одамларга жуда-жуда ўхшаб кетарди. «Нимаси ўхшаш? — деб ўйлади у, сўнг ўша жиҳатни қочоқларнинг афту ангоридан қидира қилди. — Ташвишманд, тагин таҳликада ҳам. Гўё вабодан қочишаётгандай. Мона Лизанинг чеҳрасида, наинки чеҳрасида балки бутун борлиғида ажиб бир улғворлик, йўқ, йўқ, илоҳий бир сокинлик мавжуд. Худди ана шу сифат бизларга бегона. Илоҳий осойиш руҳимизни тарк этган. Илоҳий сокинлик диёридан қувгинди бўлган қочоқлар!..»

Улғвор сокинликни бузиб, қўшни хонадаги радиодан мадҳия янгради. Қайдадир, теран сукунат оғушида ётган шаҳарнинг овлоқ кўчасида трамвай филдраги темир изнинг уланган жойига келиб урилди ва тарақа-туруқ этган аксу садо таралди.

Йигит дераза олдига бориб, панжарага суянди, у муздай эди. Йўл ёқасидаги тераклар киприкдай тизилган ва уларнинг учига булутлар илиниб қолган, булутлар кўмондоннинг ҳукмини қутаётган аскарларга жуда ўхшаб кетар эди; кунботар тарафдаги бир парча яланг осмонда тўда-тўда булутлар ортда қолган қўшинлар янглиғ маҳзун сирғалиб келишар, ҳали-замон қиёмат-қойим бошланадигандай безовталиқ ҳукмрон эди. Муқаррар кўргуликнинг намхуш шарпаси дилгирлик кўзгаб ҳавода кезинарди.

Дунё тўнини тескари кийиб олган, юракни сиқиб юборадиган даражада тунд ва зиқ. Гўё у бир нимадан қаттиқ норози...

Яна у молбертга юзланди. Сувратдаги санамнинг мунг тўла кўзлари ҳам, сузилиб туриши ҳам кўнглига ёқмади. Сувратни олди-да, малакнинг юзини тескари қилиб, деворга суяб қўйди. Кейин шошмасдан молбертни йиғиштирди, келиб каравотга ўтирди, сўнг нима қиларини билмай бошини чангаллади.

«Энг қийини — бошлаш... бошлаб юбориш. Лекин нимани? — деб ўйлади у ўзидан ранжиб, — моҳитни идроклашдан, мушоҳада юритишдан маҳрум экансан, мана шу — қувваи ҳофизанг бўш қутидай гап. Нимадандир норози бўлсанг, кўнгилда қувват сезасан, бироқ... — Бошини кўтариб, тагин у Пикассонинг қочоқларига юзланди, — агар, шу мавзу менда бўлганда борми... — Аввалги одатича, юз чандон зўр чизган бўлар эдим, демади у, балки хийла вақтгача муаллақ ўйларга соме туриб қолди, кейин ички бир норозилик аламли ҳасратга айланди: — Нега биз маҳрумимиз — мушоҳададан? Оламни идрок этишдан? Нега? Рангларни деярли бир хил тусда кўраимиз? Нега? Шундай ўргатишган бизга? Нечун боши берк йўлга солишган? Мактабдаёқ муайян қолипга тиқишади, каллаклашади — деди у афсус ила бош чайқаб. — Пикассо муҳити мавжуд бўлганда мен ҳам ундан кам ишлар қилмас эдим, — дея ўйида давом этди у, кейин Васельевнинг табиат манзаралари тасвир этилган асарлари ҳаёлидан кечдию тагин жимиб қолди, ҳар қалай, кўп нарса истеъдодга ва фақат унинг ўзига, унинг кўламига дахлдор, буни рад этиш маҳол эди. — Мосуво бўлиб қолганмиз. Нега? Нега энди ҳамма нарсдан маҳрумимиз ахир, нега? — Рафаэл бўлишга орзуманд чоғлари ҳаёлидан кечди ва шу дамга қадар неки яратган бўлса, барчаси бирдек Пикассонинг «Герника»си каби қурамаалардан иборат ҳолида яхлитлик касб этди. Улар орасида кўнгил тўлгулик бирон-бир асар кўзига чалинмади. — Бесамар кечган умр. Надоматга айланган

ҳаёт! — Қисматдан норозилик туйғуси умидсизликка қоришиб кетди-да, кўнгли чўкиб, ўзини орқага ташлади. — Ноумидлик. Бундан халос бўлиш, қутулиш керак! — Унинг оҳу зорини яратган эгам эшитган каби... юлдузсимон панжара орасидан саррин бир насим си-зиб кирди-да, йигитнинг юзларини силаб ўтди. Худди шу маҳал кишининг ҳушини ўғирлаб, оҳанграбоддай қомига тортғувчи саслар жуда олис-олислардан елиб кела бошлади: «Тоҳир! Тоҳир! Тоҳир!..»

Жангга кираётган аскар каби у молбертини елкасига осиб йўлга чиққанида кун чошгоҳдан ошган эди чамаси, фақат кўк юзини булутлар тўсиб қўйганлиги, офтоб тугул ҳув олис уфқларни ҳам ирkit увалалар қоплаб ётганлиги учун қай маҳаллигини билиш маҳол эди. Шамол изғиган кўчалар ҳувиллаб ётар, ҳатто троллейбусда йўловчи сийрак, бори ҳам қандайдир мотамсаро, фавқулодда ҳодиса рўй беришини тоқатлари тоқ бўлиб қутишаётган каби сукутга толган эди. Троллейбус ойнасидан маҳзун панжара, ерга кириб кетгудек алпозда заминга қапишиб ётган қабрлар кўзга чалинди. Оғочлари ўтда куйгандай қорайиб ётган қўхна черков унинг кўзларига бағоят маҳзун, ғамнинг ўзидай афтода бўлиб кўринди. Бекатда бир неча аёл имиллаб-симиллаб троллейбусга чиқишди, уларнинг юзида ҳам умумий кайфиятга монанд — тунд бир ифода, эгниларида тим қора либос, шу либос уларни ҳам ерга тиқиб юбораётгандай. Башарасини тарам-тарам ажин босган мушдайгина кампир икки букилганча гимирлаб келди-да, қўлидаги матоҳини унга уриб олди. Йигит сурилиб жой берди. Кампир салқи қабоқларини зўрға кўтариб, кўз остидан унга қаради, бу қараш тошдай оғир эди, бада-нида минглаб шиллиқурт ўрмалаган каби у бир сесканди, кампир эҳтиёткорлик билан ўриндиққа чўқди, унинг фикри-зикри — қўшқўллаб тутган матоҳида эди. Терс тутган шиша идишни у маҳкам сиқимлаган, кети сидириб олиб ташланган бу идиш ичида бир шам милтираб турар, шундан бўлак ҳеч вақо билан кампирнинг иши йўқ, мунчоқдек кўзлари жовдираганча у шамга термулиб нуқул пичирлар, бежо хисирланиб, тагин, афтидан, ишқилиб ўчиб қолмасин-да, дея тавалло қилар эди.

Кейинги бекатга етиб келганда тушишга чоғланиб йигит ўрнидан турди, шунда унинг эпкингами қўққисдан шам лопиллаб кетди, кампирнинг қўллари титради, бўзариб, ғам тўнган кўзларида сокин бир қаҳр ва ачқич таъна акс этди. Йигит бошини қўйи солинтириб узрини айтди ва сўнг ёнламаси билан йўлакка ўтди-да, троллейбусдан тушиб қолди. «Қизиқ, худди мен атай қилгандай... олдин келиб ўзи урилганида ҳам шундай ўқрайди-я, Тавба-а!..»

Бекатда туриб, кўз қири билан у қиз айтган рақам битикли уйни ахтарди. Шу чоғ аллаким панада туриб ҳар бир ҳаракатини назорат қилаётгандек бўлиб туюлди. Этагидан биров босиб турган каби ўнғайсизланди у. Жаҳли чиқиб ялт этиб ортига ўғирилди — пойлоқчи тугул, ҳатто унинг шарпаси ҳам сезилмас эди. Тагин у йўлнинг кунботиш тарафидаги уйларга юзланди ва шу заҳоти яна ўша таъқибни ҳис этди. Шунда у бамайлихотир ортига қайрилди ва рўбарўсидаги иморатнинг борки деразасини бир-бир кўздан кечириб чиқди, шубҳа-ғумон қилгулик ҳеч вақо белги бермагач, ажабланди. Кейин манглайдаги терни кафти билан сидирди-да, паришонҳол йўлни кесиб нариги тарафга ўтди ва туйқусдан ўн уч рақамига рўбарў келди. «Бехосият аломат». Бир четига қиз айтган шу рақам битилмиш иморат шўрлаган каби кўримсиз, ўзи

ҳам поезд каби чўзилиб ётар эди. Кўз қири билан у тўртинчи эшикни ахтариб топгач, юрагида заифгина тараддуд сезди. Кимдир ҳамон таъқиб қилаётган каби эди. У бошини буриб йўлакка қаради ва рўпарадан келаётган кимсанинг баланд пошнаги туфлисига кўзи тушди. Оёқ босишидан бу туфли эрмакталаб, зериккан кимсага тегишли эканлиги шундоқ сезилиб турар эди. Унниққан женси шим, йўғон тўғали камар, «Молборо» ширкати тамғаси босилган антика қўйлак ва худди анави булутлар сингари бир имога маҳтал даҳшатли қўллар... У зимдан ўшанинг кўзларига қаради, нигоҳлар тўқнашган заҳоти кўнглидагина ҳарифи уқиб олганлигини Тоҳир пайқади, назарида, ҳарифи совуқ ва таҳқирона илжайди ва атай кўз қисиб қўйди. Шунда унинг юраги увишиб кетди.

Бироқ ўша йигит ёнгинасидан жуда ҳам лоқайд, парвойфалак алпозда ўтиб кетгач, ҳайрон бўлди ва балки менга шундай туюлган чиқар, деган ўйга борди, сўнг йўлак бўйлаб тўртинчи эшик сари одимлади: Ичкари кираётиб нечундир, гарчи ўзи истамаса-да, ўғринча назар билан йўлакка қаради, ҳалиги йигитнинг қораси ҳам кўринмагач, бадғумон бўлиб қолибман шекилли, дея мийиғида кулимсиради, сўнг зинани босганча бир нимани унутиб қолдирган киши каби бир лаҳза туриб қолди. Етти ёт кимсалар дунёсига дабдурустдан кириб бориш нечоғлик ҳаросатли эканлигини шунда у теран ҳис этди. Олдинга юриш — таҳдиду ваҳм тўлиб-тошган чакалакзор ичига киришининг байни ўзи, чекиниш эса ундан ҳам оғир — шундай манглайингда кўриниш бериб турган тилсимдан, бу оламда эришиш мумкин бўлган бирдан-бир сирли хилқатдан юз ўгириб кетиш билан теппа-тенг эди. Ҳолбуки...

Ихтиёрига бас кела олмай, оёқларини судраб босганча у аввал иккинчи, кейин учинчи қаватга кўтарилди. Ҳамон иккиланар, ҳамон ўзида журъат сезмас эди. Шу чоғ иккинчи қаватдаги темир эшик шарақлаб очилди ва беихтиёр ўзини у панага олди, аёл кишининг ҳовлиқиб кимнидир койигани, анави қиморбоз илиб қолган чиқар, дегани қулоққа чалинди. Ниҳоят, аёл, афтидан, йўлакка чиқди, негаки унинг бақирғи энди баралла эшитила бошлади: — У ўлмади, мен қутулмадим! Ер ютуғур қаёққа кетди ўзи? Кафангадо қилади бу касофат!

У, зинадан кўтарилаётган аёлнинг шип-шип қадам товушини эшитиб, илгарилади. Аёл тўртинчи қаватга чиқаверишда уни ёнлаб ўтди ва зина адоғидаги эшик олдида — супачада ҳаллослаганча туриб қолди. Чап томондаги кўкиш чарм қопламали эшикка яқинлашиб, кўнғироқ тугмасига узалди, шу чоғ бир нимадан чўчи гандек дабдурустдан қўлини тортди. Қайрилиб, тимирскиланганча оёқсуртгич поёндоз устини кўздан кечирди, сўнг унга жонҳалак назар солди-да, ўпкаси оғзига тиқилганча ирkit зинадан қўйига эниб кетди.

Тасодифий бу ҳодисалар силсиласида қандайдир бехосият аломат мавжудлигини унинг кўнгли сезиб турарди. У кўкиш чарм қопламали эшикка юзланди-да, адоий тамом бўлган киши каби ҳорғин бир алпозда кўнғироқ тугманасига қўл узатди. Ва ичкарида булбулугўё зор қўйиб сайраб юборди.

Эшик қия очилди. У бўсағада турган қўйи рўпарасида намоён бўлган сирли ва нотаниш хилқатга ўғринча назар солди: ғира-шира йўлак ва унинг адоғида ланг очиқ эшик; торгина, деворини оч пуштиранг гулқоғоз безаган хона, тўрда суянчиқлари жим-жимадор қадимий диван, узала тушиб ётган заҳил юзли кампир — шунда у дорининг нохуш ҳидини туйгандек бўлди — боёқишнинг бўйнига довр оппоқ чой-

шаб ёпиб кўйилган. Йўлак деворига бир суврат осифлиқ, эшик очилган заҳоти дафъатан кўзга шу ташланади. Унда мажнунтол каби атай шохлари куйига сари ўстирилган бечораҳол тут тасвир этилган. Асфалт йўлакни у ёриб чиққанлиги бўртиб, кўзга ташланади, асфалт яра каби битиб, унинг танасини сиқиб кўйган, боз устига аллакми унинг бағрини ўйиб юлдучта тасвирини солган, ярадан кўкракнинг сутига ўхшаш қон силқиб турибди.

Атиги олти ой аввал чизган шу сувратигаги бўш ўринлар шу тобда ўпирилиб ётган жарликдай бўлиб кўзга чалинди. Ижиргангандек лаблари хиёл бурилди. У нигоҳини сувратдан узди-да, рўпарасида турган қизнинг кўзларига синовчан разм солди.

Бу қисса муҳаббат ҳақида бўлганлиги учун ҳам, гарчи сизнинг қимматли ва азиз вақтингизни пича олсам-да, Тоҳир ва Зухранинг дилидан кечгани ҳеч эринмай тасвирлаб ўтмоқчиман. Зухра ким дейсизми? Ҳеч шошилманг! Шошган қиз ёрига ёлчимас, дейди-ку, ахир. Ҳеч шошилманг!

Ўтган бир лаҳза мобайнида қиз ўзига тикилиб турганлигини у билар эди. Одатда киши шундай дамларда кўз уриштириб, рўпарасида турганнинг дилидагини ўқиб олишга умтилади. Қизнинг на етти ёттиги, на ўзининг бу остонага бош уриб турганлиги хаёлига келмади унинг, аксинча — минг йилдан кейин тагин ўз мулкига эга чиққан одам каби, шундай саю ҳаракатга мутлоқ ҳақли киши каби киприклари лашкардай тизилган чарос кўзларга у қадалиб қаради. Худо ярлақаб, кечаси ҳеч қудуққа тикилганмисиз сиз? Ҳа, ҳа баайни ўша — сиз термулган қудуқнинг ўзгинаси эди бу кўзлар! Бағоят теран, бағоят маҳзун, қаърида жодули бир ёлқин жилва қилиб туради унинг.

Гарчи у қараш-қараш қилиб турган бўлса-да, қизнинг чеҳрасидаги тенгсиз малоҳатни ва айни пайтда, қуйи лаби гунчадек бўлатуриб, юқори лаби қушнинг ёйилган қанотларига ўхшаб кетишини, бу ақиқ лабларнинг чап учи хиёл қимтилганини ва бу юзига бўлакча бир ифода бераётганини, баайни шу ифода ҳатто қарашларига ҳам кўчганлигини илғай олди у. Ўзини фавқулодда жиддий тутаётганидан қиз ичида беғараз кулаётганлигини ҳам фаҳмлади: «Жоконда». Кўнглидан кечган ўйни, табиийки, қиз ўқишини истамди, шунинг учун ҳам кўзини олиб қочди у ва малакнинг чиройли иякларига кўз юборди ва яна бир марта Жоконданинг бағоят силлиқ қилиб йўниланган туюлгувчи кўркам ияклари хаёлидан кечди. Фақат унинг бўйни оққушниқисмон узун; эғнида ҳам қора ҳарир кўйлак, шунданми, ярим яланғоч сийнаси оқ-оппоқ момикдай бўлиб кўринар эди; у қизнинг нозик белига ва ундан қуйига ва ундан ҳам қуйига қаради ва бирон-бир нуқс топа олмади!

... ютунди.

... ичкаридан арзи-дод янглиғ титроқ бир овоз келди: «Сизга фақатгина термулмоқ даркор, Сизга фақатгина лозим сиғинмоқ!..»

Қизнинг бежиримгина шиппак илган оёқларидан кўз уза олмай, табиатнинг ўзи ҳеч эринмай ҳатто тўпигига довр бунчалар оро берганлигига ҳайрати келди унинг.

— Келинг!

У титраб кетди. Қиз, келинг, демади, гўё чанқовузни олди-да, оҳиста чалиб юборди:

— Келинг!

Тараддудланди.

У ичкарига кирган заҳоти димоғига шундай бир муаттар буй урилдики, ихтиёрсиз равишда шоша-пиша туфлисини ечишга тутинди, оёғида шу матоҳнинг

борлиги, рости, орини келтиради. Энгашиши, боғичини ечиши лозим, қандайдир ўнғайсиз эди бу. У тагин қаддини ростлади, сўнг тик турганча туфлини ечди. Шунда, кўп қатори энгашиб турғлиси боғичини ечишдан нечун ўзини тийганлигини фаҳмлади, бу ёқимсиз юмушга уринган чоғи қизнинг чеҳрасида аввалгидай — нокомиллик устидан кулишга мойиллик акс этгандай бўлди, буни у кейин — оёқ учиде туфлини бир четга суриб қўяётган пайти баногоҳ англаб етди ва ёки унга шундай бўлиб туюлди.

Қизнинг марҳаматига итоатан унга эргашиб меҳмонхонага қадам босар экан, арзонбаҳо, бежирим қандилу деворга осифлиқ сувратларнинг, қуюлиб турган ҳарир парданинг, қўйингки, ҳар бир жиҳознинг бағоят дид билан жойлаштирилишида ораста кўнглининг нозик таъбини илғайди, беихтиёр энгил-бошини назаридан кечирди ва кўрдик, пойчасига сезилар-сезилмас чангу гард сингишиб қолипти, у қиздан яширинча оёғини кўтарди-да, шимини қочди, кейин шу қилиғи ўта бачканадай бўлиб туюлди, бесар ўзини ерга ургандай кўнгли малолга тўлди. «Мен бир расом бўлсам, — деб ўйлади у, — ўзимни бозорга солгани эмас, манавининг сувратини чизгани келдим-ку, ахир. Бунга пойчадаги чангнинг нима дахли бор?! Кулса кулар.» — Шунда у ўзининг қисмати ҳеч қачон манави қизнинг тақдири билан туташиб кетмаслигини идрок этди. Унинг умр йўли бундайларники билан аҳён-аҳёндагина кесишиб ўтади, холос. Шунда бир хил қутбли зарядлар тўқнашганидаги каби чақмоқ қақади ва унинг ҳосиласи ўлароқ фавқулодда бир асар бино бўлади. Шундай экан, оний йўлдошнинг нимасидан бунча тортиниш керак? Кулса, кулар. Бари бир эмасми, ахир. Бунинг сувратини солишим керак, вассалом, мен учун энг муҳими шу!»

Бу малак тугул қитмироқ ҳамкасби қитиқпатиға текканида ҳам, битта-яримтаси, телба, деб кулганида ҳам сира у парво қилмас, ўз ишини билиб қилаверар эди, бугун, манави қизнинг қошида ёш болага ўхшаб, ёш бола эмас, ўн етти яшар ўспирин каби қисиниб-қимтиниб туриши...

Унинг жағлари қаришди, қизнинг ширин жилмайшига ҳам, ўтиринг, дея қилган мулозиматига ҳам эътибор бермай, молбертини курсига қўйди-да, уни шайлади. Кейин жўрттага, яъни одоб юзасидан, атай шундай қилганини сездириб жилмайган бўлди ва: — Агар иложи бўлса, — у дераза тарафга қаратиб қўйилган курсига ишора қилди, — мана шу ўриндиққа ўтирсангиз, — деди пул топиш илинжида ёлланувчи қизларга муомала қилаётгандай кўрслик билан, — юзизга ёруғ тушиб тургани маъқул! — Мўйқаламга узалатуриб, ҳамон қизнинг қилт этмаганидан диққати ошди. «Сизга нима дедим», деган таадди билан унга қарашга чоғланди-ю, бироқ ҳадди сиғмади, ўша юзларда тагин бояғи ифодани кўришни истамди у. Шундагина бир оз шошилганини, эҳтимол ўзини йўқотиб қўйиб ноўрин муомала қилганлигини пайқади ва шашти синини маҳзун бир алпозда туриб қолди.

— Бир пиёла чой ичмайсизми аввал? Чарчаб келгандирсиз, ахир?!

У қизнинг гап оҳангини, талаффуз йўсинию муроди — ҳамма-ҳаммасини элақдан ўтказди. Гарчи қиз унинг ҳукмига итоат этмаган бўлса-да, буни меҳмоннавозликка йўйган ва гап йўсинида унинг кўнглига тегувчи бирон-бир иддао қилмаган эди. Шунда ҳам у бир нима демади — ора очиқ қолди. Хўрсиниб бошини кўтарди-да, паришонҳол — девордаги жиҳозларни кўздан кечира бошлади. Ҳайбатли чинни гултувакнинг юза қисми деразадан кўриниб турар, де-

ворга чирмашиб ўсган лечакгул болахонанинг умумий фусунига яшиллик файзини сингдириб юборган эди. Бериди, бурчакда турган телевизор устига ваза қўйилган, вазада эса бағоят кўркам, фақат бир дона қаймоқранг атиргул...

Нари кетаётган қизнинг шарпаси унинг эътиборини ўзига тортди, ўгирилиб даҳлизга чиқаётган малакнинг сарвқоматига тикилиб қолди. Унинг наинки ўзи, ҳатто юриши ҳам маъсум ва диловар эканлигига ич-ичида тан берди. Шу чоғ чала чизилган суврат каби хаёлини алланима банд этди, ихтиёрсиз равишда дераза сари юзланди, нигоҳи тимирскилана-тимирскилана ниҳоят гулнинг ортида турган расмни илғади. Боя ҳам шунга назари тушгандай бўлувди, Ички бир қизиқиш билан у икки қадам ташлади ва узалиб расмни олди-да, кўзига яқин келтириб, тикилиб қаради. Бир замонлар русм бўлган одат бўйича сочи турмакланган ва қуйиб қўйгандай шу қизга ўхшаш аёл кўзларида юлдуз чақнаган йигитга кифтини бериб турибди, — адаси билан ойиси бўлса керак, фақат сувратда руҳ йўқ, нимаси биландир, вафот этган кимсанинг билдириш маъносида идорасига осиб қўйиладиган расмига жуда ўхшаб кетарди у. Ҳа, дарвоқе, чор атрофи қора боғич билан ўралмаган, холос. Қилигидан ўзи хижолат бўлиб расмни у аввалги жойига қўйди, шундагина вазанинг бу тарафида турган иккинчи расмга кўзи тушди. Қизнинг ўзиники эди бу. У чаккасига гул тақиб, бурмали кўйлак кийиб тушган. Чаккасидаги гул равшанроқ кўринсин учун хиёл бошини буриб турибди, шу ниятини биров сезиб қолгану шундан уялган каби лабининг учида бир қимтиниш бор. Бу расмдан у кўз узмади-да, тағин зингил солиб гул ортидаги расмга қаради ва комил ишонч билан, — уларнинг сиймосида ҳеч қандай руҳ йўқ, — деб ўйлади, — эллигинчи йилларнинг кишилари, бирон-бир фалокатга гирифторм бўлишган шекилли.

У қайтиб жойига келди-да, ён-верига зингил солиб қаради. Қаймоқранг телефон аппарати, «Рекорд» телевизори... олтмишинчи йилларда харид қилинган жиҳозлар, фақат шу қадар дид билан жойлаштирилганки улар, ёлғиз мана бу сувратгина уларга ботишмай, тамомила ажралиб турар эди. Сувратда кимнингдир йўлига интиқ термулиб, ҳаяжондан юзлари ёнган қиз...

— Менинг жону дилим шу суврат!

Ўгирилиб у қизга қаради.

— Нимаси яхши шунинг?

— «Нимаси яхши-и?» — Қиз хиёл чимирилди. — Қаранг! У нечоғлик интизор. Буни сиз тушунмайсиз! Бу — мен, ўзгинам менинг!

«Мен эса бу суврат замирида хазон бўлган истеъдодни, тирикчилик ташвишини кўраман, холос».

Йигит кибр билан бошини кўтарди-да, э-э, шунақа денг, тушунарли, тушунарли, деган истеъзо билан қошларини керди. Табиий равишда у қизга асари маъқул тушганидан ички бир қониқиш туйган, ўзига баҳоси баланд бўлганлиги учун ҳам у қадар татимаган эди бу. Ёзув замиридаги моҳиятни ўқишни истаган олим назари билан у қизга қаради. Ва бир замонлар Микеланжело тошдан йўниб, сўнг ўзи ошиқ бўлиб қолган мрамор санамни ёд этди. — Худди ўзи — деб ўйлади у, — худди ўзгинаси, эгнидаги қора ҳарир кўйлагию чой қайтараётган қўллари унинг тирик эканлигидан шаҳодат бериб турибди, холос. — Аслида сийму танини ёпган ҳарир кўйлак янглиғ ҳарир бир парда малакнинг кўзларини ҳам тўсиб тургандай эди. У қизнинг юзига, кейин зимдан қаймоқранг атиргулга қаради. — Жуда, жудаям ўхшаш.

— Утиринг! — Бу лутф эмас, илтижонинг, юракда-

ги илтижонинг ўзгинаси эди. Йигитнинг юрагида заифгина бир титроқ сезилгандай бўлди. Курсини хиёл орқага суриб чўқди-да, қизнинг бояги мақтовидан дили равшан тортиб ўзи чизган сувратига қаради. Бу асар аллақачоноқ руҳидан узилиб кетган, қолаверса, шу тобда ҳолати тамомила унга номутаносиб эди, эҳтимол, шу боис суврат бари бир бошқа бировнинг иши каби туюлди, унинг аксар ўринлари бўш — боғбоннинг ўқувсизлиги туфайли файзини йўқотган боғ каби кўзга хунук ташланиб ётар эди.

— Шу сувратни чизган мусаввирни танийсизми?

«Танийсизми?» деган сўз талаффузидаги товланиш боисми, ҳар қалай, мақтанчоқлик қилишига бир баҳя қолди. Аранг ўзини тийиб ва аранг вазмин оҳангда: — Ҳа, — деди.

— Узи қандай киши у?

Йигит индамади. Уйнинг тўрида осиглик турган асари ва ундаги кўнгли тўлмаган жиҳатлар хаёлида оламча ўйлар кўзгади, Бугунги тасвирий санъат эҳтиёжлари қаёқдаю кишилар савияси қаёқда. Ким учун яратиш керак ўзи — санъат учунми ёки манавилар учунми? «Эскича айтилар янги куйимиз».

У осмондан қулаб тушган ярадор қуш каби оdatий саросимага берилди, диққати ошиб дераза томонга юзланди, гарчи у булутли осмонга қараб тургандай туюлса-да, аслида ҳеч вақони кўрмас эди; хаёлига каманд ташлаган таъсир секин-аста кимнингдир овозига айланди, қачонлардир у: — Да! — деган овозни эшитган, лекин қачон? Ким эди унинг ўзи? Йигитнинг фикрини шу савол банд этди.

Баногоҳ аллаким гўё Рим ибодатхонасидаги қадимий жомни чалиб юбордию унинг янгроқ садолари майинлашиб-майинлашиб шуурига сингиб борди. У садо таралган тарафга бурилди ва, кўрдики, ўша қиз пиёлани чертаётди!

Қиз курсида омонатгина ўтириб чой узатмоқ баробарида чап қўли билан ёқасини хиёл ёғжимлаб турар эди. Бу ҳолат аллазамонлардан буён қўл тегмаган ва чанг босиб ётган унинг кўнгли торини чертиб юборгандай бўлди. Шундан таралган оҳанг ўлик танга тириклик суви янглиғ сингганди гўё. Бундай нафосатни четлаб ўтаётган оилавий ҳаёти, саранжом-саристаликдан ҳоли қозон-товоғи, тик оёқда туриб чой ичишию доимий тартибсизлик... бари-барчаси кўз олдидан ўтди ва умри нечоғлик қашшоқ кечаётганлигини шу лаҳзада аниқ-тиниқ идрок этди.

Оҳиста чертилган пиёла сокин жаранг таратди. Уйқуси қочган одам каби кўзлари пирпираб қизга термулди у ва жилмайинқираб чойга узалди. Куни кеча чимилдиқдан чиққан келинчак каби рўбарўсида ўша малак ибодат сақлаб ўтирар, ҳатто тик қарамас эди унга.

Йигит пиёлани қўлига олиб, ҳайрон бўлди, у чилпиллаб турар эди, чойнинг бунчалар тўлдириб қуйилиши одатийликка хилоф бўлганлиги учун ҳам — бир тилсимга рўбарў келиб, шунинг ечимини тополмаётган каби унинг руҳиятини маҳзунлик чулғаб олди. «Нимага ишора экан бу ўзи?» У бошини кўтариб, шу саволга жавоб излаган каби қизнинг чеҳрасига кўз юборди. Ун саккиз яшар қизнинг чеҳраси эмас эди бу, кечмишга дахлдор аччиқ ситамлар унда совуқ асорат қолдирган, парда тўсган кўзлар эса сийратини ундан ниҳон тутарди. Тенгсиз ва илоҳий шу маложат замирида даҳшатли бир сир яширин эдики, буни у сезмасдан қолмади. «Нима?» Шунда боя хаёлини банд этган: — Да! — деган товуш бир қадар аниқ ва равшан эшитилгандек туюлди. «Ўша — телефонда: — Гапир! — дея дағдаға қилган...» Беихтиёр у қизнинг

қўлидан тутди ва дилидаги гумонига ойдинлик кири- тиш учун «Ким эди у?» дея сўрашга чоғланди. Бироқ шу лаҳза, гарчи ҳеч бир эътироз билдирмасан- да, қиз қўлини оҳиста халос этди ва унинг лаблари- да норозиликнинг шундай бир нафис ифодаси зухур бўлдики, қилиғидан ўзи пушаймон бўлиб, кечирасиз, деди у беихтиёр. Ва туриб, чиқиб кетишга аҳд қил- ди. Шу чоғ қизнинг, нега бундай қиласиз, деган каби ўпка-гина билан қараб турганини кўрдию тагин ўзи- ни босди. «Анавиям, ким бўлмасин, ботиниб бир сўз дея олмас керак бунга. Жуда ҳам баҳосини билар экан! Истаса, бутун бошли дунёни турғазиб ўтқизади. Унча-мунчаси кўзига тик қарай олмайди ҳам! Эҳти- мол, бирон-бир касалга чалингандиру шундан қолган асоратдир юзидаги, деган ўйга борди, тагин бу тах- мини ҳақиқатдан жуда йироқ эканлигига ўзи иқрор бўлди. — Асли-насли шунақа бўлиши мумкин! Ҳа, ҳа, ота-онаси вафот этгач... шундан қолган асоратдир! Осонми бундай кулфатга чидаш!» деб ўйлади у, нега- дир шунга жуда ҳам ишонгиси келиб, бироқ бу тас- кинбахш тўхтаб замирида нохуш бир ҳақиқат, ҳа, ҳа, ўйлаган ўйга тамомила зид ҳақиқат ётгандек бўлиб туюлди унга.

Баногоҳ дераза тавақаси шамолда ўйнадию ойна кўзгу янглиғ бир тилим ёғдуни дастурхон устига со- чиб юборди: қизнинг чап юзи ойдаё ёришди, соч- лари ёғдуланиб кўмушдай жимиллаё бошлади.

Йигит қўлидаги пиёлани дастурхон устига қўйди-да, апил-тапил молбертга энгашди: оппоқ қоғоз юзида мўйқалам сирғала кетди. Қизнинг яримта юзи тим қаро кечадаги ўн беш кунлик ойдаё бўлиб қоғоз юзига тушди, фарқи очилган сочининг тенг ярими олов каби ёнар эди, қолган тенг ярими... зимистон зулматига чулганган.

Ҳали у эскизни ниҳояламай туриб, тугатдингизми, дея қизиқсинди қиз. Унинг ҳаяжон илашган овозига болаларникига хос ўйинқароқлик, шираю тиниқлик юқ- қан эди. Гўё аллаким йигитнинг кўнгил даричаси тутилган пардани бир силкиб очди ва ичкарига олам- жаҳон ёғду қуюлгандай бўлди — дили ёришиб кетди унинг. Шикаста табассум билан у қизга юзланди-да, — йўқ, ҳали чаласи бор, — деди, — қимир этманг. — Шунда ўзининг айтган гапи шу қадар дағал туюл- дики, назарида, йиллар мобайнида қарор толган бу нуқс феълу хўйида йўқотиб бўлмас даражага етган- дек эди. Ёши ўтиб кетаётганини ёдига солди бу ва дилгир кайфият кўзгади унда. Ҳар қалай, у томдан тараша тушгандек, «Қимирламанг» демай, шоирона бир гапни ўйлаб топиши, айтиши ҳам мумкин эди-ку! Масалан, дейлик, жойингиздан жилманг ва ёки ҳола- тингиз ўзгармасин, илтимос! Ҳатто шу ҳам қандайдир ярашиқсиз ва дағал.

Маликага рўбарў келган чўпон каби у чиройли сўз- ларни қидира бошлади, бироқ тафаккур оламидан уларни тутиб олиш жуда маҳол эди.

Ниҳоят, у эскиздан бош кўтарди ва ички бир қо- ниқиш билан қизга қаради. Малакнинг кўзлари кулиб турар, меҳр учқунлари ҳам йўқ эмас эди унда, бироқ бу суврати чизилаётгани учунлигини, қиз шундан мамнун эканлигини фаҳмламай қолмади у. Айнан ма- на шу — меҳр не боис туғилганлигию унинг оний экан- лигини англаб етгач, таъби хира бўлди. Эскиз кўн- гилдагидай чиққан эди, қизнинг оқи оққа, қораси қо- рага ажраб турган ҳолати ўзига ҳам ёққан эди. Эскизини у молбертдан олди-да, қизга узатди. Ҳай- ратини ифода этиб, қиз ширин энтикди, юзлари яш- наб кетди унинг. Чиройли бошини бир ёнга солин- тирган кўйи ўзининг тасвирини узоқ томоша қилди

у, сўнг кўзлари чақнаб йигитга термулди. Унинг чарос кўзлари меҳрга тўлиқ, улар, миннатдорман сиздан, бағоят миннатдорман, деяётгандай бўлиб туюларди. Йигит туйдики, кўнгли меҳр эмаётир.

— Ўзим ҳам шундай келиштириб чизарсиз, деб ўйловдим-а!

Қизга гап қотмасдан тагин молбертга энгашди у. Ма- лакнинг бояги қараш шуурида михланиб қолган эди. «Билмаган эканман, ёш тўла кўзлар, Юлдуз тўла гўзал осмонга ўхшар». Шоирнинг шу байти қайдандир сизиб хаёлига келди-да, сўнг уйда қамалиб қолган қал- дирғоч янглиғ чарх ура бошлади. Бу сатр такрор ва такрор хаёлидан кечар экан, йигирма йиллар аввал ёд олган шеъри шунча вақт ўтиб кетгач, бирдан ёдида қай- та бошдан тикланганига ўзи ҳам ҳайрон қолди. «Билма- ган эканман, ёш тўла кўзлар, юлдуз тўла гўзал осмонга ўхшар. Йўқ, унинг кўзлари осмонга эмас, денгизга ўх- шайди. Денгиз бўлганда ҳам шундай денгизки, бағрида ақл бовар қилмас ғалаён...»

Онда-сонда у бошини кўтариб ўша чарос кўзларга қарар ва унинг қорачўғларидаги ҳайрат тобора меҳр- га қоришиб бораётганини илғар, табиийки, бунинг бар- часи ўзига дахлдор эканлигини ҳис этар эди. Эҳтимол, қўшни уйдан таралгандир, ҳар қалай, мунгли ва ҳа- зин; айна пайтда шу қадар дилдош бир наво унинг руҳи-жонини банд этди. Дардга тўлиқ бу муножот сел бўлиб оқ қоғоз юзига қуюлаётгандай эди, назар- ида, мўйқалами ҳам шу тобда шу қўшиқнигина қуйлаётгандай. «Менга тобе эди чиндан ўша чок, Илоҳий учқунлар чақнаган кўзлар. Сендаги бу нарса — муқаддас, гўзал. Менга эса булар — жонимдан аф- зал». Дардчил оҳу зорнинг ҳар биттаси юрагини тит- ратиб ўтар, жисми-жони эриб шу муножотга қори- шиб бораётгандай туюларди. «Қандай ширин эди у кезлар руҳга, Бир кечин бермасдим мангу умрга».

«Нега мен бу қизга ўн беш йил аввал рўбарў кел- мадим?! — деб ўйлади у тенгсиз бир армон билан. — Негачи энди бугун у менга дуч келиб турибди? Не- га? Тақдир менинг устимдан кулмоқчими ё? Мени масҳара қилмоқчими у? Қайтиб ортга чекина олмас- лигимни у аниқ билади. Шунга имони комил бўлгани учун ҳам бунга мени дучор этиб... Е, раббий! Қани, энди анорнинг суви бўлсаю ташналигим қонгунча сип- қорсам, биратўла қонимга сингиб кетса у. Қани энди бир марварид бўлсаю тилимининг остига жойлаб, умр бўйи асраб юрсам! Энди кеч. Энди...»

У сўнги чизгини тортгач, мўйқаламини хонтахта усти- га қўйди-да, устол қиррасига тирсагини тираб, каф- тига ияк босди. Шу заҳоти қўшиқ ҳам тинди. Мезон янглиғ ҳавода учиб юрган наво гўё тош каби қот- ди-да, юрагининг тубига чўккан кўйи туриб қолди. Бояги завқ-шавқдан ному нишон қолмагач, ўзини ба- ғоят ғариб ва ёлғиз, унутилган ҳис этди у, назарида, икки орадаги тубсиз жарлик тобора кенгайиб бора- ётгандай эди. Қисмат ботқоғига яна тойиб кета бош- лади. Неча йилдирки, шундан чиқаман деб уринади у, бильякс, сирғалиб тобора қуйироққа ботиб кетади, эгни-боши тошдан оғир, танига ёпишиб қолган, ҳара- кат қилишига сира йўл бермайди. Боя, назарида, қўл- ларини халос этиб, пича нафас ростлагандай бўлув- ди. Тагин беомон қаърга чўка бошлади.

— Бу сизга!

Қизнинг товуши жуда ҳам олисдан эшитилгандай туюлди, тагин у аллақандай муаттар бўйни эргаштириб келаётгандай эди. Шу чоғ бир қушча унинг кифтига кўнгандай бўлди. Қушчани ҳуркитиб юборишни иста- май у секин бошини кўтарди, бироқ қизга ўгирил- мади, балки рўбарўдаги кўзгуга қаради, устол устида

сутдек тошиб турган қаймоқранг атиргулни ҳамда тепасидаги қизнинг аксини кўради. Зоҳиран қиз унга суяниб тургандай, севинч тошган кўзлари эса айрича чирой касб этган, ёноқлари ял-ял ёнар, чехраси тонгда юз очган ва гулкосасига шабнам инган қаймоқранг атиргулнинг ўзгинаси эди, гулкосаларнинг зиҳига қизиллик югурган ва улар шунчалар яшнаб кетган эдики, рости, термулиб ўтирганча ўлиб кетгинг келарди.

Кўзгуда унинг кифтига инган бармоқлар шу қадар омонат турардики, чиндан ҳам учиб кетишга маҳтал қушчани эслатарди. Бурилиб, шу оққуш қўлга қарагиси, лабларини босгиси ва уни кўзларига суртгиси келди, бироқ ўзини тийди у. Ниҳоят, қизнинг: — Қўшиқ! Қўшиқ айтяпти улар! — дегани эшитилди. Шунда у ҳаммиша юрагини титратган, қизнинг овозидаги илтижою илоҳий бир хазинлик эканлигини пайқади. Ҳозир қиз ўшандай ширали, ўшандай инжа оҳанглар йўғрилган овозда ҳайратини изҳор этган бўлса-да, у мунгдан холи эди, шу боис юрагида севинч уйғотди, холос. Йигит бошини хиёл орқага ташлаб, бош учида турган малакка термулди. Аслида, бу тахлит назар ташланса ҳар қандай дилбар ҳам хунук кўриниши ва кўнгилда нохуш таассурот қолдириши мўқаррар эди, шуни билгани важдан ҳеч маҳал у гўзалларга мана шу йўсинда, яъни куйидан туриб разм солишни истамасди, шуни кўра-билатуриб, айна чоғда ўзини тутиб қололмади; қиз унинг кўнглидагини сезган каби ва унга хунук кўринишни истаманган каби чиройли бошини чап ёнга хиёл солинтирди, тун каби қўюлган унинг сочлари оппоқ елкасини тамом пардалаб, оққуш бўйнини ҳам кўздан яширди, ўксиган боланикига ўхшаш ғунча лаблари эса анор донасининг баъйни ўзи.

«Умр бўйи ахтарганим!.. Умримнинг бу ҳазон фаслида юлдуздай чарақлаб манглаймда турганинг нимаси? Нима дей сенга? Бир сўз демоққа ҳаддим бормикин, ҳаққим бормикин?! Айт, бу ҳолга чора борми, айт? Ёниб ёнолмасанг, ўчиб ўчолмасанг!..»

— Қўшиқ, куйлаяпти улар!

Олис-олислардан элас бир сас таралгандай бўлди гўёки: — Тоҳир, Тоҳир, Тоҳир!..

— Ҳа, ҳа, — деди қиз, ҳаяжондан энтикканча шивирлаб ва яна давом этдики: — Сиз билмайсиз! Сиз шундайсиз, шундайсиз ўзи, деб ўйловдим асли!

Қизнинг кўзларига термулгиси келди унинг, лекин қиз унга қарамади, паришон бир алпозда сувратдан нигоҳини узмай дедик:

— Сиз ҳеч нимани билмайсиз! Лекин мен сизнинг борлигингизга ишонар эдим! Бир куни эшикдан худди мана шундай кириб келишингизгаям ишонар эдим. Ахир, Зухраси дунёда бўлганидан кейин унинг Тоҳирям бўлиши керак-ку! Шундай эмасми ё? Даъвом ножоизми? Лекин сиз сурат чизарсиз деб ҳеч ўйламаган эдим. Алпомишга ўхшаб... Йигит ютунди. Минглаб чумоли ўрмаланган каби вужуди жимирлаб кетди унинг, ботқоқлик секин-аста чекинган каби ва исканжа руҳи-жонини хиёл бўшатган каби туюлди унга. — Йўлингизни пойлаб кўзларим тўрт бўлди менинг. Наҳот мен ғарибни тоқ яратган бўлса, наҳот хору зорликда ўтса бу умрим дея адои тамом бўлдим. Ахийри, сабрим чидамади, телефон дастагини шундай олдим-да, таваккалига рақам тердим, аллаким овоз берди; Тоҳир борми?, дедим. Шунда қанчалар жон ҳовучлаб турганимни хаёлингизга ҳам келтира олмайсиз сиз. «Йўқ, Тоҳир, йўқ! Унақа одам йўқ бизда!» деса нима бўлар эди? Билсангиз, куйиб кулга айланардим. Хайриятки, бор, лекин ҳозир бир ёққа кетган, фалон-пис-

мадон, деди ўша овоз берган. Сиз билсангиз эди — шунда қанчалар суюнганимни! Сизга айтишгандир-а, сим қоққанимни? — Қиз унга бир қараб олди. У, ҳа, деган каби тасдиқ маъносида бош ирғади. Қиз ўзининг гапидан ўзи уялган каби тагин эскизга қаради, сувратдаги кўзлари билан ўзи сўзлашаётган каби гапида давом этди. — Алпомишдай бўлсангиз чиқар, деб ўйлаган эдим. Товушингизни эшитдим-у, ҳа, ҳа, ўзим, худди ўзгинаси, мунча ҳориб қолипти менинг Алпомишим, дея куйдим. Рости, умр бўйи сиз ҳам мени, менинг сим қоқишимни интизор кутгансиз, шуни овозингиздан дарҳол пайқадим. Шундай эмасми, ҳай? — Зухра бу гал кўзгу орқали унга назар ташлади. Йигит, ҳа, демади, юзини бурди-да, унинг чатнаб бораётган бармоқларига кўзини суртди. Шунда баҳор эпкиндек бир насим, ҳа, ҳа, муаттар бўйга чулганган бир насим сочларини силаб-сийпагандай туюлди, сочларини силаётган қўл эмас, меҳрнинг ўзгинаси эди гўё. У етмиш икки томирида бир титроқ сезди. Йиллар бадалида муз қотган дийдаси батамом эриб, қайноқ бир йиғи келиб бўғизга қадалди ва кейин икки қатра қайноқ ёш кўзларидан силқиб чиқди. Тип-тиниқ осмонда ҳаволаниб бораётган укпар булут янглиғ ўзини энгли ҳис этди у. Қулоқлари остида яна гирянинг нолон оҳанглари чаппар урди:

Ё малак, ёхуд пари ҳусн ичра монанди эмас —
Ким, анинг ҳақ айламиш оламда якто ҳуснини...

Титроқ оҳанглар юрак торларига зарб билан урилиб парчинланар, камалак янглиғ жиололана-жиололана уни сел қилиб юборар эди; назарида, у умр бўйи шу навони ахтарган, шу қўшиққа зор бўлган, уни қанча тингламасин, ташналиги босилмас; тоабад у дарё бўлиб оқишини ва ҳеч адоғи бўй бермаслигини тилар эди. Қачондир шундай кун келишига ҳаммиша имони комил эди унинг, аммо бу ҳеч қутилмаганда — бугун насиб этишини хаёлига ҳам келтирмаган, руҳан бунга ҳозир эмасди. Укпар булут янглиғ ҳаволай туриб, баногоҳ турфа манзаралар: уй-жойи, чўмич кўтарган Гулбаҳор, учирган варрагига термулган каби унга кўз тиккан болалари, чала ётган ишларию ойнаманинг топширилмаган безаклари — ҳамма-ҳаммаси мезон янглиғ хаёлидан сузиб ўтишди, бошқа бир кучга соме бўлганлигиданми, уларга мутелик ҳиссини туймади, мастона сузлган кўзлари чўмич кўтарган Гулбаҳорни, учта боласини, тартибсиз сочилган қоғозларни, кўчаларни, шаҳарни — ўзи илдиз отган ўша хилқатни, тобора майдаланиб тубанда қолиб кетаётган заминни кўрди, бора-бора заминнинг ўзи ҳам гўё зиғирга айланди-да, бирдан узоқлашиб кетди — ернинг тортиш кучидан биратўла халос бўлиб, самоларга чиқиб кетган эди гўё. Уша гиря уни қанотларида олиб учарди: — Тушларимда кўрганман сизни, Тоҳир ака! Мунча интиқ қилмаса деб кўз ёшларим дарё бўлган! Уйқусиз кечаларда қанча хатлар ёзганман сизга. Қанчасини қушларнинг оёғига боғлаб учириб юборганман. Сиз... эҳ, си-из... ҳеч келмадингиз. Бошимга кулфат тушганида, бир халоскорга зор бўлганимда тоғдай таянчим бўлмадингиз менинг! Мана, энди...

— Ҳалиям кеч эмас...

— Ҳа, ҳалиям кеч эмас. Ёмон қиз эмасман мен, Тоҳир ака. Зухраям ёмон бўладими, ахир?! Кўргулик экан-да, эртақлардаги одамхўр аждарга... Сиз мени бало-қазодан асрайсиз! Асрайсиз, а?!

У маст эди.

— На акам бор менинг, на укам! Бу дунёда сиздан бўлак ҳеч кимим йўқ. Сиз... сиз ундан асрайсиз, а, мени?

У ихтиёрсиз тарзда, ҳа, деди.

— Эҳ, сиз! Сиз!.. Қандай ажойибсиз-а! Ула-ўлғунимча чўрингиз бўлайин сизнинг!

Қиз тиз чўкди ва унинг тиззасига юзини босди.

У бошини кўтарди ва қизнинг кўзида қалқиб турган икки томчи ёшни кўрди. Кўз ёшлари қизнинг юзини ҳам ювиб тушар эди.

У мажнунтолнинг кокилидек қуйилган сочларни силади ва шунда қўллари ипақдек майинлашиб кетганлигини туйди.

— Сиз — яхшисиз! — деди у. — Сиз — хурсиз! Сиз ҳар недан юксаксиз. Агар сиз бўлмаганингизда бу дунё нечоғлик ғариб, нечоғлик етим бўлишини билсангиз эди. Сиз менинг ҳасратим, сиз менинг бахтим, сиз жону жаҳоним, армоним, Зухра!

— Тоҳир ака!

Э-э, нега тақдир ўн беш йил бурун уни рўбарў қилмаган? Нега энди бир марварид эмаски, тоабат танглаида асраб юрса, нега у анор суви эмаски, ичсаю жисмига сингиб кетса?!

Қани энди жисму жонлар анови томчи ёш каби бир-бирига қўшилиб кетсаю тоабат яктан яшашса!

— Зухра!

Қиз бошини кўтарди, адоқсиз ёшлари дарё бўлиб оқаётган кўзларини унга тикди. Шундагина йигит тафаккурнинг англаш маҳол бўлган табиатини пайқагандек бўлди — дафъатан хаёлининг бир четида: — Билмаган эканман ёш тўла кўзлар Юлдуз тўла гўзал осмонга ўхшар, — деган ўй кечди. Сўнг юраги қон силқиди. — Сизни яхши кўраман, Зухра. Умрим бўйи излаганим — сиз. Ростини айтсам, нимани ахтараётганимни ўзим ҳам билмай, ахийри умидимни узган эдим. Энди билсам, мен бору йўғимни, жону жаҳонимни ахтарганман. Менинг бору йўғим — сенсан, севар ёрим — сенсан.

Сени яхши кўраман, яхши кўрмоқ ҳам гапми! Сенсиз бу дунё ботқоқликдай гап. Ундан халос қилган — ўзингсан!

Дунёдан кўнглим совиган, бору йўқдан умидим узилган бир пайтда худойим сени менга бежиз йўлиқ тирмади! Сен менинг юрагимдаги армоним эдинг, энди бир умрлик кўшиғим бўлиб қоласан, Зухра!..

У қизнинг юзларини ювиб тушаётган кўз ёшларни сидириб ташлади. Қиз унинг чап қўлидан сиқиб ушлади, агар ишонсангиз, унинг бармоқлари қўлга тушган қушча каби безовта титрар ва гўё йигитнинг қўли ҳозир сиқимдан чиқиб кетадигандай, шуни истамаётгандай, бу қўлни йўқотиб қўйишдан чўчиётгандай, бир йўқотиб қўйса агар, қайтиб уни топа олмайдигандай титраб-қақшаб сиқар; унинг безовта эканлиги, бир нимадан қаттиқ чўчиётгани шундоқ сезилиб турар эди.

Йигит, ким учундир шунчалар арзанда ва керак эканлигини шунда илк дафъа теран ҳис этди ва юраги тўлиб, кейинги бир неча сония ичида шу ёруғ оламдаги энг азиз кишига айланган малакнинг оқоплоқ билакларидан оҳиста тутиб, ўрнидан турғазди.

Кўз ёшига ювинган қиз нақ унинг рўбарўсида шабнамда чайилган атиргулдай бўлиб турар эди. Ва ундан шундай бир муаттар бўй таралар эдики, йигитнинг юраги орзиқиб кетди.

Толеидаги ошуфта юлдузга талпинган каби у қизга умтилди ва шунда баногоҳ то шу кунга қадар қўлу оёғини ипсиз боғлаган ғайришуурий куч малол ботгулик тарзда кўкрагидан секин итарди.

Шунда-да малак дудоқларига лабини босди у.

Дилларчи сеҳрловчи бир куй элас-элас қўлоғига чалинди, юраklarини титратиб чиқиб томирларида қон

бўлиб оқаётган бу наво уларни, шунинг баробарида оламни аллага кўмар эди гўё.

Қизнинг киприклари ошиқ-маъшуқлар каби бир-бирига чирмашиб кетдилар.

Шууридаги совуққон ҳакам ҳамон ҳатти-ҳаракатини кузатиб, қилмишини муҳокама этиб турганлигини йигит ҳис этди, кейин... ўша дилдош наво жисми-жонини тамомила сеҳрлаб олдию маст каби кўзлари сузилди, сўнг руҳи-жонини чирмовиқ каби чирмаб турган исканжа ҳеч қутилмаганда парча-парча бўлиб кетди, руҳи танидан суғирилиб чиқди-да, уқпар каби, ҳатто самолардан ҳам юксак — арши аълога мансуб уқпар каби беҳад тез ҳаволай бошлади, ҳакам-пакамлар, исканжаю тазйиқлар жисмига қўшилиб ирkit заминда қолиб кетдилар, шуни аниқ ҳис этди у.

Одамзод шунчалар нуруши мумкинми ўзини? Жисмидан шунчалар халос бўлиши, руҳи шунчалар юксалиб, фаришталар янглиғ учиб юриши мумкинми сира?! Е, раббано! Нима бу ўзи? Қандай куч бу? Қандай синоат, қандай саодат?

Гўё у ботқоқликдан суғурилиб чиқди-да, тириклик сувига чайинди ва сўнг учиб бориб нақ юлдузлар оғушига сингиб кетди. Уша дамда мудом бир наво янграб турди, бу наво қонига қўшилиб оқдимининг ва ёки фалақдан таралдимини, ёки унга шундай — қўшиқ янграётгандай бўлиб туюлдими, ўзи ҳам аниқ билмайди буни. Лекин шу наво унга қанот бўлганлиги, учар гилам янглиғ уни олиб учганлиги рост.

Орадан йиллар, эҳтимол ойлар, балки лаҳзалар ўтиб, у жисмида бир оғриқ туйди. Эҳтимол, кимнинг дастидан шундай азият чекаётганлигини билиш учун ҳам қайтиб у фалақдан турган жойига тушган чиқар?..

Бир жондор келиб қўлидан чақаётгандай бўлиб туюлди. Жони оғригач, у истамайгина кўзини очди, оғушида — самовий ҳурилоқ, у ширингина туш кўраётгандай, туш қўриб ухлаётган гўдакдай, чехрасида илоҳий бир осойиш, маъсумлик; ўзининг кўз очгани, эҳтимол ҳолатнинг ўзгариши мана шу осойишга хиёл бўлса-да даҳл қилганлигини у пайқади ва кўзларини чирт юмди. Жони оғрий бошлагач, қизнинг белида турган чап қўлини оҳиста кўтарди ва унинг елкаси оша қаради. Қон. Шуни кўра-билатуриб, қудратли бир куч элитган каби унинг кўзлари тағин юмилиб кетди. Гўё у тош қотиб ухлар ва барча-барчасини тушида кўраётгандек ҳис этар эди ўзини. Бир сархушлик ато этувчи оққуш қўллар ток навалари янглиғ бўйнига чирмашган, оғушидаги малакнинг кўкраклари ҳам бир маромда енгилгина кўтарилиб тушар эди. Мана шунинг ҳаммасини, ўзи асл ҳолатига қайта бошлаганини ҳам, бу ўзгариш қизга сезилганию унинг лаблари гармсел теккан гўнча каби қовжирай бошлаганини ҳам у фаҳмлади. Кўзларини очиб, малакнинг ёноқлари оша тағин ўзининг қўлига разм солди, бир нима тилиб юборган, шекилли, қўлининг орқасидан тизиллаб қон оқар эди. Ширин туш кўратуриб, сесканиб уйғонган одам каби у ажабланди. Ҳеч вақони англай олмай кўзларини чирт юмиб очди, ва кўрдикки, ноҳуш нарса теккан каби қиз инграётир, нозик елкалари ўқ еган қуш қанотидай тиришаётир.

«Қўлини тилиб юборган — нима у? Ахир, бу уйга келганида... кейин...» — Ортиқ ўй ўйлагисини келмади унинг. Маст уйқу элитаётган каби кўзи юмилаётиб, баногоҳ ҳу нарида турган ва йўқ ердан пайдо бўлган аллақандай шарпани илғаб қолди. Уша шарпа секин-аста шамойилга айланди. Бу дунёнинг бир тантиғи кўз остидан адоват билан тикилиб турар эди унга...

Қиз эмаётган сути адо бўлган гўдак каби оромсизланди, тамшанди, ниҳоят, у хиёл бошини кўтар-

ди-да, лабларини чўччайтириб, аразлаган каби наво-зиш ила унга термулди.

Тоҳир қайта туғилган одамдайин нималар бўлаётганини, анави ердан чиқдими ва ёки осмондан тушдими — шуни, ўзи ким — шуни англамоқ хоҳишида ундан кўз узмас, бироқ буни идрок этмоққа қувва ҳофизаси етмас эди сира.

Жинси кийганининг мушаклари туртиб чиққан, қўлида — пакки, эҳтимол, шу билан унинг қўлини тилиб юборгандир? Шу тариқа уни огоҳ этгандир? Бунақалар шунақа — қилиқсиз бўлишади-ку ўзи — эшик эса ланг очик. Наҳот қулфламаган бўлса? Ва ёки анави очиб кирдим, а? Қандай қилиб, ахир?... — Оёғида ярашимли оппоқ қалесо; тошдек қотган чап юзида чандик, бўйнида ҳам ингичка тиртиқ бор эди унинг. Афтидан, у бамайлихотир, фақат буларнинг бу қадар имиллаши хуш ёқмаётганди. Қиз оққушниқисмон бўйинини чўзиб иягини кўтарди-да, унга тикилди, кейин «сизга нима бўлди ўзи?» деган каби қулимсираб, қошларини чимириди, унинг бир нуқтага тикилиб қолганлигини кўргач, ҳайрон бўлиб ўгирилди-да, ўша ёққа қаради. Дафъатан, билакларига оғирлик тушгач, йигит сездики, қиз тамомила бўшашиб кетди. Кейин унинг ваҳм билан оҳиста энтиккани қулоққа чалинди. Шу лаҳза у нақ юраги ёрилгандай Тоҳирнинг чап билагини шунчалар сиқдики, шунчалар сиқдики, оғриқнинг дастидан хаёлини ўғирлаган сархушлик пардаси тарамтарам бўлиб кетди: «бу — ўша!» Умр бўйи қора булут каби руҳиятини хуфтон қилиб келган шарпани одам шамойилида турганини кўрди у. «Бу — ўша!» Қиз ўшандан қочиб, жисми-жонига сингиб кетмоқчидай, баттар унинг пинжига суқилди, сўнг хиёл дадиллашгач, унга орқайин қилиб: «Нима демоқчисан? Қани, гапир! Ортиқ менга кучинг етмайди. Шунақа!», демоқчи каби кибру адоват билан тумтайганча ўшанга қаради.

— Чиқ, сени кутишяпти!

Қиз, биров уни икки буклаб нақ аждарнинг комига тиқиб юбораётгандай фифон чекиб зорланди:

— Чиқмайман! Чиқмайман!

Нариги хонадан кампирнинг безовта ингрангани, кейин ғарибона нолиши эшитилди.

— ... Ютқаздим сени! — Йигит Тоҳирга қараб хунук ишшайди. — Бир кечага... ўлиб қолмас! Сен...

Қиз унинг пинжига сингиб кетгандек бўлди, кейин нажот истаган каби ваҳм тўла кўзларини катта-катта очиб унга термулди.

«Ютқаздим?» Нечун ютқазди? Нима? Қиморбозмикин бу? Зухрани ўйинга тикканмикин? Наҳотки? Наҳот у?... Тоҳирнинг мияси ғовлаб кетди. Зухрани қиморга тиқши ақл бовар қилмайдиган ҳаракат. Баногоҳ боя, юқорига кўтариллаётди, аёл кишининг: «У ўлмади, мен қутулмадим. Қаёққа кетди ўзи? Кафангадо қилади бизни!», дея қақшагани хаёлидан кечди. Ҳа-я, ўша аёл, анави қиморбоз илиб кетган чиқар, деган эди-ку!

— Нима, сиз қиморбозмисиз? — деган сўров беихтиёр оғзидан чиқиб кетди унинг. Лекин қиморбоз эътибор бермади унга.

— Зул! — деди у хиёл таҳдид билан. Одатда, бировни чўчитмоқ истаса овозига шундай тус беради киши.

— Улдириб ташласанг ҳам бормайман! — Қиз йиғлаб юборди.

— Зул!!! — Бу удағайлашдан кейин ҳали тамомила томошабинга айланган Тоҳир хиёл ўзига келди ва айтган сўзи жобажо бўлишга гарчи кўзи етмаса-да:

— Ҳеч қаёққа бормайди у! — деди.

Жинси кийган йигит, ана, холос, деган каби лабларини чўччайтирди. Кейин икки қадам олдинга юрди. Худди шу лаҳзада икки одам вужудида бириктириб турганлигини Тоҳир аниқ ҳис этди: бири бу жанжалга бевосита иштирок этишни истамас, ўзини четга олишга, ҳар бир ҳодисага хушёр муносабатда бўлишга мойил, хархашага тасодифан араллашиб қолганлигини, аслида қизга етти ёт эканлигини нутиб қўймасликка ундар эди уни; иккинчиси... енгини бир нима ёндириб юборганлигини туйди, ўгирилиб кўрдик, қизнинг қайноқ кўз ёшлари дарё бўлиб юзини ювиб тушаётир. Ва беихтиёр уни қўлтиғидан бўшатди-да, кифтидан тутиб орқага сурди, сўнг ўзи олдинга бир қадам ташлади.

— Қоч йўлдан!

У қочмади.

«И-а!» Нақ юзига урилган зарбдан орқага у чагилиб кетди, учиб тушаётди бир амаллаб устолга таяниб қолди, холос, устол денгиз каби чайқалдию аввалига пиёлада чилпиллаб турган чой пўртана янглиғ ҳавога сачради, кейин пиёланинг ўзи қарсиллаб полга тушди-да, чил-чил синди.

Тоҳир шу пайтга қадар ўзи англамаган бир ёввойи қудрат жисми-жонини банд этганини сезди, қўллари метинга айланди гўё.

«И-а!» Бу галги ҳамладан ўзини асраб қолди у ва бир маҳаллар — ёшлигида ўн бир одимлик жарима тўпини чирпирак қилиб қандай тепган бўлса, худди шу алпозда — жон-жаҳди билан ҳалигининг нозик жойига қақшашиб тепди. Шунда бетма-бет турган башара буришиб кетганини, ола-кула кўзлар қонталашганини илғади, қайта ҳамла қилатуриб, тирсаги ачишиб куйишганини сезди, бари бир, ўқрайган кўзларни, у хийла нарига итқитиб ташлади. Кимдир елкасига чирмашгандай бўлди, у дарғазаб силтанди ва қизнинг: — Қўйинг, тегманг унга. Улдириб қўясиз. Кейин тоабад балога қоласиз! Улар ҳаммамизни қон қоптиради! Кетинг! Тезроқ кетинг бу уйдан! — дея зор қақшагани қулоғига чалинди. Шунда хиёл ҳовури босилди унинг. Нима қиларини билмай гарангисиб туриб қолди. Ановига бас келгач, ортиқ эътибор қилмай бир нималар дея ёлвораётган қиз сари ўгирилди ва кўрдик, қизнинг кўзлари ваҳмдан олайиб кетаётир. Шу чоғ «и-а!», деган чинқириқ аралаш ёвуз бир зарб келиб вужудига урилди, белини синдириб юборди гўё. Чўмилатуриб, анҳорга қалла ташлаган одам сингари учиб ерга тушар экан, қизнинг: — Қўй, Қоражон! Тегма! Тегма унга! Мен бораман! Нариги дунёга десанг ҳам бораман! Фақат тегма унга, тегма! — дея зорланганини аранг эшитди. Юраги олов бўлиб ёндию вужуди тандирдек қизиб кетди. Кейин осмондан қулаб тушаётган тайёранинг варанглашига монанд бир овоз узлуксиз эшитила бошлади. Тубсиз бир жарлик қаърига қулаб кетган каби кўнгли беҳузур бўлди, жони товонига довар сидирилиб тушди. Сўнг бор қулоғига чалинган овоз — қизнинг ваҳм тўла чинқириги бўлди, кейин уқпар булутлар қаърига сингиб кетди у.

... Жисми-жони адоқсиз оғриққа айланган, аъзойи бадани сирқираб, чап тирсаги олов бўлиб ёнар эди. Икки чаккаси муттасил лўқиллар эди, боши тошдек оғир. Ниҳоят, қовжираб бужмайган номозшомгул салқинда қайта юз очгани каби унинг киприклари ҳам очилди. Оламни ғубор қоплаган, гўё оппоқ булутлар кўзларига қуюлаётгандай. Бир маҳал булутлар орасидан бир кампир чиқиб келиб кўриниш бергандай туюлди, эғнида қора ридо, қўлида — шиша, шиша ичида — милтираган шам, етти букилиб ўтирибди, юзлари

бужмайган, шилпиқ кўзлари эса нурдан мосуво. Бу кампирни у қайдадир кўрган, қайдадир маломат ила термулган эди унга, шу тобда ҳам нечундир кампир ҳадеб уни койир, мунчоқдек кўзларию хиёл чимирилиб туришларида шафқатсиз бир таъна-маломат акс этар эди. Кампирнинг жаврайтуриб, чап қўлини паҳса қилиб кесиб-кесиб гапиришни истаётгани айнан сезилар, чамаси, бунга ҳадди сифмас, ва яна сомеларча, афтидан, жуда жиддий-жиддий гапларни айтар, айтатуриб, лаблари ўксик қизалоқники каби бурилиб кетар, баногоҳ ёдига тушиб қолганда шамига термулар, уни қизганган, ўчиб қолишидан чўчиган каби «ҳо-о» дея бағрига босар, пана қилар эди ундан. Пи-чадан сўнг эса зимдан ғарибона ўкрайиб кўярди.

У кўзларини юмди. Ва қайта очганида кўрдик, бош устида қора ридо кийган ва шағам тутган кампир эмас, тамомила ўзга — сийрак сочлари кулранг тус олган, чаккалари устихонига ёпишиб қолган бечора-ваш бир момо ўтирар, ич-ичига чўккан кўзларида унга ачиниш, шунинг баробарида иродасини синдирган кулфат асорати акс этиб турар эди. Момо бир нималар деди — лекин у эшитмади — кейин лаблари бурилди-да, мунчоқдек кўзларидан жовуллаб ёш қуйилди. У ана шу ёшнинг нақадар қайноқ эканлигини аниқ ҳис этди. Момо унга мўлтираган кўйи яна бир нималар деди ва сўнг енгининг учида кўз ёшларини сидириб ташлади, кейин яна лаблари бурилди ва яна мунчоқдай кўзларидан жовуллаб ёш қуюлди...

Момони у қайдадир кўрган, тагин аллакимга у жуда-жуда ўхшаб кетар эди. Ким бўлди бу? Сира эслай олмади у: яна кўзлари юмилиб кетди.

...Ғира-шира. Қандайдир кул сепилган ерга эмас, шифтга тикилиб ётганлигини у кейинги сафар кўзини очганида пайқади. Баайни шу тахлит, яъни илгарчи ҳам қандайдир кулранг шифтга тикилиб ётганлиги хаёлидан кечди. Қачон ва қаерда? Кўзига чалинган нарсалар ўзи эслашга қийналаётган бир манзаранинг бўлак-бўлаклари каби туюлди.

Ҳеч вақога тушуна олмай кўз учида атрофига аланглади ва кўрдик, пиёла синиқлари полда сочилиб ётибди. Қон сачраган денгиз қаъридаги бўрон унинг юрагига кўчди — қизнинг кўзларига (яъни, эскизга) термулган кўйи у инграб юборди, гўё аллаким юрагига чанг солди-да, нақ суғуриб олди...

Хийладан сўнг — ўзига келгач, кўрган-кечирганлари шамол деразага қоплаб урган хазон янглиғ шуурида чарх урди. Узук-юлуқ манзаралар бир бутунлик касб этди ва барчаси биратўла равшанлашди.

Ичи ёниб, ҳаво етмишмай қолди. Хонадаги бояги муаттар бўйлардан асар ҳам қолмаган, қандайдир қуруқ ва димоқни ачитувчи чанг ҳиди кезинар эди.

Ерпарчин бўлган ва иззат-икромдан, бор-будидан биратўла ажралган сипоҳ янглиғ хор бўлиб ётар экан, англадики, ҳозироқ ўрнидан туриши ва биринчи навбатда хосиятсиз бу хонадан тезроқ чиқиб кетиши керак. Тирсагига таяниб ўмганини кўтармоқчи бўлдию инграб юборди — чап билаги ловуллаб кетди. Шундагина қўли оппоқ дока билан ўралганини пайқади у. Ва кампирнинг кўзларидан шовуллаб яна маржон-маржон ёш қуйилди. «Мунча сил қилмаса бу?» Бошига тушган кўргуликка ва аянч ҳолатига гувоҳ бўлиб турганлиги учун ҳам момони у ич-ичидан ёмон кўриб қолди. Аччиқ устида ўнг тирсагига таяниб қийнала-қийнала қаддини ердан узди, туриб ўтиргач, кўзи тиниб димоғи ачиша бошлади.

Нихоят, бош айланиши тиндию кўзларини очиб, кўргани — оёқ учида ётган бир сиқим оқ-оппоқ булут бўлди. Булут секин-аста шаклга энди ва барқ уриб

турган қаймоқранг атиргулга айланди. Юрагидан бир йиғи оққанча у анчага довуру, худди кўзларига ишонмаган каби атиргулга термулиб қолди, жонбахш бир бўй кўкрагига, бир тиниқлик кўнглига келиб урилгандек бўлди. Гандираклаб ўрнидан турди-да, минг машаққат билан эскизларини йиғиштирди ва чап қўлига қистирди, кейин молбертнинг тасмасидан судраган кўйи йўлакка чиқди. Шунда бир нимани унутиб қолдиргандек безовта бўлди у. Паришон аллозда бир лаҳза серрайиб турди-да, қайтиб эшикни очди ва тутқичга таянганча ичкарига кўз юборди. Полда... асир олиб кетилган ёрдан қолмиш сўнгги ёдгор... бағоят катта ва фавқулудда нафис, ҳойнаҳой, дунёдаги жаммики гулларнинг энг чиройлиси, шоҳаншоҳи — қаймоқранг атиргул мунғайиб ётар эди.

Шунга кўзи тушган ҳамомно Зухраси ва кечмиш воқеалар қайта бошдан хаёлида жонланди, босинқираш каби таассурот қолдирган бу ҳодиса аслида бир неча сония бурун, айнан шу ерда рўй берганлигига имон келтирдию юраги зардобга тўлиб бошини эгди, молберт тасмаларини кифтига осиб ичкари кирди, бориб энгашди-да, атиргулни ердан узиб олди. Олаёттиб, гулкосанинг уч-учлари товон остида ерпарчин бўлганини, полга батамом ёпишиб қолганини аниқ кўрди у. Юрагидаги зардоб тўкилган каби ичи ачишиб кетди.

Қаймоқранг атиргул шу ҳолида ҳам нафис, тенгсиз бир чиройга эга эдики, бўғилиблар кетди у. Атиргулни юзларига босгиси, тўйиб-тўйиб ҳидлагиси келди. Баногоҳ гулкосада титраб турган шабнам янглиғ мусаффо бир қатрани — кўзёшини кўрди, ҳа, ҳа, у айнан кўзёши бўлиб кўринди унга ва яна қанақа кўзёши денг, атиргулнинг кўзёши. Гулга у юзини босгач, гулкосалар чаккасини силаб-сийпаётганини, йиғили овозда бир нима дея шивирлаётганини, йиғлай-йиғлай ёноғидан ўпаётганини; қайноқ ёшлар юзини ювиб тушаётганини ҳис этди у...

Олам сув қуйгандек осуда, жим-жит: ёмғир чайиб ўтган кўчалар сартахтадаги малакнинг ювилган танаси каби муштипар; есир қолган келинчақдай беҳол ва ғамгин фалак эса йиғлайвериб кўзёшлари қуриб қолган кўзлар каби маҳзун, шикаста эди.

Кўча поёнида бир чироқ милтирар, гўё у чироқ эмас, қора ридо кийган кампирнинг қўлидаги шағам-у, қирмизи алангаси намчил асфалт узра бир олов ёқар, муздай шуълалар намда синиб ўйнар эди.

Зухрасига қўшилиб ўлиб кетганида ва ўша уй мазорига айланганида ҳеч армон қилмас эди. Бор-йўғидан мосуво бўлиб яйдоқ йўлда бош эгиб кетиш ўлимдан оғир. У маҳв бўлган ва етмиш икки томири туташ нарсаларни ёвга ташлаб, киндик қони томган юртдан чиқиб кетаётган хору ҳақир сипоҳга ўхшар, ерни эмас ўзининг номусини, орини — юрагини бир-бир босиб бораётган каби жисму жонида азим азоб туяр эди. Қани энди бошини кўтарсаю ортида қолаётган хилқат билан сўнг бор видолашса, қани энди шунга қурби етса унинг!..

Устахонага кирган захоти рутубатга сингган мойбўёқ ҳиди гўё учқун янглиғ сачраб, юрагини куйдираётган ситамни аланга олдириб юборди. Топталган номус, олинмаган қасос шу қадар руҳини парчинлаб ташлаган эдики, деворда осифлиқ сувратдаги қиз мийида қулиб тургани учун алами келиб бир мушт солдию унинг бўйинини чирт «узиб» ташлади. Нарига ўтиб молбертни ерга, эскизлару гулни устол устига иргитди. Шунда аллаким ортида кузатиб тургандек ва устидан кулаётгандек бўлиб туюлди унга. Ялт этиб ўгирил-

дию бўйни «узилган» қизнинг кулиб турган қорачиқларига кўзи тушди. Аччиқ устида бориб уни парча-парча қилиб ташлади. Бари бир, ўнлаб назарлар таъқибидан халос бўла олмади у. Ерда ва ёки деворда осиглиқ турган турфа сувратлар, тасвири туширилган турфа кишилар андиша нима — билмай, яратган эгасининг бу кунги ҳолатига ачинган каби мийиғларида кулиб туришар эди. Буларнинг таъқибидан халос бўлиш амри маҳол. У тақдирга тан берган, иложсизликдан синган каби бошини солинтирди. Баногоҳ қаймоқранг атиргулнинг заҳа еган косаларидаги «яра»ни, икки коса орасида ҳамон милдираб турган ўша — шабнамдай ожиз, қатра кўзёшини кўриб қолди. Яна дили вайрон бўлди унинг. Узини кўярга жой топа олмай, тутациб кетди, икки қадам олдинга юрдио кўққисдан оқ-оппоқ матога рўбарў туриб қолди. Мато юзида қизнинг муштипар қиёфаси кўриниш бергандек туюлди, шунда димоқлари ачишиб кетди, ич-ичидан бир ҳақирлик тошиб келди кўзларида ёш ҳалқаланди.

Угирилиб, устол устида ётган эскизга — қон сачраган, ҳа, ҳа, қон сачраган денгизга қаради ва унда жисми-жонининг бир бўлагини кўрди гўё. Бежо туйғулар лова каби тошиб, вужудини куйдирар эди. Яна мушаклари метиндек қотди, яна қонида тийиб бўлмас бир тўфон кўпди. Бир зарб билан азим чинорларни ер билан битта этгиси, қуёшнинг юзини тескари қилиб, рўйи заминни чилпарчин қилгиси келди унинг.

Малакнинг муштипар чеҳрасини кўриш илинжида у тагин матога юзланди, ғамга ботган кўзларида хаёл шарпаси кезинди.

Баногоҳ қизнинг «ало-о» деган хазин ва зорли овози эшитилгандай бўлди. У титраб кетди. Аланг-жаланг теваракка қаради, устол устида ва ундан нарида сочилаб ётган эскизу сувратларга кўзи тушгач, устaxonада эканлиги ёдига тушди, бўғзига тиқилган нарсани ютиб, борди-да, молбертни олди. Мўйқаламни чайиш ва бўёқларни увитишда асқотадиган сувни пластмасса идишга солаётиб чилпиллатиб юборди ва бу қизнинг чой узатган ҳолатини — ибo билан ёқасини ёлиб туришини беихтиёр ёдига солди. Пиёлани чилпиллатиб юборгани ҳам бежиз эмаслиги энди унга аён эди. Қизнинг нигоҳи нечун қаърида тўфон кўпган денгиз янглиғ бўлиб туюлгани ҳам энди унга аён эди. Фақат...

«— Ҳалиям ўшанга чиққингиз борми?»

— Нима десам экан сизга? Ҳафсала, юракда ғужур қолмагач, қийин-да.

— Агар ўша чўққига чиқиб, сизни муттасил чақириб турсам-чи?

— Қайдам. Кеч эмасмикин энди?!

— Тоҳир! Тоҳир! Тоҳир! дея чақириб турсам-чи сизни! Кўлингиздан тутиб, ўзим тортиб олсам-чи сизни?!»

«Бу сизга!..»

У ялт этиб қаймоқранг атиргулга қаради ва, назарида, хона муаттар бўйга кўмилиб кетгандек бўлиб туюлди. У бориб атиргулни олди-да, юзига босди, кейин уни гултувакка солди. Шу чоғ бир ёнда турган эскиз — денгиз янглиғ КЎЗЛАР назарига илинди.

«Кўшиқ куйлаяпти улар!»

Олис-олислардан мусиқий бир сас тарала бошлади. Сўнг хазин ва дилдош наво муайян пардаларга кўтарилди-да, бу ёруғ оламни буткул тутиб кетди гўё.

Мана шу наво қаъридаги дардчил ноаларни чизади у, бу дардни рангларга солади, армонни рангларга солади, фақат...

... фақат у кечинмалардан хиёл узилиши ва тафак-

кур шоҳсупасига кўтарилиб, ҳолатларга разм солиши ва улар ичидан ниятга рангдошини ажратиб олиши лозим, холос.

У қарта чийлаб ўтирган киши каби ҳолатларни бир-бир назардан ўтказди. Телевизор устида кўрган суврати — чиройли турмакланган сочига қаймоқранг атиргул қистирган, расмда гул ҳам кўринсин учун хиёл ёнлама турган, кўнглидаги шу майлини пайқаган кишигагина хижолатомуз жилмайиб боқаётган, дудоқларида ақл бовар қилмас даражада тиниқлик барқ урган маъсума...

Бир тарафи зимистон кечаю бир ёни ўн беш кунлик ойдаин тўлин чирой...

Денгиздай теран кўзлар...

Ҳар бири ўзича жозиб, бироқ...

У сигарет тутатганча торгина йўлак бўйлаб ўйчан кезина бошлади. Сўнг хонанинг нариги бурчагига бориб тўхтади-да, деразадан ташқарига тикилмоқчи бўлди. Кўзлари деворни пайпаслаб чиқди, бу ҳужрада дераза йўқ эди, баногоҳ деворда юлдузсимон панжаралар намоён бўлгандай туюлди. Тушида кўрган илон... Қора ридо кийган кампир, унинг таъна-маломат билан боққан кўзлари, кўлида милтираб турган шағам...

«Илон... Аждар... Шағам... Энг тубанда юлдузсимон панжаранинг хирагина кўриниши. У деярли сезилмайди, фақат матонинг чет-четларида йўғон бўлиб кўзга ташланади. Кейин... — У ялт этиб атиргулга юзланди. — Аждаҳо... тангачалари қиёфалардан таркиб топади. Унинг оғзидан лова тошиб чиқаётир. Икки ўт орасида — барқ урган атиргул. Атиргулнинг ҳар бир япроғи юракка ўхшаб кетади. Унинг таркибида — қизнинг чеҳраси... Кўллар... унга талпинган, қўллар... интизорлик... Кўллар қандай бўлиши керак ўзи? Кўллар... Алпомишниқидай, ҳа, ҳа, худди Алпомишниқидай, мантиқан билагидан буёғи шарт эмас! Гўё чопилган. Хў-ўш, сўяги, мушаклар, томир найчалари... қон... кўриниб туради, аниқ кўриниб туради. Шағам-чи, шағам? Ахир, ҳамма гап шунда-ку? Шағам? Шағам-м?! У қизнинг бир юзига нур сочиб туриши керак! Ҳа, ўша юзи худди ўн беш кунлик ойдаин тўлин... сочларининг шу тарафи ҳам, табиийки, шуълаланиб туради.

Лова увиган қон янглиғ қорамтир-қизғиш тусда бўлади. Кейин фон... умумий фон... тим қора бўлгани маъкул. Тим қора... Шундай. Бошладик. Бошладик унда..»

Мўйқаламни у қўлига олган заҳоти «шағам лопилаб турган бўлиши керак», — деган ўй кўнглидан кечди, — аждарнинг ҳамласи уни лопиллатиб юборган бўлади».

Аждарнинг боши тасавурида шунчалар баҳайбат шамойил касб этдики, матони у деярли бошдан-оёқ эгаллаб олди. Шу боис танасини чизишга ҳожат қолмади. Ранглар бир-бирини тўлдирар бориб, ўрадек очилган оғиз нақ жаҳаннам шамойилини касб этди. Унинг қаъридан ловадек отилаётган олов қорайиб чиқар, оловдан кўтарилаётган ҳовуру юпқагина кўкимтир тутун ҳам кўзга яққол ташланиб турар эди.

Олов қаърида... бағоят улкан ва фавқулодда нафис қаймоқранг атиргул. Унинг олов урилаётган гулкосалари хиёл қовжираб бужмайган, бошқалари ҳам гарчи жон ҳовучлаб тургандай бўлиб кўринса-да, аччиқма-аччиқ, янада яшнаб, янада барқ уриб бораётганини илғаш қийин эмас эди. Остки гулкосада узилиб тушай-узилиб тушай деб турган бир томчи кўзёш... Матонинг чап бурчагида...

Шундоқ юқоридаги уйда, афтидан, болохонада хў-

роз бўғиқ овозда чўзиб-чўзиб уч марта қичқирди.

... Зимистон қаърида туриб таҳдид қилаётган махлуқни, ҳам ажиб ифор таратаётган қаймоқранг атиргулни ва унинг сийнасига жо бўлган гўзалликни кўрмоқ илинжида қўлидаги шағамни баланд кўтарган ва ўзи ҳам ҳаммасини аниқроқ кўрай деган истакда чўзилиб бўйлаётган кампир, — сочлари қордай оқ, эгнида фавқулодда оқ либос, — аждар ҳамласи шағамни лопиллатиб юборган ва бундан кампирнинг юзида ажиб бир жонсараклик, мунчоқдай кўзларида «ишқилиб ўчиб қолмасин-да», деган бир таҳлика. Ва айни ваҳм пайтда у қандайдир фожиани илғаб даҳшатга туша бошлаган, бу унинг ваҳм ичра, ё раббий, деган каби ёқасиниғимлашга тутинганида, оғзи хиёл очилганча қақшаб туришида жиндай сезилади, холос.

Лопиллаган шағамнинг ёғдуси... гулкосаларни товлантириб юборган. Ёруғлик гулкоса юзида ҳаёт шарпаси янглиғ кезинади. Ойнинг куйган бўлаги атиргул сийнасини доғлаб турибди, унинг бу ёнида — ўн беш кунлик ҳилол — санамнинг нур эмаётган ва ёки нур ёғилаётган юзининг ўнг томони. Унинг сочлари ҳам шағам ёғдусида ёлқинланган, турмагига қадалган чечак ҳам нур эмиб жавоҳир янглиғ шуълаланади ва зимистон қаърини заифгина нурлантиради.

Худди мана шу чечакка, балким, ўн беш кунлик ҳилолга ва, эҳтимол, фавқулодда жозиб атиргулга талпинган қўллар. Улар муҳитда муаллақ, ҳарчандки дағал, мушакдор ва сертук бўлмасин, нақ тирсақдан чопилган; қонталаш пайлар, чарс ёрилган сўяк ва йўғон томирнинг оппоқ найчалари кўзга яққол ташланиб турибди. Саодатманд, интизор талпинган бармоқ учлари ҳаяжондан титраётгандай, атиргулни жондай авайлаб туриб олишни истаётгандай...

Санамнинг кўзларини у денгизга ўхшатиб юборди. Бу денгиз қаърида бир ёқут бор эдики, муҳитни у ёритиб турарди. Лекин унинг сиймоси...

Унинг боши сирқираб кетди. Қўли иродасига бўйсунмай, бармоқлари увишиб қолди. Аллақачон оёқлари кесакка айланган. Тасавурида жонланиб турган сиймони матога тушириш — ҳувиллаб турган ҳаётнинг ҳувиллаб ётган бир бўлагига жон ато этиш мажбуриятигина уни оёқда туриб турар, бироқ уни ифода этулик ранг топа олмай қийналар эди. Мазбудаларга ўхшатсаммикин, йўқ, ойдек чехра, четида ўлик бир чизик, ёноқларида ёшлик ҳарорати барқ уриб туради, ғунчадай лаблари хиёл қимтилган. Санамнинг саодатмандлиги, ноумидлиги, жиндай бешармлигию ибоси — ҳамма-ҳаммаси акс этади.

У қийналиб кетди, бир ҳимога маҳтал бўлди ва шунда умрида илк бора овоз чиқариб муножот қилди: — Ёрим бўлсанг ёнимга кел, узокдан термулиб турмоқлигинг нечун?

Боши узра мажнунтол кокиллари қуюлгандай ва улар маҳзун навога эш бўлиб гиря қилаётгандай туюлди: «Эҳ, сиз!.. Сиз... Шундайсиз ўзи, деб ўйловдим, а!.. Сизнинг борлигингизга ишонардим... Ахир, Зухраси бўлганидан кейин Тоҳириям бўлиши керак-ку, а!.. Шундай эмасми, ҳай?!»

Аччиқ изтироблар ва ҳақирлик лова каби юрагида тоша бошлади, — мўйқалам санам сиймосига тириклик ато этар экан, қон силққан бағридан унсиз бир фарёд ситилиб чиқди: «Куйдирма жоним эдинг, жонижаҳоним эдинг, кеч айтилган бир сўздай, эрта учган юлдуздай армон бўлдинг юракда. Кўзимни ёшлаб кетдинг, бағримни доғлаб кетдинг, тағин қўлу оёғим сен ипсиз боғлаб кетдинг. Сен бир тош бўлганинда дилга жойлардим абад, умримга нақш берарди балки шунда муҳаббат. Сен бир бағри қон бўлдинг, юрак-

да армон бўлдинг, очилмасингдан сўлдинг! — адо қилган муҳаббат...»

Ҳазин дарё бўлиб оққан бу наво денгиз янглиғ тубсиз кўзларга сингиб кетди...

Ниҳоят, унинг юраги ҳувиллаб қолди. У бир қадам ортига чекинди ва уйқусизликдан қизарган бемажол кўзларини йириб сувратга тикилди. Юлдузсимон панжаранинг чарх ураётган алпози орқа тарафдаги зимистон муҳитга шундай бир шамойил ато этгандики, қуюн янглиғ у чир айланаётгандай ва даҳшатли уюрма ҳосил этиб, борлиқни қомига ютиб юбораётгандай бўлиб туюлар эди. Шунинг учун ҳам аждарнинг боши матодан чиқиб келаётгандай, ҳамла қилиб тобора сенга яқинлашаётгандай, лова эса, аксинча, унинг оғзига кириб бораётгандай, ловага қўшиб атиргулни ҳам у ютиб юбораётгандай...

Ўзини у оромкурсига ташлади. Кўзлари тўймай меҳр ила асарига термулиб қолди, сўнг ички бир қониқ-киш билан енгилгина хўрсинди. «Гўзаллик оламни ҳалос этади». Йўқ, аксинча, «Қисмат». Яхшиси, «Тоҳир ва Зухранинг кулмаган бахти». Фалон сана. Қуйида — оҳангжамо имзо: Фалончи Писмадончи ўғли». Қуруқшаган лаблари кибр ила аянчли бурилди. Кейин хунук ишшайди-да, устахонани бошига кўтариб қаҳ-қаҳа отди. «Яша. Пушкин! Бугун сен даҳосан!» Меҳри жилва қилиб, сувратини, кейин шарафли қўлини кўзларига суртди у ва ўпиб қўйди. Сўнг қийқирганча курси сўянчигига мушт туширди. Сўянчиқ чарс этиб ёрилдию икки бўлиниб кетди. Зарб теккач, устол ҳам чайқалиб, гултувак лангиллаганча ерга қулади. Оёқ остида ётган қаймоқранг атиргулга кўзи тушдию хўнграб йиғлаб юборди. Сўнг бирдан жимиб қолди. Энгашиб атиргулни олмоқчи бўлди, бироқ нимадир назарида ҳалал бераётгандай, гулни олишига ҳеч имкон йўқдай бўлиб туюлди. Бечораваш, жовдираб ёнверига, сўнг қўлига қаради. Бармоқлари орасида ҳаммон мўйқаламини сиқиб турганини кўриб, ўзининг парижонхотирлигидан саланглаб қулди. Шу чоғ...

... теран сукунатни зир титратиб шаффоф ва беғубор занг садолари таралди. Бағоят мусиқий, тиниқ ва улғувор эди бу сас ва у хиёл наридан — муаззам Курантдаги баҳайбат соатдан таралаётган эди, шуни идрок этди у. Тилла қўнғироқ жаранги каби улғувор бу садо аллақимни шарафлаётган каби бағоят тантанавор ва мусиқий эди.

«Кўнғироқ кимни шарафлаётир?»

«Бизни!»

Унинг боши шилқ этиб кўксига тушди. Қўли осилиб қолгач, бармоқлари орасида қисилиб турган мўйқалам соат капгири янглиғ бир неча бор тебранди-да, сирғалиб ерга тушди...





Мухаррир минбари

МИЛЛИЙ МОТАМ КУНИ

Ҳазрат мир Алишер Навоий беназир ва бебаҳо «Хамса» асарларини ёзиб тугатиб, Ҳусайн Бойқарога тақдим этганларида, подшоҳ шоирга таъзим қилиб: «Сиз менинг пиримсиз», деб, сўнг оқ отга ўтқизиб, ўзлари узангидан ушлаган ҳолда пиёда юриб Ҳирот кўчаларини айлантирган эканлар. Мен бу ҳолни—оқ отдаги улуг шоирни, узанги ушлаб бораётган доно подшоҳни тез-тез кўз олдимга келтираман. Бу манзара унут бўлган ажойиб одатларимиздан бири. Ҳозир пир тутишга арзирли одамни ҳам, оқ отни ҳам топиш қийиндир. Аммо инсон кўнгли ҳамиша шундай пирга муҳтож бўлади. Қадимда ҳар бир ҳунар эгасининг ўз пири мавжуд экан. Ҳазрат Алишер Навоий бако дунёсига рихлат қилганларидан сўнг ҳам назм аҳли учун барҳаёт пир бўлиб қолаверганлар. Бугунги кунда ҳам биз ҳазратнинг муборак номларини тилга олганда дилдан чиқариб «пирим» деймиз.

Мени бир нарса ўйга солади: йигирманчи асрда қалам аҳли пир тутишга арзирли комил инсонлар йўқми эди? Яқин йилларга қадар, ўттизинчи йиллар устига ёпилган қора парда олингунгача бу саволга аниқ жавоб топиш мушкул эди. Мана, энди, Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий... ижодлари, ҳаётларининг фожиали кирралари билан аниқроқ танишгач, шундай мўътабар инсонлар бор эди, дея оламан. Бу улугларнинг ҳар бирини оқ отга ўтқизиб, пир тутишимиз мумкин эди. Афсуски, биз уларни

оқ отга ўтқизиш ўрнига ўлимга маҳкум этдик. Ўлимларидан сўнг ҳам узоқ йиллар улардан юз ўгириб яшадик. Мана энди у табаррук зотларни ҳаёлимиздагина оқ отга ўтқизиб, пир тутишдан ўзга иложимиз йўқ. Афсус шундаки, зolim замон қурбони бўлган бу доноларни «пирим» дегувчи тиллар ҳам, диллар ҳам оз. Биз номunosиб ворислар каби лоқайдлик билан ўз жиғилдонимизни, ўз манфаатларимизни ўйлаб хотиржам ҳаёт кечиринишга ўрганиб қолганга ўхшаймиз.

Ноҳақ қатл этилган улугларимизнинг «оқланган»ларига қарийб қирк йил бўляпти. Шу йил 5 ўктябрда Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Элбек...ларнинг отилганига 53 йил тўлади. Йиллар ўтгани сайин бу улугларнинг ўрни тобора сезиларли бўляпти. Агар уларнинг қаламлари бевақт синдирилмаганида, эркин ижод қилганларида бугунги ўзбек адабиётининг мавқеи, эгаллаган чўққиси бир неча қарра баланд бўлиши мумкинлиги ҳам ойдинлашди. Бу улугларнинг ўлимларидан сўнг ҳам асрлар давомида яшаш ҳуқуқига эга эканликларини йиллар кўрсатиб турибди. Машъум ўттиз саккизинчи йилдан сўнг адабиёт майдонига неча неча ёзувчи келиб кетди. Буларнинг аксари жисмонан ўлим топган кунгек маънавий ўлимларини ҳам топдилар, ёзувчи сифатида унут бўлиб, инсон сифатида ғуборли хотира қолдирдилар. Булут қуёшни маҳв эта олмагани каби, ғаразли кимсалар саъй-ҳаракати истеъдод эгалари номларини қора чодирга бурқаб ташлай олмади. Ҳақиқат тантанаси бошланди!

Эътибор қилинг-а, мен баралла «Ҳақиқат тантана қилди!», деб шодланмаёйман. Чунки ҳақиқатнинг тўла тантанасига вақт борга ўхшайди. Аввал бу тантанага айрим кимсалар қаршилик қилдилар, энди бунга ўзимиздаги лоқайдлик, беписандлик, худбинлик... тўғанок бўляпти. Авваллари у куёш нуридан кўркувчи кўршапалакка ўхшаш нодон, истеъдодсиз кимсалар ўттиз еттинчи йилда тўқилган бўхтонларни қалқон қилиб яшардилар. Энди қалқон синган. Эндиги ниқобимиз «Ўйлашиб кўрайлик, шошилмайллик», деган курук сўзлардан иборат.

Қарийб қирқ йил муқаддам биз уларнинг беғуноҳ қатл этилганликларини тан олдик. Орадан қирқ йил ўтяпти, аммо ҳали уларнинг қабрлари йўқ. Жасадларини топиш амри маҳолдир, тўғри, аммо отилган ерлари аниқ, жигар қонлари тўқилган ўша ердан бир қафт гупроқ олиб рамзий қабр тиклаш наҳот машаққат бўлса? Наҳот шу масала ҳам йиллар бўйи ўйлаб, кенгашиб кўриладиган иш бўлса? Ўйлайвериб, ўйлайвериб мияларимиз шишиб кетмасмикин? Яхши ҳамки Абдулла Қодирийнинг раҳматли Ҳабибулла акадай фидоий фарзандлари, Усмон Носирнинг Нодира каби тибиб-тинчимас жиянлари бор экан. Шуларнинг ҳаракати туфайли қабристонга эсдалик лавҳаси қўйилган.

Мен баъзан: «Балки уларнинг рамзий қабрлари ҳам бўлмагани маъқулдир, улар ўлмаган, тирик дея қалбимизда эъзозлаб юрармиз», деб ҳам ўйлайман. Аммо уларнинг отилгани, совуқ ўрмонларда жон таслим қилганлари аниқ экан, биз — муридлар учун бу пирларга сизиниб борадиган жой — зиёратгоҳ лозим-ку? Кўп йиллардан бери турли даражадаги кенгашларда, давраларда репрессия қурбонлари отилган ерда — Тошкентнинг қадим «Алвасти-кўприк» деб аталган жойида, яъни ҳозирги телеминора атрофида ёдгорлик тиклаб, хотира уйи ташкил этиш ҳақида гапириляпти. Бу гаплар деворга айтилса, девор тарс ёрилиб кетарди. Аммо шаҳар ҳокимларига нима учундир гап таъсир этмайди. Шаҳар ҳокимлари паранжи ташлаган аёлни унутишмади — энг кўркем жойга кўп беҳуда ҳаражатлар қилиб, кўкраклар икки пудли қозондай келадиган аёлнинг ҳайкалини кўндиришди. Аммо миллат фахри бўлган улуг инсонларнинг хотирасини ўйлашга журъат қила олмаяптилар. Қаранг, Тошкентда Уктабр депараси бор. Абдулла Қодирий шу депарада туғилган, ўсган, ижод қилган ва ўттиз еттинчи йилнинг сўнги кунида қамокқа олиб кетилган. Шу депара Абдулла Қодирий номи билан аталиши керакми — керак. Депара ижрокўмининг раиси (Р. Хўжаев) биз каби фақирларнинг сўзларини назарписанд қилмасликлари аниқ. Бироқ Абдулла Қодирий яшаган уйда бўлган йиғилишда ҳукумат раҳбарлари томонидан берилган топшириққа ҳам эътиборсиз қарагани, бу масалани депара депутатлари эътиборига ҳавола

этмаётгани ажабланарли. Сиз «Раис кўркаёт-гандир», дейишингиз мумкин. Нимадан кўркади? Депарага улуг одамнинг номини бериш масаласининг депутатлар кенгашига қўйганим учун ишдан олиб ташлашади, деб кўркадимиз? Ҳақ ишга қўл ургани учун ишдан олиб ташланган тақдирда ҳам кўркиш эмас, «Мен шундай савоб ишни амалга оширдим», деб фахрланиш керак-ку?!

Тулада Лев Толстойнинг ерлари хотира боғу-йга айлантирилган. Русия ўз фарзандларининг ҳурматини ўрилатишга уста. Қаерга борманг, «Пушкин уйи», «Чехов уйи»... сингари музейлар мавжуд. Бизда на Навоий, на Қодирий, на Чўлпон... уй-музейлари бор. Ҳазрат Навоийнинг уйлари Ҳиротда эди, музейга имконимиз йўқ. Бизда фақат Қодирий уй-музейини қуриш имкони бор. Ҳабибулла Қодирий шу музей орзусида дунёдан ўтиб кетдилар. Раҳбарлар келиб кетаверди, қарорлар қабул қилинаверди. Аммо музей хотинларнинг миш-миш гапидай ҳамон ҳавода муаллақ осилиб турибди. Икки йил бурун жумҳуриятни бошқараётган янги раҳбарлик Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик тўйларига тайёргарлик хусусида қарор қабул қилди. Қарорда музей масаласи ҳам зикр этилган. Қарорга қараганда, музей қурилиши бундан икки йил бурун бошланиб, яна уч йилдан кейин битказилиши керак. Ҳолбуки, ҳали лойиҳа иши ниҳоясига етказилгани йўқ. Меъморлар уюшмаси, маданият вазирлигининг бошқармаси (бошлиғи — Феруз Ашрафий) кечириб бўлмас даражада лоқайдлик қиляптилар. Ҳатто ҳукумат бошлиқларидан бирининг жон қуйдиришлари ҳам шу ўртоқларнинг лоқайдлиги туфайли яхши самара бермаяпти.

Бу пойтахтдаги аҳвол. Бухорода, Андижонда, Наманганда аҳвол бундан ҳам баттар. Абдурауф Фитрат Бухородаги уйларини мушиқа мактабига бўшатиб берган эканлар. Сўнг ҳукумат у кишига бошқа кичикроқ уй берган. Ҳар икки уй сақланиб қолган. Лекин бухоролик фидоийларнинг музей масаласидаги уринишлари кўп йиллардан бери шаҳар ҳокимларининг тўғонига бориб уриляпти. Эшитишимизча, бу уй ҳозир пулдор бир одамга сотилаётган эмиш. Бухородай «камбағал» шаҳар улуг фарзандига музей тиклай олмасан, на илож!

Андижонда икки марта Чўлпонхонлик ўтказилди. Бизнинг умидимиз Чўлпонхонликини Русиядаги «Пушкинхонлик», «Лермонтовхонлик», «Некрасовхонлик»... каби юкори савияда ўтказиш эди. Андижонга бориб келган Озод Шарафиддинов «Андижонликлар Чўлпонини билмас эканлар», деб қаттиқ ранжидилар. Озод аканинг ранжишлари ўринли. Андижон раҳбарлари Чўлпоннинг рамзий қабрини тиклаш ҳақидаги таклифимизни маъқуллашгани ҳолда, айрим сабаблар билан бу ишни бир неча йил кейинга сурдилар. Ноумид — шайтон. Салкам қирқ йил кутган яна бир неча йил (балки бир неча ўн йилдир?) кутсак, осмон узилиб ерга тушмас. Икки йил муқаддам вилоят ижро-

қўмида Чўлпон хотирасини абадийлаштириш масаласи кўрилган ва Тиллар институтига шоир номини бериш тавсия этилган эди. Масала демократларча ҳал этилган, яъни бу масалани институт жамоаси ечиши керак. Институтдаги Чўлпонхонликда биз бу масалани ҳатто овозга кўйган, толиби илмлар, муаллимлар маъқуллаган эдилар. Факатгина институт ректори: «Ҳали вақт эрта, олдин студентларимиз Чўлпон ким эканини билиб олишсин», деган эдилар. Иттифоқ халқ депутатининг бу «нозик» масалага давлат иши нуқтаи назаридан қараши яхши. Аммо Тиллар институти толиблари Чўлпоннинг ким эканини билишлари учун неча йил керак экан, шунга ақлимиз етмай гарангмиз. Яна бир нарсага ҳайронмиз: институтга Чўлпон номини беришни жамоа ҳал этадими ё ректорми?

Наманган ҳақида узок гапиришнинг хожати йўқ, чунки у ерда Усмоҳ Носир музейини ташкил қилиш ҳақида умуман гап йўқ.

Кўряпсизки, айтаман десак, ҳасратдан чанг чиқаверади. Бир неча ёзувчининг жон куйдириши, мажлисларда гапиришидан фойда кам бўляпти. Ҳайлай-ҳайлай биз бир қарорга келдик: номлари зикр этилган (ва зикр этилмаган) улуг инсонлар халқимизнинг фидойи фарзандлари эдилар. Халқ уларга нисбатан тўкилган «душман» деган бўҳтонга ишонмай, табаррук фарзандлари номини унутмади. Биз — катагонлар, қатли ом ва ваҳшийликларга гувоҳ бўлмаган авлод бу номларни унутсак, тарих ва келажак бизни кечирмайди, лаънатлайди. Шу учун бирлашиб ҳаракат қилишимиз, ҳақиқатнинг тўла тантанаси учун курашимиз лозим.

Давлат хавфсизлиги кўмитасидан олган хабаримизга қараганда, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Элбеклар бир кунда — 1938 ЙИЛ 5 УҚТАБРДА отилганлар. «Ёшлик» жўрнали ана шу кунни «МИЛЛИЙ МОТАМ КУНИ» деб эълон қилишни таклиф этади. Жўрнал

Сиз, азиз муштарийларнинг қўлларига етиб боргунча ўктабр ойи охирлаб қолган бўлади. «Вақт ўтиб кетибди-ку», дейишингиз табиий. Йўқ, азизлар, бундай хулоса чиқаришга шовилманг. Миллий мотам кунини 5 ўктабрга белгилаяпмиз, тўғри. Аммо уни бир кунда ўтказиб бўлмайди. Жамоатчилик бу кунга астойдил тайёргарлик кўриши керак, ҳукумат махсус қарор ёки қонун қабул этиши лозим. Шунинг учун ҳам биз бир йил аввал эътиборингизни шу масалага қаратаяпмиз. Биз факатгина ёзувчилар отилгани учун бундай мотам кунини белгилашни тавсия этаётганимиз йўқ. Яқин тарихимизга синчиклаб разм солайлик: қулоқ сифатида сургун қилинганларнинг қанчаси Ватан ҳажрида узоқларда вафот этди? Қанча одам беайб қамалди, отилди? Қанча бўз йигитларимиз милтиқ отишни ўрганмаёқ урушга кириб шаҳид бўлдилар. Урушда бир миллионга яқин аскар йигитларимиз жон бердилар. Биз бу шаҳидлар руҳини ҳеч бўлмаса йилда бир марта ёдга олишимиз керакми ё йўқми? Йиллойкун(календар)га бир қараиғ — кизил билан белгиланган байрамларимиз кўп. Байрамнинг кўп бўлгани дуруст. Лекин одамзотда йилда бир мартагина мотам кўни ҳам бўлиши керак эмасми? Агар қулоқ тугатиш қурбонлари, репрессия қурбонлари, уруш қурбонлари, Афғон уруши ҳамда Фарғона, Қўқон, Уш, Ўзган фожиалари қурбонларини, харбийда шаҳид кетган ва шаҳид бўлаётганларнинг хар бирини алоҳида-алоҳида эсласак, мотам кунларимиз байрамлардан кўпайиб кетар. Шуни назарда тутиб катта қурбонликларни бошлаб берган кунни — 5 ўктабрни танладик. Сиз, азизлар, бунга нима дейсиз? Таклифимиз бўйича мулоҳазаларингизни кутамиз.

Мана шу мулоҳазалар билан жўрналимизнинг ушбу сонидagi айрим саҳифаларни репрессия қурбонлари бўлган ёзувчиларимиз — пирларимиз ижодига бағишладик.

Масъуд Абдуллаев

ОТАМНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

1937 йилнинг 31 декабри хонадонимизда бир умрлик ўчмас армон қолдирди. У кун дадамиз билан видолашув кўни бўлади деб сира ўйламаган эдим. Дадамнинг биз билан хайрлашаётиб: «Менда ҳеч бир айб йўқ. Худо хоҳласа, тез кунда дийдор кўришамиз», деганлари ҳали-ҳануз қулогим тагидан кетмайди. Уша тун дадам Қудратилла амакимга: «Мен кетяман. Болаларни сенга, сени Оллоҳ-

га топширдим», дегандилар. Дадамни оғим, мен, синглим кўзда ёш билан кўчадаги қора уловга кузатиб қолдик. Назифа опам турмуш қуриб кетганлиги боис дадам билан хайрлаша олмадилар. Бир умр: «Дадам қани?! Дадамни топиб беринглар!», дея отамиз доғида куйиб, армон билан оламдан ўтдилар. Адиба опам ҳам ўша тун Назифа опамникида эди, отамизни видолашув онда кўролмади.

Дадамизни олиб кетишганларининг иккинчи ё учинчи куни Кудратилла амаким билан Давлат Хавфсизлиги Бошқармасига бордик. У ердан: «Бундай исмли одам бизнинг рўйхатда йўқ. Бўлса ҳам бизга туширишгани йўқ», деган жавоб эшитдик. Икки-уч кунни ўтказиб, яна борсак: «Кидираётган одамингиз Масков турмасида бўлса керак», дейишди. Масков турмаси ўша пайт ҳозирги Энгелс кўчасидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» тикув корхонасининг ўрнида бўлиб, тўрт метр баланликдаги сим тиканли девор билан ўралган эди. Турма теварагида соқчилар туришарди. Биз баҳайбат дарвоза томон юрдик. Бироқ одам кўлигидан унга ҳатто яқинлаша олмадик. Ниҳоят, учинчи куни: «Бизда ундай одам йўқ», деган жавоб олдик. Кудратилла амаким: «Энди нима қиламиз?», дегандек менга қараб тургандилар, бир киши келиб амаким билан саломлашди. Мақсадимизни эшитиб: «Бу ерда тергов иши тугаган сиёсий маҳбусларни сақлайдилар. Акангиз ўша Давлат Хавфсизлиги Бошқармасида», деди. Биз яна иккинчи ерга бордик. «Маҳбус шу ерда. Тергов бошлангани йўқ. Терговдан олдин овқат олинмайди. Фақат тамаки, тишювгич, совун олиб келишингиз мумкин», дейишди у ерда бизга. Уйга кўнглимиз таскин топгандай бўлиб қайтдик. Эртасигаёқ дадамга ўша нарсаларни олиб бориб бердик. Лекин хат ёзиб, хат олишга рухсат йўқ эди. Орадан бироз ўтгач, ўша арзимас буюмларни ҳам олмай қўйишди. Сабабини сўраб жавоб ололмадик. Уч-тўрт ой ўтиб Ҳабибулла акам хасталикдан фориғ бўлиб, юра бошлади. Бироқ унинг ҳам ДХБга қанташлари натижасиз қолаверди.

Йил охирига бориб: «Қамалганлар ҳукм этилиб, Сибирга жўнатилди», деган овоза тарқалди. Бошқармадагилардан дадамизнинг йигирма йилга ҳукм этилиб, Сибирга жўнатирилганини эшитдик. У ерда ҳам хат, овқат, кийим-кечак олмастикларини айтишди. Дадамиз соғ-саломат бўлсалар, бир куни қайтиб келадилар, дея ўзимизни овутмоқдан бўлак чора қолмади.

Эсимда, 1940 йил эди чоғи, Комил Яшин рафиқаси Ҳалима Носирова билан боғимизга келиб, айланиб кетди. Маҳалладагилар: «Комил ака билан Ҳалима опа бот олишмоқчи экан. Сотсаларинг, боғингларни 36 мингга олишаркан», дейишди. Биз рад жавобини бер-

дик. Орадан кўп ўтмай, улар Самарқанд дарвоза томондан боғ соғиб олишди.

Улуғ Ватан уруши бошланди. Бизнинг каби оилаларнинг аҳволи баттар оғирлашди. Тошкент шаҳар ижроия кўмитасининг қарорида биноан шийпонимиз Ленинграддан кўчириб келинган ҳарбий академия хизматчиларига истироҳатгоҳ қилиб берилди. Хизматчилар оилалари билан шанба, якшанба кунлари келишиб, боғимизда дам олишарди. Улар биз билан яхши муомалада бўлишар, боғимиздаги мевалардан еб, бизга ҳам олишга рухсат беришарди.

Бир рус генерали (исми ёдимда йўқ.— М. А.) мен билан дадам ҳақида гаплашар, билганларимни унга тушунтиришга ҳаракат қилардим. У елкамга қўлини қўйиб кўнглимни кўтарар, гоҳиди: «Ойингга бергин», деб гўшт, колбаса, консерва, пишлоқ, нон беради. Ойим: «Руслар ичида ҳам мусулмончиликдан хабардорлар бор экан-да», деб кўзларига ёш олардилар.

Генералнинг мен тенге Миша деган ўғли бўлиб, у билан ўртоқ эдик. Ойим оғир хаста, тез-тез шифохонада даволанар эдилар. Бундан генерал хабар топиб, бизни камёб дорилар билан таъминлай бошлади. 1943 йил 6 март куни онам шўрлик дадамга куя-куя оламдан ўтдилар. Биз «тул» етимдан «шум» етимга айландик.

1944 йили ҳарбийлар Ленинградга кўчиб кетишди.

1945 йили эса шийпонимиз Арпаоя кўчасидаги 1-сонли болалар уйи тасарруфига ўтказилди. Бу ерга болаларни ўйнагани олиб келишарди.

Уруш тугади. Бироқ 29 май куни Ҳабибулла акамни ҳам отамиз каби олиб кетишди. Уруш тугаб, эзилган халқ аста-секин енгил нафас ола бошлади. Лекин бизнигина ўхшаш оилаларнинг аҳволи баттар оғирлашди. Акамни 10 йилга ҳукм қилишди. Биз ҳамон умид билан дадамиздан хушхабар кутардик. Худди дадамиз эшикдан кириб келиб, онамиз ва акамиз қисматидан хабар топиб: «Онанг менинг дардимда оламдан ўтибди. Оллоҳ жойини жаннатда қилсин. Лекин ўғлим Ҳабибуллада не айб?», дея термулаётгандек бўлаверарди.

1947 йили (тиббиёт институтида ўқирдим) мен ўқишга қатнашим осон кўчсин учун Муҳаммад Аминбек поччамнинг Тинчоб маҳалласидаги ҳовлиларига кўчиб ўтдим. Кўчкунларининг бирида ўқишдан келсам, қўшни аёл: «Сени бир одам

истаб келиб: «Кутсин!», деб айтди», деди. Орадан икки соатча ўтган, номаълум кишининг ўзи ҳам келди. Салом-алиқдан сўнг уни уйга таклиф қилдим, бироқ у кирмади.

— Муҳаммад Аминбек акани қаердан топсам бўлади? У кишига айтдиган омонат гапим бор,— деди ёши элликларга борган, сочсоқоли ўсиқ, оқ-сарикдан келган маънос нигоҳли киши.

— У киши бу ерда турмайдилар. Ҳўп десангиз олиб боришим мумкин,— дедим мен.

Икковлашиб Самарқанд дарвозадаги уйимизга йўл олдик. Йўлда мен у кишига бир-икки савол бердим. У: «Ҳа» ёки «Йўқ», деб қисқа жавоб қиларди.

Поччам уйда экан. Меҳмонни дадамнинг хужраларига таклиф қилдик. Фотиҳадан сўнг поччам меҳмонга савол назари билан қаради.

— Сизнинг исмингиз Муҳаммад Аминбекми?

— Ҳа.

— Аёлингизнинг исмлари Назифа-а?— дея савол-жавоб қилгач, киши гап бошлади:— Мен шу келишимда Магадандан келяпман. Асли Наманганнинг Ўнқўрғониданман (исми ёдимда йўқ.— М. А.). 1937 йилгача райкомеа котиб эдим. 10 йилга сиёсий маҳбус сифатида ноҳақ ҳибс этишди. Магаданда жўнатилдим. Абдулла ака қўшни зонада эканлар. Озодликка чиққач, у киши билан сим тўсиқ орқасидан гаплашишга муяссар бўлдим. Абдулла ака: «Тошкентга борсангиз, бизнинг ҳовлидан хабар олинг. Балки уйимни мусодара қилишгандир. Балки болаларим Эски Жуванинг Тинчоб маҳалласидаги Муҳаммад Аминбек куёвимникидан паноҳ топишгандир. Уларга салом айтинг. Набирам Фарзона катта қиз бўлиб қоляндир. Уни буваси номидан пешонасидан ўпиб қўйинг», деб айтдилар,— деди.

Дадамиз олиб кетилганларидан 10 йил ўтиб келган ушбу хушхабар бизни доводиратиб қўйди, Назифа опам: «Дадамни кўрган киши экансиз», деб кўзда ёш билан қайта-қайта кўришдилар. Меҳмон овқатга ҳам турмай: «Тунги поездда жўнашим керак», деб ўрнидан қўзғалди. Бола-чақасининг тинчини билиб бир ойдан сўнг қайтишга ваъда бериб, опам тутқизган кийим-бошини ҳам олмай уйимиздан чиқди. Поччам иккимиз меҳмонни вокзалга кузатиб чиқдик. У поччам берган пулни олмай хайрлашди.

Биз меҳмоннинг қайтишини сабрсизлик билан кута бошладик.

Орадан 2-3 ойлар чамаси вақт ўтди. Бироқ меҳмондан дарак йўқ эди. Назифа опамнинг қистови билан Ўнқўрғонга жўнадим. Бориб у кишини суриштирдим. У ердагилар: «Ҳа, шундай одам бор. Бечора ўн йил ноҳақ ўтириб келиб, хотини биров билан турмуш қилганини эшитган, хафа бўлиб кетиб қолди», дейишди.

1949 йили болалар уйи кўчга, боғимизни Тошкентдаги аллақайси йилқичилик артели эгаллади. Қайсидир бефаҳминг буйруғи билан шийпон атрофидаги мевали дарахтлар кесилиб, от-араваларга жой ҳозирланди. Боғимизнинг кунботар томонига чўчқахона қурилди. Пайша, чивин, қурт-қумурсқа кўлайди, чўчқаларни ариқда чўмилтириб, ичимлик сувни булғай бошлашди. Баъзи беномус кўшиқлардан: «Жулқунбойнинг шалтоғидан дод», «Жулқунбой халқ душмани бўлмаганида биз бу кунларга қолмас эдик», деган маълумат эшитган кунларимиз ҳам бўлди. Тишини тишга қўйиб чидамоқдан бошқа иложимиз йўқ эди.

1953-54 йиллар эди, чамаси. Ёз кунларидан бири уйга келсам, опам: «Меҳмон бор», дедилар. Уйда олтишиларни қоралаган, оқ сочли, қорачадан келган бир киши поччам билан ўтирарди. Улар билан сўрашиб чиққач, опамдан: «Бу ким?», деб сўрадим. Опам маъносизлик: «Отамнинг олдиларидан келибди», дея ўқиб-ўқиб йиғлай бошлади. Мен: «Нега йиғлаясиз? Хурсанд бўлмайсизми? Яхши хабар олиб келгандир балки?!», дея уни юпатдим. Шунда опам бошини елкамега қўйиб: «Отам қамоқда вафот этибдилар», деб ўкириб юборди. Мен чопиб меҳмоннинг олдига кирдим. Кўз ёши қилишди. Поччам қўрғон тиловат қилдилар. Меҳмон ўзини: «Абдулла ака», деб таништириб, бошидан ўтганини сўйлай кетди:

— Мен асли Наманганданман. Тошкент тиббиёт институтида ўқирдим, 1937 йили қамоққа олиниб, сиёсий айб билан 15 йилга ҳукм қилиндим. Жазо муддатини Магаданда фелдшерлик қилиб ўтказдим. Қодирий икки марта хасталаниб, менинг қўлимда даволандилар. Охири жон бердилар. Ўзим дафн қилдим. Улимлари олдидан қаерда туришларини айтгандилар,— дея ҳикоясини тугатди у. Уша кундан бошлаб меҳмон тез-тез келишини, ойлаб бизникида ётиб қолишини одат қилди.

1955 йили акам қамоқдан қутулиб келдилар. 1956 йилда эса дада-

миз ҳам оқландилар. Аза очдик. 1958 йили акамнинг саъй-ҳаракатлари билан шийпонимизни қайтариб олдик, қаровсиз боғни амаллаб аввалги ҳолига келтирдик.

Етмишинчи йиллар дадамизнинг ҳоклари бўлмаса-да, Камолон қабристонидеги хилхонамизга рамзий қабр тоши ўрнатдик. Дадамиз оқлангач, бир неча бор юқори ташкilotларга у киши қачон, қаерда қатл этилганликларини сўраб муурожаат қилдик. Бироқ тайинли жавоб ололмадик. Ниҳоят, 1987 йили дадамиз 1938 йил 4 ўктябрда Тошкентда отилганликлари ҳақида Давлат Хавфсизлиги Қўмитасидан жавоб олдик. Лекин улар дадамизни қаерда отишганини айтишмади. Мен ўзим буни аниқлашга киришдим. Баъзилар: «1937-38 йилларда сиёсий маҳбусларни Тошкентнинг Юнусободидаги Алвастикўприк атрофида отишарди», деб айтишди. «Йўлдошев (1956-57 йилларда шаҳар ижроқўми раиси бўлиб ҳам ишлаган.— М. А.) деган киши Қодирийни қатл этишда қатнашган экан. У: «Қодирий Юнусободда отилган», дегучи эди. Ҳозир вафот этган», деб қолди дўстим Садриддин, У билан етаклашиб Юнусободга бордик. Садриддин мени Шомансуров Шоолим деган бир отахон билан таништирди.

«Алвастикўприкдан ўтгач, йўл ёқасида бир тепалик бўларди,— деб ҳикоя қилди отахон.— Бизнинг ҳовли тепаликнинг кунчиқар томонида эди. Шундоқ ёнгинамизда ёши саксонлардан ошган Расул ота, Маҳкам сўфилар туришарди. Мен ўшанда 27—28 ёшларда эдим. Отахонлар чойхонада ўтиришиб: «Қандай зolim замон-а?! Тепалик бошимизга битган бало бўлди-ку! Кечалари ўқ овозидан чўчиб ухлаёлмасак, ёзда ҳам ўқ товушидан, отилаётганларнинг оҳ-воҳидан безиб, димиқиб, уйга кириб ётсак. Эртасига: «Нима бўлди экан?», деб тепаликка келиб, устига нари-бери тупроқ тортилган, боши, қўли, оёғи чиқиб қолган мурдаларни кўрсак, «Савоб бўларди», деб устларига тупроқ тортиб, бир калима қўрғон ўқисак, дейишарди. Кечалари одамлар айна уйқуга кетган пайтда бир-икки соат давомида узлуксиз ўқ товушлари эшитиларди. Онам ўринларидан туриб, таҳорат олиб, қўрғон тиловат қилардилар. Бу ҳол уч-тўрт йил давом этди. Ўқ товушлари Эски Хумдон гомондан ҳам келиб турарди. Кейин давлат тепаликни бузиб, ўрнида омборхона қурадиган бўлди. Тепалик тупроғини Хумдонга ташиб кета

бошлашди. Эшитишимча, тупроқ гиштга ярамаган, шунинг учун уни бошқа тупроқ билан аралаштириб ишлатишган. Балки отангизнинг ҳоклари ўша тепалик тупроғи остидир», дея ҳикоясини тугатди отахон.

Икки хил фикр, икки хил тахмин... Отамиз бегона юртда, очлик-муҳтожликда жон берганлар, десак, фавқулудда гувоҳларнинг гапларига ишонсак... қани ўша гувоҳлар, уларнинг исзиз-ғойиб бўлишларини нима билан изоҳлаш мумкин? Хўп, майли, уларни ўша доғули замон бунга мажбур қилган ҳам дейлик. Бироқ нега ҳанузга-ча жим улар? Нега отамизнинг қамоқ ҳаётига шоҳид бўлак гувоҳлар овоз беришаёгани йўқ? Ва ниҳоят, Давлат Хавфсизлиги Қўмитасидан келган жавоб: «...Отангиз Абдулла Қодирий (Жулқунбой) 1938 йил 5 ўктябрда Тошкентда отилган...»

Кейин маълум бўлдики, Чўлпон, Фитрат, Ғози Юнуслар ҳам худди шу кун отамиз билан биргаликда қатл этилган экан...

Юқоридан номлари зикр этилган адиблар, худди отамиз каби халқ юрагига йўл топа билган, ардоқли шахслар ҳисобланишарди. Бундай эътиқодда собит кишиларни, тайинки, ҳибсда узоқ тутиб туриш мақсадга мувофиқ эмасди. Уларнинг қатли ҳақида омман оғоҳ этиш эса давлат ҳуқуқий ташиқлотлари обрўсига жиддий путур етказиши мумкин эди. Шу боис Қодирий, Чўлпон, Фитратлар кўксини тешган ўқ саси фақат орадан ярим аср ўтибгина жарангади.

1987 йили адабий жамоатчилик худди шундай кўрғошин парчаси рус шоири Пушкиннинг кўксини тешиб ўтганига 150 йил тўлиши муносабати билан мотам тўтди. Худди шундай маъракалар бу йил Лермонтов ўққа учганига бир ярим аср тўлиши муносабати билан ўтказилди. Биз Бобур хасталикдан вафот этган кунни, Шоҳ Машираб дорға тортилган муддатни, Қодирий тақдир жами синдирилган машъум санани аниқ биламиз, бироқ ўша қора кунларда марҳумлар руҳини ёдга олишни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Холбуки, ўтганлар руҳини улар мадфун кунда шод этмоқ ҳар бир мусулмон учун қарз ҳам фарздир. Зеро, «Ҳадиси шариф»да: «Мавтул олимпиа — мавтул олимпиа», дейилади. Бунинг маъноси шуки: «Алломининг ўлими бу дунёдан бутун бир маънавий оламнинг кетмоғи билан баробардир».



Туркистонда ҳақ олинмади, берилди...

XIX аср охирлари ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасида мустабид чор ҳукуматининг зулми кучайгандан-кучайган эди. Боз устига ўзини маърифатпарвар қилиб кўрсатмоқчи бўлган бу ҳукумат аксинча, Туркистондаги янги усулдаги мактабларга батамом қарши эди.

Миссионер Кауфман (сўнгра Остроумов) 1870 йилдан бошлаб Туркистон ўлкасида «Туркистон вилоятининг газети»ни чиқариб, аҳолини ўзининг қолипига солиб «тарбиялашга» киришди. Газет саҳифаларида эркинликни бўғди. Аммо 1905 йил инқилобни натижасида халқ орасида кескин уйғониш бошланди. Айниқса, «Таржимон», «Вақт», «Шўро» каби матбуот таъсирларида Туркистон мусулмонларидан ҳам янги дунёқарашга эга бўлган зиёлилар етишиб чиқа бошладилар. Улар янгилик тарафдорлари эдилар, шу тўғрисида жадид деб ном олдилар. Жадидлар ташаббускорлигида бир қанча матбуот органлари ташкил этилди. Масалан: «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Ойна», «Самарқанд», «Турон», «Осиё» ва ҳоказолар.

Ушбу нашрлар қанчалик Туркистон халқининг фикри илғори учун интилса, чор маъмурлари ва уларнинг матбуоти бунга қарши шунча ғов бўларди. «Чор ҳукуматининг остраумовлари, губернатурлари, жандармлари, билмам аллакчилари, мусулмон мадрасаси, мусулмон мактаби ҳақида қаттиқ тафтиш ва таҳқиқ билан иш кўриб, уларнинг таназзулига юз тутуб, йўқ бўлишига, битишига кеча-кундуз тинмасдан ижтиҳод қилмоққа, ўзларининг қасд муддоларини, ширинсўз ва молимаат билан халқ орасига тарқотғони каби,

қаламлари билан ҳам докладлар ёзиб тийишли ерларга мурожаат қилиб, ўзларининг заҳарлик фикрларини амалга ошмоғи ҳақида кеча-кундуз тиришмакда эдилар...» (Ш. Раҳим, «Ўзбек маорифининг ўткандаги ва ҳозирги ҳоли» Т. 1923 йил).

1908 йилнинг 13 июлида «Туркистон вилоятининг газети»да «Бузуғ мактаб усул жадид боласи» номли мақола эълон қилинди. Мақоланинг сарлавҳасидан ҳам кўриниб турибдики, гўёки болалар ўқиётган усули жадид мактаблари бузуқ эмиш. Бу ҳақоратли сўзлардир. Мақолада янги усул (жадид) мактабининг асосчиларидан Бехбудий ва Шоқурийлар нодонликда айбланади.

Туркистон генерал губернаторининг маҳкамасида 1908 йилда «Туркистон ўлкасида ва ундан четда жосуслик қилиш масаласи» бўйича ишлайдиган комиссияси тузилди. Бу комиссия 1905 йилдан кейин инқилобий ҳаракатнинг ва фикр уйғонишининг ўсиб бораётганлиги учун уни сиқиш мақсадида тузилган эди. Комиссия асосан жадидлар ҳаракатини йўқ қилиш йўлидан борди. У Туркистондаги бошқа мактаб ва мадрасаларни ҳам жадидлар таъсирига берилмаслиги учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилди.

Ҳамма замонларда ҳам халқимиз фарзандларини билимли, маданиятли, оқил ва қобил кўрмоқ орзусида жон куйдирган тараққийпарвар ва маърифатпарвар шахслар бўлган. Улар зулмат ичра нур каби ҳақиқат, адолат, маърифат машъаласини юксак кўтарганлар.

Мамлакатимизда кечаётган ўзгаришлар тўғрисида ўтмишимиз ва тарихий воқеалар тафсилоти рўйроқ ёзилаётганлиги яхши, албатта. Туркистон мустақиллиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида ўша давр матбуоти саҳифаларида кўплаб муаомма мақолалар эълон қилинган. Уларда Туркистондаги зулм ва маҳаллий истибдодга қарши эрк ва маърифат, маданият, миллий-озодлик ва адолат учун кураш бораётганликлари ёзилади.

Юқорида номлари тилга олинган маърифатпарвар, адибу алломаларнинг пири, Туркистон халқларини саводсизлик, куллик, қашшоқликдан қутқаришга биринчилардан бўлиб бел боғлаган, шу йўлда фидо бўлган буюк қалб эгаси Маҳмудхўжа Бехбудийдир. Унинг публицистик чиқишлари инқилобга қадар Туркистонда Бехбудийдан

олдин турадиган иккинчи бир кишининг ўзи йўқлигини кўрсатади. Ҳазрат руҳоний шахс бўлганлиги учун унинг ўзига хос ижтимоий ва адабий фаолияти дунёвий ва диний масалалар билан уйғунлашган. Унинг публицистикасида ҳам маърифатпарварлик ва шариат иккаласи бирликни ташкил этади. Бехбудийнинг мақолалари ниҳоятда далилларга бой, танлаган мавзуси атрофлича ёритилади.

Фитрат ва Чўлпон мақолалари ҳам Туркистоннинг истиқболи, халқининг келажаги ҳусусидаги атрофлича мулоҳазаларга бой. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ижодкордир. Аммо, афсуски, бу буюк шахсларнинг публицистикаси бугунги кунда ўрганилган эмас. Шунинг учун ўрни келганда айтиш керакки, мана, ошқоралик, қайта қуриш деганимизга ҳам неча йиллар ўтмоқда, бироқ ҳалигача биз фақатгина уч-тўртта қурбон бўлган зиёлиларимизнинг ҳам ижоди ва шахсини тўлиқ ўрганишимиз йўқ. Қолаверса, улар билан бир сафда борган публицистларимиз, ижодкорларимиз қанчадан-қанча. Жумҳуриятимизда бу борада жуда сусткашлик қилинмоқда. Қанчалаб институтлар қолаверса, журналистика назарияси билан шуғулланувчи журналистика факултети ҳам мавжуд. Шу бугунгача журналистика факултетида тарихий матбуот ва публицистикани бугунги кун нуктаи назардан ёритувчи биронта ҳам дарслик йўқ. Билмадик, факултетнинг илмий ходимлари нима билан шуғулланишяпти? Чунки бугунги кунда ишни дастлаб бошдан бошлаш кераклиги кўриниб турибди. Кези келганда журналистика факултетида инқилобгача ва инқилобдан кейинги матбуотни ўрганувчи илмий гуруҳ ташкил этишни тақлиф этардим.

«Мозий — ҳақиқатнинг торозисидур» деган эди ҳазрат Бехбудий.

Хуллас, ўз пайтида матбуотда эълон қилинган Бехбудий, Чўлпон ва Фитратларнинг (ва бошқаларнинг) баҳслари, мулоҳазали мақолалари даврнинг илғор зиёлилари билдирган фикрлардир. Ҳозирги ҳуқуқий давлат барпо этилаётган бир пайтда, тарихий илдишларни билишимизда ушбу мақолаларнинг ҳам роли каттадир. Эътиборингизга унинг айримларини ҳавола қиламиз.

Нормурод АБАЗОВ,
Низомий номидаги олий муаллимлик маъҳадининг ўқитувчиси

Бузу нарлар килди...

Иблис

Ушбу март ойининг еттинчисида чоршанба кунн ўзбек драм тўдаси томонидан кишлок «Турон»да Қафқосия туркларининг атокли адабиётшуноси Хусайин Жовиднинг 4 пардалик «Иблис» фожияси ўйналди.

Ўрток Хуршид калами билан ўзбекчалаштирилган бу асар байт аралаш ёзилгон адаби, ишки ва харбий бир томошадур. Бу асарда йигирманчи маданият асрида яшагон одам болаларининг кўлларидagi билим ва хунарни кон тўкиши, одам ўлдириш, хонимон бузиш каби эгри ва ёмон ишларга сарф этиб, ёмонлик ва ярамасликда иблис (сатана)дан хам ўтиб кетганликлари кўрсатиладур. Бутун ёмонликларнинг туб омили деб юрғазиладургон иблис, бу асарда «одам болаларининг ёмонликларини кўруб шарманда бўлуб колгонлигини» билдирадур. Асарнинг асил ўзи шундайми, балки кўл билан неча мартаба кучирилиб ёзилгон нусхадан ўзбекчалаштирилиб, «шўрбасининг, шўрбасининг, шўрбаси» бўлиб колгонлигиданми, билмадим, асарда дарров сезилатургон бир қоршилик (зидлик) бор. Юкорида айтганимдек, «ёмонликда одам болалари мендан ўдилар» деб даво килгон иблис, асарда бошдан-оёк ёмонликни ўзи киладур. Ўзи хақиқий... шакилда кўринадур. Одам болаларининг ёмонликларидан тўйгон ва шул сабаблик улар орасидан кочиб ўрмонларга кетган Ориф киеман ўшал иблиснинг хийласига алданиб, катта жиноятлар

киладур. Яъни: уни севгувчи бир гуноҳсиз (Ховар)нинг захар ичиб ўлмакига сабаб бўладур. Охирда келиб ўзи суйиб юрган бир киз учун ўз укаси (Вазиф)ни отиб ўлдирадилар. 1915 ва 16 чи йилларда бўлгон машхур Чанок калта урушини хаёл билан кўрган чогида (биринчи парда), одам болаларига ва уларни йўлдан урғувчи Иблисга шу кадар ланат ёғдирадурким, сўрамай кўя колингиз! Бир неча пардада шу холда бўлгон ва ундан сўнгги пардалар хам одамларнинг ёввойилигидан шикоят килгон хам Иблисни қаргагон Ориф учинчи пардада Иблиснинг кўлини ўпадур, уни бир пир, бир каромат эгаси, бир Хизир деб эътиқод киладур. Дуруст, ул пардада Ориф Иблисни одам сифатида кўрган, танимагон эди. Лекин одам болалари учун Иблисдан хамма вақт хавф-хатар борлигини яхши тушинатургон киши эди.

Песанинг сўнгги пардасида она тилидаги турк исёнчиларидан бир киши (Элхон) кўрсатиладур. Бу исёнчи ўзи она тилида, иттифокчиларга қарши, инглиз жосусларини, франсўз айғокчиларини хиёнатчи (сотилган) араб ва туркларни, кўб суруштириб ўлтурмасдан, марҳаматсиз отиб ўлдирдилар, адолатдан жуда юксак-юксак сўзлар билан оҳ айтадур. Аммо ўзи жаҳонгирларга қарши она тилида бош кўтарганларга (камчиликларга) қарашадур. «Эхтимол кишлок халки ва ишчи омма манфаатини кузатадургон кишидур», демокчи бўлсак, у эски пошшоларнинг биридур. Унинг сўзларида халиги тўғрида имо-ишора йўк. Эхтимолким, бу нарса песанинг «шўрбанинг шўрбаси» бўлгонидан келган бўлса.

Ўйнаш жиҳатига келсак:

Сахнага кириш-чикиш, сўзларини вақтида айтиш, фонарларнинг ёниши-ўчишларида кўрилган бирмунча камчиликларни санамасак, умуман текис ва зарарсиз. Иблис рўлида Аброр, Ориф рўлида Уйғур, Ибн Ямин (хони араб) рўлида Сайфи яхши эдилар. Кизларнинг иккови хам (Раъно, Ховарлар) зарарсиз ўйнадилар. Буларда факат юмшоқлик, бўшлик бор эди. Бошқалар хам текис олиб бордилар. Халқ тўла, унум яхши эди. Хатто жой бўлмасдан қайтиб кетганлар хам кўб бўлгон. Шу ерда кичкинагина бир нарса ёзиб ўтшини керак билдим: Бу томошада «ёшлар» деб аталгон «миллатнарварлар»нинг хам кўллари келган эдилар. Хатто, яъни шаҳар театрларидан сира қолмайдургон баъзи бир «ортик маданий» ёшларимиз хам шу томошада бор эдилар. Демак, булар хам бу йилда ўз сахналарига кизикқан экан, кўз тегмасин.

Каландар,
«Туркистон» газети, 1923 йилининг
13 март

Ахлоқ жанжали

Тирнок остидан кир изланмасун!

Андиджон муаллимларидан икки киши ўртасига бир ярамаб даво тушиб колди. Давонинг матбуот майдонига тушиб кел-

МУШУГА

тишига «курашувчи» ўртоқнинг кизикқонлик билан ёзгон мақолачаси сабаб бўлди. Бу ҳар ҳолда яхши нарсас эмас.

Туркистон муаллимларининг бошқа камчиликлари тоғларча бўлғони ҳолда, ахлоқ тузатиш деган нарсас, матбуот бетига энг фахш даволарни кўтариб чиқиш билан бўлмайду. Айб ақтарилса, изланса ҳаммамизда ҳам бор, йўқ эмас. Лекин, айбларни юзга айтиб, ўзаро битирмак керак. Айниқса, мундай фахш ахлоқсизликдир.

Тирноқ орасида кир ҳамма вақт бўладур, кавлаган сари чиқа берадур. Лекин, одамларнинг умри тирноқ орасиндан кир кавлаб ўтиш учунгина тикланмаган. Айниқса, Туркистоннинг ок-қорани танимоғон ерлик халқи бир нарсас билдираман деган муаллимлар бир-бирларининг айбларини излаш билан умр ўтказсалар, бу — жиноят!

Бировни ахлоқсиз деб сўкмасдан илгари ўз виждонимизга савол берайликким, бизнинг ўзимизда ахлоқ борми?

Бировни хунук демай туруб бир марта ойнага қарайлик, эҳтимол ўзимиз унда ҳам хунукдурмиз!

Бас энди, бу фахш кадам!..

К. (Андижон).

«Фарғона» газети, 1924 йилнинг
25 марти

Ризо Тавфикбек

Ризо Тавфикбекни танимаган қайси турк қавми бор?

Жаҳон урушиндан бурун турк матбуотини таъкиб қилғонлар, унинг тўғрисида жуда кўп нарсаларга йўлиқарлар эди.

Унинг ишқ тарзида ва хижо вазнида ёзилган тасаввуф хидли шеърлари, баъзан бир танкидлари, фалсафий асарлари унинг ўзини ҳар ерда, ҳар кимга яхши таниткон эди. Жаҳон урушиндан бери яна кўп нарсаси чиққондур. Локин, биз машҳур шоир Абдулҳак Хомид тўғрисида ёзилган «Хомиднома» отлик танкид китоби билан, сўнг замон солда адабиётчиларининг 8 китобдан иборат шеър мажмуаларида қисқа-қисқа, локин маънолик бир-икки шеърдан бошқа нарсасини кўра олмадик.

50-60 жылдик (ёки жузлик) «Комус фалсафа» ёзгон эмиш деган ривоятлар эшитилди, у тўғрида ҳам аниқ очик бир хабарга йўлиқмадик.

Шундай қилиб Туркияда бу киши кўб катта ҳурмат қозонган эди. Адабиёт илмида унинг эътибори жуда зўр эди. Бир вақтлар, бир иш тўғрисида қамокка олиниб, қамокхонадан сўроқхонага келтурилар чоқда аҳолининг кўллари устида кўтарилиб келтирилган: қамокхонадаги ҳужраси бир зиёфат дастурхонга айланган. Сўзнинг қисқаси, Жаҳон урушининг сўнгигача унинг шухрати, ҳурмати ва эътибори катта эди.

Инкилоб — гоят қучлик бир омил экан. Қандай зўр шухратлар ерларда судралмади? Бечора Ризо Тавфик ҳам шундай шухратларнинг бири бўлди.

Туркиянинг янги шоирларидан энг қучлиги бўлгон Бахше Камолбек билан Истанбул дорилфунунининг форс (Эрон) адабиёти мударрис Хусайин Донишбек орасида миллият жанжали бошланиб кетгандан сўнг, Эрон миллиятпарвари бўлгон Хусайин Дониш тарафидан Ризо Тавфик ҳам турк миллиятпарвари бўлгон Яхё Камолга қарши чиқди. Давосини исбот қилиши учун, бу мухтадар файласуф машҳур (Фузулий, Боғдолий) тўғрисида дорилфунун саҳнида бир лексия ўқуб, Фузулийни Турк эмас, Эронли (форс) қилиб чиқорди.

Фузулийнинг асарларини Эроннинг машҳур бир шоирларидан олгонлигини даво қилди. Мана шу қундан тортиб Р. Тавфикнинг шухратда, ҳурматда, паствлаши бошланди.

Жаҳон уруши тугагандан кейин Франциянинг Свур шаҳрида мағлуб Туркия учун бир мувъоҳада хозирландиким, у мувъоҳада Туркия матбуоти «Турк миллиати учун ўлум мувъоҳадаси» деб, жуда тўғри айтган эди. Шул хорлағувчи мувъоҳадага имзо қилатургон бадбахтлар Туркияда тезгина топилди. Харким, шу разил вазифани бўйинга олмоқдан бош тортар эди. Шу вақтда ўша кунларнинг оён аъзоси бўлгон Ризо Тавфик майдонга отилиб чиқди ва индамасдан бориб мувъоҳадага кўл кўйиб келди. Шу ҳодисани франсузларнинг бир газетаси жуда қучли қилиб ёзгон эди. Бу иш бечора файласуфларнинг эътиборини томом туширди.

Истанбулга Мустафо Камолнинг ғолиб урдулари киргандан сўнг шу масалалар яна бир дафъа кўзгаалиб, турк матбуотида файласуф ҳамда кўб қаттиг нарсалар айтишиб ўтди. Бир вақтлар дорилфунун талабалари уни муддаррисликдан хайдадилар.

Яқинда олингон бир хабарга қараганда, бу бечора файласуф дорилфунундан чиққандан сўнг бўлса керак, Истанбулдаги Амрико куллажига (куллиасига) кириб, талабаларнинг ғалибаси орқасида ундан ҳам кетмакка мажбур бўлгон экан. Ундан чиққач Зун Гулдоқ деган жойга бориб, у ердаги бир куллажда турк тили ва адабиёти дарсларини бера бошлагон экан, у куллижнинг талабалари ҳам уни хайдашга урина бошлогонлар.

Шундан сўнг, Туркиянинг адабиёт ва илм оламидаги энг катта бир кишиси, замоннинг кизгон қонли ёшлари билан чиқинша олмасдан, кенг фикрини мия хўржинига солиб олиб, саёқлик-дарбадарлик кўчасига кириб қолган.

«К»

«Фарғона» газети, 1924 йилнинг
10 марти

Донишмуднинг бехабарлиги



Туркистон мухторияти

27 ноябрда Хўқанда Туркистон мухторияти умумий му- сулмон съезидга зълон қилинди. Муборак ва хабарли бўл- син! Камини ҳам мажлисда бўлиши учун ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!

Хонандларимизга бул бобдаги ўз билишимдан бир оз маъ- лумот бериб ва ҳам мухториятимизнинг мухтасар тарихидан ёзмоқчиман. Чунки мухториятдан кўркувга (уруш бўлур деб) тушган баъзилар кўринадур. Ой азиз мусулмон биродарлар! Ой Оввропа — эй ҳам ватандошлар! Билингки, ушбу сана апрел ойинда Тошкентда бутун Туркистоннинг рус ва мусулмон ижройеси комитети аъзолари йиғилиб иттифоқ ила ушбу ка- рорни бериб эдилар.

Русияда жумхурият ином қабул этишиб ғайр руслар учун мухториятли ва ерли жумхуриятлар барпо бўлсун ва шу қаторда Туркистонда мухторият бўлсун. Мана ушбу қарор қисман ва руслар тарафидан расмий суратда ва Керинский ҳукумати тарафидан Туркистонга юборилган мусулмон ва рус хайъатининг ўзи, ва садрий бўлган (Шичипкин)лар ҳузурда тантанали бир суратда эълон этилиб ва газиталарга ёзилиб эди.

Ушбу куни баъзи мулла ва авомни мухториятдан кўрқанидек аввал вақт баъзи мусулмон (нимча зиёлий) ва ярим-ёрти русча ўқинганларимиз бор. Қучлари ила мухториятга мақобил турдиларки, далиллари шу эди: «Мухторият бўлса дунё ва сиёсатдан беҳабар муллаларга иши ўтуб алар бизни тараққийдан маних этарлар».

Маъ ул мажлисда муллаларни ҳимоя этиб шул юқорида кўрсатилган фикрлик зиёдиларга мақобил эдим ва ҳам шиддатлик суратда мухторият тарафдори эдим. Андан сўнгра Тошкентда илмо мажлиси ёйинки съезди бўлди.

Самарқанддан жаноб Хожо Тўра ва Хўжа мударис ва Муллажон мударис ва мулла Бухролдин оқсоқол ва ўзгалар шўрон ислом тарафидан бориб, шул хабарларни келтирдилар:

Туркистонда керакким мухторият бўлсун, муҳокама шариялар барпо бўлсун. Хатти булар бора аскар олинсун. Дафъа аскар олинмоқга қарор берилурди. Аммо муллалар съезди Туркистондан аскар олинмоқга қарор берибдур, деб илмодан балки баъзилар норози бўлур деб бошқа съездга муқуф кўйилди.

Темир йўл, пўчта ва телеграф ва бошқа шундай ишлар Туркистон халқини одам тайёр бўлгунича муваққат рус ҳукумати қўлида турар деб, Тошкент илмо съезди қарор берилиб, хусусо бу иккинчи қарорни илмо аъзам тарафидан берилгани шаърий ва сиёсий жиҳатдан муҳимдур.

3 чи съезд ноябр ойинда Тошкентда яна илмо жамияти тарафидан барпо бўлди. Бу вақт Тошкентда большевик харақати кўзгўлгон эди. Самарқанд ва ҳукумат Туркистон, Хўқандда кизгин музокаралар бўлиб охири каминанинг тақлифим ила дума шу қарорни чиқариб, илмо жамиятига боратургон вакилларга ва ҳам шаҳарлар иттифоқи жамиятига боратургон вакилларга ушбу қарорни берди:

«Туркистон ҳукумати большевиклар қўлинда бўлмай, балки халойиқ қўлинда бўлсун. Баъзи мусулмон ва руслардан ва ҳам солдат ишчилардан ўттиз нафар, яҳудий ва арменидан 2 нафар, жамих 32 кофир киши Туркистондан сайланиб, Туркистон ҳукуматини идора қилсун ва конунлар чиқармоққа ҳақлик бўлсун».

Шу қарордан сўнгра шаҳарлар иттифоқи ва илмо съездиға Самарқанд Шўрон исломиянинг садри ва дума аъзоси жаноб мулла Маҳмуд Аббосхўжа ва бошқалар юборилдилар.

Жаноб мулла Маҳмуд Аббосхўжанинг келиб айтган сўзлари шу бўлди: «32 нафарнинг устиға яна шаҳарлар иттифоқидан 4 нафар аъзо ортдурдикким, буларнинг 12 нафари ҳукуматни идора этар, 24 нафари аларни тафтиш ва назорат қилур. Ва Туркистоннинг ҳукумати ва ихтиёри шул 36 нафар кишининг қўлинда большевиклардан ўтсун, ёйинки большевиклар шулар ила биргалашиб иш қилсун».

Мана илмо съездининг қарори шул эди. Сўнградан маълум бўлдикким, большевиклар бу қарорға асло аҳамият бермайдурлар. Қелдук 4 чи мусулмон съездиға, Туркистон 4 чи фуқулодда съезди Хўқандда 25 ноябрдан 29 чи ноябрғача давом этди. Юқоридаги съездларға бўлинган қарор ва айтулган сўзлар очик ва тафсил ила сўйланди, жойланди. Русиянинг ҳар бўлақига эълон қилинган мухториятлардан бўхтонлар очилди ва охири «Туркистон мухторияти» эълон қилинди.

(охири бор)

Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий,
«Хуррият» газети, 1917 йилнинг
19 декабри

Туркистон мухторияти

Туркистоннинг ҳар тарафидан 300 қадар киши мунда бор эди. Яъни вақолат ила юбориб эдиларким, бунинг қатта бир қисми илмо ва машойиҳ эдилар. Рус, яҳудий ва арменилардан ҳам вакиллар бор эди. Биргина киши бўлсин, бу мухториятга ҳеч бир фирқадан муҳолифат этмади. Эътирози ва прутст деган сўз асло бўлмади.

Хулоса: барча матфу эди. Бутун вакиллар ижмоҳ этган эдилар, ҳамда беш-ўн минг жамоат ила бирга Туркистон мухторият исломиясининг қон ила бўлса ҳам бутун мол ва жонларини фидо этиб, маҳкам тутмоқга «ла илаҳа иллоллох, Муҳаммадур расулulloх», ёзилган қизил ва яшил, ой ва қолдузлик илм соадат остинда йиғилиб, аҳд этдилар ва бу аҳдни «Алло акхар, Алло акбар лаоло ила Алло ва илла акхар ва Алло ал-ахмад» тақбирини ўн минглар ила умут маҳмудия(с) арши алоға етқуруб, бутун уфқга гулгула солганларидек, олам болони ҳам ва лулазор этдилар. Оқшомғача бутун Хўқанд кўчаларидан мактаб ва мадрасаларидан тақбир овозлари осмонга чиқур эди. Заҳи соадат!

Келайлук асл матлабга! Съезд ўз ичидан 32 нафар кишини сайлади. Алар ҳозирда 7 нафар мусулмон ва аларнинг иккиси илмо ва машойиҳдан ва бир нафар яҳудийни сайладилар. Яқинда яна 4 нафар рус ва мусулмондан сайланур. Бул 12 киши тезлик ила «Туркистон мажлиси муассосини» чакрирлар. Ва барча Туркистон халқи буларни шул тарика сайлаб юборур. Чунончи Фарғонадан 10 нафар, Сирдарёдан 9 нафар, Самарқанддан 5 нафар, Еттисувдан 6 нафар, Закаспийдан 2 нафар, жамих 32 нафарга бул Самарқанд балдиясининг қарори ва ҳам Петруғродға борғувчи мажлис муассос вакилларининг Туркистонға махсус адалдиларидур.

Яна 4 нафар аъзо сайланур. Туркистон шаҳарларининг иттифоқи фанга бул 36 нафар Тошкентда бўлган алло съездининг қарорларидур. Бул 36 нафар вакилларға яна 18 нафар орттурулдики, бу 18 нафар русларнинг барча сиёсий фирқаларидан, яъни иккилобий, ижтимоий, темир йўл ходимлари, қадимия маъмурлар, большевик ва бошқа ҳар нух сиёсий фирқалардан сайланиб, жамих 54 нафар бўлиб, Туркистон мажлис муассосини ташкил этарлар. Ва ораларидан 12 нафар вазир сайлаб ишға буюрурлар. Балдия 42 нафари мажлис қилиб бутун Туркистони идора этарлар. Сиёсатда ва умумий ишларда Туркистон Русия ила марбут ва аммо дохла мухтор бўлур.

Мундан бошқа Туркистоннинг ҳар вилоятда муҳокама шариялар ва шайхул исломлук очилиб, дин мабин ва шарият, ғаройи исломиянинг рувожиға саъи қилинур.

Мухториятни фаол қандай ўрunga келтурмоқ керак? Мунинг жавобини бошқа қолаға қолдуруб, ҳозирда жони ҳолводан ширин кишиларға башорат берурмизки, мухторият ишшоолло сулҳ ила ҳал қилинур. Мухораба ва макотла эҳтимоли мухторият важиҳдан йўк. Балки аллон иш бошидаги кишилар ишни сулҳ ва моликат ила битирмоқчидурлар. Рус ҳамутанларимизнинг аксари мухторият тарафдоридурлар. Замон ҳозирнинг сиёсатиға қараганда, Туркистон мухториятини рус мажлис муассоси ва ҳам «муҳокама сулҳ бий олдуд» албатта мустаҳкам этар.

Большевикларға келгунча, буларнинг ҳам асл матлаби мухториятли жумхуриятдур. Аммо булар дейдиларки, ерлик жумхурият бўлмасун, яъни ер ва амлок тақдим бўлсун. Мана буларнинг нутқи ихтилофи.

Туркистон мухториятчилари дейдиларки, биз ерлик мухторият тилаймиз ва ҳам муни эълон қилдук. Бизнинг ер ва амлокимизнинг тақсимини хоҳлайдурганларға бутун жон ва имонимиз ила муқобила қилурмиз ва ҳам.

Мана ой хувананда, бил ва огоҳ бўлики, мухторият учун албатта қон тўқулмайдур. Аммо ер ва амлокнинг тақсими устида албатта узук қон тўқурсан. Зото мухторият ер ва амлок ва дин мабин учундур.

Шундаҳ билмоқ керакки, бутун Туркистон халқи иттифоқ этса, қон тўқилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам рувож топур. Минг қарра доду бедодки ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этқанимиз ва ихтилофмиз. Сабаби ила бадбахтликға дучор бўлурмиз. Бутун Туркистон иттифоқ этса 15 миллунлик бир қуват илмоға қелурки, мунга ер титрайдур. Агар сўзумни фаҳимлатолган бўлсам ўзумни бахтлиқ хисоблардим.

(Боқияси бўлур)

Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий,
«Хуррият» газети, 1917 йилнинг
22 декабри

Бизга ислох керак.

Хонлар замонида кози, муфти, имом, мударрис ва бошқаларни козиқалон ва ёйинки ушбу хола исломнинг давлат ва маърифатида хонлар насаб ва тайин этар эди. Албатта истеъдод ва қобилият илмияларини мулоҳазага олинур эди. Шул сабабли жоҳил ва кам илм кишиларни мансабга ўлтургушлари оз ва балки йўқ ҳукминда эди. Туркистон Русияга тобиҳ бўлгандан сўнгра янги (полажиния) зақун жорий бўлди. Ва ул полажинияга манимча ҳукуматнинг миссионерлари аралашиб, бизни ахлоқ ва одоб ва шарият муқаддасимизга ҳалал келтиратургон ва бизни йўқ бўлмоқга судрайдургон боблар тузатдилар.

Миссионерлар тарафидан ва ё янги бизни йўқ ва нобуд бўлишимизни ва шарият муқаддасамизни ҳукумдан қолишни хоҳлайдургон эски ва мустабид ҳукумат одамлари тарафидан шундай зақунлар чиқордики, масалан: «Хар бир 25 яшар туркистонликнинг қози ва волостной бўлиши мумкин» деб зақун қўйилди. Қози ила волостной упривитилликка ҳеч нух илм истеъдод шарт қилинмади. Мустабид ва зolim ҳукуматнинг мақсад ҳукумларининг бу қилган жабирлари ўзлари учун энг яхши, биз мусулмонлар учун энг жонсиз ва хароблиги... берди. Бу зақун бизга саводсиз қозиларни оқча ва расво ила сайланмоғига ёрдам этди. Нодон ва жоҳил кишиларни қози ва муфти бўлиш учун бу зақун замона ёрдам берар эди. Қози, муфти, мударрис ва ўзгалардан салоҳият бобинда илм ва истеъдод тўғрисида на шаҳодатнома сўралур эди. Нада имтиҳон қилинур эди.

Эски зolim ҳукуматнинг иши ва дин бузғувчи одамлари ва миссионерлари мадрасаларимизни ва мактабларимиз тўғрисида ҳам бизни ҳайвониятга ва жаҳолат майдонига ҳам йўқ ва маҳў бўлмуш чуқурга судрайдургон зақунлар вазиҳ этдилар. Мадрасани ҳеч нима билмайдургон ёш талабаларни мадрасага сайлаб қўйиш тадбирини зақун қилиб чиқордилар. Қозилардек мударрисларга ҳам даража илмия ва салоҳият тадриясидан сўрамоқ ва имтиҳон этмоқ йўқ эди. Мударрис на таълим этар, на бошқа-бошқа ишларга назорат қилур эди. Бир мударрисга икки ва уч мударрис лозимлигини воқиф этган шарт қилиб экан. Ҳамда воқифнинг шарти худо ва расул шарти ва амри ҳукминда экан. Миссионерлар ила бизнинг нафаспараст баъзи илмоларимиз бул мақсад зақундан модадан зиёда истафода этдилар. Уч-тўрт мударрис ўрнига бир мударрис кифоя деб қарор бердилар.

Натижада илмо озайди. Ахлоқ бузилди илмо мусулмонияга жоҳил ва хонлар сарф саводсиз кишилар қози бўлди. Тадрис ва афтодан ожиз кишилар муфти, мударрис бўлди. Бир мулла ҳам қози ва ҳам мударрис ва ҳам оқоқол бўлиб талаба, маорифчи ва аҳоли ишларини сактага учратди. Бошқа тарафга қарасак, қози ва мударрислик учун истеъдод томони бўлган намомиз оч юрадур. Ох, зolim ҳукумат ва миссионерлар бизга налар қилдилар!

Эски ҳукумат зоҳиро бизни маданий қилмоқ учун «Руский туземный» исминда бизнинг учун мактаблар очиб ўз фаҳимларинча бизни дунё ва охиратда нек бахт, яъни насорат (христиан) қилатургон миссионерларга топширдилар. Бу мактабларга зоҳиро мусулмон муаллими тайин этиб онга 15 сўмдан 25 сўмгача вазифа берардилар. Албатта, бу пулга ҳеч муктадар киши муаллимлик қилмас эди. Дигар тарафдан хуфия приказлар ила бу мактаблардаги мусулмон болаларини оз таълим бермоқга ва бу қадар имкон амрини зоиҳ ва ўзини ҳайвон қилмоқга фармойиш қилдилар.

Мадфун зolim ҳукумат усул жадиди мактабларига моник эди. Масалан Хўжанднинг «Қиссақўз» мавзийга Тўрахоновлар бир мактаб очди. Каттақўрғоннинг Пайшанбасидаги руский туземный мактабига муаллим бўлиб тургон мулла Юнусни олиб бордилар. Аммо адолатлик Фаргона инспектори сан Самарқандлик деб мактабдан қувиб юборди. Холбуки, Хўжанд Самарқанд вилоятига тобиҳдур. «Қиссақўз» мактаби бир неча вақт маъғал қолди. Бечора Хўжанд халқи Ташкентдан Муллажон исминда муаллим келтирдилар. Яна илм маданият ва инсониятнинг энг қатъий душманидек ҳаракат этиб Фаргона инспектори Муллажонни мактабдан қувди. Айби тошкентлик эмш!

Бу тафтишлар устидан арз қилатургон ер йўқ эди. Бунга

¹ (аслиятда шундай — Н. А.)

мадфун ҳукумат тарафидан бўлар. Шундай ишлар учун қўйиб эдилар.

Алхамдууллоҳим, алхамдууллоҳ қутулдик уф!

Яшасин янги ҳукумат!

Самарқанд. «Нажот» газети, 1917 йилнинг 7 ноябри, № 18

«Ҳақ олинур, берилмас»

Яъни бировга ҳақингиз бўлса ўзингиз саъи ва ҳаракат ила баъзан ғайрат ва қувват сарф этмагунча ололмасмиз, онинг учун ман айтаманким, «ҳақ олинур, берилмас», мунга тарихий, шаръи, воқеъ қўб далиллар бўлур, барча ахл тажрибага маълумдур.

Келайлук мақсадга! Эски ҳукумат иккилиб, қумулиб, хуррият барпо бўлгандан сўнгра Туркистондаги рус ва мусулмон ижрония қўмиталарининг аъзолари апрел ойинда жамиҳ бўлур, Туркистон учун федерацияга қарор бердилар.

Андан сўнгра яна Ташкентда бутун Туркистон мусулмонларининг жамияти бўлур, илмо, тужжор, зиёлий ва ахл қасабадан жамиҳ бўлган вакил ва мархўсларина шул «федерация» талаб этдилар. Инчунун Москвада барча Русия мусулмонларининг бир минг қадар фузало, илмо ва ақласи Русий мусулмонлари учун хусусо шул «федерация» қабул этиб талаб ва ижросига қарор берадиларки, газета ва матбуот домно шуни ёзмоққа бўлур, қуллоқлик кишилар эшитадилар. Бас эди федерацияни ҳануз билмаганлар учун яна қисқалик ила баён қилурмиз.

Федерация, яъни мухторият, биз Туркистон мусулмонлари истаимизким, Русия мамлакатига ёйишуб, туруб, хорижий ва ишларга онинг ила бир бўлиб туриб, дохил ишлар ва тирикчиликларимизни ўзимиз идора этсак, мунинг кайфияти шундай бўлур. Беш вилоят (область) дан иборат Туркистоннинг хар бир шаҳар ва уездидан бир неча нафардан киши сайланиб Ташкентда катта марказ бир мажлисимиз бўлурки, барча олур — солиқ ва мибад жорий бўлатурган қонун ва низомномаларни алар тузиб Туркистонда жорий қиладулар.

Русия ҳукумати ила мусулмонлар орасинда шул мажлис восита бўлур, Туркистон учун ва хар вилоят учун сайланган вакил ва маъмурларни алар мустаҳкам қиладуру, Туркистоннинг тараккий ва анкашоғига алар ҳаракат қиладулар. Албатта, маъмур вакил ва маъбусларимизнинг қўбқор мусулмонлардан ва озроғи руслардан бўлур барча ишлар ҳуқуқ ила ва зўр ила бўлмай, балки машрут разолик ила бўлур.

Ўзимизни муҳофазатимиз учун миллий жандарма, аскаримиз бўлур. Мамлакат ҳазинасидан бошқа миллий ва маданий ишларимизнинг масрафи учун ўзимизнинг алоҳида ҳазинамиз бўлур. Мактаб ва мадрасаларимиз, воқф ва доролқазоларимиз ўз қарамоғимизда бўлур. Хулоса қалом, давлат ва сиёсат ишларидан бошқа барча ишларимиз ўз ихтиёримизда бўлур. Ва мунинг учун замонавий ва маданий низомнома ва қонунномалар таҳрир этмоқ лозимдур. Туркистонда рус, яҳудий, арман ва бошқалар бўлиб, алар ила маомлаимиз тўғрисида яна янги ва замоний қонунлар керақдур.

Албатта, бу ишларнинг бошқармоғи ва халқга тушунтириб, ёрдам қилиши илмо азам ва тужжор қарам зиммаларига фарздур. Аммо маҳълтосф илмо бул ишга аҳамият бермайдурлар, балки ғайр муҳим ва кичик инмирсаларга аҳамият бериб юрганлар бизни жағар этадуру. Илмога ва расо анбиёдулар, тужжорларга тушунтирсалар, алар мол аямайдурлар. Хар инмирса оқчага боғлиқдур. Оқча, илмо ҳазратининг ва ози ила тужжордан йиғилур. Беш-ўн зиёлий ёйинки ёшлар, баъзан девонавор ҳаракатда бўлур, аммо аҳамият берганлари оздур.

Ой ҳазрат илмо ва оғниё! Биз оз ушбу арз бегаразимга тоъмил ила тушуниб қорасиға ҳаракат этингиз вало ўзингиз, билурсизким, гуноҳдур. Худову расул қошинда ушбунинг масъулият албаттаки илмо ва ағниёга тушар. Азизларим, диний ва миллий ғайрат ила арз этдим. Афунгизни айтайин! Қафқаз ва Татаристон илмо ва тужжорларидан иборат олмоқ керак. Саъи қилмагунча инсонга бир саъи берилмас. Миллат ва ислом йўлига саъи керак. Шул ишларни бу кундан бошқариб турмоқ мумкин ва лозимдур.

Юқоридаги мақсадлар учун рус ва мусулмонлар Туркистонда бирлашиб, қонун ва низомлар тузуб, келар. Мажлис муас-

сон (учредатилнуй сабрания)га топшуруб анинг мустахкам килмоқни талаб этмоқлари керакдур. Мажлис муассон ўз хоҳиши ила мухторият (федератсияни) бизга беролмайду. Балки биз Туркистон рус ва мусулмонлари бирлашиб мухторият хақини мажлис муассондан олмоқимиз керакдур. Биз жонсизлик кўрсатганда мухторият, агарча юз сана сўнгра бўлсун, бизга берилмайду. Азбаски, «Хак олинур, берилмас».

Агарда бизга озодлик ва мухторият керак бўлса тезлик ила ҳар уезддан бир нафардан киши сайлаб, Тошкентда доимий турмоқ учун юбормоқ керак ва онда Туркистон мусулмонларининг шўроси муҳокамасини тезлик ила очмоқ керак. Холбуки, шўро очилган, фақат одами ва оқчаси оздур.

Рус хамшаҳарларимизни ҳам ул шўрога аъзо қилиб бамашурт ишламоқ керакдур. Русиядаги ҳуқуқшунос рус ва мусулмонлардан ижрат ила чақириб, Туркистонни келаси учун умумий қонунномалар ёзиб ва мажлис муассон очулгунча тамом этиб, анга топшуруб мустахкам этдурмоқ керак. Бул ишларга оқча ва одам керак. Оқча бўлса одам топилур, аммо оқча керак, оқча...

Мана бойларимиз мол ва оқчалари ила бул бобда фишар билло учун жиҳод этмоқлари керакдур. Вало волзин икназван олзахат ояти қарима сан ҳукми ила (азоб олим)га албатта, самолбата гирифторм бўлурлар. Мана шул ишларни эртароқ бошлаб озодий ва мухториятни мажлис муассондан олмоқимиз керакдур. Мажлис муассон бизга беролмайду. Балки ўзимиз олсак керак. Азбаски, «Хак олинур, берилмас!»

«Хуррият» № 22, 1917 йилнинг 13 июли

Ёшларга мурожаат!

Бизни Туркистон ва Бухорода бир заиф мухтарам ёшлар мавжуддирки, ҳукумат маҳкамаларинда тижоратхона, банк ва корхоналарга қотиб, таржимон, молфуруш ва даллолик ёйинки насиячилик ила машғулдурлар. Бу заиф аҳолининг... бу кун Бухоро ва Туркистонда мингларчадир. Ана ёшларга мурожаатдан-мурод шу. Заиф омили бўлган хамватанларимизга бир неча қалима арз қилмоқдур. Лутфан сўзимни тингласалар теб илтимос қилурмиз. Ва қамол эхтиром ила ул жамиятларга баён қилурмизки: Сизлардан аксарингиз суккадар (ва ёйинки совук табият) ила бир нуён бўлиб русча бир оз ўқиб ёзмакка ва ё анинг суйламоққа қодир бўлибсиз ва бу озгина замона билгувчи сабабидан вазифа олиб енгиллик ва бир оз рафойит ила умр ўтқарурсизки, танграм зиёда этсун! Ва сизларки озгина илм замона билганингиз албатта наф келтирди. Ва Аҳмадин мўбинга ҳам яхши муқаддасиз ва бу илм замона эътиқодингизни бузмади. Зотан исломият шундай бир дин матин қабул тараққийдурки, илм замона кўп ўқилса инсонни яна дин исломга шунча аъкидаси мустахкам бўлур. Чунончи илм замона кўп ўқиган Европа олимларининг номдор ва давлатликларидан мусулмон бўлиб турганлари жаридахонларга маълумдур. Бас, собит бўларки илм замона исломиятга зарар қилмоқ нари турсин, фойда этар.

Энди матлабга келайлик. Мухтарам биродарлар!

Сиз хизмат қиладиган идораларда Сиздан қатта ва Сиздан оз ишлайдурган ва сизларга иш берадурган кишилар борки Сиздан беш, ҳатто йигирма дафа зиёда вазифа олур. (Баъзи банк ва тижоратхоналарда ойинда беш юз сўм, ҳатто минг сўм олтурган кишилар бор. Ва аларки, тижорат мактабига ўқиган беш-олти йилгинадир).

Бунинг сабаби надур! Сизнинг кўл остингизда Сиздан кўп ишлайдурган ва қаттиқ хизмат қилтурган ва юк кўтаратурган мусулмон ва ё руслар бор ё Сиздан ҳам оз вазифа олур. Мунга сабаб надур?

Албатта мунга жавоб берурсизки: Бизни устимиздан қарайтурганларини — илм замонаси биздан зиёда ва меҳнатқашларни илми бизча ҳам эмас. Мана сабаб ишдир. Биз ҳам дермизки, жавобингиз дуруст. Бас, маълум бўлдики ҳозирги замон ишларига ҳақ тижорат ҳукумат ва саноатхоналарга бўлсин керак. Вазифа олмоққа ва иш қилмоққа илм замона деган нарса лозим экан. Ва ҳар ким бу қадар билгуси вазифа олар экан! Бас, Сиз мухтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни агарда хоҳласангизки Сиздан кўра тараққий этса (дин ва миллатга хизмат илм ва ақча ила бўлур) шу илм замона таҳсил қилмоғи учун ҳаракат қилмоғингиз лозимдур.

Ҳамватанларимиз мулкни сотиб тўй қилганларидек Сизда ҳатто лозим бўлганда мулкнингизни сотсангизда ўлингизни замонча ўқимўғига саъи қилингиз. Тўйга исроф қилинтурган ақчаларни ўқимок йўлига сарф қилингиз!

Замонча ўқимок тарикасидан бошқа мақолага арз қилинур.

Махмудхўжа. «Ойна» журнали, 1914 йил, № 21.

Самарқандда миллий ишлар хақинда

Ишланатургон ишлар ниҳоятда кўб, ишчилар, қучлар оздур. 20-рақамли «Хуррият»ни жаридаси воситасила Самарқанд вилоятдаги шаҳар, уездларнинг барча жамиятларидан ақла икки нафардан даъват қилинди, азбори Самарқандда «Вилоят жамияти»ни барпо этиб, маъжур 20-рақамли «Хуррият»да ёзилган масалаларнинг музокараси учун, ушбу важдан вилоятдаги уезд ва шаҳарларнинг машҳур одамларига ва жамиятларига, бир неча мактабларга юборилди. 11 ва 12 июлда Самарқандда мажлис муассонлари интизорда бўлдилар. Русларда беш-ўн нафар келдилар. Хати Тошкентдаги «деҳқонлар жамияти»дан икки даъва икки нафардан вакиллар келдилар. Аммо Самарқанд вилоятининг Жиззах, Каттақўрғон, Хўжанд ва Ўратепа шаҳарлардан биргина нафар киши бўлсун, ушбу мажлис учун келмадилар.

Холбуки бу мажлисда Туркистон учун ҳаётини масалалар маъжур бўлунур эди. Билмайин бу қадар эътибор этмаслик ва жонсизлиқнинг сабаби надур? Хола бу шаҳарларнинг одами бир-бирига оддий жаноза ва тўйларга бориш-қелиш қиладурлар. Афсуским, бизлар хануз умумий масалаларга аҳамият бермаймиз, болалардек узок ва шафқ ишларга фаҳмимиз етмайду. Миллий, диний ва сиёсий ишларга аҳамият бермаймиз. Яна афсуским, «Хуррият» жаридасининг 20, 22 ва бошқа рақамларида ёзган сўзларимиз мувфқ ва ҳадар кетганга ўхшайду.

Ой, азиз хамватанлар! Мақул ва нафиҳлик сўз ва маслаҳатларни эшитмоқ керак. Бир оз маданий ҳаракатга келмоқ керак. Бошқалардан ибрат олмоқ лозим. Бу сўқутимиз, жонсизлигимиз гуноҳдур, айбдур. Йиғламаган болага сут берилмас, ҳаракат ва саъи этмагунча ҳақ олинмас, олдимизда шаҳар думалари ва мемлакат думаси сайлови бор. Анга ишламоқ керак, лойха ва талабномалар хозирламоқ керакдур. Мунинг учун эса съездлар, жамиятлар ва оқчалар лозим бўлур.

Келайлик матлабга! Самарқандда икки жамият бор: бири «Шўро ислом»га илмонинг аскарини мунга аъзодурлар. Дигари «Самарқанд мусулмон ижроия қомитети»дурки, тужжор ва бошқа ҳар синфдан аъзоси бордур. Самарқанд вилоятининг шаҳар ва саҳроларидан мажлисга ҳеч ким келмагани учун вилоят шаҳарларига юруб, дума ва учредатилнине собрание ва Тошкентдаги марказий шўромиз хақинда маълумот бериб, ҳамда Самарқанд вилоятларидан бир-икки киши Тошкентга сайланиб юбормоқ ҳаракатида бўлмоқ учун Самарқанднинг юқоридаги икки жамияти, таржимон таҳрири мулло Хўқанд Абдуллоҳлик ўғли ва Махмудхўжа Бехбудийнинг Каттақўрғон, Хўжанд, Жиззах ва Ўратепа шаҳарларига бориб нутиқлар сўйлаб, мажлислар тасис қилмоқ учун муқаррар қилиб эдилар. Аларда бормокчи бўлур турганда Самарқанд балдия (ду-ма)си сайловининг таҳрири чиқди ва хозирлигида аларнинг аъзо ва мубоширлиги ва кераклиги учун, мажлис яна аларни вилоятга чиқмоқдан сақлайдурлар.

Бо вужуд шул бир неча фурсатдан истефода этиб, бирдан бўлмаса ҳам бўлиб-бўлиб вилоят шаҳарларига чиқмоққа ниятиниз бордур. Боринишиздан бир кун аввал ҳар шаҳарга телеграф берамиз. Илтимос ва рижо шулким бу қадар имкон телеграфдан сўнгра. Бу бироқ киши жамламоқ ва хати саҳро ва кишлоқлардан халқни жамламоқ ҳаракатида бўлинсалар эди деб, миллий ходимлардан умидворимиз.

Матлабимиз шаҳар думалари ва саҳро зимствалари вакил мажлис муассонга халойикни хозирламоқ ва ҳам Тошкентдаги марказий шўромизга бир-икки нафар киши сайлаб, доимо анда туриб халқ нафиға ишламоқлари учун юбортурмоқ ҳам аларни ва ҳам шўро марказиямиз. Масорафини таъмин этдурмоқ ва халойикга хурриятнинг чин маъносини тушунтириб, янги ҳукуматга ёрдам бермоқ лозимлигини баён этмоқдур.

«Хуррият» газети, 1917 йилнинг 23 июли

Абдурашф офитрат



* Иттифоқ этайлик!

Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасинда Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдур. Чинда, Хиндистонда, ҳатто Африкода ўз юртининг соадати учун тиришатургон жамиятлар бор ва бу жамиятлар орасинда (миллий бир тилак йўлинда борлик учун) иттифоқлар, иттиходлар мавжуддир.

Туркистонимизда эса иш бошқадур. Туркистонимиздаги синфлардан ҳеч бири ўзгаси билан қардошлиқ ҳолинда эмаслар. Илмо билан ёшлар, ёшлар билан бойлар, бойлар билан кўп орасинда айрилик бор, ёвлик бор. Ўз ораларинда ҳам соғлом бир иттиход, чидамли бир иттифокдан асар йўқ!

Ёр юзиндаги миллатлар ва жамоатлар учун айрилик ва иттифоксизликдан буюкрок боломи бордур?

Бугун ёлғизгина отларини тарихда қўйиб кетган эл-улусларнинг эзилиб кетдиқлариға биринчи сабаб шул айрилик, шул иттиходсизликдир. Иттиходсизлик ва айрилик болосига учрагон миллатлар, бадбахтлик ва мазлумликдан қутулмаслар, ҳатто ўз қўлларидидаги соадат ва тинчликни ҳам сақлайолмамышлар, тарихнинг ҳар япроғи бу муддаонинг очик бир далили ва ойдин бир тануғи (шоҳиди) дур.

Биз туркистондилардаги бу иттиходсизликдан кўпроқ фойда кўрган, каттарок осиглангон эски Русия ҳукумати эди. Ўз русларининг дахи ҳуқуқини оёғлар остиға олгон империалдик ҳукумати чин кўнгилдан тила эди: қўл остиндаги ўзга миллатлар эзудсинлар, ҳароб бўлсинлар, соадат юзини кўрмасунлар, тиланчилар каби яшасунлар. Шунинг учун орамиздаги тортишмаларни кенгайтирмоқ, ўртаимиздаги айриликларни оловламоқ унинг вазифаси эди. У шунинг учун тиришса эди.

Қуллуқлар улўғ тангримизгаким: ўлмак, шу золим ҳукуматнинг йиқилдиғини кўрдик. У золим ҳукумат йиқилди, ўринида ҳар мамлакатнинг ҳуқуқини таниятургон одил бир ҳукумат қурилди. Русиянинг янги ҳукумати, эски ҳукуматнинг бутун қолдиларига қаршу ва муҳолиф эдиқини сўз билан, иш билан қорлади. (эълон қилди), билдирди. Русиянинг янги ҳукумати ҳар миллатға ўз соадати учун тиришурға эрк берди, йўллар

очди. Русиянинг эски ҳукумати билан биргалашиб, орамизда нифок ва айрилик кўрғонларинингдаги йиқилиб кетмағи керак эди, лекин бу қоракўрғонлар ҳоло йиқилмади, ҳоло эски чидақини сақлаб турибдур.

Ой Туркистон мусулмонлари! Эски ҳукуматнинг жафоларини унутдингизми? Эски ҳукуматнинг йўлсиз таъдиллари эсингиздан чиқдингизми?

Эски ҳукуматнинг «приступ»лариндан, «пулис»лариндан, «гурдовой»лариндан сўкуш эшитмаган, юмрук эмган неча киши топарсиз? Эски ҳукуматнинг маҳкама эшиқларинда кўз ёшлари тўкиб қайтмаганларингиз қимлардур? Эски ҳукумат одамлар тарафиндан кўзғолгон тунов қундаги балволарни кирғиз қабилғиналарини, Диззах ёнғиналарини Олло учун кўз олдига кетурсангиз бўлмасми?

Ой Туркистон мусулмонлари!

Тангри учун, пайгамбар учун, дин учун, миллат учун, келинг, бирлашайлук, орамиздаги шахсий тортишмалар, синфий айриликлардан кўз юмайлик; ислом динининг биринчи буйруғи бўлгон қардошлиқ ва иттиход боғлари билан боғланайлук; қўлни-қўлга берайлук, ҳақ йўлинда, дин йўлинда, Ватан йўлинда, миллат йўлинда; жадидимиз, қадимимиз, муллаимиз, бойимиз ва авомимиз бир ерда тўпланайлук, бир-биримизға кўмакчи ва мададкор бўлайлук. Янги Русиянинг ердаги соадат ваъдалариндан фойдаланурға тиришайлук, қардошлар!

Нифок шумлиғи билан ўлмак учун иттиход этиб яшамок керақдур. Иттиход этайлик.

«Хуррият» газети, 1917 йилининг 25 июли.

Мусулмонлар, рофил қолманг

Яқинда шаҳар думаси очилур. Шаҳар думаси, шаҳримизнинг покизалиқ ва ободлиғи, мактабларимизнинг таракқийи ва интизом, болаларимизнинг тарбияси ва халқимизнинг тинчлиғи учун керак бўлгон бутун ишларни ўз қўлиға олур. Шаҳримиздан ҳазинаға киратургон оқчаларни шу йўлларда сарф қилмоқчи бўлур.

Бу олдимиздаги шаҳар думаси, эски ҳукумат замонидаги шаҳар думаларига ўхшамас. Ингирмадан ўтган бутун шаҳар одамларининг ихтиёрлари билан сайланурлар. Бу шаҳар думасинда жуҳуддан, русдан, мусулмондан вакил келиб ўтурур. Ва шаҳар ишлари учун гапурушурлар. Шаҳарнинг қайси қитъасинда касалхоналар қурмоқ керак, шаҳарнинг қайси қитъасиндаги йўлларни тузатмоқ керак, шаҳарнинг қайси қитъасинда қанча мактаб солмоқ керак деб кенгашурлар ва шул тўғрилардаги ишларни «вакиллар кўпчилиғи»нинг қарори билан қилмоқчи бўлурлар. Вакиллар кўпчилиғи ҳаммадан бурунроқ эски қитъанин ерларни тузалтурға қарор берса, чора йўқ, шу қилунур. Вакиллар кўпчилиғи кўпроқ касалхоналарни янги қитъада солмоқчи бўлса, илож йўқ, шу бўлур.

Мана шуларни англагон ҳар жамоат, ҳар миллат шаҳар думасига ўзиндан кўпроқ вакил ўтказмоқ учун тиришадур. думанин кўпчилиғини ўзига олмақчи бўладур. Ўтган ҳафтадаги «таҳрир нафус»дан англашилдики: шаҳримизда халқнинг тўртдан учи мусулмон ва тўртдан бири рус, армени ва жуҳуд эканлар. Шунга қороғонда унлар учун ҳазинадан чиқим бўлатургон оқчаларнинг уч шунчаси биз учун чиқғувлидур. Унларға мактаб очилса бизға уч, унларға бир касалхона очилса бизға учтағи очули; унларға бир пут будодой керак бўлса бизға уч пут керақдур.

Мақолалар ўзгартиришсиз босилмоқда.

Қисқаси шулким: бизнинг ҳақимиз уларнинг ҳақлариндан уч йўла беркдур. Мана шуларни тилаб олмоқ учун шаҳар думасининг кўпчилигини олмоқ керак; шаҳар думасининг кўпчилигини олмоқ учун бутун мусулмонларнинг сайлов кўни келишлари лозимдур. Йўқ; сайлов кўни ҳар ким ўз уйида ўтирса; бошқалар кўпчилик бўлиб келсалар ва думанинг кўпчилигини ўз тарафларига ўтқарсалар; у вақт биз ҳеч бир ҳақимизга эришолмасмиз, яна эски каби ҳуқуқсиз бўлиб қолурмиз; яна эскиси каби ўз шаҳаримизда ўз оқчамизнинг роҳатини ўзимиз кўролмасмиз.

Шунинг учун боғриброк айтаманким, ўз ҳақларини яна бошқаларнинг оёғлари остинда қўймоқчи бўлмоғон мусулмонлар! Сайлов кўни гофил қолманглар, кўпчилик бўлиб келгурса тиришинглар.

«Хуррият» газети, 1917 йилнинг
25 августи

Шўрои исломиянинг хатоси

Мақоламизнинг шу унвони, ўқувчиларимизнинг ҳайрат ва таажжубларига сабаб бўлса керак. Ҳазимиздаги шул мақолави буюк бир ҳайрат ва таажжуб ичинда ёзиб турибмиз. Масала шу:

Шўрои ислом жамиятининг сайлов тўғрисида «уй эгалари» отли бир рус партияси билан иттифоқ қилғонини барчамиз билиб олдик энди. Машҳур сўзларга қараганда шул иттифоқ икки мусулмон, бир рус тартиби ўзаро боғланган. Мунинг маъноси шуки, Шўрои ислом ўз рўйхатиға элли мусулмон ва йингирма беш русни, икки мусулмон бир рус, икки мусулмон бир рус қилиб ёзадур. Сайлов кўни Шўрои ислом тарафдорлари бўлғон мусулмонлар билан «уй эгалари» тарафдорлари бўлғон руслар шул шўронинг рўйхатиға тавуш берурлар ва натижада масала 15 ғалосни олинса 5 тасини русларға бериб 10 тасини мусулмонлар олурлар.

Тунов кун мутафаккир бир дўстим билан шул тўғриларида гапириб ўтиргон эдим. Дўстим ҳақли бир суратда Шўрои

исломнинг шул иттифокини танкид қилди, дедиким:

Самарқанд сайловиға қўшилтурғонлар: мусулмондан (хотунлар ҳисоб эмас) ўн олти минг, жухуд икки минг беш юз, рус ўн бир минг беш юз, ҳаммаси ўттиз минг киши бўлур. (Ғахминан) шул ўттиз минг кишини етмиш беш ғалосниға тақсим қилсак, ҳар тўрт юз кишиға бир ғалоси тушар. Энди, шуниси ҳам маълумдурки, сайловға қўшилтурғон ўн бир минг беш юз руснинг ҳаммаси «уй эгалари» партиясиға дохил эмаслар. Чунки руслар орасинда «уй эгалари» партиясиндан бошқа тўрт-беш партия бордур. «Уй эгалари» партияси ғайрат қилса ўн бир минг беш юз русдан икки мингини ўз тарафиға ола билур.

Фараз қилайлуқки: шўро жамияти шул сайловда ўз тарафиға, ўз рўйхати учун ўн икки минг мусулмон тавуши ола билсун. «Уй эгалари» партиясининг икки минг рус тавуши билан ҳаммаси ўн тўрт минг тавуш бўлур. Бу ўн тўрт минг тавушки ҳисоб бўйинча ўттиз беш ғалоси тушар. Энди иттифоқ юзиндан шўро жамиятининг ўзи шул ўттиз беш ғалосиндан ўн икки минг мусулмон тавуши учун олур, 24 ғалосни, «уй эгалари» партиясиға икки минг рус тавуши учун берур, ўн бир ғалосни!

Холбуки айри-айри списка бўлғонда Шўрои ислом ўн икки минг мусулмон тавуши учун 30 ғалосни олурди ва «уй эгалари» партияси икки минг рус тавуши учун беш ғалосни олур эди. Мана шул ҳисоб юзиндан Шўро жамиятининг шул қилғон иттифокимусулмон ҳақиға зарарлидур. Чунки олти мусулмон ғалосининг ери русларға ўтган бўлур.

Дўстимнинг бу ҳисобларини эшитгач, ҳайратла қолдим. Ажабо, Шўро жамияти нечун шуну тушунмайди? дедим. Ва чикиб қолдим. Шўро шу масалани тушунмаган бўлса, миллатнинг ўзи тушунсин ва ортуқ қайси номер рўйхатға тавуш бермак керак эдигини тайин этсун.

«Хуррият» газети, 1917 йилнинг
5 сентябри

Нормурод Авазов нашрга тайёрлади.

ТУРК МУСИҚАСИ

(Фитратнинг «Ўзбек классик
мусиқаси ва унинг
тарихи» китобидан боб)

Нашрга тайёрловчи:
Ҳ. Болтабоев

Китобимизнинг бошида услуб ўзгалигиға қарамасдан, асослар, назариялар эътибори билан бир бўлғон, Шарқ мусиқийсининг борлигини сўйлаган эдик. Бу бирлик араб истилосидан сўнг мусулмон миллатлараро қурулғон «мадраса бирлиги»нинг натижасидир, албатта.

Араб истилосидан бурун, Шарқдаги турли миллатлар орасида ҳеч бир нурли «олиш-бериш» йўқ эди» демай-миз, бор эди ҳамда кучлик эди, бироқ бу олиш-бериш шаклидаги бўлар эди. «Бирини ташлаб — бирини олиш» шаклида эмас эди.

Мана шу тубда бирлашган шарқ мусиқийсидан бурун, туркларда ўз бош тамаллари¹, ўз бошли назариялари билан бир турк мусиқийси борми эди? Бўлса қандай йўсинда эди? Бу бизға маълум эмас. Араб-ислом сиёсатининг ҳиммати (!) билан орадан йўқолган бир кўб миллий асарларимиз билан биргалашиб мусиқиймиз ҳам йўқлик қадар чуқур кўмулғон, битғон. Катта бир йўл-

дан ўтуб кетган улуг бир қарвоннинг изи қолмайдирми? Мана шунга ўхшаб араб истилосидан бурунги турк мусиқийсининг изларигина қолғонлар. Шуларни кўриб ўтиш ҳар ҳолда фойдасиз бўлмайди.

«Гўзал санъатлар» тарихини текширғувчи олимларнинг кўблари гўзал санъатларнинг, шу жумладан, мусиқийни-да «дин ҳам диний туйғулар таъсири майдонға чиқиб кўб вақтлар шул деб таъсирида диний бир нарса бўлуб қолғон» деб ўйлайди. Бизча бу даъвои бирдан қабул этмак қулай бир иш бўлмаса керакдир.

Биринчи йўла шуну қабул этишимиз керакким, гўзал санъатларнинг энг бурунгиси ўйун-рақсининг энг бошланғич, энг содда шакли бўлғон сакраб ўйнамоқни ҳайвонлар орасида кўрмак ҳам мумкиндир. Инсонларда гўзалликни севиш туйғуси кўтарилла борғон сари рақсининг ҳам гўзаллашиб, кўтарилиб бормоғи табиийдир. Рақсининг гўзаллашмағи, кўтарилмағи, бундаги ҳара-

катларнинг тартиб-интизом, оҳангга бўйсунушидир. Маълум бир оҳанг, тартиб-интизом билан сакраб ўйнагонларнинг телишлари, тинишлари, мусиқийнинг бошланғич илдишларини ҳозирлайдилар. Мусиқийнинг бу йўсинда ҳозирлангон бошланғич илдишлари инсонларнинг гўзалликни севиш туйғулари қолагузлиги² билан гўзаллашиб, кўтарилла борғони табиийдир. Мусиқий қуролларини бурунги эл-улусларнинг диний йиғинларида дин бошлиқларининг қўлларида кўрмай, мусиқийнинг дин(дан) чиққанини кўрсатмайди. Балки илдишларини рақсдан олиб майдонга чиққан, гўзалликни севиш, туйғуларимиз билан кўтарилган мусиқийнинг дин бошлиқлари томонидан, дин йиғинларида, диний маракаларда ишланилганигина исбот этилган бўладир. Биз ҳам турк мусиқийсининг тарихига қараганда уни мана шу ҳолда кўраемиз.

Турк мусиқийсининг бизда қолгон энг бурунги излари: бахши, ўзон, қўбуз сўзларидир. «Бахши» сўзининг бурунги маъноси эл шоир-чолғучисидир. Эл орасида «қўбуз» ё «дўнбура» чалиб дostonлар ўқуб юрган махсус кишилар — шоир-чолғучилар бор. Биз мана шуларга бахши деймиз. Ҳолбуки, ҳижрий 9-нчи мулчарда³ (Навоий замонида) бу сўз «уйғурча ёзгон котиб» маъносиде ишлатилар эди. Пирафисур⁴ Кўприлизодиннинг Ҳалокухон замонида ёзилгон «Зичи Элхоний»дан кўчирганига кўра «бахшилар ҳар ойда уч кун парҳез тутиб ибодат қиладир ва белгили емаклар ерлар» эмиш. (Миллий татаббулар мажмуаси, ж. 11, сон 4, с. 20) Демак, булар бир турли «фолчи авлиёлар» маъносиде ишлатилган бўладир. Олим туркшунослардан Кўприлизода бу сўзининг мана шундай турли маъноларда ишлатилганига таяниб бурунги замонларда «коҳин-шоир-мусиқийшунос» дин бошлиқлари бўлгонликларини чиқарадирки, бизчаде энг тўғри бир фикрдир.

«Ўзон» ўғиз туркчасида бахши демакдир. Қўбуз эса бу кун бизнинг орамиздаги чолғудир. Бурунги туркларда юқоридаги маъно билан бахшиларнинг чолғулари, қўбуз эди¹.

Бурунги туркларнинг шулон⁶, мотам, тўй каби умумий йиғинларида, ибодатларида, ҳалиги бахшилар қўбузларни чалиб ўрунга яраша дostonлар (қахрамонлик ҳикоялари), мақтанишлар (фахриялар), ашулалар, марсиялар ўқур эканлар...

Эрон-араб таъсирлари остида классик мусиқамиз яратилгондан кейин ҳам бахши мусиқийси йўқолмади, ҳалигача эл орасида ўз борлигини сақламоқда. Ўз жойини мусиқиймизга бермак истамай илгари босмоқдадир. Бирда бахши мусиқиймиз билан классик мусиқамиз таъсирлари остида янги-янги эл куйларининг-да яратилишига сабаб бўлмоқдадир.

Турклардаги куйлар тўғрисида усмонли мусиқийшунослардан Равуф Яқтобекнинг мороғоли Хўжа Абдул Қодирдан кўчириб ёзғонига кўра туркларда учта усул доираси бор эмиш.

Турклар бутун куйларини, ашулаларини шул «уч усул доираси» узра ижро қилар эмишлар. Буларга «кўк»лар⁷ дер эмишлар.

Хитойларда уч юз олтмиш куй бор эмиш. Турк хоқонларининг мажлисларида бу уч юз олтмиш куйнинг ҳар бири бир кунда чалиниб бир йилда тамом бўлар эмиш. Бу уч юз олтмиш «кўк»нинг буюги, асосий — тўққиз «кўк» эмиш. Буларнинг олари «Улуғ кўк», «Арслон чоп»⁸, «Пўрс», «Қуладу», «кутадғу», «(ра)астарға», «жинной», «жонтой», «хонсой», «шайдоқ» эмиш (Миллий татаббулар мажмуаси). Менинг кўлимдаги «Тухват ус-сурур» исмли китобчага кўра мороғоли Хўжа Абдул Қодир Нойи Элхоний турклардан Султон Увайс хизматида бўлиб, сўнгалари амир Темур томонидан

Самарқандга келтирилган буюк мусиқий олимидир. Кўпроқ умрини турк саройларида ўтқарган бир мусиқий олимнинг ҳар ҳолда ўз кўрганларига таяниб юқоридаги сўзларни айтганида шубҳа йўқдир. Хўжа Абдул Қодирнинг юқоридаги хабаридан «бурунги турк мусиқийсининг хитой таъсири остида бўлғони» ҳам англашилмоқдадир. Навоий ҳам ўзининг «Мезон ул афзон» исмли китобида тизмда турк вазнларини курсатар экан «орғуштик» отли бир усул доираси борлигини бунинг-да баъзи мусиқий китобларида ёзилғонини айтиб, шундан бошқа бир неча турк куйларининг ҳам отларини бизга билдириб ўтадир. Навоий «Мезон ул афзон»ида шу шеърни ёзадир:

Ай ҳуснингга зарроти жаҳон ичра тажалла
Маъҳар санга ашē
Сен лутф била кавну маган ичида мовла
Олам сенга мовла.

Бу шеърнинг вазнига мустазод дерлар. Навоийнинг кўрсатишига кўра бу вазнда шеър ёзмоқ турк халқи орасида машҳур бўлгон бир куйга шеърни тўғри келтириб ўқимоқ учун эмиш. Яна турк куйларидан бирини «киз кўчириш тўйларида айтурлар» эмиш. Жуда таъсирли бир куй эмиш. Охирида «ёр-ёр» дейилар эмиш, бу икки навъ эмиш «бу навъи ҳеч бир вазн била рост келмас» эмиш. «Бу навъ»да тубандаги вазнда шеър ўқир эмишлар⁴.

Қайси чамандан эсиб келди сабо ёр-ёр,
Ким домидан тушди ўт жоним аро ёр-ёр.

Навоийнинг айтғонига кўра, Турк отли бир куй ҳам бор эмиш. Навоий каби туйғуси «эронизм» билан тарбияланиб нозиклашгон бир санъаткор бу «турк» куйини «ғоятдан ташқари дилназир ва руҳафзо» деб мақтайдир. Бу кунги классик мусиқамиздаги Насруллои куйининг авж қисмида турк исмли жуда ёник, жуда таъсирли бир нағма бор.

Навоийнинг мақтағони ҳалиги турк куйи билан шунинг ҳар ҳолда бир боғланиши, яқинлиги бўлса керак.

Навоий бизнинг мусиқиймиз тарихидан мана шу маълумотни бергандан сўнг «чун ўзонларнинг «ўзмоғи» ва ўзбекларнинг «будай», «будайи» ҳеч вазн била рост эрмас эрди анга таъарруз қилилмади (андак сўйланмади). Агарчи асарлари (таъсирлари) бор, аммо анинг аруз илмига даҳли йўқдур» деб сўзини битирадир. Бу тўғрида ҳаққи ҳам бор. Араб арузининг қодаларини ёзиб турғонда «ҳеч» вазн билан «рост» келмагон, яъни ўзимизнинг бармоқ вазнимизда айтилгон шеърлар ва у шеърлар ўқилатурғон куйлардан сўзлаб ўтирмоқ тўғри бир иш эмас. Бироқ Навоийнинг юқоридаги қимматли маълумотини ўқиғондан кейин «кошки шул араб арузини ёзғонингиз жойида турк вазни, турк мусиқийси тўғрисида китоблар ёзса эдингиз», демакдан ўзимизни саклай олмаймиз!⁷

Ҳижрий саккизинчи мулчарда машҳур оқсоқ Темурнинг қонли, тўполонли чиқиши Озиē ўлкаларини остустга кетирди.

Темур қайги ўлкани бориб олса, ундаги буюк олимлар... улуғ шоирлар, улкан санъаткорларни Самарқандга келтирар эди. Шу йўл билан ўзининг пойтахтини дунёнинг энг буюк шаҳри қилишга тиришар эди. «Зубдат ул-авдор», «Мақосид ул-алшон»⁸ исмли мусиқий китобларни ёзгон мороғоли Абдул Қодир билан «Шарафия» исмли мусиқий китоб ёзгон урумийлик Сайфитдин Абдумўмин⁹га ўхшагон улуғ мусиқий усталари ҳам шу келтирилгонлар қаторида эдилар. Темур-

дан бурун ҳам Урта Осиёда асослари араб-эрондан қолган, муסיқий санъати бор эди. Бироқ Темурнинг буйруғи билан, ҳар томондан келтирилган ихтисосчи олимларнинг ғайратлари билан бу санъат бирдан жонланди, аёққа босди. Ислому Шарқнинг ҳар томонидан келтирилган чолғулар, чолғучилар, бизнинг бу кунги классик муסיқиймизнинг юксалишига, кўтарилишига хизмат қилдилар, ўз замонида ерлилардан улғу муסיқийшунослар етишдилар. Ҳатто «Тухфатус-сурур»⁽⁶⁾нинг айтишига кўра машҳур Улуғбек мирзонинг ўзи ҳам муסיқий олимларидан саналган. Темур болалари замонида қонунчи Дарвеш Аҳмадий (самарқандлик), найчи Султон Аҳмад (самарқандлик), туркча, форсича икки девон билан муסיқийда бир рисола эгаси бўлган қорақўллик Ҳисомий, муסיқийда бир китобча ёзган хоразмлик Абул Вафо Табиб, ҳам муסיқий олими бўлган балхлик Мавлоно Соҳиб, ўз замонида атоқли бастакорлардан саналган шахрисабзлик Абдул Барака каби кишилар етишиб муסיқамиз учун хизмат қилдилар. Ногорачи ҳам шоир бўлган Қадимий, Навойининг муסיқий муаллими Хўжа Юсуф Бурхон, Навойининг тоғаси Муҳаммад Али Ғарибийлар ҳам шул замоннинг машҳур муסיқийшуносларидан эдилар.

Улуғбек замонида машҳур Хўжа Аҳрор Валининг химояси остида Самарқандда «дини тескарчилик» (аксил ҳаракат) пайдо бўла бошлайдур. Шунинг таъсири билан Улуғбек ўлкасида бузғунликлар юз кўрсатадир-да Улуғбекнинг ўлими билан натижаланадир.

Мана шул фожиали тескарчиликдан сўнг гўзал санъатлар маркази Самарқанддан Ҳиротга кўчирилади. Хусайн Бойқаро ҳам Алишер Навойининг химояси остида Чигатой адабиёти, Чигатой муסיқийсининг «Олтун даври» Ҳиротда кўрула бошлайдир. Ҳиротда Хусайн Бойқаро теграсидаги муסיқа устодларидан сўзлаганда бошлаб Навойидан гапиришни қадршунослик юзасидан лозим деб биламиз.

Навойининг ўзи муסיқани Хўжа Юсуф Бурхон деган атоқли бир муסיқа олимидан ўрганди. Муסיқанинг назарий-амалий ёқларидан яхши билар эди. Бобирмирзо ўзининг асарида Навойининг асарларини санар экан, «яна илми муסיқада яхши нималар боғлайдир, яхши «нақшлари», яхши «пишрав»лари бордир деб⁽⁷⁾» Навойининг уста бир бастакор бўлганини кўрсатадур. Навойининг муסיқий асарларидан бизнинг замонимизгача етишкани борми; девонларини, дostonларини, бутун адабий асарларини бу кунгача жуда яхши сақлай олган бизлар унинг муסיқий асарларидан ҳеч бирини сақлаб олмадикми, улар йўқолиб битганми? Навойининг замондоши бўлган Жомийдан қолган «Нақши мулло»⁽⁸⁾ бу кунгача сақланилган экан, Навойининг ҳатто Бобир каби ҳар нарсани ёқтирмаган бир санъатшунос томонидан мактанилган куйлари сақланмадикми? Бу сўроққа узил-кесил бир жавоб топа олмадик. Бироқ буткул жавобсиз ҳам эмасмиз. Бизда «Қари Навойи» исмли бир куй бор. Хоразм муסיқа тарихчасида «Навойи» исмли бир куйдан хабар берилганда унинг остида шу сўзлар ёзилган: «Шунигина айтмоқ истаймизким, тўртинчи рақамда кўрсатилган Навойи мақоми «Қадр Навойи»⁽⁹⁾ оти (оди) билан юритилиб бул мақом Хоразм ўзбек дуторчилари тарафидан кўб эскидан боғланган бир мақом бўлиб ўзбекларнинг ўз миллий мақомлари бўлганлигини «товотиран» (яъни ҳар оғиздан) сўйланиб келмакдадир».

Тарихчанинг ҳурматли ёзгучилари томонидан бу куйнинг Хоразмда басталангани тўғрисидаги хабарни дарров қабул қилиш қийиндир. Чунки бу куйнинг эскидан бери Бухорода ҳам чалиниб тургани маълум, ҳатто, унинг Навойи асари бўлгани ҳам сўйланмакдадир.

Эшитганимизга кўра Фарғонада ҳам «Қари Навойи» исмли бир куй бор. Тошкент муסיқийчилари бу куйни «Қари Наво» дейлар. Бироқ бу исми янглишдир. Алар шул «Қари Навойи» исмини бузиб олганлар. Айтганларимизни қисқартганда шундай бўлади:

Бу кун Узбекистоннинг кўб ўринларида «Қари Навойи» исмли бир куй бор. Бу куйнинг жуда эски бир экани ҳар томонда сўйланиб турадир. Бухоронинг эски муסיқийшунослари орасида бу куйнинг Навойи асари бўлгани сўйланадир. Мана шу маълумотлардан сўнг «Қари Навойи» куйининг Алишер Навойи асари бўлгани эҳтимоли кучайиб қолади. Ҳар ҳолда биз шул эҳтимолни кўзда тутиб «Қари Навойи» куйининг нўтасини асаримизга илова қилишни муносиб кўрдик. Навойининг муסיқага хизмати ёлғиз куйлар басталамак билан қолмайди. Навойи энг буюк муסיқа устодларини, энг истеъдодли муסיқа талабаларини ўз тарбиясига олди. Уларнинг маълумотларини орттирмоқ учун муסיқа рисолалари ёздирди. Бу тўғрида Бобирмирзо ўзининг «Бобирнома»сида «Устод Қулмуҳаммад ва Шайх Найи ва Хусайн Удий ким соода (чолғуда) сар омад (илгари боскон) эдилар. Бекнинг (Навойининг) тарбияти ва тақвияти билан шунча тараққий ва шуҳрат қилдилар» дейди. Навойининг ўзи «Хамсат ул-мутаҳаййирин» деган китобидан устоз Қулмуҳаммаднинг шогирдлик вақтида жуда истеъдодлик эканини, ҳар нарсани бот ўрганиб яхши чолғонини сўйлайди-да муסיқада унинг назарий маълумотини орттирмоқ учун тўрт буюк устодга тўртта муסיқа рисоласи ёздиргани, рисолаларни фанни таълим ёғидан ярарлик топмағони учун энг сўнг Мулла Жомийдан сўраб бешинчи рисола ёздирганини хабар берадир. Навойининг ўзи ҳам муסיқада бир рисола ёзган деб сўйланмакдадир. Бироқ бу сўзгина бўлуб қолади. Навойининг ўз асарларида бу тўғрида кичкинагина бир ишорат топа олмағонимиз каби Навойи тўғрисидаги ёзувлар орасида ҳам бу сўзга учрамадик...¹⁰

Изоҳлар

1. Тамал — негиз, асос.
2. Қолагузлиги — матбаа хатоси бўлса керакки, «қолган ўзлиги» деб ўқилса мақсадага яқин келади.
3. Мулчар — аср (сана).
4. Пирафисур — профессор (ўзбек сўзлари русчага мослаштирилиб талаффуз қилинган) каби, айрим интернационал сўзлар ҳам ўзбек фонетикасига мос ҳолда қўлланган.
5. Илтирадиргон — чертиладиган.
6. Шулон — камбағал, етим-есирларни тўплаб ош бериладиган маросим.
7. Навойига нисбатан бундай дадил айтилган фикрни Фитратнинг бошқа асарларида ҳам учратамиз. Хусусан, туркий тилда араб-форс унсурларини ишлатишига қарши Фитрат шундай фикр юритишга журъат қилган.
8. «Зубдат ул-адвор», «Мақосид ул-алхон» — машҳур бастакор ва муסיқа назарийчиси Хўжа Абдул Қодир (Темурийлар саройида хизмат қилган) асарларидир. Бу ҳақда Фитрат рисоланинг бошқа бир ерида нисбатан тўқис маълумот беради.
9. Урумийлик Сайфитдин Абдумўмин — Қашғар вилоятининг Урумчи шаҳрида яшаган, кейинчалик Темур саройига келтирилган муסיқашунос.
10. Рисоланинг кейинги саҳифаларида Навойи замонидаги бошқа муסיқашунос ва бастакорларга, ундан кейинги даврларда яшаган турк муסיқашуносларига нисбатан батафсил ахборот берилади.

(¹⁰) Бизнинг бу кунги қўбузимиз ей билан чолинадир. Ей билан чолинадиргон чолғу илтирадиргон¹⁰ чолғунинг тараққий қилганидир. Ундан сўнгра кўб эзилгон бўлса керак. Шунинг учун бурунги турк

Бехшилари томонидан чолингон кўбузнинг бизнинг кўбуздан ўзга-чароқ бўлгани гумон қилинадир. «Девони луғат»нинг-да «кўбуз челтиратургон уддир» деган шу фикрга куч берадир. Ф. (итрат).

(2) Бу кунги «куй» билан муносабати борми?

⁶¹ Соқиб май тут куйғил сўзни,
Хон қурултойга етқуз ўзни.
Соф май жом аро гар дилкаш эрур,
Тустуғон ичра қимиз ҳам хуш эрур.
Ай сурусен ҳам кўргиз

«Етуғон бирла» «улуғ» ерини туз.
Навойи(нинг) тизмасидан «етуғон» исмли бир чолғу билан «улуғ» исмли бир «ер» (тоторча жер, бизча куй)нинг Навойи замонида борлиги англашиладир. Бу «улуғ» ернинг юқоридги «улуғ кук» ё унинг бир бўлаги эканида шубҳа йўқдир.

Бизда «Чопондоз» исмли бир усул доираси бор. Шунинг юқориде «Аслон чоп» билан муносабати йўқми экан: бу сўзнинг «аслон чоп — чоп аслон — чопондоз» шаклида ўзгара-ўзгара бизга келгани эҳтимолдан жуда узоқми?

⁶² Навойининг


Аёғчи кетур жомни лаб ба лаб
Ки тўй улду айёми айшу тараб.
Муғанний уруб чангга забонда жанг,
Наво чекки «Хай-хай ўлан, жон ўлан».
«Аёлғук нега ёр-ёр» ўлғуси
Минг йиғларам зор-зор уйқуси

деган шеърдаги «хай, хай ўлан, жон ўлан» билан «ёр-ёр» аёлғусига ишоратдир.

⁶³ «Тухфатус-сурур» («Тухфатус-сурур») — Ҳофиз Дарвеш Али Чангий асари.

⁶⁴ У замоннинг истилоҳида ашупали куйларга «накш», ашуласиз куйларга «пишрав» дер эканлар.

⁶⁵ эшонларнинг хонақоҳларида ўқилатургон бир куй.
⁶⁶ «Қари Навойи» бўлса керак.



Усмон Носир

Монолог

Севги! Сенинг ширин тилингдан
Ким ўпмаган, ким тишламаган?
Дардинг ёйдек тилиб кўксидан
Ким қалбидан қонлар тўкмаган?

Сени яхши биламан, гўзал,
Петраркани ўқиганим бор.
Буюк Римнинг Сапфоси азал
Хаёлимни ошиқдай тортар.

Биламанки, Тассо бечора
Роҳат кўрмай ўтган бир умр.
Эй маккора қиз, Леанора,
Номи қора билан ёзилгур!..

Балки гуддан яралган пари
Тош кўнгилли Биатриче
Гадосан, — деб қочмаса нари
Данте бахтли бўларди пича!

Балки Гамлет ойдин тунларда
Офелияни эркалатарди,
Балки узун сочини силаб
Азонгача эртақ айтарди.

Агар хиёнатни билмаса,
Эзмаса фожиа юрагин!
Йўқ. Йўқ, шоир! Гар шундай бўлса
Шекспирнинг йўқди кераги!

Дездемона, гуноҳсиз дилбар,
Жигар қонларингни ичган ким?
Биламан, Отелло, биламан,
Отелло ҳақлими?.. Шоир жим!..

Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча куйган шафақлар
Тирқираган қонни эслатди!

Кандай кўрқинч! Кандай қабоҳат!
Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан!
Ақлидан озганми муҳаббат?
Мумкин эмас, қарши турмасдан!

Мумкин эмас, эй, олий жаноб,
Неча юракни айлаб хароб
Шоҳона тож кийган муҳаббат,
Мумкин эмас! Кандай қабоҳат!

Ки одамнинг ўзигинамас,
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!
Қийналаман!.. Юрагимда ҳовур...
Бу — қаршилик! Йўқ! Гина эмас.
Бу — қаршилик! Кўринг тарихни.

Парвонадек қаноти куйган,
Бу — қаршилик! Кўринг тарихни.
Умр теппасида мушт туйган...
Қийналаман виждон билан мен,
Мумкин эмас, қарши турмасдан!

Уз зиммамга катта иш олдим:
Эҳтимолки, тамом қилмасдан —
Умрим тугар. Аммо бўлмайди
(Кўнглим ўрнига ҳеч тушмайди.)
Сенга қарши бош кўтармасдан
Асрларни йиғлатган сеvgи!!!

1933 йил

Бу йўлларда

Бордим...
Келдим...
Суқ кўзларимдан
соғинчларим тўкилиб кетди.
Хотиралар — елкамдаги юк,
Пешонамга ёзилиб нетди?..
Кимирламай қолдим энди мен,
Осмон босиб кетди бошимни.
Кўзларингнинг қорачиғида
олиб кетгин энди лошимни...

Кўргилик

Оғочлар юзида мезонлар қолар,
Шамоллар қулоққа инмайди.
Бир қуюн ичидан кўзларинг
Қарайди, қарайди, тинмайди.

Нихоят, тирқираб ёш келар,
Мезонлар кўзингга инади.
илдизин қурт еган оғочлар
Қарсиллаб бошингда синади...

Бошин тошга урди —
сачрамади қон,
Кўксини чок қилди —
чиқмади уни.
Фариштанинг оппоқ елкаларида
ҳақиқат —
умрнинг битмаган куни.
Қоронғи ўрмонга кириб борарди
тутунга айланиб ғамбода тани.
Ҳақиқат
қўлини кўтариб чопди:
Тўхта,
олиб кетгин мени, Катани...

II

Бош олиб кетганмиш, эсиз,
комиссар,
Қалаванинг учи эмиш кўп узун.
Ибтидодан ҳамон йўқ эмиш асар,
Ҳамон учрамасмиш йўлида маймун.
Яна,
миллион йил мозийга қайтиб,
Эмиш...
ибтидодан бошланмоқ керак.
Зинҳор маймунданмас,
дермиш у жиддий, —
«Одамдан одамга айланмоқ керак...»



Учликлар

* * *

Одам бўла туриб,
япроқлар ҳақида ёзаверасан,
Дарахтга дўнади қисматинг.

* * *

Хотиралар — қишлоқ йўллари,
баёвлигинг тутиб қайтасан,
Оёқяланг юрар бир бола...

* * *

Отангда йўқ заррача гуноҳ,
Онангда йўқ заррача гуноҳ,
Сен гуноҳсан — етим чақалоқ.

Майсага айланиб боравераман...

Шухрат ИКРОМ



* * *

Улкан Дарахт устида куз айланур,
Ич-ичимни тўлдиради хазонлар.
Юрагимнинг кўчалари сап-сарик,
Айланаман ёлғиз шомлар, азонлар.

Ўн икки ой давом этар хазонрез,
Тушларимга кирар толнинг куртаги.
Хазон тўлар, ҳазин тортар, саргаяр
Баҳорлар ҳам унутган юрт — Юрагим.

Мен сени сабодан қизғанардим, ёр,
Сочларинг бирлан-ей сирлашганида.
Сени рашк этардим сур пиёладан
Лабларинг бирлан-ей бирлашганида...

Энди-чи, сен учун терганим гуллар
Елларда тўздилар хазондек бари.
Ишончлар синдилар, умидлар чил-чил,
Ушал мен синдирган пиёла каби...

Уйғониш

Мудроқни ҳайдайди тонгги эпкилар,
Кўзимга бостириб кирар яшиллик.
Саргайган руҳимга келар урилиб
Тиниқ бир ҳаяжон худди яшиндек!

Санчилар майсалар — оғрёр нигоҳим,
Қабогим қатидан томчилайтиди занг.
Кўзимнинг тубига яшил бандлардан
Куйила бошлайди баҳорий бир ранг!

Яшил қон югура бошлар танимда,
Еллар шод қутлайди жисимини кучиб.
Майсага айланиб боравераман
Ҳар баҳор қайтадан тирилмоқ учун.

Шаккоклик

Йўқ, сиз мени юпатманг,
Ғафлатга эл бўлмасман!
Ойнинг ўн беши қора
деган гапга кўнмасман!

Умримнинг нақ ярмини
Бермам қора тунларга.
Юракда бир илинж бор
Еруғ-ёрқин кунларга!

Мен бориға кўнмасман,
Шаккоксан, деб койиманг.
Кўргим келур ўттизи
Еруғ бўлган ойни Мен!

Сув ҳам йўқдир, сабр ҳам тамом,
Тинмай қудуқ қазийман — Умид.
Кўлларим қон, юрак қон, ер қон —
Игна билан қазийман қудуқ...

Қуриб бўлди минг йиллик Дарахт
Томирларда сўнги интилиши.
Тинмай қудуқ қазийман — сув йўқ,
Фақат замин ётар қонталаши...

Нетай, игна билан тинимсиз,
Ахир, минг йил қазидим қудуқ.
Қора булут, ёмғирли булут,
Энди сендан ўзга нажот йўқ...

Шоҳимардон! О, тоғлар кўйида пинҳон,
Гўзал диёр, кўксингда даҳшатли, аччиқ.
Қандай қовли сирлар бор?..

Юрак зирқирад.

Босади хотиралар — қора босириқ...

Ойбек.

Кишиларни ларзага келтирган ҳар қандай воқеа йиллар қарвони ўтиши билан, қор қатламлари остида қолган қабрдек, ўзининг даҳшатли садосини йўқотади. Бора-бора кишилар уларни тарих учун қатта эътиборга молик бўлмаган оддий бир воқеа сифатида идрок этадилар.

1929 йил баҳорида Шоҳимардонда бўлиб ўтган ва узок йиллар мобайнида ўзбек халқини ҳаяжонга солган воқеа бугунги ташвишли ва серғалва давр учун, эҳтимол, у қадар аҳамиятли эмасдир. Зеро, орадан бор-йўғи саккиз йил ўтгач, бир эмас, ўнлаб адабиётимизнинг азамат чинорлари она заминдан кўпориб ташланди; ўша муҳим йилда ва кейинги қатағон-сатағон йилларда эса юзлаб ва минглаб қора кўзлар авжи нурга тўлган бир пайтларида ноҳақлик ва тухмат қурбони бўлдилар. Ана шундай тарихий манзарада бундан олтиш икки йил муқаддам рўй берган фожиага яна эътиборни қаратиш, балки, тўғри эмасдир.

Лекин инсон табиати қизик. Уни орада ўтган даврлар ҳам, бошқа муҳимроқ бўлган воқеалар ҳам баъзан кизиктирмай, у чала айтилган ҳақиқатни билишга, ўша воқеани ўзинга ҳамонанг бўлган воқеалар маржонига теришга ва тарихнинг қандайдир сирли ҳаракатини англашга интилади.

Бир пайтлар — биз мактаб ва олий ўқув юртида таҳсил кўрган йилларда — Ҳамзанинг ўлимида инглиз жосуслари ва умуман, жаҳон империализмининг кўли борлиги айтилар эди. Ҳамзашунос Юсуф Султоннинг 1949 йилда чоп этилган рисо-ласида эса инқилоб куйчисининг «бир тўда қутурган халқ душманлари, буржуа миллатчиларидан мадад олган қора қучлар» томонидан ўлдирилганлиги ҳақида маълумот берилган. Халқ орасида эса шу кеча-қундузда ҳам Ҳамзанинг аёллар бобидаги қилмишлари учун тошбўрон қилинганлиги тўғрисида миш-мишлар юради.

Ҳуш, аслида 1929 йил баҳорида Шоҳимардонда қандай фо-жиа рўй берган?

Шоҳимардон мозори

Ривоятларга кўра, бундан қарийб беш ярим аср муқаддам Шоҳимардон қишлоғида ҳазрат Алининг қабри пайдо бўлган ва мусулмон олами учун муқаддас бўлган бу маскан яқин атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилувчи кишиларнинггина эмас, ҳатто Яқин Шарқ халқларининг ҳам зиёратго-хига айланган.

Муҳтарам муштарий!

Сўнги йилларда совет даврида ижод қилган бош-қа ёзувчилар қатори Ҳамза ҳаёти ва ижодининг ҳам баъзи бир томонлари юзасидан янгича қарашлар билдирилмоқда. Бундай қарашлар ҳозир Сиз ўқиган мақолада ҳам йўқ эмас.

Қайта қуриш даврида юзага чиққан янги ҳужжат ва материаллар ўзбек халқи ҳаётининг, шу жумладан, адабиётининг совет даври тарихини қайтадан ёзиш лозимлигини тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам шу кеча-қундузда матбуотда эълон қилинаётган мунозарали мақолалар тарихимизда янги нуқтаи назардан ёндашишга озми-кўпми ёрдам бериши та-биий.

Таҳририят Ҳамза ўлими билан боғлиқ ушбу мақолада баён этилган мулоҳазаларни қатъий ва ўзил-кесил фикр деб билмайди. Келажакда бу ма-салага доир янги ҳужжатлар, хотиралар ва бошқа материаллар топилиши ва улар бу мушкул муаммога аниқлик киритиши, сўнги нуқта қўйиши мумкин.

Таҳририят.

Тарихий манбаларда айтилишича, халқ ўртасида ҳазрат Али номи билан машҳур бўлган Али ибн Абу Толиб хулафо ар-рошидин, яъни ҳақ йўлидан борган халифаларнинг тўртин-чисидир.

Билкиз Аладдиннинг «Муҳаммад киссаси» асарида унинг ту-ғилиши бундай тасвир этилган: Муҳаммад пайғамбарнинг ама-киси Абу Толиб Фотима бин Асад исмли ғоят тақводор қизга уйланган экан. Алининг туғилишидан бир оз аввалроқ у ибодат қилиш учун Қазбага борган. Шу пайт ғойибдан кел-ган овоз унинг ичкарига киришини буюрган. Девор сурилиб йўл очилгач, Фотима ичкарига кирган ва девор яна беркил-ган. Бу воқеадан хабар топган қурайшлар таҳликага тушиб, Қазба эшигига қалид солиб очмоқчи бўлганлар. Бирок улар-нинг уринишлари зое кетгач, Оллоҳнинг иродаси, деб тақдир-га тан берганлар. Аммо уч кундан кейин қурайшлар янги

ЎМ ўлғурган



бир мўъжизанинг гувоҳи бўлганлар: Каъба эшигининг қулфлари ўз-ўзидан очилиб, ундан янги туғилган чақалогини бағрига босиб, Фотима чиққан. Алининг туғилганини эшитган Муҳаммад пайғамбар Каъбага келиб, эшикдан чиқаётган Фотиманинг кўлидаги чақалокни ўз бағрига олган. Шундай қилиб, Алининг дунёга келиб, кўз очиб кўрган бирдан-бир киши Муҳаммад пайғамбар бўлган. Фотима кейинчалик Алини Муҳаммаднинг тарбиясига топширган. Муҳаммад пайғамбар ҳам Алини гоят севиб, уни ёнидан жилдирмаган ва ҳатто кизи Фотимани унга никоҳ қилиб берган.

656 йилда халифа Усмон ўлдирялган. Али Мадинада халифалик ҳокимиятини ўз қўлига олган. Аммо халифа Усмон тарафдорлари исён кўтариб, Алига қарши кураш бошлашган. Али 656 йил декабрида Басра бўсағаларида бўлиб ўтган «туялар жанги»да исёнчиларни тор-мор этганига қарамай,

улар томонида бўлган Сурия ҳокими Муовия узок йиллар давомида Алига қаршилик кўрсатган. Али тахт учун курашда Муовия устидан ғалаба қозона олмагач, у билан сулҳ тузишга мажбур бўлган. Бироқ Алининг бу хатти-ҳаракатидан норози бўлган 12 минг лашкардан иборат қўшини уни тарк этган. Али бошига тушган савдолар шу билангина ниҳоя топмай, унинг тарафдорлари икки қутбга ажралиб, уларнинг бири — хорижийлар Алига қарши муросасиз курашда уни ўлдирганлар. Бу фожиа 661 йили содир бўлган. Алининг жасади фожиа рўй берган шаҳар — Кўфада дафн этилган.

Али ислом тарихига энг фожияли сиймолардан бири сифатида кирган. Унга бўлган муносабат бир хил эмас. Агар суннийлар уни ҳақ ўлидан берган тўрт халифанинг бири, ҳудожийлик ва олижанобликнинг тимсоли бўлган оддий инсон сифатида эътироф этсалар, шиалар эса унинг сиймосини илоҳийлаштирадилар. Али улар наздида ҳатто Муҳаммад пайғамбардан ҳам улғурок сиймодир. Улар бу ҳолни Алининг Оллоҳ-таолога алоҳида ришталар ёрдамида боғланганлиги билан изоҳлаб, мусулмон жамоасига раҳнамолик қилиш ҳуқуқини фақат унга берадилар.

Али ислом асотириларида турли-туман мўъжизаларга қодир саркарда ва доҳий сифатида тасвирланади. Ривоятларда айтилишича, у Муҳаммад пайғамбардан қолган зулфикор ёрдамида кўплаб ҳарбий жасоратлар кўрсатган; кесиб ташланган қўлларга жон ато қилган; ваҳший хайвонларни даф этиб, Евфрот дарёсининг сувини тесқари оқизган.

Кўпгина ислом мамлакатларида Али, унинг Дулдули ва зулфикори тўғрисида хилма-хил афсоналар юради. *Ўрта Осиё халқларида мавжуд бўлган ривоятга кўра, Алини дафн қилиш маросимида унинг етти тани борлиги маълум бўлган ва бу ривоятлар етти жойга дафн этилган. Шу ривоятга кўра, унинг еттинчи қабри Шохимардоннинг хушманзара манзилида бўлган.*

Тарихий Алининг қабри Арабистоннинг Кўфа шаҳрида эканлиги мусулмон оламига сир эмас, албатта. Аммо бу ривоят аҳолини ўз таъсирини олиш, унда фақат Алига эмас, балки чорёлардан, хуусан, Алининг ўзидан тарқалган хўжалар қавмига нисбатан ҳам эътиқод уйғотиш ниятида тўқилган. Ҳатто бу манзил Али авлодидан бўлган Шохимардоннинг исми билан аталиб, унинг ўз аждоди изидан келганлиги ва унинг қабрини зиёрат этганлиги ҳақида ҳам ривоят яратилган. Ушбу ривоятларнинг элдан-элга, юртдан-юртга кўчиши натижасида Шохимардон Ўрта Осиё мусулмонларининг муқаддас масканига айланган.

Қуллас, ҳазрати Али ётган тупроқни зиёрат этиш учун 30-йилларга қадар ёз фаслида, хусусан, июн-октябр ойларида бу ерга 15—16 мингга қадар зиёратчи келган. Уларнинг аксари бирор дардига шифо топиш, фарзанд кўрмаган аёллар фарзанди бўлиш умидида келганлиги сабабли мазор аҳли зиёрат ойларида катта фойда кўрган. Бу фойда зиёратчилар тўқинининг мавжига қараб 20—30 минг сўм атрофида тебраниб турган. Шохимардон аҳли эса зиёратчиларга ўрин-жой бери-

Қора баҳор

ганлари эвазига яна 30 минг сўм миқдорда даромад олган. Бундан ташқари, яна бошқа турли-туман даромад манбалари ҳам бўлган. Хуллас, Шохимардон хўжалари бир фаслда 80 минг сўмлик даромадга эга бўлганлар.

Зиёратчиларга хизмат қилиш ва улардан келган даромадни тақсим этиш «маданияти» узоқ йиллар давомида шаклланиб, шайхлар орасидан мазорнинг мутавааллиси сайланган. Бу мутавааллининг ёрдамчиси ҳам сайланиб, мазор калиди унинг ихтиёрида бўлган. Кейинчалик мутаваалли лавозими авлоддан-авлодга мерос сифатида ўта берган ва кексаган мутаваалли вафоти олдидан ўз вазифасини кимга раво кўриши тўғрисида васият ёзиб қолдирган. Шу тарзда Шохимардон рухонийлари орасида нуфузли хўжалар авлоди пайдо бўлган ва улар қаерда яшашларида катъи назар мазордан келган фойданинг ягона эгаси бўлганлар. Бу тартиб катъий тус олгани сабабли Шохимардоннинг бадавлат хўжалари Марфилов, Чимён, Новкат каби шахар ва кичлоқлардан ҳам ерсув сотиб олиб, ўша жойларда кун кечира берганлар.

1929 йилда ана шундай хўжалар 124 нафар бўлиб, улардан фақат 42 тасигина Шохимардоннинг ўзида жойлашган. Шохимардондан четда яшаган хўжалар хазрати Али мазорига келганларида, қариндош-уруғларининг уйида яшаб, диний одатларни бажо келтирганлар. Бошқа рухонийлар мазор яқинидаги тепа уйларида маълум маблағ эвазига яшаб, мазордан тушган даромаддан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Оддий зиёратчилар эса пастликда жойлашган хўжа ва шайхларнинг уйида 10—15 талаб яшаб, ижара хақи тўлаганлар; авлиё шарафига таом тайёрлаб, уни хўжаларга берганлар; кўй сўйиб, терисини шайхларга инъом этганлар. Шайхлар шу териларнинг ўзидан қунига 40—50 сўм атрофида фойда кўришган.

Босмачилик ҳаракати авж олган йилларда зиёратчилар оқими камайиб, хўжалар катта даромад манбаидан маҳрум бўлдилар. Аммо улар янги тарихий вазиятдан ҳам фойдаланиш йўлини топдилар: улар босмачиларга муқаддас сўзлар ёзилган туморлар ясаб, қизиллар ўқидан ва турли-туман балолардан «асровчи» бу туморларни пуллашга киришдилар. 1925 йилдан эътиборан эса ўлкада тинчлик ўрнатилиши сабабли Шохимардон яна зиёратчилар билан гавжум бўла бошлади.

Хуллас, хўжалар бирор тайинли меҳнат билан шугулланмаган бўлсалар-да, ана шу тоифа даромад орасида инкилобга қадар Шохимардондаги барча ҳосилдор ва ҳушман-зара ерларни ўз тасарруфларига олган, моддий жиҳатдан аҳолининг бошқа катламларига нисбатан ҳар томонлама таъминланганлари учун ўзларини улардан устун деб ҳисоблар эдилар.

Ўша пайтларда мазорга кириб қолган киши бир нарсадан ҳайратланмаслиги мумкин эмас эди. Мазор атрофидаги уйларнинг бўғотларидан тортиб қабр ораларидаги дарахтларнинг шох-шаббаларига қадар ҳамма жойга кўтос думлари осилган бўлдилар. Ривоятларга кўра, хазрати Али ҳаётлик чоғида Шохимардон яйловларида шу кўтослар ўтлаб юрган ва авлиё улар гўштини тановвул қилган экан. Мазорга кўтос думини осинга хазрати Алига содиқлик белгиси деб қаралар ва ким қандай ниятда дум осган бўлса, ўша одамга хазратнинг руҳи мададкор деб саналар эди. Шунинг учун ҳам мазорга оқ думларни осини муқаддас диний маросим тусини олган, кўтос думи эса Шохимардон мазорининг рамзига айланган эди.

Ҳамза Шохимардонда

Оқ подшонинг ҳукмдорлик йилларида Шохимардондаги ҳаёт тарзига бўлган муносабат ҳеч бир ўзгармади. *Ўлқанинг диний бидъат ва хурофот иқлимида яшашидан манфаатдор бўлган чоризм Шохимардондаги шайхлар ва хўжалар топаётган даромадга ҳам, мазорнинг жаҳолат йўқоғига айланганига ҳам заррача эътибор бермади.* Бу ҳол инкилобдан кейин ҳам давом этди. Борди-ю, ватандошлар уруш йилларида Шохимардон Кўршермат ва Мадамнибек сингари кўрбошиларнинг оромгоҳи бўлмаганида, улар шайхлардан моддий ва маънавий мадад олмаганларида 20-йилларда ҳам бу ерга Октябрь шабадаси эсмаган бўлармики? Худди шу ҳол — Шохимардоннинг босмачилик ҳаракати йилларида инкилобнинг

ўзга соҳилида бўлганлиги 1928 йил августида жумҳурият раҳбар ташкилотларининг эътиборини қаратади.

1928 йил августининг бошларида Олтинарк депара ижроний кўмитасининг жумҳурият президенти Йўлдош Охунбобоев иштирокида пленуми бўлиб ўтди. Пленум қарорига биноан Шохимардонда бидъат ва хурофотга қарши чора ва тадбирларни амалга оширувчи комиссия тузилиб, унда жумҳурият Марказий Ижрония Кўмитасининг таклифи билан катнашган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий комиссияга инспектор (бошлик) сифатида киритилди. 10 август кунини эса Шохимардонга Йўлдош Охунбобоев ва бошқа раҳбарлар билан бирга Ҳамза ҳам етиб келди.

Шохимардонда 1924 йили ташкил этилган битта кундузги, битта кечки синфга эга бўлган икки хонали мактаб бўлиб, бу мактабдаги ўқиш ҳам ўлда-жўлда эди. Шу мактабдан бошқа бирор маданий-оқартув биноси бўлмагани учун мажлис ахли шу ерга тўпланиб, кичлоқ шўроларининг диний бидъатга қарши кураш, артеллар тузиш ва бошқа маданий-ижтимоий тадбирларни амалга ошириш бўйича вазифаларини белгилаб берди.

20-йиллардаги Шохимардоннинг юраги мазор бўлгани, бу мазорни текин даромад манбаига айлантирган хўжалар эса унинг қудратли посбонлари бўлганлиги учун уларга қарши курашмасдан туриб, жаҳолат уясини тугатиши, маърифат ва маданият ниҳолларини экиш мумкин эмас эди. Шунинг учун бўлса керак, Ҳамза Шохимардондаги фаолиятини мазорни тугатиши, хўжаларни текин даромаддан маҳрум этишдан бошлашга киришди.

Бугунги кунга келиб, Ҳамза ўзбек маданиятининг улғу сиймолари сафидан ўрин олган бир даврда унинг ижодий ва ижтимоий фаолиятини халдан зиёд кўпиртириб тасвирлаш оддий ҳодиса бўлиб қолган. Ана шу тамойил таъсирида 20-йилларда Ҳамза билан учрашган замондошларимиз ҳам ўз хотираларини Ҳамза фойдасига безашга уриндилар. *Натижада, на уларнинг хотираларига, на бу хотираларга таяниб илмий фикр юритган олимларга тўла ишониб бўлмайди.* Шунинг учун ҳам Ҳамзанинг Шохимардонда олиб борган фаолияти тўғрисида сўз юритганда, фақат ўша давр ҳужжатларигагина таяниш мумкин.

Ҳамза 1928 йил 25 сентябрда журналист Комил Алиев номига йўллаган мактубида, хусусан, бундай ёзади:

«Ўзинг кўрган дастархонини силлик Исмоил мутаваалли ва унинг марказдан тортиб мойлаган кекирдақлари билан очикдан-очик курашмоқ жудаям кийинларини мушқули эди... На илож, олдимда бўладурғон ҳужумларни кўзда тутуб, Исмоил бошлиқ зўр бандаларни қўлга олиб, ўз қўллари билан қалитни топшуртириш, бир ёқдан, ораларида бўлгон бир қисм камбағал батрақларни ташвиқот билан қўлга олиш, бир ёқдан, маҳаллий ҳукуматда дехқон батрақларини ҳозирлаб ташкил ҳолига келтириш, бир ёқдан оилавий кружокни очиб юбориш... Ҳозир ўзингга маълум бўлгон шароитларни тайёрлаш орқасида юқори, қуйида бўлгон тўсқунчиларни озғига қавшар қуйиш билан аранг мана шу ҳолга келтира олдим».

Ҳамзанинг бу сўзларидан шундай ҳулосага келиш мумкинки, у, биринчидан, мазор мутавааллиси Исмоилхўжа Саидхўжаев ва унинг маслакдошларига қарши ҳаракат қилар экан, уларни *ҳимога қилувчи кишилар марказдаги раҳбарлар орасида ҳам, Шохимардондаги камбағал батрақлар орасида ҳам бор эканлигини яхши билар эди;* шунинг учун ҳам у «мазорни битиришида дехқон ва рабобий оммасини ҳукуматдин шубҳалантирмаслик»ка уринди. Иккинчидан, Ҳамза мазор хўжалари таъсирида бўлган батрак оммани «ташвиқот билан қўлга олиш» чорасини кўрди; учинчидан эса, юқоридан ҳам, қуйидан ҳам қаршилик кўрсата бошлаган кишилар озғига «қавшар қуйиш»дан ўзга илож топмади. Бу уч омилнинг, бу уч масаланинг фақат иккинчисигина Ҳамзанинг Шохимардонда олиб борган ишларида мададкор бўлиши мумкин эди. Аслида, шундай бўлди ҳам. Ҳамза ўз таъсирига олган батрақларга таяниб, хўжаларга қарши курашди. Шохимардонда истироҳат уйини барпо этмокчи бўлди ва шу мақсадда очилган гишт ишлаб чикувчи артел (хумдон)га кичлоқ ахлини жалб этмокчи бўлди. «Ўрток» артелининг барпо этилиши, қизил чойхонанинг ишга тушиши, Ленинга ҳайкалча ўрнатилиши, Октябрь 11 йиллигининг нишонланиши, хотин-қизлар билан ишлаш каби масалаларда бош-қош бўлди. Аммо бу ҳол батрақлар оммасининг мутлақо Ҳамза тарафига ўтганини аңлатмас

эди. Қолган икки «омил» эса Шохимардондаги етакчи кучларнинг Ҳамзага қарши ҳаёт-мамонт кураши тобора кескин тус олиши ва авж нуктага қўтарилишига ёрдам берди. Ҳамза икки ўт ўртасида қолган эди.

Ҳамза қазиган чоҳ

Ҳамза «Ўрток» артели батрақларига таяниб, 1928 йил охирида мутавалли Исмоилхўжа Сайидхўжага ўғли мазорнинг обрўли хўжа ва шайхларини тўплашни таклиф этиб, шу йилгида зиёратчилардан *шариат қонун-қондаларига хилоф равишида олинаётган маблағга барҳам бериш* масаласини ҳал этмоқчи бўлди. Исмоилхўжа Ҳамзанинг илтимосини қондириб, кенгашга мазор калидори Ғиёсхўжа Салоҳиддинхўжа ўғли ва мутаваллининг ўринбосари Бузрукхўжа Лангархўжа ўғлини таклиф этди, аммо бу учрашув натижа бермади. Орадан бир неча кун ўтгач, Исмоилхўжа мазорнинг кўзга кўринган барча хўжа ва шайхларидан иборат кенгашни чақирди. Ҳамза бу кенгашда сўзга чиқиб, *зиёратчилардан олинаётган ионалар ҳаром эканлигини тушунтирмоқчи ва улардан воз кечишга даъват этмоқчи бўлди*. Аммо хўжалар шoirнинг таклифини бир оғиздан рад қилдилар.

1928 йил 1 октябрда бўлиб ўтган бу воқеа Ҳамзага бағишланган илмий адабиёт ва хотираларда тасвир этилар экан, муаллифлар шу учрашувдан кейин *шоирга қарши туҳмат ва иғвонинг авж олганлигини* таъкидлайдилар. Аммо, афтидан, хўжа ва шайхлардан рад жавобини олган Ҳамза уларга нисбатан қўпол муносабатда бўлган ва ҳақорат қилган. Шундан кейин бир гуруҳ хўжалар жумҳурият Марказий Ижроия Кўмитасига ариза билан мурожаат этди. Ҳамзани Шохимардондан чақириб олишни илтимос қилганлар. *Аммо шўро давлатида жорий этилган тартибга кўра, бу ариза яна Ҳамзанинг қўлига келиб тушган*. Шубҳасиз, ўзини ҳақ деб билган шoir хўжаларга кучлироқ таъсир қилиш йўлларини ахтарган. Шундан кейин хўжалар Махсус Бош Сийёсий Бошқарма (ОГПУ)нинг Фарғона округ бўлимига янги шикоят билан мурожаат қилганлар. Қуйида ана шу аризанинг рус тилидан қайта таржима қилинган нусхаси ҳурматли муштарийлар эътиборига ҳавола этилади:

«Ушбу билан шу ҳақда ариза берамизким, шу йил 1 октябрда Ҳамза Ҳакимзода хўжаларни йиғиб, мазордан тушган даромаддан фойдаланиш (шўро) қонун-қондаларига ҳам, шариатга ҳам қарши жиноятдир, деган қарор чиқаришни таклиф этди. Ҳакимзода «бу қарорга муфтийларнинг тегишли хулосалари асосида келинган», деб матбуотда эълон бериш лозимлигини айтди. Биз, хўжалар, бунга рози эмаслигимизни билдирдик; зероки, биз бир неча асрлар мобайнида мазордан тушган даромаддан яшаб, озиқланиб келдик, ҳаром едик, деб меҳнаткашлар оmmasи олдида айта олмаимиз. Шунинг учун ҳам биз Ҳакимзодадан барча хўжаларни шарманда қилувчи бу таклифини меҳнаткашлар ўртасига олиб чиқмасликни, балки Олтиариқ депарасининг ЎзССЖ Марказий Ижроия Кўмитасининг раиси Охунбобоев иштирокида ўтган пленумининг 1928 йил 10 август қарорларига амал қилишни илтимос қилдик. Ҳакимзода бунга рози бўлмади ва хўжалар умумий йиғилишининг мазкур қарорини имзолашга милиция орқали мажбур этди. Шундан кейин биз хўжаларни шарманда шармисор қилувчи юқорида қайд қилинган қарорни матбуотда эълон қилмасликни ва раҳм-шафқат қилишни сўраб, ариза билан ЎзССЖ Марказий Ижроия Кўмитаси ва Фарғона округига мурожаат этдик, аммо улар шошилинч чоралар кўриш ўрнига аризамиздан нусхалар олиб, Ҳакимзоданинг ихтиёрига юборди ва у ариза нусхаларини шу йилнинг 27 октябрда олди. У хўжаларни йиғиб, деди: «Мана, устимдан ёзган шикоятларингиз, улар менинг ихтиёрига юборилди. Устимдан шикоят ёзиб, мени нима қилмоқчи бўлган эдингиз? Мен сизларнинг ҳамма мол-мулкнингизни тортиб олиб, ўзингизни Ўзбекистондан чиқариб юбораман». Ҳакимзода шундай сўзларни айтиб, бизнинг номимиздан ЎзССЖ Марказий Ижроия Кўмитасига ариза ёзди, гўё аввалги аризаларимиз подонлигимиз ва онгсизлигимиз орқасида ёзилганлиги сабабли уларни жавобсиз қолдиришни сўраб ёзилган бу аризага шу заҳотиёқ қўл қўйишимизни сўради. Биз Ҳакимзода томонидан ёзилган аризага қўл қўйишдан бош тортганимиздан кейин

у ҳар кунни тўрт-бешталаб хўжаларни ўз ҳузурига чақириб, гоҳ сургун қилиш ва мол-мулкни тортиб олиш билан кўрки-тиб, гоҳ яхши гапириб, ЎзССЖ Марказий Ижроия Кўмитасига ёзган аризамизни оқибатсиз қолдиришни сўраб ариза ёзишга даъват этмоқда.

Шохимардон босмачилик даврида, 8 йил мобайнида эзилиб келди. Босмачилар аҳолини шафқатсиз равишда қийнадилар. Бизнинг хўжалигимиз эндигина тикланаётган ҳозирги пайтда Ҳакимзоданинг фаолияти туфайли биз, 50 хўжалик хўжалар, ўз юртимизни ташлаб кетишга мажбур бўлмоқдамиз, бизнинг Шохимардондаги оналаримиз эса бир тўшлам нонга ҳам зор бўлиб қолмоқда.

Биз, хўжалар, ушбу аризани берар эканмиз, ўз юртимизда тинч ва хотиржам яшашимиз учун Ҳамза фаолиятини текшириб кўрадиган бир вакил ажратишингизни сўраймиз».

1928 йил 6 ноябр куни битилган ушбу аризага Шохимардон хўжаларидан 12 киши имзо чеккан. Шубҳасиз, бу аризадангиз ҳамма гапларни тўғри деб бўлмайди. Ҳамза сиймосида ўзларининг мурасасиз душманларини кўрган хўжалар унинг хатти-ҳаракатларини фақат қора кўзойнак орқали кўришга интиланлар. Аммо шу билан бирга бу аризадан Ҳамзанинг Шохимардонда ҳаммаша ҳам тўғричи олиб бормаганлиги сезилиб турибди. Ҳамзанинг Шохимардонда олиб борган фаолиятидаги ўзбошимчалик; хўжалар билан қўпол муносабат, мавjud тарихий вазиятни эътиборга олмаслик ёмон оқибатларга олиб бориши мумкинлиги ўша кезлардаёқ аён бўлган эди. Воқеадан хабардор бўлган Фарғона чекистлари шoirнинг ҳам, хўжаларнинг ҳам ҳар бир қадамини кузатиб турдилар. Қуйидаги ҳужжат Фарғона чекистларининг шу мураккаблашиб бораётган шариотда жумҳурият Марказий Ижроия Кўмитасининг вакили бўлмиш Ҳамзанинг ўз ҳуқуқларини сунистеъмола қила бошлаганлиги муносабати билан ташвишга тушганларидан ва Ҳамза танлаган йўл ҳатарли сўқмоқларга олиб бориши мумкинлигини ўз вақтида сезганларидан дарак беради:

«Ўрта Осиёдаги МБСБ Мухтор Ваколатхонаси

Ўр. Белскийга

ЎзССЖ МИК раиси ўр. Охунбобоев иштирок этган Олтиариқ депара ижроия кўмитасининг шу йил 10/ VII да бўлиб ўтган пленуми қарорларини бажариш учун ЎзКП(б) МК вакили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзов Шохимардондаги мазорни тугатиш вазифаси билан келди.

Мазор шайхларининг умумий йиғилишида шайхлар Ҳакимзоданинг тазйиқи остида мазор калидини Ўзбекистон МИКга бериш ҳақида қарор чиқардилар ва бу нарса катта шайх, мутавалли Исмоилхўжа томонидан амалга оширилди, аммо шу билан бирга Ҳакимзоданинг шайхларни мазордан ҳайдаб чиқариш учун Қизил Армия қисмларини чақираман, сургун қиламан, қамоққа оламан, деган ўзбошимчаликларига барҳам бериш ҳақида унга таъсир кўрсатишни сўраб Ўзбекистон МИКга шикоят йўлладилар.

Биз ўз вақилимизга Ҳакимзодани Шохимардондан чақирдиш ва унга мазкур ишни эҳтиёткорлик билан олиб боришни маслаҳат бериш тўғрисида кўрсатма бердик.

Ҳакимзода бизнинг вақилимиз билан суҳбатда ЎзКП(б) Марказий Кўмитасидан топшириқ олганлиги ва гўё унинг ташвиқотидан кейин шайхлар ўз хоҳишларига кўра мазорни ташлаб кетмоқчи бўлганларини айтди.

Ҳакимзода биз билан музокарадан сўнг Шохимардонга бориб, шайхларни йиғди ва уларни сўйиб, шикоят қилганлари учун ҳаммаларини қаматтираман, деб дўқ-пўписа қилди, уларни ўзининг хатти-ҳаракатига жавобан қилган шикоятларини рад этувчи аризани ёзишга мажбур этди.

Шундан кейин Ҳакимзода 25—80 атрофида камбағал батрақларни йиғиб, улар билан бирга мазорга борди, шайхларни у ердан қувиб, улар ўрнига камбағаллар, девоналар ва ҳ. к. ларни жойлаштирди.

Ўша кунни МБСБ Фарғона округ бўлимига Шохимардон аҳолиси ва барча шайхлари номидан битилган ариза билан Шохимардондан 10 га яқин шайх келди.

Мазкур аризалар таржимасининг нусхалари ушбуга илова қилинади.

Бизга келган шайхлар билан суҳбатдан шу нарса аниқландики, ҳар йили мазорга асосан Марғилон депараси ва Шохимардондан 300—500 атрофида шайхлар тўпланар экан. Шо-

ҳўжардонда ўз оиласи билан мунтазам ишовчи шайхлар 60 хўжаликка қадар бўлиб, улар ҳеч қандай даромад, шунингдек ер-сувга эга бўлмаганликлари учун мазордан тушадиган даромад асосида тирикчилик ўтказар эканлар. Шу 60 оилали шайхнинг 40 таси меҳнат қилиш қобилиятидан маҳрум бўлган қоллардир.

Бизга келган шайхлар бир бурда нон топагунларига қадар Ҳақимзода уларни у ердан қувмаслигини, энг муҳими, маъбуотда мазордан воз кечамиз, топан назримиз ҳаром, деб чиқишига мажбур қилмаслигини илтимос қилдилар, зеро, уларнинг айтишига кўра, бундай эълон улар обрўсига доғ туширади; модомики, — дедилар улар, — бизнинг ота-боболаримиз ҳам шу назрдан фойдаланган эканлар, бу нарса уларга ҳам мерос сифатида ўтади ва шарият қонунларига кўра ҳаром деб ҳисобланмади. Мутавалли Исмоилхўжа бошчилигидаги шайхларнинг ахсар қисми Ҳақимзоданинг таъқибидан қўрқиб, Шоҳимардонни тарқ этган ва ҳозирги пайтда Шоҳимардон ҳамда Марғилон атрофларида истиқомат қилмоқда.

Меҳнат қобилиятига эга бўлмаган, тирикчилик манбаларига эга бўлмаган шайхларнинг бошқа борадиган жойлари бўлмагани учун... шу заминда қутилмаган оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Сизнинг кўрсатмаларингизни кутамиз.»

МБСБ Фарғона округ бўлимнинг бошлиғи Денисов ва 1-бўлим бошлиғи Баланин имзоси билан тайёрланган бу мактуб нусхалари Ўзбекистон БСБ раиси номига (Самарқандга) ва Фарғона округ фирма кўмитасининг масъул котиби ўр. Шермухамедовга ҳам юборилган.

Бу ҳар иккала ҳужжатдан Ҳамзанинг Шоҳимардонда олиб борган фотоиланини бизга нотаним бўлган манзараси очилади. Агар биз шайхларнинг аризаларида келтирилган айрим фактларни Ҳамзага нисбатан тухмат деб қарасак, у ҳолда хўжаларга ён бошилари учун ҳеч бир асослари бўлмаган чекистларнинг бу расмий хатини, унда келтирилган фактларни қандай тушуниш лозим бўлади? Тўғри, Ҳамза дастидан дол деб, нажот сўраб келган шайхлар чекистларда раҳм-шафқат туйғуларини уйғотган бўлишлари мумкин. Лекин улар, бизнингча ҳукумат номидан иш олиб бораётган Ҳамзага эмас, балки инқилобнинг ўзга қирғоғида турган, диний тарғибот ва ташвиқотлари ҳукумат сиёсатига қарши қаратилган шайхларга кўпроқ ишончилари учун етарли маълумотга эга эдилар.

«Амударё» лақаби билан маълумот бериб турган хуфя 1928 йил 8 октябрда берган маълумотида Ҳамзанинг юқорида қайд этилган ўзбошимчалари тўғрисида гапириб келиб, қуйидагиларни ёзган: «...бундай мажбурий чоралар шу жой аҳолисига зарарли таъсир кўрсатади. Қолбуки, Зода (Ҳақимзода дейилмоқчи. — Н. К.) қамаш ва сургун қилиш билан қўрқитган ҳолда уларни имзо қўйишига мажбур қилмоқдаки, бунга ҳеч бир йўл қўйиш мумкин эмас, чунки бундай ҳатти-ҳаракатлар шўро ҳокимиятига путур етказиб, аҳолини шўроларга қарши қўрқолантиради. Бу масалани дастлаб умуман аҳоли ўртасида, хусусан, Шоҳимардон мазорининг шайхлари ўртасида тушунтириб, сўнг мазорни меҳнаткашларнинг истироҳатгоҳида айлантириш масаласини қўйиш керак.»

«Зарафшон» лақабли хуфя ўша йилнинг 22 октябрида берган хабарига кўра, «...Сайидхўжаев калидни топширгандан кейин Шоҳимардонга келиб, ... калид Ҳамза Ҳақимзода томонидан зўрлаб тортиб олингани ва гўё у уларнинг шайхликдан воз кечганликлари ҳамда мазорни истироҳатгоҳ учун топширганликлари тўғрисидаги қайнома қарорига имзо чекишга мажбур қилганлигини айтган...»

Сайидхўжаев шу вақтда бутун кучини барча шайхларнинг умумий йиғилиш қарорига қарши чиқишига қаратиб, шайхлар билан бирга мазорда яшашда ва аввалги имкониятдан фойдаланишда давом этиш учун калидни қайтариб олишига уринди.

Номилари юқорида зикр этилган шахслар Марғилон шаҳрида, Мамадхўжаев уйда йиғилиш ўтказганларида, уларга 200 сўм миқдоридан пул зарур бўлиб қолди. Мамадхўжаев бу пулни олиб келиш учун Сайидхўжаев ёзиб берган хат билан Шоҳимардонга борди. Хатда Бузрукхонхўжа мутаваллидан (мазор кассири) мазор ҳисобидан 200 сўмни бериб юбориш сўралган эди... Шу кўннинг эртасига зикр этилган руҳонийлар Ҳамзага қарши чора кўриш учун Қўқон шаҳрига бордилар.

Зикр этилган шахсларнинг кирдикорлари Шоҳимардоннинг барча шайхларига маълум бўлди. Улар зикр этилган шахсларнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиб, уларни гийбабда ва умумий йиғилиш қарорига қарши чиқишида айбладилар...»

«Бургут» лақабли хуфя эса 15 октябрга оид маълумотнома-сида бундай хабар қилади:

«Шу йилнинг 1/VIII да Ҳамза Ҳақимзода ҳеч қандай ҳужжатсиз (таъқид бизники. — Н. К.) истироҳат қилгани келиб, Шоҳимардон шайхлари ўртасида ҳаддан ташқари ўрнисиз сиёсат олиб бормоқда. Масалан, 2/X да қайд этилган Ҳақимзода Шоҳимардон қишлоқ шўросининг раиси, 2 милиционер ва 25 нафар камбағал кишилар билан бирга мазорга йиғилиб, тарғибот ишларини олиб борди. У шайхларга мурожаат этиб, деди: «Сиз Исмоилхўжа билан Марказий Ижроия Кўмитага яширин равишда шикоят йўллаган экансиз, Марказий Ижроия Кўмита раиси Охунбобоев... (сўкиш) юборибди. Агар сизларнинг ҳаммаларингиз менинг талабларимни бажармасангиз, мен батрақларга барча мазорларни бузиб ташлашни буюрман. Сизларни бўлса... (сўкиш) ҳайдаб юборишди.» Ҳозир бўлган 100 та шайх қўрқиб кетди, баъзилари эса йиғлаб, тарқала бошладилар. Ҳақимзода шайхларга қараб, Шоҳимардонда яшириниб юрган Исмоилхўжа Сайидхўжаев унинг бўйруғи билан ҳибсга олингани ва қамоққа ташланажани айтди. Шайхлар бу сўзларни эшитиб, йиғлай бошлашди ва Сайидхўжаевга нисбатан бундай чоралар кўрмасликни сўраб, ҳудода ёлборишди.

Ҳақимзода шу йиғилишдан кейин 70 ёшга кирган Хўжа Ақбар Ҳожиёв деган шайхни ушлаб, уни милиция ҳамроҳлигида қишлоқ шўросига олиб борди ва шайхликдан воз кечиш ҳақидаги Ҳақимзоданинг ўзи ёзган аризага қўл қўймагани учун ҳибсга оламан ва қамоққа ташлайман, деб дағдаға қилди. Қайд этилган хўжа азбаройи қўрқиб кетганидан ҳозирга қадар касалхонада ётибди. Қишлоқ шўросининг раиси Камбаров Ҳақимзода кўрсатмасига амал қилиб, агар улар Ҳақимзоданинг сўзларига қулоқ солишмаса, Қизил Армияни бошлаб келиб, ҳаммаларини қамоққа олиши, мол-мулкларини эса мусодара қилишини шайхлар ўртасида очикдан-очик айтмоқда, яъни шайхлар билан аҳолини ҳокимиятга қарши қўймоқда.»

Бу хуфялар орасида Ҳамзага фарзгўйлик билан муносабатда бўлган, у олиб борган сиёсатга қарши чиққан, у тўғрида Махсус Бош Сибейи Бошкармада бир томонлама, нотўғри фикр уйғотишга интилар кишилар мавжуд бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо қарийб барча хуфяларнинг Ҳамза фотоиланидаги ўзбошимчалик, тўралик, шафқатсизлик сингари қу-сурларга эътиборни қаратиш тасодиғий эмас. Бидъат ва хурофот ахлини янги жамятнинг ашаддий душмани деб билган, Шоҳимардон шайхларини мазордан қувмай туриб, бу ҳушманзара дийрда артеллар ташкил этиш ва истироҳатгоҳлар барпо этишнинг мумкин эмаслигини тушунган Ҳамза, чиндан ҳам, уларга нисбатан ҳақоратомуз ва кўпол муносабатда бўлган кўринадилар.

МБСБнинг Фарғона округ бўлими Ҳамзанинг Шоҳимардондаги фотоиланига доир бундай маълумотларни тўплаш билангина кифояланмай, уларни тегишли идораларга йўллаб, улардан маслаҳат кутган. Ўйлаш мумкинки, Ўзбекистон БСБ ҳам, Фарғона округ фирма кўмитаси ҳам Денисов ва Баланин имзолари билан жунатилган ҳужжатларни жавобсиз қолдирмаган ва бу ташкилотлар Ҳамзага хурофотга қарши курашда эҳтиёткорлик чораларини кўришни, кенг бўлишни, шайхларда ва Шоҳимардон аҳолисида шўроларга нисбатан нотўғри кайфият уйғотмасликни тушунтирганлар. Лекин Ҳамза кизикқонлиги туйғайли бундай панд-насихатларга қулоқ осмаган ва ўзини ҳақ деб билган.

«Бургут» лақабли хуфя берган маълумотга кўра, 1928 йилнинг 1 августидан Шоҳимардонга келганида, Ҳамзада ҳеч қандай ваколатнома бўлмаган. Демак, у Олтиарк депара ижроия кўмитасининг пленумида катнашган жумҳурият президенти Йўлдош Охунбобоев билан учрашгандан сўнггина ва унинг ёрдамида Шоҳимардонда хурофотга қарши кураш олиб борувчи комиссияга инспектор сифатида киритилган, холос.

Шу йилнинг ноябр ойда УзК (6) П Олтиарк депара фирма кўмитасига Ҳамза, Камбаров ва Хотамовдан иборат уч кишилик комиссия томонидан йўлланган хатда бундай бир модда бор:

«Ўр. Ҳақимзодани, маҳаллий ҳокимият ва хўжаларнинг талабларига кўра, шу ерда доимий ишга бриктириб қўйилсин», бу масалани ҳал қилишни тезлатиш МИКдан сўралсин». Шубҳасиз, хатдаги бу сўзларни Ҳамзанинг ўзи ёзган ва у «маҳаллий ҳокимият ва хўжаларнинг талабларидан эмас,

балки ўзининг хохишидан келиб чиққан. Шундан кейин у. Хамрокул Турсункуловнинг айтишига кўра, унга бир неча марта мурожаат этиб, ундан Марказий Ижроия Кўмитасидан тегишли ваколатномани олиб беришни сўраган.

Хуллас, Ҳамза ўзини қамраб бораётган гирдобни кўра туриб, ундан халос бўлиш чораларини ахтариш ўрнига бу гирдобнинг катта тезлик билан айланаётган ўтли ҳалқасига ўз хохиши билан отилган.

Фитна

Ҳамзанинг Шохимардонда қолиши мазор орқасида тирикчилик ўтказаяётган шайхлар ва хўжалар учун ўлим билан барабар эди. Шунинг учун ҳам улар ўз ҳаётларини саклаш йўлида бир тану бир жон бўлдилар. Бу уюшган омма Ҳамзанинг мазор ўрнида қироятхона очиб тўғрисидаги қароридан кейин яшаш учун химоя эмас, балки кураш тактикасини ўзига дастур қилиб олди. Бир гуруҳ шайхлар ва хўжалар Марғилонда махфий йиғилиш ўтказиб, Ҳамза устидан Фарғона округ прокурори номига ариза ёзишга жазм қилдилар. Ҳамзанинг гўё ҳуда-беҳудага дехконларни йиғиб, мажлис ўтказавериши уларнинг кўклар меҳнати билан шуғулланишларига ҳалал бераётгани, Шохимардон аҳлининг тўй-маъракаларига аралашиб, уларни тақиклаётгани, на совуқ, на иссиқ демай, батрақларни ишлатиб, улар елкасини яғир қилаётгани, азиз шайхларни сўйиб, хўжаларнинг муборак авлодлари беҳурмат ва бадном қилаётгани устидан ёзилган бу аризага юздан ортик имзо тўпландилар. Улар бахтига, ўша кунларда Тиллабоев деган ўртаҳол бир дехкон тўй ўтказиб, унга хўжалар билан бирга дехконларни ҳам таклиф этган эди. Ана шу тўйда ҳозир бўлган хўжалар ижрокўмга хат ёзиб, ун. бугдой, канд-шакар каби маҳсулотларни беришни сўрадик, деган ваз-кор билан аризага дехконларнинг ҳам қўл қўйишларига эришдилар. Тарихга «бир юз саккизлар аризаси» деган ном билан кирган иш ана шу тарзда майдонга келди. 1928 йил ноябрининг сўнгги кунларидан Олтиариқ депара милицияси шу ариза юзасидан текшириш ўтказиб, уч кун давомида «шикоятчилар» билан ҳам, аризани ёзишда ташаббускор бўлганлар билан ҳам сўхбатлашиб чиқди. Бу орада қанча миш-мишлар тарқалди. Лекин текшириш натижасида аризада Ҳамзага қўйилган айбларнинг аксари тухмат бўлиб чиқди.

Ҳамза «бир юз саккизлар аризаси»га, тўғрироғи, уни ташкил этган ва батрак-деҳконларни алдаб қўл қўйдирган уйсурларга жавобан декабр ойининг сўнгги кунларидан «Янги Фарғона» рўзномасида «Шохимардон пўнқаргалари» деган танқидий мақолани босиб чиқаришга эришди. Бу мақолада Алихон Хонхўжа ўғли ва Умарали Охунхўжа ўғли бошчилигидаги ўн саккиз нафар «муштумзўрлар, текинхўрлар»нинг исмлари тилга олинган ва «юқоридан номи номбўришлари ёзилган зоти бебаракотларни Шохимардондан йўқотиш» масаласи «фирқўм, ижрокўм ҳам қўйиши қўмитаси»дан талаб қилинган эди. Назаримда, бу захарли мақоланинг босилиб чиқиши ҳар икки куч ўртасидаги ҳаёт-мамонт жангига янги нафас бағишлади.

Ҳамза назарида, бу жанг тақдири аллақачон унинг фойдасига ҳал этилган эди. У ҳатто 1928 йил 7 ноябр кунини Шохимардон меҳнаткашлари билан тушган сурат тағига «Шохимардон хурофоти ўн биринчи Октябрь социалистик революциясига юз фойиз ботирилди», деб ёзиб қўйган бўлса-да, шайх ва хўжалар бу масалادا бошқача фикрда эдилар. Улар илтимос ва шикоятлар ёрдами билан Ҳамзадан нажот топиш иложини қила олмагач, сўнгги чорани қўлламоқчи бўлдилар. Иброҳимхўжа ва Турсунқори «Шохимардонлик қариндошлари Жалолхўжа ва Хидоятхўжа, Исмоил мутавадиллар номига» хат ёзиб, уларни Ҳамзага нисбатан катъий чорани қўришга даъват этдилар.

Бу хатда, чунончи, бундай сўзлар бор эди:

«Унинг захарли сўзларидан бағримиз тешилди. Бош кўтариб юришга ҳам иложимиз қолмади... Илгари бизга муте бўлган, оғзидан гапи тушган ялангоёқлар энди бизни писанд қилмай, шарманда қила бошладилар. У баттол қаердан келди, билмай қолдик.

Ҳар йўл билан одамларни кўзгаб, нима билан бўлса ҳам **ҒИШТ ҚОЛИПИДАН КЎЧСИН**, сиримиз кўчага чиқмасин, жон қариндошлар.

Иш битиб, ғишт қолипидан кўчганидан кейин шовқин-сурон кўтариб, мазорни бузмоқчи бўлгани учун кўпчилик қилди, деб жар солинса, батрақлар ўзи бир-бирини ушлаб, ўзаро талашиб кетадилар. Биз, иншоолло, ўзи асраса, қутулиб қоламиз.»

Бу хатдан кейин Хидоятхўжа Дадахўжа ўғли, Жалолхўжа Камолхўжа ўғли, Маъруфхон Охунхўжа ўғли, Алихон Хонхўжа ўғли сингари ундан зиёд хўжалар Хуррам Холик ўғлининг уйида учрашиб, Ҳамзани гумдон қилиш йўлини келишиб олдилар.

Аммо Ҳамза назарида, Шохимардон шайхлари таслим бўлиб, куни кеча бидъат ва хурофотнинг Фарғона водийсидаги сўнгги ўчоғи бўлган масканда рўй бераётган воқеаларга ўлик қузғунларнинг қўзлари билан қараётгандек эди. У Шохимардонда 8 март байрамни 8 нафар аёлнинг паранжидан халос этилиши билан нишонлаб, Кўқонга—Фарғона округ ижроия қўмитасининг қурултойида қатнашиш учун кетар экан, факатгина бир кишидан, артега кириб, доим ўзининг пинжидан юрган, аммо ҳамма гапни хўжаларга тўкмай-нетмай етказиб турган Ғиёсхўжа Салоҳиддинхўжа ўғлигагина кўз-қулоқ бўлиб туришни тайинлади ва мартнинг 14—15-кунларидан кечикмай келишини айтди.

Хўжалар ана шу Ҳамзасиз фурсатдан фойдаланиб, уни махв этиш режасини муфассал ишлаб чиқдилар.

Ғиёсхўжа Салоҳиддинхўжа ўғли Шохимардон хўжаларининг топшириғи билан Олтиариқ депара милициясига бориб, Ҳамза ва унинг қотиби Абдулла Хотамовнинг хурофотга қарши курашда нотўғри иш олиб бораётгани ва бу ишлар Совет ҳокимиятининг халқ ўртасидаги обрўсини тўкаётгани тўғрисида шикоят қилди. Милиция бошлиғи Юсуфжон Тожиёв эса унга бу маълумотларни Бош Сийёсий Бошқармага етказиш лозимлигини маслаҳат қилди. Ғиёсхўжанинг сўнгги идорага бориб учраганлиги ва бу учрашув қандай натижа билан тугаганини тўғрисида, афсуски, маълумотлар сақланмаган. Аммо у 17 март кунини Фарғона бозорига бориб, у ерда мансурхон Охунхўжа ўғлини учратганида, унга 18 март кунини Ҳамзанинг йўлдирилмаслигини айтган.

Шу орада воқеалар оқимида яна бир одам аралашади. У 10 март кунини Водилдан Хидоятхўжа Дадахўжа ўғли ва Музаффархўжа Исмоилхўжа ўғли номига мактуб йўллаб, улардан Ҳамзани даф қилишни сўрайди. Шохимардон хўжалари 12—15 март кунлари нишонланган қурбон ийди айёмида бу масалани Исмоилхўжанинг Новқатдаги муваққат уйида узил-кесил ҳал қилишга келишадилар. 15 март, жума кунини, Маъруфхўжа Охунхўжа ўғли, унинг укаси Умаралихон ва Алихон Хонхўжа ўғли, 16 март кунини эрталаб эса Қўқонбой Тўрақул ўғли Новқатга етиб келадилар. Улар Исмоилхўжа мутаваллининг уйида тўпланиб, Ҳамза устидан ўлим ҳукмини чиқаргач, Турсунқори Маҳаматхўжа ўғлининг қуёви Собитжон Мадали ўғлининг уйига чиқиб, у ерда суиқасд режасини ипидан игнасига қадар пишитиб оладилар.

Суиқасд ташаббускорларидан 17 киши — Хидоятхўжа Дадахўжа ўғли, Жалолхўжа Камолхўжа ўғли, Мунаввархўжа Мирзахўжа ўғли, Эшонхўжа Дадахўжа ўғли, Музаффархўжа Саййидхўжа ўғли, Йўлдошхўжа Саййидмахмадхўжа ўғли, Ғиёсхўжа Бузруқхўжа ўғли, Юсуфжон Собир ўғли, Тўхтасинхўжа Ҳаким ўғли, Исроиҳхўжа Исмоилхўжа ўғли, Орнф хўжа, Бойбува Охунхўжа ўғли, Раҳмонали Маъмурали ўғли, Хуррам Холик ўғли, Акбар Мадрайим ўғли, Нишон Саййидмахмад ўғли, Қозимжон Саййидали ўғли 18 март кунини, суд материалларига кўра, ўз таъсир доираларидаги батрақларни ичириб, қонли фожиага шай бўлиб турадилар. Суиқасд ташаббускорларидан 4 киши — Баҳодирхон Саййидхўжа ўғли, Бобохон Эшонхон ўғли, Зокирхўжа Ҳамидхўжа ўғли ва Саййидорифхўжа Ёқубхўжа ўғли суиқасднинг бўлажак оқибатларидан қўчиб, турли баҳоналар билан Шохимардон тупроғидан чиқиб кетадилар.

Шохимардонда ўлим шарпаси кеза бошлайди.

Ҳамзанинг сўнгги куни

Замондошларнинг хотираларига кўра, Ҳамза қурултой тугагач, фақат бир кунгина — 16 март кунини қариндош-уруғлари ва ёр-дўстлари билан бир даврада бўлди. Сўнг йўлга

чикиб, 17 март окшомида Шоҳимардонга етиб келди. Агар қурултой беш кун давом этиши маҳол эканлигини эътиборга олсак, унинг шу давр оралиғида баъзи бир раҳбар идораларда бўлгани ва ўзининг кейинги тақдири билан боғлиқ масалаларни ҳал этгани маълум бўлади. У ўша кунларда фақат округ ижроия кўмитаси раҳбарлари билангина эмас, балки Бош Сиёсий Бошқарма ходимлари билан ҳам учрашган бўлиши мумкин. Шоҳимардонда Ҳамза атрофида уюшган оловли ҳалқадан хабардор бўлган чекистлар ҳам, улардан тегишли маълумотларни олиб турган округ раҳбарлари ҳам Ҳамзани хушёр бўлишга даъват этган бўлишлари табиий. Яна таҳмин қилишда давом этиб, айтиш мумкинки, Ҳамза улар билан суҳбатдан кейин Шоҳимардонда чала қолган ишларини тез кунда тугатиб, бола-чақаси ва уй-жой аяжонларини олиб қайтишга, сўнг Самарқандга бориб, бошқа юмушлар билан банд бўлишга қарор қилган.

Абдулла Хотамовнинг «Ҳамза Шоҳимардонда» (1979) номидаги китобидаги куйидаги сўзлар шундан далолат беради:

«Шоир Ҳамза Ҳакимзода округ қурултойидан 17 март кунини кечаси қайтиб келди.

Қўқонда нима ишлар қилгани, кимлар билан учрашгани ҳақида ҳали бизларга гапириб улгурмаган эди. Лекин биз ...у Шоҳимардонда олиб борилаётган хурофотга қарши кураш юзасидан баъзи зарур ишларни тугаллаб, сўнгра Самарқандга қайтишга рухсат олганлигини билолган эдик.

Кейин шоирнинг Қўқондаги опаси ва қадрдон дўсти Бўронбой ака Ҳамза Ҳакимзода 16 март кунини уйда бўлиб, улар билан суҳбатлашгани, бу суҳбатда Шоҳимардонга бориб, у ерда мўлжалланган ишларни тезда тугатгач, кейин Самарқандга бориши, ана шунда Қўқонда ҳам бир неча кун туриб, сизлар билан отамлашман, деб ваъда бергани ҳақида дарак топдик.

Бўронбой ака кейин шундай деди: «Нима учундир Ҳакимзода изтироб чеккан, нимадандир гоят хафа кўринарди...»

Бу сўзларга таяниб, уни айтиш мумкинки, Ҳамза қурултойдан кейин бўлиб ўтган расмий суҳбатлари натижаси Шоҳимардондаги фаолиятини тугаллашга аҳд қилган ва у ердаги хатарли вазиятдан хабар топиб изтиробга тушган.

Хуллас, 17 март окшомида Фарғона билан Шоҳимардон ўртасидаги 50 километрлик масофанинг ярмини аравада, ярмини пиёда босиб келган, қолаверса Қўқон—Фарғона йўлида ҳам хийла хориган Ҳамза 18 март кунини — шоҳимардонлик биродарлари эрта тонгдан кутганларига қарамай—соат 11 ларга қадар кўчага чикмади. Олис йўл юриб толиққан шоир мириқиб хордик чиқардимми ё бир ҳафта ичида соғиниб қолгани фарзанди Аббосхон ва хотини Комилахон билан чак-чаклашиб ўтирдими ёхуд яқинлашиб қолган фожиа хидини сезиб, тахликада тонг оттирдими, — бу бизга номаълум. Аммо таҳминан соат 11—12 ларда у қизил чойхонага келиб, ижрокўм котиби Абдулла Хотамовни ва артелнинг бошқа аъзоларини учратиши билан соат 1 да кишлоқ шўроси биносида гўлланишни буюрди. Кенгашда кишлоқ шўросининг раиси Орифжон Маражабов, унинг ўринбосари Абдураимов ва бошқалар йиғилиб, Ҳамза тақлифи билан Шоҳимардон маҳитлари ихтиёридаги вақф ерларини тортиб олиб, артелларга бериш, икки масжид ўрнида клуб очиш каби масалалар муҳокама этилди.

Воқеанинг кейинги йўналишини тергов пайтида унинг иштирокчилари бундай хикоя қилганлар:

Орифжон Маражабов. 1929 йилнинг 18 март кунини мен Шоҳимардонда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан бирга эдим. У биз билан қизил чойхонада чойхўрлик қилиб ўтирар экан, орамизда Абдуллажон Хотамов, Мирза Ҳамидов, Юсуф Жалолов ва бошқалар бор эди...

Дўстмухаммад Шерматов. *Ўша пайтда чойхонада менинг эски ўртоғим Олим Жалолов ҳам бор эди. У чойнакдан бўза қуйиб, менга бир пиёла узатди... Мен ярим пиёла бўза ичсам ҳам кайф берганини сезмадим. Жалолов кейинроқ менга бўзани маҳитдан олганини айтди... Мендан бошқа ҳеч ким бўза ичмади. Чойхонада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни учратдим, у қизил чойхона мудири Сайиджон ва бошқалар билан чой ичиб ўтирган эди. Мен Ҳамза билан кўришиб, чойхоначига ўзим тутиб келган какликлардан бирини унга беришини буюрдим...*

Орифжон Маражабов. Ниёзов бизга ўша заҳотиёқ мазорга бориб, у ерга осиб ташлаган думларни олишни буюрди... Биз

йўлга тушдик. Мазорга етиб боришимиз билан ўша думларни узиб олишга киришдик...

Муллажон Абдурахимов. Орадан бир оз вақт ўтгач, шовқин-сурон эшитилди. Ўша пайтнинг ўзида милиция хуштагининг овози ҳам келди. Мен оломон милиционерларга ҳужум қилган, деб ўйлаб, ов милтиғимни олиб, мазор томонга югурдим. Шовқин-сурон ўша тарафдан келаётган эди. Бир неча қадам ташлаганимни биламан, қизил чойхонадан чиқиб, мазор тарафга қараб чопаетган Ниёзовга кўзим тушиб қолди. У мени кўриши билан дўконни ёпиб, унинг орқасидан боришим лозимлигини айтди. Ниёзовга қувиб етолмадим. Мулла Нуриддин Иброҳимовнинг дўконига аранг етиб олдим. Тўполон кўтарган оломонни кўриб, эсанкираб қолдим...

Жаҳонгир Холматов. Мирзажон оломонни тўхтатиш учун осмонга ўқ узди. Аммо кимдир «У бизни отиб ўлдирмоқчи. Ушла уни! Ўлдир!» деб бақирди.

Дўстмухаммад Шерматов. *Шу пайт «вой, дод» деган овозлар келди. Мазор томонда шовқин-сурон кучайди. Мен оломоннинг... Абдуллажон Хотамовни тутиб олиб, ураётганини кўрдим. Бир амаллаб уни қутқардим. Оломон орасида Муллажон Абдурахимов ҳам бор экан. Уни урмасинлар, деб қуролини тортиб олдим...*

Муллажон Абдурахимов. Тўполон катнашчиларидан бири Дўстмухаммад Шерматов мушти билан бошимга туширди. Мен хушимни йўқотиб, йиқилдим. Шу пайт милтиғимни олиб кўйишган экан. Шундан кейин бир оз фурсат ўтгач, хушимга келдим. Сўнг Юсуфжон Қамбаровнинг ёрдамида қочиб, Жалол мулла Тожиевнинг уйига бориб, сандиғига тушиб ётдим.

Жаҳонгир Холматов. Биз Хотамов ва Ҳаким билан мазорга бориб, у ерда осилган думлар ва икки оқ туғни узиб ташлаш учун том устига чиқиб, эмаклаб кетдик. Бу дум ва туғларни эндигина узиб бўлган эдик, бир пайт кўзим мазор атрофида ўтирган ва «Вой, додам», «Вой, хўжам», деб бақирган икки хотинга тушди... Бир дақиқа ҳам ўтмаган эдики, боғий хотинларнинг олдиди Ҳидоятхўжанинг (фамилиясини билмайман) таниш башараси кўринди. У ҳам ўша хотинларга ўхшаб бақира бошлади. Мен унинг гапидан фақат, «оломон», «мусулмонлар» деган сўзларни англадим. Бир-икки дақиқадан сўнг таҳминан 100—150 кишидан иборат оломон менинг атрофимда пайдо бўлди. Биз томдан паства тушдик. Мен паствликда, дехқонлар ва батрақлар яшайдиган жойда одамларнинг тўп-лашиб, мазорга қараб келаётганини кўрдим... мен уларни бизни химоя қилиш учун келаёттир, деб ўйлаб, бошим осмонга етди...

Орифжон Маражабов. Орадан бир дақиқа ҳам ўтгани йўқ эди, мазор олдиди эркаклар ва аёллардан иборат оломон пайдо бўлди. Эркаклар олдинда, аёллар эса орқадан югуриб келмоқда эди. Мен кишлоққа қараган дарвозани ёпишга киришдим. Шу лаҳзада Жалолхўжа Камолхўжаев билан Ҳидоятхўжа Дадахўжаев мени орқадан ушлаб олиб, дарвозадан узоқлаштиришди. Кейин улар кўлимдан ушлаб, етаклаб кетишди. Хотинлар мушт билан елкамини яғир қилишди. Жалолхўжа Камолхўжаев: «Ҳа, мазорни бузувчилар, кўлга тушдингларми?» деб бақирди. Қўчқорхон Охунов бўлса, «Сен ўтган сафар менга хуруж қилган эдинг, энди мен сенга кунингни кўрсатаман. Нега мазорни бузасан?» деб менга ёпиша кетди... Шундан кейин мен оломон қайнаб турган қизил чойхонага келдим. Югуриб бориб, отхонамга яшриниб олдим. У ерда туриб, «Артел аъзоларини ўлдир! Уларнинг ҳаммаси худосиз. Ким хотинини очган бўлса, ҳаммасини ўлдир. Ур коммунистларни!» деган овозларни эшитдим...

Жаҳонгир Холматов. Оломон шовқин-сурон билан олға қараб юрди, биз ундан қочдик. Мен Хотамов билан қизил чойхонага қараб югуриб, у ерда батрақлардан тузилган фаолларимизни йиғмоқчи ва оломонга қарши ташкилий равишда бормоқчи бўлдим...

Лекин қизил чойхона атрофида учраган батрақлар ҳам оломонга кўшилиб, Ҳамза тарафдорларини ўлдирish мақсади билан уларга ҳужум қилди. Ҳамза топшириғи билан мазорга кўтос думларини олиш учун борган фаоллар бир амал-тақал қилиб, тум-тарақай қочиб эришдилар. Улар ҳаёти учун ҳавфсиз, мазорга йўл олган Ҳамзанинг ўзи эса ваҳшийлашган оломоннинг қонли гирдобига тушди.

«Айблов хулосасидан. Ҳамза Ҳакимзода мазор томондан «дод» деган қичқириқларни эшитгач, матлубот дўкони мудири Абдурахимов Муллажон билан чойхонадан чиқиб, юқорига, воқеа рўй бераётган мазорга қараб юрди. Шу фурсат Дўстмухаммад Шерматов уларга яқин келиб, Абдурахимовнинг бошига мушт

билан уриб, йиқитди-да, милтигини тортиб олди, бошқалар эса шу заҳоти Ҳамза Ҳакимзодани қўриш олиб, уни зинапола ёнидаги йўлдан мазорага қараб судраб кетдилар. Биринчи бўлиб шайх-бой Раҳмонали Маъмурали Ҳамза Ҳакимзоданинг олдига келиб, унинг бошига ёпишган ҳолда «Сен мазорни буздинг. Ур бун!» деб бақирди. Шундан кейин қўрбоши Алиёрнинг собиқ босмачилари Ёдгор Нуриддинов ва Болта Ёқубов Ҳамза Ҳакимзодага ташландилар ва уни уриб, ера йиқитдилар. Холдор Рустамов эса унинг юзига пичоқ тортиб юборди. Абдулла Тошев, Сотиболди Расулев, Зариф Абдумўминов, Шаропов, Узоқов, Маҳкам Шерматов ва бошқалар Ҳамза Ҳакимзодани тошбўрон қилишди... Оломон орасида ҳазир бўлган Хидоятхўжа Дадахўжаев, Жалолхўжа Камолхўжаев ва Эшонхўжа Саййидхўжаев «Ур уни!» дея бақирди. Оломон Дусмамаат Шерматов билан биргаликда Ҳамза Ҳакимзодага тош отиб, тешишди...»

XX аср ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик арбобларидан бири ана шу тарзда ҳалок бўлди.

Фожиадан сўнг

Кутурган оломон, ваҳшиёна нияти амалга ошгандан сўнг, Хуррамбой Холик ўғли, Жалолхўжа Камолхўжа ўғли ва Хидоятхўжа Дадахўжа ўғли даъвати билан қизил чойхона сари йўл олди. У Ҳамзани ўлдириб билангина чекланмай, у амалга оширган ишларини ҳам барбод қилиш истагида эди. Ваҳший оқим чойхонага етиб келгач, шоирга биринчилардан бўлиб тош отган батрак Сотиболди Расул ўғли чойхона эшигига солинган кулфни ҳалқа-палқаси билан суғуриб ташлади. (Мозор томондан келган шовқин-сурон авж олиб, Ҳамза ёш дўстларини қутқариш учун чиқиб кетиши билан чойхоначи Собир Ҳамид ўғли эшикка қулф солиб, қаерадир ғойиб бўлган ва, эҳтимол, оломон денгизига сингиб улгурган эди.) Кулф шарақлаб ерга тушиши ва эшик очилиши билан оломоннинг хотин-халаждан иборат қисми чойхонага отилиб кириб, рўзнама рисоаларни бурда-бурда қилди-да, Ленин хайкалчасини тошбўрон қилишга киришди. Сўнг маълум фурсат ўтиб, оломон раҳбарлари эс-хўшларини йиғиб олгач, кутурган оқим улар фатвои билан Водилга қараб оқа бошладилар. Одамлар дарёси Водил йўлида камайиш ўрнига борган сари кўпайиб, тошиб, қайнаб борди. Бу оқимни Водилга йўллаган хўжа ва шайхларнинг режаларига кўра, батраклар Олтиарик департаментининг ушбу марказларидан бирига бориб, «Ҳамзани биз, батраклар, ўлдирдик. У бизнинг тикчимизни, ҳаловатимизни бузди, мазорни яқсон қилди. Шунинг учун уни ўлдирдик. Энди ҳуқуқнинг ўзи айтсин: ким ҳақ? Бизми ё Ҳамза?» де-йишлари ва фожиа ташаббускорларини жазодан саклаб қолишлари лозим эди.

Оқим Водилга яқинлашгач, Хидоятхўжа Дадахўжа ўғли икки элчини Водилга истикомат қилувчи Ҳамроқул Турсунқуловнинг хузурига юборди. (Ҳамроқул Турсунқулов 20-йилларнинг бошларида қўрбоши Алиёрнинг Водилга амин бўлишига ёрдам берган, кейинчалик ўзи шу қимсаннинг ёрдамида иккилобди кўмита — ревком раиси этиб тайинланган эди.) Элчилар унинг хузурига бориб, Шохимардонда рўй берган даҳшатли воқеани сўзлаб берганларидан сўнг у бундай жавоб берган: «Шундай қилиб, Ҳамза Ҳакимзодани ўлдирдик, денг. Яхши. Аммо яна бир кишини ўлдириб зарур эди».

Абдулла Хотамов 1929 йил 24 март кунини терговчи га гувоҳ сифатида маълумот бера экан, бундай сўзларни айтган:

«Мен ўша куннинг эртасига Водилга тушиб, ЛКСС департаментининг масъул котиби Муз... (ўқиб бўлмади — Н. К.) Масобиров билан бирга касалхонага борар эканмиз, Турсунқуловни кўриб қолдик. У билан сўрашганимиздан сўнг, деди: «Маълум бўлишича, Ҳамза Ҳакимзодани ўлдирдишман. Сен ҳам Ҳакимзодасан!» У бу сўзларни менга нисбатан нафрат билан айтди. Мен бунининг сўзларининг оҳангидан, кўзларининг ғаразли қарашидан сездик. Турсунқулов давом этиб, деди: «Мен сенинг кўлингни синдиришди, деб эшитган эдим. Кўриниб турибди: сенга жин ҳам урмапти...»

«Унинг жавоб сўзларидан шу нарса маълум бўладики, — дейиладиган айблов хулосасида, — хўжалар ўз режаларини ишлаб чиқиш пайтида у билан маслаҳатлашганлар ва у тайёргарлик ишларидан хабардор бўлган».

Ҳамроқул Турсунқуловнинг Ҳамза ўлимига қанчалик алоқаси борлиги хусусида сўз юритишдан олдин фожиадан кейинги воқеаларнинг йўналиши билан танишишда давом этайлик.

...Орадан бир ёхуд узоғи билан икки кун ўтгач, Шохимардонга бошқа иш билан келган ер-сўв бўлимининг вакили Эралиев фожиадан дарак топиб, шахид шоир жасадини котиллик юз берган жойга келтиришни буюрди. Оломон қизил чойхонадаги «жишлар базми»дан кейин жасаднинг икки оғини бўйнига боғлаб, судраб Шохимардон қишлоғидан олиб чиққан ва сойга ташлаган, бир мунча фурсат ўтгандан кейин эса яна қайтиб келиб, уни Гултанги орқасидаги тошлар орасига ташлаган эди. Эралиевнинг буйруғи билан Ёдгор Нуриддинов ва Болтабой Ёқубов жасадни қизил чойхона олдига келтириб ташлади. Шундан кейин Олтиарик департаменти ишлар бўлимининг ходимлари келиб, тергов ишларини бошлаб юбордилар. 20—21 март кунлари котилликка алоқадор деб топилган бир гуруҳ хўжа ва батраклар қамолка олинди. Котилликнинг бевосита ташкилотчилари бўлган, аммо фожиа рўй берган кунни Шохимардондан олис кишлоқларда туриб, уни кузатган хўжалар эса хийла кейин қора курсига келиб қўшилдилар.

21 март кунини Абдулла Хотамов ва Санджон Мамажоннинг саён-ҳаракатлари билан хибсага олинган кишилар орасида Ҳамроқул Турсунқулов ҳам бор эди. У Бош Сийёсий Бошқарма номига санасиз ёзган аризасида ўзининг фожиага мутлақо алоқасиз эканлигини айтиб, хусусан, бундай маълумотни ҳам берган: «Мен гўё Ҳакимзодага қарши уюштирилган суикасднинг асосий раҳбари эмишман. Мен Ҳакимзодани сўнгги маротаба 17 март кунини Водилда Жавод Ориповнинг чойхонасида кўрдим. Биз у билан чоғ ичиб, иш юзасидан суҳбатлашдик. Шундан кейин у Шохимардонга кетди. Хотамов Ҳакимзоданинг хотинини йўлдан оздириб, асосий айбни меннинг гарданияга қўювчи аризага қўл қўйдириб олган. Мен хамшиша уларнинг асл қиёфаларини фотосида, уларга қарши курашиб келганман.»

Ҳамроқул Турсунқуловнинг аризасидаги бу сўнгги сўзлар унинг оғзидан тасодифан чиқиб кетган. У кейинчалик ўзини Ҳамзага яқин қилиб кўрсатишга уринган бўлса-да, аслида, бу икки киши ўт билан сувдек бир-биридан узоқ ва бир-биринга бегона бўлган.

Ҳамза 1928 йил 25 сентябрда Комил Алиевга йўллаган мактубида ўша кунларда ўзига қарши тайёрланган иғво тўғрисида сўз очиб, бундай сўзларни ёзган: «...Исмоил мутавалли беш-ўн иғвогарларни тўплаб, йўқ бўлхонлар билан Фарғона округи сийёсий идорасига ариза бериб, Фарғона шаҳар шўъбасига 20 октябрга охири чақиртурдилар. Хайрият, департамент раёми хабарлашиб, ҳақиқат ўз йўлини топгандай бўлди. Агар аввалги маълумотлар билан борилганда, бошимга кўп ҳодисалар тушмоғи аниқ эди. Алам қайда, десанг, ўзларини ривоят қилиб беришларидадир. Бу ҳақда Ҳамроқул мингбоши йўналиш ролларини ва бошқаларни иккинчи мақоламда ёзсам керак.»

Бу хатдан маълум бўлишича, Ҳамзага қарши 1928 йил октябрда уюштирилган курашда Ҳамроқул Турсунқулов ҳам бергаз бир ҳолатда турмаган, аксинча, шу курашнинг ташкилотчиларидан бири бўлган кўринади.

Абдулла Хотамов 1929 йил 24 март кунини берган кўрсатмасида бу шахс юзасидан бундай икромномани баён этган: «Турсунқулов шундан Ниёзовни ёмон кўрган бўлса ҳам ўзини ташқи жиҳатдан унинг маслақдоши қилиб кўрсатишга уринди. Мундофиқлик қилди. Ҳамзага қарши галаён ва унинг ўлдирлиши Турсунқуловнинг билвосита раҳбарлигида бўлган, деб йўлайман. Бунини шу нарса билан исботлайманки, оломон галаён пайтида мени судраб уйга олиб борганда, Акбарбойвачча Мадраҳимов (сабдогар) менга: «Ҳакимзодани ўлдирдик. Сен бу тўғрида омма ўртасида очикдан-очик айта бер. Бу ҳақда Ҳамроқул Турсунқуловга хат ёз», деди. Мен «Хўп», деб розилик билдирдим. Аммо қўнага чиқсам, Мадраҳимов оломонга қўйиб, Водилга кетган экан.»

Шу кунини бўлиб ўтган тергов чоғида Х. Турсунқулов ўзи билан Ҳамза ўртасидаги муносабатларга оидинлик киритиб, бундай деган: «Биз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан дастлаб дўст эдик. Аммо кейинги пайтларда у менга ғаразли муносабатда бўла бошладилар. Бунинг сабаби шунда эдики, мен у сўраган грамафонини унга бермаган эдим. Кейин у менга Шохимардонда олинган суратлар учун 120 сўм пулни бермади. Мен сурат ҳақини ундан бир неча маротаба сўраттинган бўлсам ҳам, у барибир бермади. Ниёзов ана шу заминда менга душман бўлиб қолди... Кейинчалик Шохимардонда қанал қазилганда, сўв қурултойининг қарори билан қаналга сўв берилмади. Ниёзов эса сўв берилмаганини мендан кўрди.»

Х. Турсункулов шу тўғрида чоғида яна баъзи бир, назаримда, гоёт муҳим маълумотларни ҳам берган. Унинг айтишига кўра, Хамза, Қомил Алиев сингари, матбуотда унга қарши мақола билан чиқмоқчи ҳам бўлган. Бундан ташқари, у Х. Турсункуловнинг Самарқандга бориб, ундан Марказий Ижроия Кўмитасининг вакили эканлиги тўғрисида Охунбобоевдан хат олиб келишни илтимос қилган.

Агар Х. Турсункуловнинг бу сўзларида жон бўлса, демак, Хамзанинг на ЎзК(б)П, на Марказий Ижроия Кўмитаси вакили сифатидаги расмий ҳужжатлари умуман бўлмаган ё улар мuddати аллақачон тугаган чиқди. (Бу ҳақда қуйроқда яна сўз юртамиз.)

Тергов материалларидан маълум бўлишича, Х. Турсункуловнинг фожиага дахлдорлиги масаласида дастлаб Алихон Хонхўжа ўғли ҳам тегишли кўрсатма берган. Аммо у кучли тазйиқ остида Фарғона шаҳар 6-участка халқ терговчисининг номига ёзган аризасида, ўз гувоҳликларидан воз кечган.. Х. Турсункулов Алихон Хонхўжа ўғли сингари гувоҳларга тазйиқ ўтказиш билангина қаноатланмай, турли юқори идораларга ҳам ариза ёзиб, ўзининг шўро ҳукумати олдидаги хизматларини эслатишга ҳаракат қилган. У, чунончи, 1928 йилда Қизил Армиянинг ҳарбий округлар бўйича қўмондон қилиб тайинланган Дибенко номига юборган аризасида бундай деб ёзган:

«Мен 1918 йилдан то 1923 йилга қадар 2-Махсус Туркистон отлик аскарлар бригадасида ҳарбий разведкачи сифатида хизмат қилдим ва ҳарбий қисмларнинг босмачиларга қарши муваффақиятли курашларига ҳар томонлама ёрдам бердим... Масалан, 1922 йилнинг январ ойида Нурмат кўрбосининг шайқаси 2-Махсус отлик аскарлар бригадаси алоқа эскадронининг ярмини ва штаб взводини қуршаб олганда, Водил қишлоқ ревкомнинг раиси сифатида хавф-хатар остида қолган қизил жангчилар ҳақида бир даъво ҳам кечирмай бригада штабига хабар қилганман.

Кейинчалик, 1923 йилнинг ёзида Ёрмат Махсус шайқаларини тугатиш операцияси вақтида катта разведкачи сифатида ишлар эканман, инқилобга бўлган чексиз садоқатим ва беадад ғайрат-шижоатим туфайли агентура алоқаларини йўлга қўйдим. Шундай қилиб, 13 қўрбоши ва 80 га яқин йигит шўро ҳукумати хузурига келиб, таслим бўлди... 1923 йилда Кўршермат шайқаси билан Сўх қишлоғида бўлиб ўтган жангда эса мен йўл бошловчи сифатида шайқага қарши биричиладан бўлиб ташланиб, «Максим» пулемётини ишга солдим... Ҳарбий қўмондонлик менинг шўро ҳокимиятига бўлган садоқатимни эътиборга олиб, мени Қизил Байроқ орденига тақдим қилди... Кейинчалик, босмачилик ҳаракати ўзининг сўнгги кунларини кечираётган давларда мен махсус бўлимга хизматга ўтдим...»

Хуллас, на котилликнинг ташкилотчилари деб ҳисобланган хўжалар ҳам, на батрак дехқонлар ҳам ўзларига қўйилган айбни тан олмаганлар. Фақатгина икки батрак — Сотиболди Расул ўғли билан Кўкамбой Тўракул ўғлигина Хамзани ўлдирганда бўлиб хўжалар ташвиқоти билан бевосита катнашганликларини эътироф этганлар, ҳоло. Бошқа айбланувчиларнинг ўст-бошларида қон йиллари бўлишига қарамай, улар фожиада бевосита иштирок этганликлари фактидан бош торганлар. Шунга қарамай, суд гувоҳлар берган маълумотлар ва бошқа ҳужжатларга асосланиб, 50 кишини айбдор сифатида жавобгарликка торди. 4 киши — Жалолохўжа Қамолхўжа ўғли, Хидоятхўжа Дадахўжа ўғли, Орифхон (Кўчкор) Охунхўжа ўғли ва Хуррам Холик ўғли ўлим жазосига ҳукм этилди. Қолганлар турли мuddатга қамоқ ва сургунга юборилди. 4 киши эса айбсиз деб топилди.

Ўлим жазоси берилган махбуслар 1929 йил 4 июль куни кеч соат 12 да Фарғонада отиб ташланди. Улар ва ўлим жазоси 10 йиллик қамоқ мuddати билан алмаштирилган Музаффархўжа Исмоилхўжа ўғлининг мол-мулклари мусодара этилиб, улардан тушган даромад ҳисобига шоирнинг рафикаси Қомилахон Усмоновага 300 сўм ҳажмида нафақа берилди, марҳумнинг ўғли Аббосга эса вояга етгунга қадар ҳар ойда 25 сўм ҳажмида нафақа белгиланди.

Аммо Шохимардон фожиаси шу билан тугамади. Хамрокул Турсункулов Хамзанинг фожиали тақдирини билвосита иштирок этгани учун Ўзбекистон тасарруфидан 5 йил мuddатга чиқиб кетишга ҳукм этилган эди. У шундай ҳукмга маҳкум этилган 6 нафар шериги билан жумҳурият Олий Судига шикоят билан мурожаат этиб, адолатсиз чиқарилган мазкур ҳукми қайта кўриб чиқишни илтимос қилди. Олий Суд 1929 йил 17 ноябрда Самарқандда бўлиб ўтган яқин йиғилишида уни ва яна 6 нафар шеригини оқлаб, аммо шу билан бирга уларнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли эканликларини ҳисобга олиб, уларни Фарғона ва Андижон округлари тасарруфидан 5 йил мuddатга чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Х. Турсункулов юқоридаги ҳукми ўзгартириш тўғрисида Ўзбекистон ССЖ Олий Судининг раиси Эрматов билан бирга ВКП(б) Марказий Назорат комиссиясининг вакили Манжарига ҳам илтимоснома билан мурожаат этган эди. Эрматов Манжарининг 1929 йил 24 сентябрда шу масала юзасида йўллаган мактубига жавобан, жумладан, бундай деб ёзган: «Хамрокул Турсункуловнинг ЎзССЖ тасарруфидан 5 йил мuddатга чиқариб юборилиши тўғри бўлган, зеро, у Водил қишлоғида доимий турар жойига эга, ва ҳатто шўро ҳокимияти олдида катта хизматлари бўла туриб, сўнгги йил ичида бутунлай бузилиб кетди; хўжалар ва бойлар билан доимий алоқада бўлган ва аввалги обрўсидан фойдаланган ҳолда аҳолининг батрак-камбағаллар ва ўртаҳол қатламга таъсир кўрсатиб келди; партия ва ҳукумат тадбирлари манфаатини эмас, балки шахсий манфаатини кўзлаган ҳолда сўнгги сайлов кампаниясида йўқотган ҳуқуқларини тиклашга уринди. Хамрокул Турсункулов шўро органларида, шўро ҳокимияти фойдасига ишлаб турган ҳолда ўзининг моддий шароитини етарли даражада яхшилаб олди...»

Эрматовнинг бу мактубида гарчанд Х. Турсункуловнинг босмачилик ҳаракати йилларидан фаолиятдан келиб чиққан ҳолда «ижтимоий жиҳатдан хавфли» эканлиги айтилса-да, унинг Хамза фожиасига бўлган «билвосита алоқаси» нимадан иборат эканлиги масаласи очик қолган.

Шундай қилиб, кунлар ва йиллар ўтган сайин бу масала тобора қалин туман пардаси билан қопланаверган.

Жумбоқ

Бутунги кунда босмачилик ҳаракати 1917 йил Октябрь инқилобидан кейин ҳам давом этган мустанлақчилик сиёсатига, ўзбек халқининг тарихий ҳақ-ҳуқуқларини топташ сиёсатига қарши кўтарилган миллий-озодлик ҳаракати сифатида баҳо-лаймоқда. Бу баҳо гарчанд ҳозир олий идораларнинг муҳри билан тасдиқланмаган ва стихияли тарзда ифодаланаётган бўлса-да, етарли асосга эга. Аммо бу мавзу муस्ताқил аҳамиятга молик бўлганлиги ва ушбу мақолага бевосита дахлдор эмаслиги сабабли биз яқин кунларда ўз ечимини топиши зарур бўлган мавзунинг Шохимардон билан туташган нуқтасигагина назар ташлаб ўтамиз, ҳоло.

1923 йилда Шохимардонда босмачиларга қарши ўтказилган ҳарбий операцияларнинг бирида собиқ кўрбосилардан бири махсус бўлимининг топшириги билан собиқ қуролдошларини ўша атрофдаги тўрт томони тоғ билан ўралган дарага бошлаб кириб, уларнинг кириб ташланишида бир жанговар нишонга арзирли хизмат қилган. Айтишларича, нишонга олинган бирорта кимсанинг бу ўлим дарасидан омон чиқиши мумкин эмас экан.

1928 йил августида Хамза ҳам Шохимардонга келганида, ана шундай ўлим даражасига тушиб қолган эди. Тарих унга фақат 10-17 март кунларигина бу қопқондан чиқиш имконини берди. Аммо бу қопқоннинг қўйилишида Хамзанинг ўзи ҳам иштирок этган, тўғрироғи, у ўзининг чор атрофидаги кенгликни миналаштирган ва бу миналашган майдон кун сайин унга яқинлашиб, торашиб, уни ўз қаърига тортувчи қуюнли нуқтага айланмоқда эди. 1928 йил 18 март куни Хамза, ниҳоят, ана шу қуюн бағрида ўз қаётига сўнгги паноҳ топди.

Хамзашунослар узок йиллар мобайнида шоирни инқилобийлаштириб, даҳрийлаштириб, уни диний-маънавий заминда ҳалок қилган муҳитини ва бу муҳитни ташкил этган кишиларни халқ душманлари сифатида қоралаб келдилар. Бу кишилар гўё «бир тўда халқ душманлари, буржуа миллатчилари»дан мадад олган эмишлар. Агар бу кишилар Хамза олиб борган диний сиёсатга, тўғрироғи, динга қарши курашга хайрихоҳ бўлганларида, гарчанд уларни қимдир ичирган бўлса ҳам ичкоч ва тош билан шорига қарши борган ва уни ваҳшинона ўлдирган бўлармидилар?!... Йўқ, албатта.

Хамза 1913—1914 йилларда илк девонига тартиб бериш мақсадида «Е илоҳо, сангадур ҳамду сано, Қодиро, хайю тавоно

зульвало». Е Муҳаммад, айланай, номинггадур жоним фидо. Гожи сар ўлди лаазрук подшоҳи ду саро» байтлари билан бошланган газаллар ёзиб, уларда ўзининг ислом динининг фалсафий ақидаларига мутлако садоқатли эканлигини намоён этиш эгган ва бугун халқ ўртасида «Девони Нихоний» номи билан машҳур бўлган тўпламини шу газаллар билан очган эди. Яна шу даврда ўзи ташкил этган жадид мактаблари учун тузган «Енгил адабиёт» китобининг дастлабки беш дарсини ҳам ёш авлодда оллоҳ-таоллоҳга эътиқод туйғусини ўстиришга бағишлади. Бу китобнинг учинчи дарсида маърифатпарвар шоир, жумладан, бундай ёзган эди:

Худодир бу жаҳонни
Бор этган барча жонни,
Бошқа кимса қодирмас
Яратмоққа бир жонни
Худо бордур, ҳозирдур,
Ҳар бир ишга қодирдур,
Кимки ишонмас экан,
Ҳар мазҳабда кофирдур.

Ҳамза қаерда жадид мактабини очган ва ёш авлодга тарбия бериш билан машғул бўлган бўлса, у ўз мактабларидаги дастлабки камда беш соатни ана шу руҳдаги диний тарбияга бағишлади. У 1913 йилда, ҳамзашунослар айтиб келганларидек, *Истамбулда ўқиш истаги билан эмас, балки Маккаю Мадинани зиёрат этиш иштиёқида чет эл сафарига бореан*. У ана шу сафардан кейин ўзининг хожи бўлганлиги билан ифтихор қилган. Халқнинг Ҳамзага бўлган муносабати ҳам у хожи бўлиб қайтгандан кейин самимий тус олган.

Ҳўш, ана шу Ҳамза 1928 йилга келиб қандай қилиб, шохимардондаги динга қарши курашга раҳбарлик қилди? Умуман, «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» деган умумий ном остида чоп этилган «гул» тўпламларида шеърий санъат ва халқчил ижод «сир»ларини эгаллаган ва ижодий камолот босқичига кўтарилган Ҳамза қандай қилиб 1917 йилдан кейин юзаки инкилобий пафосни ифодалашдан нарига ўтмади? Тўғри, у драматургияда «Майсаранинг иши» ва «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки Яллагилар иши» сингари баркамол асарлар яратди. Аммо шеърятда-чи?..

Ҳар ҳолда Ҳамза инкилобдан кейинги даврда бадний ижоддан узок бўлган, аммо адабиётни инкилобий сиёсатнинг жўн куралига айлантиришни истаган кимсаларнинг таъсирига тушган кўринади. Чамаси, у кимнингдир таъсирига тушиб қолгангина эмас, балки унинг измида бўлган, у чизган чизқдан чиқолмаган. Ҳамзанинг таржимай ҳолида, хусусан, бундай сирли сатрлар бор: «1918 йил Хўқанда муаллимликда давом этдим. Ундан Скобелга юборилдим». Ҳўш, Кўқонда муаллимлик қилаётган шоирни Фарғона шаҳрига ким юборган? Уни Туркфронт бўйлаб босмачиларга қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш учун ким юборган? У қандай қилиб 1921 йилда Хоразм Халқ Жумҳуриятининг (эътибор беринг; бошқа жумҳурият!) вилоятларига бориб қолган? У нима учун «қишлоқ рўзғори, табиат бойлиги билан танишув билан бирликда қишлоқ турмушидан саҳналарга пьеса ҳозирламоқ» мақсади билан борган Аввал ва Шохимардон қишлоқларида ижодга алоқаси кам бўлган ишлар билан шугулланган?..

Афсуски, Ҳамзанинг Юсуф Султон томонидан нашр этилган таржимай холи айрим кискартириш ва таҳрирлардан холи эмас. Шоирнинг беш жилди «Тўла асарлар тўплами»нинг илмий нашрини тайёрлаш жараёнида бу таржимай ҳолнинг асл нусхаси топилмади. Ҳозир жумҳурият Вазирлар маҳкамаси қошидаги архивда сақланаётган Ҳамзанинг шахсий ишида бир пайтлар мавжуд бўлган бу ҳужжат яна кимнингдир томонидан

йўқотилган. Бу таржимай ҳолдаги юлдузчалар билан ажратилган ўринларда қандай маълумотлар бўлганикин?

Ҳамза ўз табиатига кўра, расмийлик бўлиб, сарф этган ё карз олган ҳар бир тийинидан тортиб, поезд чиптасига қадар, ёзган ҳар бир сатридан тортиб, идоралардан олган арзир-арзимас ҳужжатларга қадар — ҳаммасини йиғиб, сақлаб юрган. У ҳатто нозик тиббий операциядан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномани ҳам йиртиб ташлашга журъат қилмаган. Шундай табиатга эга бўлган одам ўз ҳаётининг бугун бизга сирли бўлиб қолган томонларига оид ҳужжатларни сақлаган, албатта. Лекин бу ҳужжатлар йўқтин-йўқтин кимларнингдир назоратидан ўтиб, йўқотилиб турилган.

Ҳамзанинг Шохимардондаги яқин кишиларидан бири, балки ягонаси Абдулла Хотамовдир. Унинг «Ҳамза Шохимардонда» деб номланган китобида «совет органларининг хушёр ва зийрак ходимлари»дан икки кишининг — Қашқаров ва Зайнуллиннинг номлари бир неча маротаба тилга олинган. Агар муаллиф бир ўринда «давлат ҳафсизлиги органларининг ходимлари» бўлган бу «устозлар»дан «кўп нарсаларни» ўрганганлигини айтса, иккинчи бир ўринда уларнинг 1925 йиллардан бери унга ички душманларга қарши кураш йўлини ўргатиб келганларини таъкидлайди. Олис Шохимардон қишлоғидаги 18 яшар бир йигит «давлат ҳафсизлиги органлари»даги «устозлари» раҳбарлигида иш юритган экан, Кўқонда шоир ва муаллим сифатида танилган шоирнинг бу «устозлар» таъсир доирасидан четда қолиши амри маҳол эди. 20-йилларга оид махфий ҳужжатларни ўрганган шунинг кўрсатадики, Махсус Бош Сиёсий Бошқарманинг Ўрта Осиёдаги Мухтор Ваколатхонаси сиёсий вазиятни ўз назоратига олиш мақсадида айниқса зиёлилар орасидан ўзига содиқ кишиларни ахтарган. Айрим ҳолларда эса уларни ҳатто ўз дўст-ёрларига қарши маълумот бериб туришга мажбур қилган. Ана шундай шароитда Ҳамзанинг бу идора эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди. Туркистон ва Кўкон шаҳарларидаги рус ишчилари билан яқинлашиб, уларнинг инкилобий оғилари таъсирида «инкилоб жангчиси ва жаричси» сифатида шакланган Ҳамза бу идора билан ҳамкорлик қилишга гоъий жихатдан тайёр эди. Тахмин қилиш мумкинки, унинг Хоразм Халқ жумҳуриятига бориб ишлаши ҳам, бошқа айрим шаҳар ва вилоятлардаги фаолияти ҳам, хусусан, Шохимардонга махсус топшириқ билан бориши ҳам бу идоранинг аралашувисиз рўй бермаган.

Борди-ю фарозда муайян ҳақиқат учкунларини бор деб билсак, нега у пайтда бу идоранинг Фарғона округ бўлими Ҳамзанинг Шохимардондаги фаолиятига раҳбарлик қилиш ва зарур ҳолларда таҳрир киритиш ўрнига унинг қишлоқ ахлини ташвишга солаётган хатти-ҳаракатлари тўғрисида марказга хабар бериш билан кифояланган рус ишчилари, бугун биз бу саволга жавоб бериш имкониятига эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам юқорида баён этилган тахмин ўз-ўзидан совун кўпигидек парчаланиб кетади.

Лекин шу билан бирга яна бошқа саволлар ҳам пайдо бўлади. Масалан, МБСБнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор Ваколатхонаси ҳам, Ўзбекистон БСБ ҳам, Фарғона округ фирка кўмитаси ҳам Денисов ва Баланин имзолари билан юборилган хатларга қандай жавоб йўллаганлар? Нега уларнинг жавоблари сақланмай қолган? Умуман, Ҳамзанинг 1928 йил октябрдан кейинги фаолиятига доир ҳужжатларнинг йўқлиги, аниқроғи, йўқотилганлигида бирор сир мавжуд эмасмикан?..

Бу масалага ойдинлик киритувчи ҳужжатлар бўлмагани учун бирор ҳукмга келиш мантиқдан эмас. Шунинг учун ҳам қалаванинг бу учини ечишни дорилмон замонларга қолдирамиз.





ОЛИС ИЗТИРОБЛАР ТАҒОТИ

(Шеърят ва қатли ом хусусида ўйлар)

Биринчи мақола

Пук, мен у чоғларда на ўзга осмон
На ўзга қанотни билгандим паноҳ.
Халким, бахтга қарши, бўларкан гирён,
Мен ҳам халким ила бирга чекдим оҳ.

Анна Ахматова
«Марсия».

XX арснинг атамаси кўп, Бироқ асримиз ўз ғурубига яқинлашган сайин унинг асл ва чинакам номи замона зайли билан турли атамалар остидан ситилиб чиқиб, юзага қалқимоқда. Айниқса, 90-йилларга келиб биз энг ёвуз ва энг қонхўр юз йилликда — сон-саноқсиз урушлар, қонли инқилоблар, ҳарбий тўнтаришлар асрида яшаётганлигимизни теранроқ англамоқдамиз. Айниқса, ер юзининг олтидан бир қисмида — бизнинг мамлакатимизда бу аср беш-баттар беаёв ва даҳшатлироқ кечди. Ноҳақ тўкилган беҳисоб қонлар ва инсон ақли бовар қилмаган қатағонлар асри! — бу биз яшаб ўтган асрнинг номи, эҳтимол, келгуси авлодлар хотирасида абадул-абад қолажак бош белгисидир.

Бироқ энг афсусланарли томони тақдир бизга — XX аср авлодларига шафқатсиз даврларни бошдан кечирishi раво билгани эмас. Балки халқимиз кўрган-кечирган ваҳшатларнинг беиз йўқолиб кетаётгани ёки инсофсизларча йўқотилаётганидир. Большевиклар диктатурасининг қилмишларини, гайриинсоний жиноятларини аср муаррихлари ёзиб қолдириш имкониятидан маҳрум этилди. Сал кам юз йиллик тарихимизнинг, асосан, «Оқ» ва «Қора» доғлардан иборат бўлиб қолганлиги шунинг оқибатидир. Ҳа, бу кун уч юз миллионлик улкан ва бесўнақай бир мамлакатнинг асрий тарихи, босиб ўтган йўли тўғрисидаги рост ёки ёлғон-яшиқ маълумотлар, тўғри ёхуд нотўғри ҳужжатлар ЧК, ГПУ, НКВД, КГБ, ВКП(б) ва бошқа Ҳарбий-сиёсий идора-ташкилотларнинг архиву сандиқларида ётибди. Биз — XX аср авлодлари келажакка ана шундай Сирли ва Номаълум бир «Тарих» қолдиряпмиз.

Бадий адабиёт ҳам халқимизнинг беадад фожиалари хусусида етарли даражада гувоҳлик беролмайди. Афсуски, совет адабиётининг қайта қуриш ва ошқораликкача бўлган етмиш йиллик тажрибаси, асосан, тарихимизнинг бир томонлама ёки гирт телба-тескари инъикосидан иборатдир.

Гап шундаки, Октябр тўнтаришидан кейин бошланган, бутун йигирманчи йиллар давомида у ёки бу шакл-

да хуруж этган, хусусан, ўттизинчи йилларда Сталиннинг ташаббуси билан авжига чиққан шафқатсиз қатағонлар большевиклар истибдодига қарши тура билажак барча маънавий-сиёсий кучларни ер билан яксон қилди. Адабиёт аҳлининг тақдири ҳам айнан шундай бўлди...

Пролетар диктатураси идеологиясининг яккахокимлигига ва таҳқиромуз сиёсий зўравонлигига қарши чиққан ёки эътироз билдириши мумкин бўлган аксарият ёзувчилар қатағонга учради; уларнинг бир қисми қамалган ёхуд қатл қилинган бўлса, бошқалари тирик-лайин ўлдирилди, яъни бир умр жим туришга ёки ёзганларини эълон қилмасликка маҳкум қилинди.

Маънавий ўлимни жисмоний ўлимдан афзалроқ билганлар эса инсоният тарихида мисли кўрилмаган ёвуз ва шарафсиз салтанатни шарафлаш йўлидан бордилар. Нафақат сталинизм даврининг, балки турғунлик йиллари адабиётининг ҳам кўпчилиги намуналари ҳарбий-маъмурий режимнинг мадҳига бағишланган асарлардан иборатдир.

Нафақат Сталиннинг қонли сиёсий тузумига, балки унинг шахсан ўзига бағишланган қўшиқларни, турли жанрлардаги бадий асарларни, санъат намуналарини тўпласангиз — улкан бир кутубхона, боши-кеги йўқ кўرғазма ҳосил бўлиши мумкин.

Сталин салтанатида яшабди тақдирнинг омонсиз ҳукмига бўйин эгганлар истаб-истамай, билиб-билмай замон иллатларини куйлашдай гуноҳи азимдан қутула олмадилар.

Сталин замонида яшаб туриб унга мадҳия битмаслик амримаҳол эди.

Фақат мана шу даврда яшамаганларгина Халқлар Отасига бағишловлар ёзмаганлар.

Ҳатто асримизнинг энг ўжар ва мағрур санъаткорларидан, Сталин истибдодининг ғаддор душманларидан бири Борис Пастернак ҳам ўттизинчи йилларда Халқлар Отасига шеър бағишлаганди.

Ҳатто большевиклар диктатурасининг сиёсий найрангларини, Янги тузумнинг даҳшатларини очиб ташлаган романлар, қиссалар муаллифи, машҳур «Уста ва Маргарита»нинг яратувчиси Михаил Булгаков ҳам роп-роса ўн йил (умрининг сўнги йил йили!) дўстларининг илтимоси ва насиҳати тўғрисида Отанинг мухташам образини гавдалантириш учун не-не азобларни

бошидан ўтказди. Ва ўлгунча Жаллоднинг навбатдаги қўнғироғини илҳақ бўлиб кутади.

Хатто қатли ом чек-чегара билмаган бир пайтда даврнинг шафқатсиз айбномасини — жаҳоншумул «Марсия»ни (1935-40) яратишга ўзида куч топган Анна Ахматова атиги бир неча йил кейин яккаю ёлғиз ўғлини Сталиннинг ўлим лагерларидан қутқариш учун Умум Ота шағнига мадҳия битади...

Биз қонхўр ҳукмдорга бағишловлар ёзган ижодкорларни айблаш ёки муҳокама қилиш ниятида эмасмиз. Зеро, қатли ом машинаси ўша даврда дилларда тугдирган ўлим васвасида, беқиёс-қўрқув ва хавотир исканжасида Жаллод шарафига мадҳиялар битган адибларни бу кун айбладан осони йўқ. Лекин шунинг унутмаслигимиз керакки, ўша йилларда жон сақлаш учун қилинган барча уринишларни ҳам бирдай оқлаб бўлмайди. Сталиннинг сиёсий идораларининг талабларига «лаббай» деб жавоб берган, Умум Ота шағнига ҳар кун бир аштор қоралайдиган эътиқодсиз ва имонсиз қаламкашлар билан ўз жабрбандини ўлим чангалдан халос этиш учун яккаю ёлғиз шегъ ёзишга мажбур бўлган Она-Шоира ўртасидаги фарқни унутиб бўлмайди ахир!..

Ҳа, 30—50-йилларда Сталинга асар бағишлаган ҳамма ёзувчиларни ҳам бирдай айбсизтиши камида адолатсизликдир. Ахир, бола-чақаси, ёру дўстларининг тақдирини йўлаб мадҳия ёзиш билан НКВД, ГПУ каби одамхўр ташиқлотларнинг хуфясига айланганини ўзига эп кўрган, ўз касбдошларини таъқиб ва тергов қилган ижодкорларни тенг жабрдийда қилиб кўрсатиш инсофсизлик, аслида билиб-билмай сувни лойқалатиш-ку!

Бироқ шуниси аниқки, 30—50-йилларда бизнинг мамлакатимизда яшаб ўтган бирон-бир инсон бу ялпи қирғинга қарши чиқолмаган. Хусусан, ўттизинчи йилларнинг ўрталаридан эътиборан, мамлакатдаги деярли барча мағрур бошларнинг кесилиши, у ёки бу тарзда йўқ қилиниши охир-оқибат ялпи сукунатга олиб келди. Табиийки, ўша қонли йилларда қатли омга қарши ёзилган (агар ёзилган бўлса!) биронта асарнинг эълон қилинишини ҳам ақл бовар қилмасди.

Озодликда юрганлар — тақдирнинг беқиёс марҳамати туфайли (улар жудаюм озчиликни ташкил этади) омон қолганлар ёки жирканч диктатурага ёлланиб, ит садоқати билан хизмат қилганлар, дўстларига, Ватанга, миллат ва адабиётга хиёнат қилганлар (улар кўпчилик эди) — Сталиннинг арши аълога ўрлаган зулмини бахт-саодат деб тинимсиз куйлашарди.

Ўлим лагерларида, сон-саноксиз қамоқхоналарда жон бераётганлар ҳам бу даҳшатли тузумга нисбатан бирон-бир норозилик билдириш у ёқда турсин, аксинча, Жаллодни улуғлаб, унга насрий-назмий мактублар йўллашарди.

Ҳа, аҳволнинг фавқулоддалиги шунда эдики, тутқунликдагиларнинг анчайин қисми ҳам Халқлар Отасини куйлаш билан машғул эдилар.

Бутун бошли бир мамлакат Сталиннома яратиш билан банд эди...

Хуллас, сталинизм даври адабиётининг, деярли, нашр қилинган барча намуналари Сталинни ёки унинг қонли тузумини ҳеч бир иккиланмасдан куйлашга, кўкларга кўтариб мақташга бағишланган.

Нақадар аниқ ва афсусланарли бўлмасин, барибир, эътироф этиш зарур: сталинизм мафқураси ва сиёсати билан заҳарланган бу улкан ва ёлғон мерос бу кун том маънода яроқсиздир. Ўз даври ҳақиқатларини ифодалашга ожизлик қилган ёки шунга қурби етмаган адабиёт ўз замондошлари учун ҳам, келгуси авлодлар учун

ҳам нафақат кераксиз, балки зарарли бир кўрсатмалардир. Сталинизм гоёларига бевосита ёки бавосита хизмат қиладиган бундай асарларнинг ҳануз тарғиб-ташфиқ қилиб келиниши нафақат бу кун, умуман, келажак олдига кечиб бўлинмас жиноятдир.

Бу давр адабиётининг мафқура ва сиёсат оғуси билан заҳарланмаган, азал-абад муаммоларга ва соф инсоний кечинмаларга бағишланган камёб намуналаригина биздан олдин ўтган омадсиз ва бахтиқаро авлодларнинг ҳаққоний маънавий мероси сифатида тан олинishi ва қадр топиши муқаррардир.

Машҳур Октябр тўнтаршидан кейин ўтган етмиш йил давомида большевиклар диктатурасининг жиноятларига, айниқса, сталинизм даҳшатларига совет санъатининг муносабатига ҳали жуда кўп тадқиқотчилар тўхталади. Бугунги кунда ҳам ушбу масала илмий-эстетик ва ижтимоий фикрнинг диққат марказида турадиган бениҳоя ҳаётий ва зарур маънавий-ахлоқий масалалардан биридир. Қайта қуриш ва ошкораликнинг илк кунлариданоқ авж олган бу қизиқиш борган сайин кучайгандан кучаймоқда. Кейинги беш йил мобайнида бирин-кетин эълон қилинган ўнлаб тадқиқотлар, юзлаб мақолалар бу қизиқишнинг асло мавсумий ва ўткинчи эмаслигини кўрсатади.

Бу кун виждони ва имони бутун ҳар бир инсонни, ҳар бир ижодкор зиёлини муҳим бир муаммо қаттиқ йилантирмоқда; сал кам бир аср муттасил рўй берган мана шу розолатларга, ўн йиллар давомида узлуксиз содир бўлган сон-саноксиз, турли-туман хунрезликларга Санъат ўз муносабатини қандай ифодалаган? Санъат, айниқса, Сўз санъати бу асрий жиноятларга, жаҳоншумул фожиаларга қандай Гувоҳлик бермоқда? Биз жуда кўп, йўлаб, юзлаб санъаткорларнинг, ижодкорларнинг, турли соҳаларга мансуб зиёлиларнинг 20-30-йилларда шафқатсизларча қатл қилинганини ҳам биламиз. Бироқ ўша қатли омдан бир амаллаб қутулганлар, омон-эсон қолганлар, тириklar орасида, наҳотки, ўз асрининг Виждони даражасига кўтарилганлар, умуммиллий фожиаларимизнинг Шоҳидлигини ўз бўйнига олганлар топилмаса?..

Ана шу саволлар нуқтаи назаридан етмиш йиллик адабиётга, хусусан, 30-50-йилларнинг бадиий тажрибасига ёндашганимизда ғамгин ва ғариб бир манзаранинг гувоҳи бўламиз.

Бу жиҳатдан ХХ арснинг улуғ санъаткорларидан Д. Шостаковичнинг ижодини юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, теран ёритган мақолалардан бирида жуда муҳим мулоҳаза бир қадар кескин тарзда ўртага ташилади: «Мамлакатимизнинг маданиятга шунчаки эрмак деб қарамайдиган, уни чинакам маънавий эҳтиёж сифатида қадрлайдиган ҳар қандай фуқароси, менимча, Шостакович мусиқаси биз ҳақиқиздаги аёвсиз ҳақиқат эканини ва абадий шундай бўлиб қолажagini тушунади, ҳис қилади. Анъанага кўра Русияда ҳақ гапни ҳамини ёзувчилар айтишган. Бироқ бу гал ҳақиқатни ёзувчи эмас, аксинча, даҳо бастакор айтди — бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки янги Русияда сўз ҳақоратланган, оёқости қилинган бўлса-да, ҳарҳолда бутунлай соқовга айланмаган адабиётда буюк ёзувчиларимиз бу ҳақиқатнинг бир қисминигина айтдилар. Шостакович эса, менимча, ҳақиқатни баралла айтган. Тўғри, рус маданиятини теранроқ биладиган ўқувчи Платонов, Зошченко, Пастернак номини тилга олар (гарчи бу рўйхат унча катта бўлмаса-да, бошқа номларни ҳам келтириш мумкин). Аммо Шостакович номи тилга олингани заҳоти бадиий ҳақиқатларнинг бирёқламалиги дарров сезилиб қолади. Ҳа, ўша ёзувчилардан бирортаси ёлғон

ёзмаган бўлса-да, барибир, муסיқанинг кўламдор ҳақиқати шак-шубҳасиздир». Ушбу фикр мақолада бир неча ўринда таъкидланди: «Зўравонлик асри гувоҳликлар асрига айланди. Энг даҳшатлиси шундаки, ўз мамлакатда адабиётни гунг, кинони эса кўр бўлишига мажбур қилган тоталитар тузум ўзининг энг шафқатсиз ва одил гувоҳининг яралишига сабаб бўлди — фақат муסיқагагина гувоҳлик қилиш қолди. Русияга шундай даҳо бастакорни тангри ато қилдими? Менимча, Русиянинг ўзи аср бошида муסיқа даҳоси пайдо бўлиши учун бутун кучини тўлаган, шундай қилиб, гувоҳни яратган эди». (Леонид Гаккель. «Ad! Где твоя победа?» «Известия», 14 июля, 1991 г.)

Таниқли санъатшуноснинг мазкур мулоҳазаларига, умуман олганда, жиддий эътироз билдириш қийин, албатта. Ҳақиқатан ҳам ўша оғир ва хатарли йилларда улғ рус бастакорининг бетакорр ижодий жасорати таҳсинга лойиқдир. Бироқ муаллифнинг «Янги Русияда Сўз таҳқирланганди», ёки 30-70-йилларда «адабиёт соқовга айланганди» йўсинидаги узил-кесил ҳукмлари билан келиши қийин. Биринчидан, ушбу ҳукм-хулосалар, агар таъбир жоиз бўлса, фақат матбу сўзгагина нисбатан ўзини оқлайди, яъни эълон қилинган, нашр этилган асарларгагина улар тааллуқлидир. Иккинчидан эса мақола давомида қайта-қайта таъкидланган «30-70-йиллар»ни на ижтимоий-сиёсий, на адабий-эстетик жиҳатдан яхлит бир давр сифатида олиш мантқиққа тўғри келмайди. Зеро, 30-50-йиллар ҳам, 60-70-йиллар мустақил ва ўзига хос босқичлардир. Ва ҳар иккала босқичда бадиий Сўзнинг лаёқатини тасдиқлайдиган анча-мунча асарлар мавжуд. Бундай насрий ва поэтик намуналар, хусусан, 60-70-йилларнинг бадиий тажрибасида кўпроқ учрайди.

30-50-йилларнинг том маънодаги ҳуқуқсизлик, сиёсий режимлар ва салтанатлар тарихида учрамаган шафқатсиз эрксизлик муҳитида ҳам адабиёт ўзининг миллий-инсоний ва ижтимоий-эстетик лаёқатини, жуда кўп қурбонлар ва йўқолишларга қарамай, асрига қаттиқ уринарди. Фақат юқоридаги мақолада тилга олинган Платонов, Зошченко, Пастернак эмас, Осип Мандельштам, Михаил Булгаков, Анна Ахматова, Марина Цветаева, Абдулла Кодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Хусайн Жовидлар ҳам асрнинг ва тузумнинг фавқулодда жиноятларининг диёнатли ва жасур Гувоҳлари бўла олади. «Уста ва Маргарита», «Доктор Фаустус» каби мухташам бадиий обидалар, А. Платоновнинг романлари, М. Зошченконинг кескин ҳажвий насири, Мандельштам, Цветаева, Пастернак, Ахматоваларнинг миллий-дунёвий изтиробларга йўғрилган лирикаси замон даҳшатларидан Гувоҳлик бермайдими?! Лекин улкан ва кўп миллатли бир мамлакатдаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатли кўргуликларни тугал тасвирлаш, бадиий мукамал ёритиб беришига бармоқ билан санарли ижодкорлар камлик қилади дейилса, шунга қўшилмасдан илож йўқ. Зеро, жаҳоннинг энг катта бир мамлакатида рўй берган беаод хунрезликларнинг юздан бирини ҳам гавдалантириш учун қадимги ва бугунги дунёнинг барча фожиянависларини, юзлаб, эҳтимол минглаб Солженицинларни сафарбар қилишига тўғри келади. Худди ана шу вазиятни ҳамда 30-50-йиллардаги ижтимоий-сиёсий шарт-шароитнинг бениҳоя фавқулоддалиги эътиборга олинса, ўз даври ҳақиқатларига Гувоҳлик қила билиш нуқтаи назаридан ўша даврлар адабиётидан бундан ортиқроқ, бундан тегинроқ ва бундан жасоратлироқ муносабатни талаб қилиш ақлга сиғмайди. Уша машғум йиллардан бизгача етиб келган, бармоқ билан санарли даҳо ижод-

корларнинггина юрак қони билан ёзилган мана шу кам-ёб ва нодир бадиий дурдоналар, ҳеч шубҳасиз, инсон маънавияти ва қудратининг мўъжизалари қаторида туради.

Бу жиҳатдан асримизнинг улғ санъаткорлари Анна Ахматованинг «Марсия» (1935—1940) ва Александр Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи» (1966-1969) асарлари ўз даврининг ноёб ва бетакорр бадиий намуналаридир. Булардан биринчиси Сталин қатли оми ва қатагонлари авжига чиққан паллада ғайриинсоний хунрезликларга буюк ва жасур бир Калбнинг исёни сифатида тугилган бўлса, иккинчиси 60-йилларнинг иккинчи ярмидаги сталинизмни оқлаш, шахсга сиғиниш даҳшатларини хаспўшлаш уринишларига қарши аламли эътироз руҳида ёзилган. «Марсия» ҳам, «Хотира ҳуқуқи» ҳам бу кун биз учун шуниси билан қимматлики, қайта қуриш ва ошкораликкача кўп миллатли шўро адабиётида, хусусан, шеърятда шахсга сиғиниш фожияларини тарихан ҳаққоний ва юксак бадиий тарзда ёритиш нуқтаи назаридан уларга тенг келадиган асарлар, дадил айтиш мумкинки, йўқ. Ҳар иккала асар ҳам ёзилганидан анча кейин — «Марсия» («Октябрь» 1987, №3) сал кам ярим аср, «Хотира ҳуқуқи» эса йигирма йилча сўнг дунё юзини кўрди.

Хусусан, «Марсия»ни қайта-қайта ўқиркансиз — беихтиёр сизни икки нарса ҳайратлантиради; бири буюк санъаткорнинг ҳар лаҳзаси хавф-хатарга, кўрқув ва ваҳимага тўла ўша даҳшатли йилларда қонли тузумнинг беаёв айбномасини мислсиз бир жасорат билан қогозга туширишига ўзида куч топиши бўлса, иккинчиси бу буюк шеърда илоҳий маҳорат билан бадиийлашган ёниқ изтироб ва нигоронликка йўғрилган кечинмаларнинг теран инсоний самимиятидир.

Ахир, Анна Ахматова ёвуз ва қонсиз салтанатга қарши бир нима ёзишни ҳаёлига ҳам келтирмаган, беғуноҳдан беғуноҳ юзлаб, минглаб сафдошларини қатли ом аждарҳоси ўз домига торганлигини жуда яхши биларди-ку! Бу маънода софдил ва мардона шоирнинг жасорати асримизнинг ҳамда қолган барча асрларнинг фавқулодда маънавий жасоратларидан биридир.

«Марсия»нинг теран фожиявий моҳиятини ва ўта таъсирчан услубини белгилайдиган ўзига хос бир жиҳатни алоҳида қайд этиш зарур. Гап шундаки, асарда қандайдир тўқима, шоир таҳайюлининг маҳсули бўлган образлар қисмати, ўйлаб топилган ёки соф поэтик тасаввурдан тугилган кечинмалар қаламга олинмаган. «Марсия»нинг бош қаҳрамони Анна Ахматованинг ўзидир. Янада тўғрироғи, севимли турмуш ўртоғидан жуда эрта жудо бўлган (Анна Ахматованинг эри, машҳур шоир Николай Гумилёвни большевиклар 1921 йилда отиб ташлаган эди), ўлим чангалидаги яккаю ёлғиз йўғлини бир лаҳза кўриш учун Сталиннинг ваҳимали қамоқхоналари олдида «уч юз соат»лаб навбатда турган жафокаш Она-Шоирнинг (Анна Ахматова уни «Шоира» деб аташларини ёқтирмасди) мотамсоро изтироблари шеърий туркумининг поэтик-руҳий яхлитлигини таъминлаган. Ҳа, асардаги бадиийлашган барча ақл бовар қилмас азоблар, инсон иродасини чилпарчин қилувчи ҳайратомуз қайғу, қалбларни ларзага солувчи ички оғриқ ва қийноқлар — булар барча-барчаси шоирнинг бевосита бошдан кечирганлари, бевосита ўз кечинмаларидир.

Тасодифий эмаски, муаллиф 1957 йилда Туркумга ёзган ихчамгина насрий муқаддимада ана шуни алоҳида таъкидлашни лозим кўрганди:

«Ежовчиликнинг даҳшатли йиллари ўн етти ойни турма навбатларида ўтказдим. Кунларнинг бирида кимдир

мени «илғаб» қолди. Орқамда турган, лаблари кўкимтир аёл исмиини, албатта, бирор марта эшитмаган бўлса ҳам, у пайтлари ҳаммамизга хос бўлган карахтликдан ўзига келиб, қулогимга шивирлади (у ерда ҳамма шивирлаб гапирарди):

— Буни сиз тасвирлай оласизми?

— Тасвирлай оламан, — дедим.

Шу дафъа бир вақтлари унга хос бўлган чехрада табассумга ўхшаш нимадир лип этиб ўтди.

«Марсия»нинг бениҳоя таъсирчанлигини ва чуқур могомсаро пафосини балгилайдиган асосий омиллардан бири, ҳеч шубҳасиз, унинг аниқ шахсий-ҳаётий мундарижаси билан боғлиқдир. Бу жиҳатдан «Марсия» жаҳон шеърини тарихидаги камёб поэтик намуналардандир. Зеро, бунда ўз жигарбанди аламида ёниб адо бўлаётган жабрдийда ОНА ҚАЛБИ БИЛАН НОЗИҚ ВА ХАССОС, шоирона қалб ажиб бир тарзда туташган. Шеърдаги ҳолат ва кечинмаларга оралаган илоҳий бир муқаддаслик, сўз ва мисраларга сингиган илоҳий бир жозоба, эҳтимол, ана шу ваҳдатнинг натижасидир. Эҳтимол, ана шу фавқулодда ваҳдат туфайли ҳам шеърини туркумда индивидуал-биографик чекланганлик, фардий-шахсий маҳдудлик сезилмайди. Аксинча, «Марсия» умуммиллий-умуминсоний мундарижаси билан эътиборни жалб қилади. Зотан, буюк шоир қуйидаги сатрларни битишга юз бор, минг бор ҳақлидир:

Йўк, мен у чоғларда на ўзга осмон,
На ўзга қанотни билгандим паноҳ.
Халким, бахтга қарши, бўларкан гирён,
Мен ҳам халким ила бирга чекдим оҳ!

Нафақат «Марсия», балки улуғ санъаткорнинг ярим асрдан охиқ давом этган бутун сермашаққат ижодий йўли мана шу мисраларнинг ҳаққонийлигини тўла-тўқис тасдиқлайди.

«Марсия»га «Муқаддима ўрнида» деб берилган қисқа насрий сўз ва юқоридаги тўртликдан ташқари ўнта шеър кирган. Туркумдан ўрин олган ҳар бир шеърда ўзига хос ҳолатлар тасвирланганига қарамай, биз унда мудом улуғвор ва яхлит нигоҳнинг ҳароратли тафтини сезамиз. Фақат туркумнинг умумий мундарижасида ва якуний таассуротидагина эмас, балки ҳар бир шеърда аламзада Она ва эл-юрт бошига тушган кулфатлардан қаттиқ азобланаётган Шоир нигоҳининг илоҳий уйғунлигидан вужудга келган буюк Изтиробнинг нигоҳини кўриш, қузатиш мумкин. Асар давомида шахсий қийноқлар баёнидан умуммиллий фажиалар тасвирига (ёки аксинча) ўтишлар беҳад табиий кечади. «Марсия»ди турли йўналишдаги ва мазмундаги мураккаб ҳиссий ҳолатларнинг кетма-кетлиги, ўрин алмашиши ниҳоятди маҳорат билан амалга оширилган. Эҳтимол, бу буюк шеърга, қолаверса, Анна Ахматованинг «Марсия»сидаги туйғу ва кечинмалар ифодасига нибатан «маҳорат» сўзини қўллаш ўнғайсиздир. Зеро, унинг безовта қалбида биз айтаётган, ҳайратланаётган туйғулар, ахир, ёнмаён, юзма-юз яшаган-ку!

Туркумдаги илк шеър — «Бағишлов»ни ўқиган заҳотиёқ умумфожиа манзараларига дуч келамиз:

Бу қайғу олдида букилади тоғ,
Оқмасдан қўяди ҳайбатли дарё.
Турма эшиклари қилт этмас бирок,
«Гурбат коваклари» улардан нарёк,
Улардан нарёги — заққумли дунё.

Умуммиллий қайғунинг қўламдор ва таъсирчан тасвири банддан-бандга тиниқлашиб, кучайиб бораверади:

Ким учун шаббода эсади майин,
Ким учун нозланар окшом оғуши.
Биз эса бенасиб, бизларга тайин
Калитлар ғижери дақиқа сайин
Ва солдат қадамин хунук товуши.

Тонги ибодатга боряпмиз гўё,
Пойтахт хувиллаган, ёввойи тусда.
Учрашдик мурдадай, ютганча нафас,
Нева туман аро, қуёш қадди наст,
Умид эса мудом куйлар олисда.

Бу мисраларга Азобнинг шоирона қалбдаги кучайтирилган акс-садоси ёки муболағадор ифодаси янглиғ қарамаслик керак. Қолаверса, «Марсия»да умуман муболаға йўқ. Дарднинг аниқ, ҳаққоний ва самимий тасвири бор, ҳолос. Худди шу боис «Бағишлов»даги қатор сатрлар, айтайлик, «Бу қайғу олдида букилади тоғ, Оқмасдан қўяди ҳайбатли дарё» ҳам асло муболаға эмас, балки дарднинг, кўргуликларнинг сокин баёни, кўпроқ таъкиддир. Муаллиф 30-йилларнинг даҳшатларини ҳаётини поэтик чизгилар орқали аниқроқ гавдалантиришга интилади. Оддий инсоний тасаввурларга сиғмайдиган ана шу даҳшатларнинг характерли белгилари биргина турма эшиклари ортидаги разолатлар — «гурбат коваклари», «заққумли дунё» эмас. Ташқаридаги ҳаёт ҳам ундан асло қолишмайди. Ғариб-ғамгин окшомакларнинг майин шаббодаларидан, сокин-роҳатбахш оғушларидан бенасиблик, шулар ўрнига тинмай азобларнинг овозин тинлаш — «Калитлар ғижери», «солдат қадамин хунук товуши» — турма эшикларидан берёқдаги, ташқи дунёнинг белгиларидир. Кейинги банддаги «Тонги ибодатга боряпмиз гўё», «Ёввойи тусдаги, хувиллаган пойтахт», «Учрашдик мурдадай, ютганча нафас», «Нева туман аро, қуёш қадди наст», «Умид эса мудом куйлар олисда» каби поэтик сўз ва таъкидлар ҳам ўша (ташқи) дунёни кўз ўнгимизда гавдалантиради.

Мана шу кулфатлар ва кўргуликлар оқимида «Мен»нинг хавотиру қийноқлардан йўғрилган қиёфаси кўрини бошлайди:

Ҳукм... Ёш селоби оқар шу заҳот,
Шўрликни олдилар ҳаммадан узиб.
Гўё юлинганди юракдан ҳаёт,
Гўё юлингану отилган азот.
Лекин кетиб борар... Гангир... Бир ўзи...

Дардлар қуюнида, аламлар гирдобиди ёлғиз, иложсиз қолган кўнгил ҳолатини бундан ҳам аниқроқ, ҳаққонийроқ чизиб бериш мушкулдай:

Гўё юлинганди юракдан ҳаёт,
Гўё юлингану отилган азот.
Лекин кетиб борар... Гангир... Бир ўзи...

Фақатгина шахсий фожиани бунақанги ёниқ ифодалаш амримаҳол. Умумфожиа ҳам бу даражада таъсирчан қоғозга туширишни ақл бовар қилмайди. Ахир бу қадим ва омонсиз дунёда не-не кўргуликлар бўлиб ўтмаган. Не-не кўнгиллар қонга, зардобга тўлмаган. Бироқ «Марсия»даги трагик лиризм бекиёсдир. Нафақат рус, балки Шарқу Ғарб лирикасида ҳам «Марсия»нинг бетакрор фожиавий пафоси билан қиёслағувлик бадиий намуналар, эҳтимол, кўп эмасдир... Хўш, «Марсия»нинг сири нимада? Сабаби аниқ: Шоирона Қалб шахсий ва умумфожианинг туташ нуқтасига ай-

¹ Анна Ахматова Марсия. «Шарқ юлдузи». 1988 й., № 3 (Гулчехра Нуриллаева таржимаси).

ланган тақдирдагина жаҳоншумул «Марсия»лар туғилади...

**Пўртанага тўлган икки йилимнинг
Эркисиз дўстларини сўроқлай қайдан?
Сибир қуюнлари не айлар инъом?
Кўзларига нелар кўринар ойдан?
Уларга йўллайман видоли салом.**

«Умид эса куйлар мудом олисда». Бироқ олис умид шарпалари билан умидсизлик ўртасидаги масофа жуда яқин. Олис, жуда олис умид учқунларини аёвсиз «Сибир қуюнлари» чилпарчин қилади. Чилпарчин бўлган умидларнинг ер юзида бошпанаси, манзили йўқ. Уларнинг мангу маскани — Осмон, Ой... Бежиз айтилмаган бу дардкаш мисра: «Кўзларига нелар кўринар ойдан?» Ой — умидсизларнинг ягона умидгоҳидир. Осмон бағридаги юлдузлар, эҳтимол, нобакор заминда чилпарчин бўлган умидларнинг сон-саноқсиз синиқларидир... Бу маънода «Марсия»га кирган шеърларда осмон, ой, юлдузларга қаратилган бот-бот нолишли хитоблар тасодифий эмас, албатта. Айни ушбу муаммога сал кейинроқ махсус тўхталмоқчимиз.

Шеърий туркумдан ўрин олган навбатдаги шеърда — «Кириш»да ҳам қатли омнинг фавқулодда даҳшатлари, қиргин-қиёматнинг миллий бепоемлиги кўзларимиз олдида намоён бўлади. Хайратланарли мисраларда абдийлашган, соғлом инсоний-ҳаётий мантқ сарҳадларига сиғмайдиган ана шу кечинмаларни яшаган сайин (уларни муаллиф даражасида қайта яшаи иложсиз, албатта) ишонинг келади; йўқ, ўлим — тирикликнинг сўнги эмас, балки ҳаётнинг ягона нажоти, энг сўнги паноҳидир. Ҳа, қуйидаги мисраларда бадиий тажрибада камдан-кам учрайдиган — ўлимнинг халоскор қудрати куйланади...

Буни кўрса, ўлим, деб аъло,
Мархум яна қабрига чўккай.
Турмалари ёнида гўё
Ленинград ортиқча юкдай.

Қийноқлардан йўқотган ҳушин,
Махбус полки ўтиб боради.
Айриликнинг зумлик кўшигин
Паровозлар айтиб боради.

Совук боқар бошлар устида,
Ўлимларнинг муждаси — юлдуз.
Қонли этик, таъқиб остида
Тиришади гуноҳи йўқ Рус.

Қаттол замон даҳшатларини ҳайратомуз даражада ҳаққоний ва бешафқат тасвирлайдиган бу мисралар 1935 йилнинг кузида битилган. Сталиннинг қатли ом машинаси эндигина ишга туширилган. 36-39-йилларнинг ақл бовар қилмаган кўргуликлари ҳали олдинда. Бутун мамлакатни ўзининг бепоен ўзанига айлантирган бетартиб фожиялар оқими ҳамда уларнинг моҳияти, кўлами ва миқёслари ҳақидаги тасаввурлар ҳали тиниб-тиниклашиб улгурмаган. Сталинизм иллатларини аёвсиз фош ва таҳлил қиладиган илмий-ҳужжатли-бадиий асарлар яратилишига ҳали чорак аср кейин киришилади. «Архипелаг г у л а г» дунёсини жаҳонга маълум қилиш — аср жиноятларини очиб ташлаш ғоя-

си ҳали азобкаш Муаллифнинг хаёлида йўқ... Ҳали Александр Солженициннинг қамалишига анча бор.

Ажабланарли томони шундаки, «Марсия»га «Кириш»дан олинган юқоридаги мисраларда аке этган шафқатсиз ҳақиқатлар теран фожиавий моҳиятига ва юксак фалсафий пафосига кўра ўзидан анча кейин, аниқ тарихий ҳужжатлар асосида ёзилган асарлардан асло қолишмайди. Хусусан, «Буни кўрса, ўлим, деб аъло, Мархум яна қабрига чўккай», «Қийноқлардан йўқотиб ҳушин, Махбус полки ўтиб боради», «Совук боқар бошлар устида, Ўлимларнинг муждаси — юлдуз», «Қонли этик, таъқиб остида тиришади гуноҳи йўқ Рус» каби мисраларда ифодаланган, унча-унча санъаткор поэтик тасвир имкониятларига сиғдиrolмайдиган умум-миллий қайғу манзараларини А. Солженициннинг публицистик-ҳужжатли тадқиқотлари, «Иван Денисовичнинг бир куни», «Қаторда биринчи» сингари шахсга сўғиниш йиллари кулфатлари таҳлилига бағишланган ўта реалистик асарлари билан ҳаққонийлик нуқтаи назаридан бемалол қиёсласа бўлади. Бу ўринда «Иван Денисовичнинг бир куни» қиссаси юзасидан айтилган ўзига хос бир фикрни эслаш жоиз деб ўйлайман: «Менимча, виждонсиз одамгина бу асарга лоқайд қарашини мумкин. Унда адабиётдан ҳам кенгроқ ва устунроқ нимадир бор. Бироқ бу нолиш эмас, балки умумхалқ фожияларининг сокин, теран ва ҳаққоний тасвиридир». (Мих. Лифшиц. О повести А. И. Солженицина «Один день Ивана Денисовича». «Вопросы литературы». 1990 г. № 7. стр. 74.) Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу эътиборга лойиқ мулоҳазалар Анна Ахматованин «Марсия»сига ҳам тенг даражада тааллуқлидир.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ойбитикнинг 8-сонида ёш экстрасенс Олмаҳон Тожибой қизи ва унинг ғаройиб башоратлари ҳақида ўқиган эдингиз. Шу муносабат билан сизлардан жуда кўплаб хатлар олдик. Илтимосларингизни ҳисобга олиб, 11-сонда шу мавзуга яна қайтамиз. Олмаҳон таҳририятга келган мактубларни шарҳлайди.

* * *

Ушбу хотира сонида чоп этилаётган материаллар қалам ҳақининг бир қисми Абдулла Қодирий вақфи ҳисобига ўтказилади.

БОЗОР — АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Кўҳна Шарқ тарихи — бу нафақат жангу жадал ёхуд бир-бирига қилич қайраган сулолалар ёдномаси, балки юксак деҳқончилик ва ҳунармандчилик, тижорат маданияти тарихи эканлиги ҳақида муаррихлар, алломалар, сайёҳлар ажойиб иншо-лар ёзиб қолдирмишлар. Афсуски, ҳануз Шарқнинг, хусусан, Туркистоннинг ўтмишдаги савдо алоқаларига оид омон қолган маълумотлардан беҳабармиз. Шу боис ҳозирги савдогар-лик, бозор-савдо ишларида жаҳолат, қабоҳат, худбинлик ҳукм-рон. Маърифатсизлик туфайли бу жабҳа вакиллари пулпараст-лик балчиғига ботиб қолди...

Урта Осиёда бозор ҳам суғорма деҳқончилик маданияти сингари қадимий эканига ҳеч бир шубҳа йўқ. Академик Яҳё Ғуломов тадқиқотларига кўра, суғорма деҳқончилик жаҳон-нинг бирор минтақасида биздагидек қадимий, ўзига хос эмас; милoddан олдинги 3 минг йиллик охирилари — Бронза даврида ўтроқ деҳқончилик тараққий этганини тарихий манбалар тас-диқлайди. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да шундай битик бор: «Қаердаки, дон, зироат, мевали дарахтлар кўпроқ экилса, қаердаки қуруқ тупроқни суғорсалар, ортиқча серсув (ботқоқ) ерларни қуритсалар ўша жойда ер қувонади...

Ердан бугдой униб чиқиси биланоқ девлар титрай бошлай-ди, экин ўриб олинганда улар инграй бошлайди, хирмон уюл-ганда девлар қочади, хамир қорилганда девлар ҳалок бўлади... ғалла ҳосили мўл бўлганда девлар худди қиздирилган темир лабига текизилгандай ақлдан озади».

Аждодларимиз тўғрақ оламнинг асосий тўрт унсури — тупроқ, олов ва сувни, ҳавони улуғлаганлар: оловга сифинган бўлсалар, ўз ихтиёрларидаги сув ва ерни пок сақлашга тийрак масъулият туйганлар. «Авесто»да ер Аёлга қиёсланади, уни эркалашга, парваришlash ва меҳр кўргизишга даъват этилади.

Овчилик, балиқчилик ва суғорма деҳқончиликнинг ривож топиши, оловнинг кашф этилиши, мисдан тайёрланган пичоқ, бигиз, игна ва бошқа асбоблар, кейинчалик мис ва қалайи аралашмасидан ҳосил бўлган жез зеб-зийнатларни яшаш ҳунари ўзаро мол айирбошлаш — иқтисодий муносабатлар куртак-ларнинг кўзини очди. Шу тарихқа маъданчилик, металллардан турли меҳнат ва ҳарбий қурол-аслаҳалар яшаш, тўқувчилик ри-вож топиб, бошқа ўлқалар билан тижорат алоқаларини ўрнат-тиш зарурати барқарорлашди. Юнон муаррихи Геродот Хоразм ва Сўғдада яшаган массагет, шак, дай ва бошқа қавмларнинг қурол-аслаҳа ва зеб-зийнатлари ҳақида шундай маълумот бе-ради: «Массагетларнинг кийим ва маишатлари скифларникига ўхшайди. Доим отлик ва пиеда жанг қиладилар, икки хил жанг усулини биладилар, улар ўқ-ёй, найза ҳамда шамшир (дудама калта қилич) билан содда қуролланганлар. Бу қуролларни ҳу-нармандлар жездан ясайдилар, бош кийимлари ва камарларни-нинг богичларини эса олтин билан безайдилар. Отларнинг кў-рак қалқонини ҳам жездан ясайдилар. Юган, сўлиқ ва бошқа жабдуқларга олтин қадайдилар. Темир билан кумушни мутла-қо ишлатмайдилар, чунки уларнинг мамлакатида олтин билан мис ниҳоятда кўп бўлиб, темир билан кумуш мутлақо йўқ-дир».

Тарих шаҳодатномаларига кўра, бу зар тупроққа дунёнинг кўп зобитлари, жаҳонгирлари, дунёпарастлари безбетларча қорин илинжида қон ва нон қўсаб, бостириб келганлар, ке-лаверганлар. Афтода ва меҳмондўст аждодларимиз норасида гўдакларга бир тишлам лўқма олиб келиш учун бозорга ҳар ҳафтада бормаса бормаганки, босқинчи-келгиндиларни бозо-ри ва рўзғоридеги бор-буди билан меҳмон қилаверган, сийму зарини совғага бераверган.

Халқ бозор ҳақида қадим-қадимдан ибратли нақллар ижод этган: «Бозор кўрган эчкидан кўрқ», «Бозордан қолсанг бир кун қолсан — Яхшидан қолсанг, минг йил қолсан», «отанг бозор — онанг бозор», «Бозорда борига барака», «Бозори чаққон йигит», «Ўзини бозорга солади...», «Болали уй бозор», «Бозорга бориб бахтингни сина». Эҳ-ҳа, бозор билан боғлиқ нақллар уммониға фарқ бўлиб, ундан сузиб чиқши, уларни санаб адоғига етиш осон эмас... Бугун биз Юсуф Хос Ҳожиб-

нинг «Савдо-сотикда кимки рост бўлса, феъли тўғри бўлса, зарур бўлганда унга мол топилмай қолмайди», деган ўғити ҳамма асрларда яшаган инсонларга дастур бўлганини англа-сак, нечоғли яхши!

Буюк мутафаккир Алишер Навоӣ: «Деҳқонки, дон сочар, ерни ёрмоқ билан ризқ йўлини очар...» деганида оламнинг ободлиги деҳқон меҳнати туфайли эканини таъкидлайди! Деҳқоннинг ўзини Одам Атога, унинг қўлидан ризқ-рўз кў-рувчиларни фарзандларига ўхшатади. Ҳазрат ўзининг муборак «Маҳбуб-ул қулуб», «Насоим-ул муҳаббат» асарларида аҳли жамоани тўрт гуруҳга: деҳқонлар, зиёлилар (маъно ва сафо, зиё ва ишқ аҳли — дарвешлар), султонлар (беклар, вазирлар), ҳунармандларга ажратиб, бу тоифаларнинг ҳар бирини таъриф-тавсиф этади. Ҳақни таниш, яъни «футува аҳли»нинг маъна-вий комиллиги хусусидаги башоратангиз фикрлар зуҳур этил-ган уларда. Мана, ўз меҳнати билан рўзғор тебратган футува аҳли — авлиё-дарвешлардан баъзилари: Абу Саид Харроз — этикдўз, Муҳаммад Саккоқ — пичоқчи, Абу Ҳафиз Хаддо — темирчи, Абулаббос Омилӣ — қассоб, Иброҳим Ожирӣ — ғишт қуовчи. Навоӣ маънавий комилликка интилмаган, ин-сонлик моҳиятини англаб етмаган касиб-ҳунармандларни тан-қид қилади: «Бозорда савдогар касиб — тангрига хоин ва ваъ-дага козиб. Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларга минг мубо-ҳот, мингга тегарни юзга олмоқдин йўқ зарра ўёт. Ростлик би-ла савдо аларга зиёнкорлик ва ваъдага вафо аларга бадкор-лик».

Инсоннинг ҳайвондан шарифлиги шундаки, унга ақл берил-ган. Ақл инсонга Ҳақни таниши учун йўл очади. Ақл маърифат зиёси билан йўғрилгандагина Ҳақиқатга эришади. Навоӣ таъ-риф этган аҳли жамоа тоифалари — деҳқон ҳам, дарвеш ҳам, султон ҳам, ҳунарманд ҳам маърифат нури билан ақл-закова-тини чарҳлаб, Ҳақни танимоқ баробариде Бозорда Адолат ўр-натганлар.

Тижорат аҳли — савдогарлар ҳалол ризқ учун узоқ, машақ-қатли йўллари босиб ўтади. Бир юртда сероб молларни бош-қа юртга олиб бориб, ўша ердаги танқисликка барҳам беради. Бу билан улар деҳқон ва ҳунар эгалари меҳнатининг қадрсиз-ланиб қолмаслигини — бозор мувозанатини сақлайдилар, юрт ободончилигига ҳисса қўшадилар. Шарқта савдогарлик олиб-сотарлик, чайқовчиликдан баланд қўйилган. Шарқ мутафак-кирлари халқни, жумладан, савдогарларни ҳам футуваватга чорлаганлар.

Бозор, минг йиллардан бери тарихнинг залворли юкени елкасида кўтариб, бани башар фарзандларини аҳилликка ун-даб, моддий ва маънавий ҳаётнинг ботиний ва зоҳирий риш-талари билан турмушнинг олтин қозигига қантара олган муқад-дас рўёга айланди.

Адоғи не кўргулик билан тугаши қоронғу сиёсат ва сиёсат-бозлик зулмидан ингранаётган Иқтисодиёт ва Маданият инқи-рози йилларида бозорга нима бўлди? Бу нечук сеҳрли сўзки, ҳамма «бозор, бозор», дея жавраб қолди, тўртта одам йиғил-са, бир-бирига навбат бермай гапиргани гапирган: «Бозор иқ-тисодиётнинг тақдири нима бўлар экан? Товарларнинг нархи уч терак баробар кўтарилиб кетибди! Энди қандай яшаймиз?»

Тарих сабоғи шуки, Адолат ақл ва билим орқали қарор то-пади. Ақлга йўғрилган илм-фанга муҳаббат ва эътиқод Адо-латга яқинлаштиради. Бозорда барча нарсалар тарозига солиб тортилганидек, товарларни бозорга олиб чиққан ҳунар эгалар-ининг муносабатлари, бу муносабатларга ҳукмронлик қилу-вчи ижтимоий тартиботлар, ҳодисалар ҳам Адолат тарозисида тортиб кўрилиши керак! Эл қалбидан қувонч йўқолгани, руҳи-да чарчоқ, юзида тундлик зоҳир бўлганига бош сабаб бозорда нарсалар тортиладиган темир тарозилар ва ижтимоий ҳаётда-ги Адолат тарозусининг бузуқлиги эмасмикин?!

Бузуқ тарозулар хусусида сўзлашдан олдин бугунги кунда-ги «бозор» тушунчасини тавсифлаш ўринли, деб ўйлайман. «Бозор» деганда ҳозир кўпчилик юртдошларимизнинг кўз олдида кундалик эҳтиёжларни қондириш учун зарур озниқ-ов-

қат, кийим-кечак ва бошқа буюмлар сотиб олинадиган «Чорсу», «Олой», «Фарҳод» каби пойтахтимиздаги деҳқон бозорлари, олибсотарлар ҳукмронлик қилувчи тартибсиз чайқов бозори — истеъмол бозорлари намоён бўлади. Булар бозор ҳақидаги илк тасаввур — тор тушунча бўлиб, бозор кенг маънода маҳсулотни ишлаб чиқариш қонуниятлари бўйича ташкил қилинган Айрибошлаш, Мол ва Пул муомаласи муносабатларининг мажмуидир. Бозор — ишлаб чиқариш билан истеъмолни боғловчи Олтин кўприк! «Қобуснома» муаллифи авлодларига шундай панд-насихат қилади: «Эй фарзанд! Оз фойдага қаноат қилгил! Харидорни кўп қаттиқ туриб ва оғир баҳо билан ўзингдан қочирмагил, токи шу ҳунаринг билан ризқинг зиёда бўлсин. Халқ сенинг олдинда бир нарса олиш учун келса, жонимсан, дўстимсан, биродаримсан, деб қарши олгил.

Аммо тўғри сўзлагил, Бахил бўлмагил, фойдани яхши сарф қилгил. Савдода кўп қаттиқ бўлмагил, ёлғондан олт ичмагил ва одамлар билан қаттиқ муомалада бўлмагил. Пок дил бўлгил...»

Айрибошлаш миқёсининг ҳудудий ва ҳуқуқий чегаралари бор: маҳаллий бозор, миллий бозор, дунё бозори — ички ва ташқи бозорлар муайян ижтимоий қоғдалар асосида ҳаракат қилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, олди-сотти миқдори бозор муносабатларининг мавқеини — ҳажмини белгилайди. Бозорни «ижтимоий бирлашмаларнинг иқтисодий тараққиёти ёхуд тушунлигини кўрсатувчи кўзгу, макон ва замон ўлчагичи — Адолат Тарозиси — Олий ҳақам дейиш мумкин: бозор жаҳият (файласуфлар таъбирича, «шаҳар») аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга, пул муомаласини барқарор сақлашга, маҳсулот баҳоси билан ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг мос бўлишига ҳамда халқлар ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Шўровийлар ҳукумати ҳам 73 йилдан сўнг ҳудуди бепоён Иттифоққа бирлаштирилган мустақил давлатларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларнинг янги Иттифоқ Шартномаси асосида чинакам бозор билан уйғун, инсониятга синашга иқтисодий муносабатларга таяниб тиклашга бел боғлади. Зеро, бозор иқтисодиётининг афзалликларини жаҳондаги тараққий этган барча давлатлар таърибасидан кўриб турибмиз. Бозор иқтисодиёти ҳуқуқат сиёсатининг одамлар моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қайсидир даражада қондирилишига йўғрилиб, улар билан узвий боғлангандагина, фуқароларнинг манфаатлари ижтимоий қонулар билан ҳимоялангандагина, ҳар бир кишининг сиёсий, иқтисодий ва маданий эркинлиги, омилкорлиги муҳофазаси таъминлангандагина рўёбга чиқади. Зеро, бозор муносабатлари тадбиркор, уддабурон, маърифатли одамларнинг ижодий қобилияти, ишбилармонлик ва тадбиркорлигини юзага чиқариш асосида халқ моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашнинг бирдан-бир йўлидир. Журналист Владимир Стругацкийнинг машҳур иқтисодчи В. В. Леонтьев билан «Ўз фойдасини ўйлаш ҳам яхши» отлиқ суҳбатиде («Менеджер», 1990, 16-сон) шундай мулоҳазаларни ўқиймиз: «Мен у кишидан Сизнинг назарингизда, ҳозирги вазиятда, Шўро иқтисодиётини нима қутқариб қолиши мумкин, деб сўраганимда дабдурустдан шундай деди:

— Хусусий ишбилармонлик. Энг муҳими, сизлар бир нарсдан воз кечингиз керак — ялпи тенглик мафқураси. Қай тараман: бадавлат Форд янги машина ишлаб чиққанида халқнинг гамини еб, хайрли иш қилишни керак, деб ҳаракат қилди дейсизми? У бу ишни ўз манфаати учун — фойда учун қилди. Фойда тараққиётни етакловчи куч тарзида хизмат қилади. Сизларда илгари бўлганидек, ҳарбий усул билан ҳам иқтисодни яратиш мумкин, албатта. Ҳа, ҳарбий санаот ёмон ишламади, чунки, сарф-харажатга умуман аҳамият бермади ва бу турли солиқлар тўловчи оддий, бечора одамларнинг бўйнига тушаётгани билан ҳеч ким қизикмади. Ваҳоланки, даромад келтирувчи иқтисодиётгина мўздадилдир. Ҳеч кимни чув тушириб бўлмайди, ўзингдан бошқа».

Агар биз Леонтьевга ўхшаган алломаларнинг мулоҳазаси ва таклифларига таянганимизда, балким, бизнинг иқтисодимиз бунчалик хароб аҳволга келиб қолмасмиди?! Русийлик авиаконструктор Сикорский АҚШнинг фуқаро ва ҳарбий авиация санаотини бунёд этган, иқтисодчи Леонтьев эса умр бўйи Америк ва Япон иқтисодиёти билан шуғулланиб, бу мамлакатларни мисли кўрилмаган даражада тараққий эттираётган бир вақтда мамлакатимиз заифлашиб, сўниб бормоқда. Фақат ўз умрининг сўнги дақиқаларида ватандошларимиз узоқ Амери-

кодан туриб, неча ўн йиллар мобайнида юксак маданиятли мамлакатлар амал қилиб келаётган ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришга интиломоқда. Бир вақтлар хоин, сотқин, қочоқ дея ланъатланган кўҳна Туркистон фуқароларининг эндиликда Арабистон, Туркия, Олмония ва Америкада ўзига тўқ, бадавлат ҳаёт кечириб, ҳатто бугун иқтисодий таназуулга ботган юртдошларига кўмак бераётганлари-чи?

«Тенглик мафқураси»нинг зиёни — инқилобдан кейин кўҳна Туркистонда ҳам уч минг йиллик тарихга эга бўлган савдогарлик касби ва хусусий савдога бўғов солиниб, жаҳон ва ички бозор йўлларининг темир панжаралар билан тўсилгани туфайли халқимиз табиатида муқим тижорат маданияти заха еди, синашга тамойиллар бузилды. Футувватли савдогарларнинг авлодлари олибсотарларга, чайқовчилару ўғриларга айлиниб қолди: нонвой битта нонини бир, деҳқон бир кило пиёзини беш, боғбон бир кило майзини ўн, дўппидўз битта дўпписини эллик сўмга сотаётгани айб эмас, эҳтимол, бозор талаби шундай-дир, аммо эллик тийинлик сигаретни беш, ўн беш тийинлик сақични бир сўмга, ноёб молларни омборлар, дўконларнинг орқа эшигиндан пуллаб, мўмай фойда кўраётган ноинсофлар ҳам шу қора халқнинг фарзандлари эканлигини ўйлаб ўйингга етолмайсан!

Шоир Мирза Кенжабек «Тижорат тарихи» мақоласида шундай ёзади: «Савдогар» деган сўз бизнинг замонда бирмунча салбий маъно касб этди, ноҳуш ҳақорат сифатида ҳам айланди. Маънавиятида нуқсон, феълида таъма бўлган, ҳар нарсдан фойда кўзлайдиган шахсларни «Ҳе, у бир савдогар-ку!» деб таърифлашди. Бизнинг халқимиз феълидаги савдогарлик ёки савдога ўчлик айрим кимсаларни ғашлантиради ҳам. Бироқ, савдогарлик аслида ҳалол бир касб ёки ҳунар бўлиб, бу соҳа тарихининг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Савдогарлик — қадимдан қолган юксак маданият, салоҳият белгисидир». Савдогар дегани фақат сотиш қобилиятига эга бўлган фойдалараст, чаласавод кимса эмас, балки «китоб танигани», ўз она юрти ва ўзга юртларнинг иқтисодий-сиёсий аҳволини яхши билган, дунё ишларини мустақил мушоҳада эта оладиган хуш, маърифатли, маданиятли кишидир. Утмиш савдогарларнинг сўнгги вакилини биз ўлмас санъаткор Адулла Қодирийнинг «Утган кунлар» асаридеги илғор фикрли, ориятли, ватанпарвар зот — Отабек сиймосида кўраимиз. «Савдогар» деган сўзнинг бутун кўркамлиги, ижтимоий салмоғи Отабекнинг исму жисмида мужассамдир. Отабек — ўз «кир» замони, ўз она Ватани ва юрт остонасида фурсат пойлаб ётган рўж босқинчилари хусусида ҳушёр, қайғули, ташвишли фикр юритади. У эл-юрт дарди билан яшайди.

Савдонинг нони ҳалол, деганда чайқовчилик ёки савдога ўғирлик қилиб кун кўриш тушунилмайди. Бироқ чет эллардан товар келтириб, ўзга ўлкаларга буюм элтиб сотиб, тижоратнинг азобини тортиб давлат орттириш тўғрисида. Четга чиқарилаётган мол ҳам асл ҳунармандлик маҳсули бўлмоғи лозим. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан бирида: «Бозорларимизга хориждан мол олиб келиш гўё Тангри йўлидаги жиҳод кабир» деганлар.

«Сизлар савдогардан жуда қўрқасизлар. Улар эса бугунги мамлакатингиздаги ягона ишбилармонлардир. Улар дўзахий шароитда ишлаяпти, масалан, шимолга мандарин олиб бориш учун милиция амалдорларига йўл бўйи пора беради. Шундай бўлгач, ўзини ҳам унутмайди. Бир пайтлар мен Рижковдан: «Бир кўз олдингизга келтиринг-чи, агар ҳамма Шўро савдогарлари тўсатдан иш ташлаш эълон қилса, қандай чора кўрган бўлардингиз?», деб сўрадим. У фақат жилмайиб қўйди. Менинг ишончим комилки, сизнинг иқтисодингиз жуда ҳам ортага бурилиб кетарди. Чунки, бугунги кунда деярли ҳар бир инсон ниманидир чайқов бозоридан харид қилади. Бу эса аҳоли талабининг бир қисмини қондиради.

Мустақил ҳолда холис ҳаракат қилиш қобилиятига эга ишбилармонлар керак. Шундай мустаҳкам мулкчилик зарурдирки, эртага ҳеч ким уни мусодара қилмаслигига ишонч бўлсин. Фақат шундагина бу мулк фойда келтиради», — деб ёзади машҳур иқтисодиётчи В. Леонтьев. Шўролар замонида ишбилармонлар йўқсулларга айланрилиб, мулк мусодара — талон-тарож қилинганини энди-энди тан оляпмиз. Одамлар қалбидаги мулкка, иқтисодга, сиёсатга, маданиятга, ҳокимиятга бўлган Эътиқод, Ишонч ва Умид кўприги бузилиб, ўрнига Навбат, Тақчиллик — Йўқсулликнинг қил арқони тортилди. Қил арқонда юриш эса ўта хавфли.

Йўқсуллар диктатураси даврида ишчининг, деҳқоннинг, зиёли ва хизматчининг ихтиёри ўзида бўлмади. Ҳамма нарса давлатники — «Берса бор, бермаса йўқ!» ақидасига амал қилинди. Шу боис ишчи, деҳқон, зиёли, хизматчи ижодкор — яратувчи эмас, йўқсуллар диктатурасининг товонидан қулоғига масъуллик арқони билан чирмаб ташланган тобе, муте қулларга — ҳаракатсиз мурватчаларга айланиб қолди. Ҳамма нарса — сиёсат, иқтисод, маданият буйруқча — режага бўйсундирилди. Виждонан ҳалол меҳнат қадрланмади — маош виждонлига ҳам, виждонсизга ҳам бир хил. Деҳқон давлат режаларини бажаришга мажбур. Ўзи меҳнат қилган бир кило пахтани уйига олиб кетса ўғрилиқ; уйдаги қаргадек тиришган товугига икки кило олиб борса жиноят; боғда ўзи етиштирган узум, шафтоли, анор, анжирдан ололмайди — ҳамма ерда кўрикчи... 50-йилларда беш кило буғдой учун ўн йил қамалганлар, Сибирга сургун қилинганлар сон-мингта эди.

Зиёли олимнинг ҳам аҳволи оғир. Диссертация ёқлаш учун раҳбарни Москвадан топиши, унга совға-салом, аслида нақд пул бериши керак. Нақд пулга «илмий иш» қилганлар Москвада, Тошкентда, Самарқандда — мамлакатнинг ҳамма бурча-гида йўқсуллар топилади. Бу сир кўпчиликка «ошкор» этилмайди, холос. Бирор илмий даргоҳ, олий ўқув юрти миқёсида бу масалани ўргансак, ижодкор доцент ҳам, умрида бирорта ахборот ёзмаган доцент ё профессор ҳам тенг маош олаверди ва ягона йўқсуллар мафкурасининг ноғорасини чалишни қойиллатади.

Турғун замоннинг зукко олимлари ҳам йўқ эмас. Уларга шак келтириш оғир гуноҳ. Заковатли олимлардан «куфр» сўзларим учун узр сўрайман-у, аммо замон «илмдон»ларининг катта

фоиизи ўз-ўзини, ёнидаги дўстларини, оиласини, бола-бақрасини, қолаверса, халқини пинҳона ва ошқора алдаб юрган, аслида, йўқсуллар кажавасида ноғора чалиб кун кечираётган, чунончи, Хожа Аҳмад Яссавий пиримиз башорат қилганларидек, «охир замон золимлари» дирлар. Қинғир йўллар билан олимлик рутбасини қўлга киритган «золимлар» йўқсуллар яратган шароит туфайли бемаза қовуннинг уруғидай шу қадар кўпайиб кетгани, ростини айтганда, мен билган «бойвачча» ва «хонимча» олимларнинг қўлидан илму ирфон фидойилиги келмайди, ишга киришга эплаб ариза ёзолмайдиганлари, Ҳамзанинг «бадхатроқ» домласига ўхшаганлари бисёр. Адолатнинг бузуқ тарозуси қайта-қайта чиранишларимизда ҳам тузалмаётганига ўшалар ҳам қисман сабабчи эмасмиканлар?..

Аён бўлдики, Ишчи ҳам, Деҳқон ҳам, Зиёли ҳам, Хизматчи ҳам, ягона йўқсуллар мафкураси, иқтисодий тамойилга бўйсунушига мажбур қилиб қўйилган. Йўқсуллар яккахокимлиги ягона сиёсий фирқа мафкураси билан уйғунлашиб кетган. У оғизда ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлар манфаатини кўзласа-да, аввало яккахокимлик манфаатини ҳамма нарсадан ўстивор кўяди. Шу тариқа йўқсуллар яккахокимлиги ҳамма ижтимоий гуруҳлар — ишчи, деҳқон, зиёли ва хизматчиларнинг йўқсулларча яшашидан манфаатдор. Жамиятда ҳамма қатламлар йўқсуллашиб қолган. Йўқсуллар манфаатига мос келмаган муносабатлар шаклланиб, унга зид ҳаракатлар содир бўла бошласа, тўқнашувлар гулхани ловуллаб ёниши тайин. Ҳозирги бузғунчиликдан холи демократик ҳаракатлар билан бўлаётган «ортишувлар»нинг маъно ва мантиғи ҳам шу.

ТИЛ САНДИҒИ



Сурхондарё вилояти Олтинсой ноҳиясидаги Чинор қишлоғи шевасига хос сўзлар:

Мушкана — кичкина (кўпроқ ёш болаларга нисбатан айтилади)

Жастипи — 1. отнинг эгари. 2. уруғнинг номи

Питов — паст тоғ

Йўлиқат — жар йўл

Тошқатон — суви қуриб қолган тошли сой

Бўрдибой — марра

Ёхти — узокдаги томорқа

Човканди — сувнинг бошланиш жойи

Ялама — шавла

Билдирган — ўсимлик тури

Ғирбой — болалар уйининг номи

Жувона — сигир (ёшига қараб берилган ном)

Шоқар — чуқурлик

Ҳулл — наъматак.

Тўловчи: Бахтиёр Остонакулов

Бўр-бўр — арзанда, кўп йиғлайдиган бола

Дўммиқ — пакана

Чук — жинсий аъзо. Кўпинча ҳайвонларга нисбатан ишлатилади

Чикин — сийгак

Йики — оқсоқ, чўлоқ

Ирганоқ — тиррик

Ирча — чекка

Ловлаки — гўл, анқов

Шўнгирт — кал

Шоқшоқа — бемаврид кўп сўзлайдиган одам

Гиржик — этсиз.

Абдурасул Жумакулов,
Сурхондарё вилояти, Ленин йўли ноҳияси.

Алданг — оёғини кериб юрадиган одам
Ақрава — шўр, аччиқ аралаш овқат номи
Бетонча — овқат соладиган идиш. Дангқа, Тангқа деб ҳам юритилади

Вуғлоқ — эчкининг боласи

Гурри — мақтов мойдай ёқадиган, олифта кишиларга нисбатан ишлатилади

Дужан — ҳомиладор хотин

Дўлча — сув ичадиган идиш

Даҷам — ғазаб

Душаға — чарх айлантиргич

Жилив — билиш

Индим — ғурур, қобилият

Кўкай — кўнгил

Кавшик — каучукдан ясалган крушка

Калташма — миқти, бўйи калта одам

Лақай-лақай — бирор ишни бажара олмайдиган дангасаларга нисбатан қўлланади

Лўланг — бўйи узун, лўкуллаб юрувчи одам

Мажжи — кичкина, жуда кичик одам

Минжив — гапириб чарчамайдиган, маҳмадона киши

Нақрис — қизғанчиқ

Надайим — очкўз

Пичак — сомса

Пушт ташлаш — тандирда ёпилган нонни тушиб қолиши

Тулум — теридан тикилган, қатиқ солинадиган идиш

Тозакар — қирриқ, нозиктаб

Хин — қуён, тулки ва бошқа ҳайвонларнинг терисини бутунлай шилиб олиш

Хонч — кўчат ёки ниҳол учун қазилган чуқурча

Чувак — шоҳ-шаббанинг қуригани

Чарвак — дала ҳовли

Шатава — ёмғирда қолиб шалаббо бўлиш

Шўрава — шўр овқат

Уралуғ — уйларнинг тўрига майда-чуйда идишлар қўйиладиган жой

Удоғи — бир-бирига ўрганиб қолган кишиларга нисбатан ишлатилади

Ута — тандирнинг ҳаддан ташқари қизиби кетиши.

Хўжамурод Жабборов,
Қарши Давлат педагогика институти ўзбек
тилшунослиги кафедрасининг ўқитувчиси.

ХАЛОЛЛИК ВА

Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм.

Еш навоийшунос олим Афтондил Эркинов ўзининг «Қолипдаги фан» (1991 йил, 2-сон) мақоласида адабиётшунослигимизда йўл кўйилган улкан саҳву хатолар, янглишувлар тўғрисида фикр юритади.

Ҳазрат асарларини сиёсат ва замона мусикасига солиниб, тушуниб-тушунмай хиргойи қилиниб келингани, ҳозирги пайтда ҳам айрим ҳолларда бу нағмабозлик у ёки бу шаклларда кўриниш бераётганлиги олимнинг диққат марказида туради.

Шуни айтиш керакки, Ҳазрат Навоий, Машраб сингари буюк мутасаввуф шоирларимиз ижодини тасаввуфдан ажратиб талқин қилиб келинганига адабиётшунослигимиз инқирозига замин ҳозирлаб берди. Бу нақадар катта фожиа. Энг ачинарлиси, ҳалигача ўзбек тилида тасаввуф ҳақида маълумот берувчи бирорта мукамал асар йўқ. Еки бошқа тилларда мавжуд бўлган асарлар, Кўприлизода сингари тасаввуфшунос олимларнинг бирорта асари она тилимизда чоп этилмаёттир. Биз шўрпешона толиблар ҳатто тасаввуф луғатидан ҳам бенасибмиз. Узбекистонда тасаввуфни билгувчи бирорта олим йўқ деган фикрдан мутлақо узоқмиз. Алибек Рустамов, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов каби бу илмдан хабардор истеъдодли олимларимиз билан фахрланамиз. Шуларни ўйлар эканмиз, бир шоирнинг:

Кўзгалгин шу бугун.

Эрта бўлар кеч,—

деган мисралари бутун фикру хаёлимизни банд этади. Ҳа, дарҳақиқат, кўзгалиш керак. Вақт бизни кутмайди. Шундайига ҳам адабиёт тарихи соҳасидаги қолиб кетаётган ишларнинг қори қалинлашиб кетаёткири, уни кураб ташлаш учун, билмадим, қанча вақт ва шижоат керак.

Таниқли адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг «Навоийшунослар масъулияти» (1990 йил, 12-сон) мақоласи ҳар қандай бепарқ кишини ҳам диққатини ўзига жалб этади. Мақолада Фанлар академияси томонидан нашр этилаётган Навоий асарларининг йигирма жилдлигидаги саҳву хатолар тўғрисида мулоҳаза юритилади. Муаллиф матншунослар ва бу ишда масъул кишиларнинг бепарқлиги сабабли йўл кўйилган юзлаб матн хатоларини далиллар орқали ҳаққоний очиб беради. У пировард натижада чоп этилаётган йигирма жилдликнинг дастлабки жилдларини қайтадан, хатолардан холи ҳолда нашр этиш керак, деган қатъий хулосага келади. Биз ҳам шу хулосага қўшилаемиз.

Биз юқорида фикр юритган мақолаларнинг муаллифларига ва шу мақолаларни чоп этган «Ешлик» ойбиги ходимларига чўқур миннатдорчилик изҳор этмоқни фарз деб биламиз. Истагимиз, кўллаб адабиёт ихлосмандларининг, қолаверса, биз толибларнинг илтимосларини ҳисобга олиб, ўтмишда яшаб, ижод этган бобоқалон шоирларимиз ижодиётининг тасаввуф билан боғлиқ муҳим жиҳатларига бағишланган қатор илмий мақолалар сеvimли ойбигимиз саҳифаларида чоп этиб борилса.

Соҳиб ЖУМАҚУЛОВ,
Бойсун.

Жўра Маматовнинг «Тилимиз истиқболлини ўйлаб» (1990 йил, 2-сон) мақоласида ўзбек имлоси ва алифбоси ҳақида фикр юритилган. Мен ундаги кўп фикрларга қўшиламан, лекин «май», «март», «зал» сўзларидаги «а» унлиси ўрнига талаффуз қилганимиздек «о» ёзайлик деган фояга қаршиман. Чунки тилда товуш алмашиши, товуш тушиши ва орттирилиши каби ўзига хос хусусиятлар бор. Оғзаки нутқнинг имконияти чексиз, бироқ ёзма нутқ маълум қоидаларга асосланади. Қолаверса, «май», «зал», «март» деб талаффуз қилиш ҳеч қандай кийинчилик туғдирмайди.

Дўстмурод Абдураҳмоновнинг «Товушлар ва аъзолар» (1990 йил, 6-сон) деб номланган мақоласи менда катта таассурот қолдирди. Бу мақолада инсон танаси аъзоларини номлашда маълум товушларга асосланганлиги аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган.

Ҳозирги кунда эски ўзбек алифбосига қизиқиш кучайиб кетди. Эргаш Умаровнинг «Эски ўзбек алифбоси» мақоласида (1990 йил, 6-сон) шу ҳақда баҳс юритилди. Муаллиф «и» ва «э» товушларини ифодаловчи «алифу ёй», «у» ва «ў» фонемаларини ифодаловчи «алифу вов» ва «нг» товушини ифодаловчи графемалар эски ўзбек алифбосидан ўрин олмаган деб ҳисоблайди ва шу ҳарфларни эски алифбога киритилишини талаб қилади. Мен «алифу ёй» ва «алифу вов»ни алоҳида ҳарф сифатида ўрганишга қаршиман, чунки «алифу ёй» «и» ва «э» товушдан ташқари алоҳида «а» ва «й» ундошини ифодалаб келади. Шунингдек, «алифу вов» ҳам «у» ва «ў» унлларидан ташқари «а» ва «в» товушларини ҳосил қилади. «Алифи мамдуда», яъни маддали алифни ҳарф сифатида ўрганиш тарафдориман. Чунки у бу ҳолатда «о» товушини ифодалайди.

Сандвали СУЛАЙМОНОВ,
Тўйтепа, Тошкент вилояти

Биз ўқувчилик пайтимизда «20-йиллар адабиёти» деганда фақат Ҳамзани билардик. Кейин маълум бўлдики, бу даврдаги адибларнинг фақат сонигина эмас, уларнинг ҳар бир айтган

ХОЛИСЛИК

сўзининг ўзи салмоқли экан. Биз жадидчилик ҳақида нималар билемиз? Билган нарсамиз жадидлар янги мактаблар очиб, маориф ишлари билан шуғулланганлар, деган гап, холос. Аслида-чи? Шу ўринда мен профессор Б. Қосимовнинг «Ешлик»нинг 1990 йил 7-сонидagi «Жадидчилик» мақоласига алоҳида эътибор беришни истардим. Маданий меросимизга муносабат ўзгариб, жадидчилик ҳаракатининг жуда кўп вакиллари ҳақида мақолалар эълон қилинди. Турган гапки, бу даврда яшаган қайси адиб ҳақида мақола ёзилган бўлса, унда жадидчилик ҳаракати тилга олинмасдан ўтилмайди. Шунинг учун биринчи навбатда шу ҳаракатнинг ўзини яхши билиш керак. Шу маънода жадидчиликнинг бизга номаълум қирралари батафсил ёритилса-да, кейин ҳаракатнинг йирик вакиллари ҳақида алоҳида мақолалар бериб борилса. Биз жадидчилик ҳаракати вакиллариининг ижодини кўздан кечирадиган бўлсак, уларнинг ҳаммасида Ватан, дин, миллат масаласи биринчи ўринда турганлигини кўраемиз. «Киторимиз маҳбуб, ватанимиз Самарқанддан ҳаракат этди. Уғлум Маъсудхўжа манглайдан шафқат бўсаси олиб айрилдук. Оҳ, видо ила ватандан чиқмоқ нақадар мушкул! Бу мушкулотдан кутулмоқ учун инсонни ўлуб ватандан чиқмоғи келур» каби дардли фикрлар битилган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Саёҳат хотиралари» асари дунё мусулмонларининг аҳволи, руҳияти ҳақида. Ҳатто Беҳбудий Арабистон шаҳарларидаги аҳолининг диний жиҳатдан тақсимланган жадвалини ҳам тузиб чиқади.

Ҳамидулла Болтабоев «Номаълум Фитрат» мақоласида Гулшан Раҳимованинг «Фитратнинг 20-йиллардан кейин яратган асарлари қатъий атеистик позицияда» деган фикрини рад этади ва уни асосли далиллар билан исботлайди. Ҳақиқатдан ҳам биз Фитратни атеист деб баҳоласак, жуда кулгули бўлур эди. Фитратнинг ўзи «Епишмаган гажаклар» мақоласида «Биринчи тарбияни эски усулдаги диний бир мактабдан олдим. Мактабдан чиққач, диний бир мадрасага кириб дарс олдим, намоз ўқидим, мутаассиб бир мусулмон эдим», дейди. Фитрат худди шу мақолада «Менинг муҳаррирлигим остида чиққан маъзур «Хуррият» газетаси Самарқанд жадидларининг ноши-

ри афкори эди, сўнг замонларда бир бойнинг пули билан чиқар эди», дейди. Худди шу мазмундаги хабарни биз «Ойна» журнаlining деярли ҳар икки сонидан бирда учратишимиз мумкин.

Хуллас, биз талабалар маданий меросимизни ёритадиган юқорида номлари тилга олингандек мақолаларга муҳтожмиз.

Мақсуда БЕРДИМУРОДОВА,
Жаркўрғон.

Сир эмаски, бу кунга келиб «саводхонлигимиз» даражасини ҳеч кимдан сир тута олмай, очик тан оляпмиз. Зукко, мутафаккир боболаримизнинг муборак асарларини тушуниб, ўқиш у ёқда турсин, ҳатто ўқий олмай қолдик. Бир амаллаб ўқиб олсак, тушунишимиз учун луғатлар керак бўлмоқда. Барибир тўлиқ идрок этиш қийин.

Бу соҳада «Ешлик»нинг «Навоий сабоқлари» ёки «Бир асар таҳлили» рукни остидаги шарҳ-мақолалари бизларга йўл кўрсатувчи маёқ бўлиб хизмат қиляпти, десак хато бўлмайди. Тасаввуф фалсафасининг билимдони, заҳматқаш навоийшунос олим, филология фанлари доктори Нажмиддин Комиловнинг бу туркумдаги таҳлиллари жуда мукамаллиги билан ажралиб туради. Бу шарҳларни ўқигач, Навоий даҳосига ҳайратингиз ошади. Гўзал, пурмаъно, бадий етук ғазаллар кишини сеҳрлаб қўяди, мураккаб, аммо мароқли тасаввуфий тамсиллар силсиласини тушунамиз, тасаввуф қиламиз.

Еш олим Афтондил Эркиновнинг «Қолипдаги фан» («Ешлик», 2-сон, 1991 йил) мақоласи янгича дунёқарашлар шаклланаётган бугунги кун талабига мос, ажойиб мақола бўлди. Муаллиф ўтмиш адабиётимизни ўрганишда (умуман, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги каби, бир қолипга

БОШ

тушиб қолганимизни ўша «турғунлик йиллари»да деб аталмиш машъум даврлардаги қарашлар мисолида кўрсатиб ўтган. Хусусан, Навоийнинг фалсафий қарашини ўрганган В. Зоҳидовнинг «Улуғ шоир ижодининг қалби» китобидаги, ўрта мактаб 8-синф ўқувчилари учун «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигидаги баъзи фикрларни бугунги кунга келиб янгича талкин қилиш жойизлигини таъкидлайди.

Умирбек Сотимовнинг «Лол бўлиб қолди» деб келтирманг имон» («Ешлик», 2-сон, 1990 йил) мақоласида ҳам замонасозлик руҳи, Навоийни «билмаслик»да, уни биз учун муҳим муаммолар қаршисида «лол бўлиб қолган»ликда айблаш тўғри эмаслиги баён қилинган.

Бу мавзуда яна олимларимиз Ботирхон Акрамовнинг «Дардимга хаёлини табиб эт...» («Ешлик», 2-сон, 1990 йил), «Аторуд раво айлаган қалам» («Ешлик», 2-сон, 1991 йил), Баҳром Бафоев, Аҳмад Каримовларнинг «Табаррук икки юз минг мисра» («Ешлик», 2-сон, 1991 йил), Абдурашид Абдуғафуровнинг «Беш юз ёшга тўлган беш ғазал» («Ешлик», 4-сон, 1991 йил), ёш шоира Уллибиби Отаеванинг «Ривоятлар жо байтлар» мақолалари эълон қилинди ва уларнинг ҳаммасини ҳам бирдай даражада мақтовга лойиқ деб бўлмайди.

Ҳозирги кундаги қайта қуришимиз сабабини қидирадиган бўлсак, бевосита Улуғ Уктабр инқилобига бориб тақаламиз ва бу кунга келиб унга оддий «ҳокимият тўнтариши» деб қараяпмиз. Умуман, XX аср бошларидаги биз билган «миллатчилик» руҳидаги «реакцион» ҳаракат ҳисобланган жадидчилик ҳаракатига қараш ҳам ўзгаряпти. Филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовнинг бу ҳақдаги бир қанча мақолалари муштарийларни тарихий ҳақиқатлар билан таништиришда бир восита бўлди десак хато бўлмайди.



Яна биздан унча узоқ бўлмаган, шу кунларгача тўлиқ била олмаганимиз — Уктабр тўнтаришидан кейинги Туркистон, бу ерда Шўролар ҳокимиятининг ўрнатилиши ва босмачилар ҳаракати ҳақидаги қизиқарли, билишимиз лозим бўлган мавзуларнинг ёритилиши ҳам кишини қувонтиради. Хусусан, Ш. До-ниёровнинг «Мадаминбек ким эди?» (4-сон, 1991 йил) мақоласини бу давр кишиларининг характерини очиб беришда қўйилган дадил қадамлардан бири десак бўлади. Муаллиф шу кунгача қораланиб келинаётган бир шахс, аслида қалби она-Ватан муҳаббатига лиммо-лим, фақатгина халқига озо-лик, ҳақ-ҳуқуқ истаган қобилиятли бир ватандошимиз ҳақи-да ҳикоя қилади. Бу давр адабиётимизда эндигина ўргани-лаётир. Албатта, бир мақола билан Мадаминбекни оқлаш ёки қоралаш жуда қийин. Шу сабабли муаллиф бу соҳада кўпроқ эъланиб, жиддийроқ ишлар қилса. Зеро, бу кунги давр талаби шундан иборат.

Узукой БОБОЖАНОВА,
Жиззах

Филология факультетида ўқишимни айтганимда бир сафар-дошим: «Навоийни улуғ бобомиз, шеърят султони деб кўп гапиришади, бироқ мен унинг бирор ғазалини дурустроқ тушунолмайман. Шундай бўлгандан кейин ижодкорнинг бу-юк-лигини ҳис қилиш ҳам қийин бўлар экан», деган эди. Шундай фикрловчи кишилар кўп эканлигини эътиборга олган ҳолда, Нажмиддин Комиловнинг «Соқиб, талх ўлди айшим ҳажр бедоди бил» (1991 йил, 2-сон) номли мақоласи каби чуқур таҳлил намуналари мунтазам бериб борилса.

Бир муҳлис сифатида яна шуни истардимки, ойномада босмачилар ҳақидаги мавзу кўпроқ ёритилса. Токи биз «ҳақиқий босмачи» ким эканлигини билайлик. Ҳар гал ой-битикнинг янги сонини қўлимга олганимда «Адабий танқид» бўлимининг материалларини синчковлик билан ўқиб чиқаман. 1991 йил 1-сонда эълон қилинган Нусратилла Жумаевнинг «Манфаат исканжасидаги «илм» мақоласида илмдаги хатолик-лар жуда ўринли, кескин руҳда танқид этилган.

Хатира Абдулхақова,
Учкўрғон

ТошДУ филология факультети талабаларининг «Дарслик-лар талабалар нигоҳида» («Ешлик», 1990 йил, 5-сон) рукнида берилган фикрлари ўринли эътирозлардир. Улар дарсликлар-дан қониқишмаётгани, етук ва мукамал дарсликлар етиш-маслигидан зорланганлар.

Баъзи адабиётшуносларнинг эскича фикрлашдан воз кеча олишмаётгани натижасида бугунги кунда ҳам ўша эски қолипга солинган дарсликлар ёзилмаётганлиги талабаларнинг ҳақли но-розилигига сабаб бўлмоқда. Чамаси, «Ешлик» муҳарририяти бундай ҳолларга қарши охиригача қурашишга бел боғлаган кўринади. Ойбитикнинг шу йилги 3-сониди ҳам бу масалага қайтилиб, 1990 йилда нашрдан чиққан «Ўзбек совет адабиёти тарихи» дарслиги ҳақида талабаларнинг давра суҳбати ёритил-ди. Янгиланиш даврида ёзилган бу китобдан жуда кўп нар-саларни умид қилган талабаларнинг китобни қўлга олиш билан ҳафсалалари пир бўлгани уларнинг алам билан айтган сўзларидан кўриниб турибди.

Талабада, аввало, дарсликка ишонч бўлмас экан, ўқитувчи-лар қанчалик мажбур қилишмасин китобдаги фикрлар унга сингишмайди. Талабалар мукамал яратилган, мафқуранинг ноғорасига мослашмаган дарсликка муҳтож!

Олим Усмонов,
Шўрчи.

МЕЗОН

Жафбада Ҳасан

ЕХУД ЗОЛИМЛАР, МҮМИНЛАР ВА ҚАСОСКОРЛАР

Халифа ҳазрат Али ва ўғиллари
ҳақида тарихий-бадий қисса

Урис тилидан Собир УНАР таржимаси

Халифа Алининг танаси совиб улгурмаёқ Кўфадаги бу кўргулик ҳақидаги шум хабар бутун ислом оламига яшин тезлигида тарқалди. Ҳасанни дарҳол минбарга—отасининг бўш ўрнига чиқаздилар.

Хотиржам юз қиёфасидан ёвузлик билан сира келишолмаслиги, барча масалаларни дўстона ҳал этишни хуш кўриши шундоқ сезилиб турган Ҳасан минбарга кўтариларкан, тўпланганларга узоқ тикилиб турди. У ваъзни қандай бошлашни билмасди. Юраги отасининг фожиясидан куярди. Бу қайғуга яна отамерос масъулият оғир тош бўлиб тушган эди.

— Биродарлар,—дея олди у ниҳоят.—Мен умрбод имом Алининг фарзанди эканимдан фахрланиб келдим. Мени тушунинглар, айни паллада даҳшатга тушмоқдаман; чунки бу ерда турарканман, отамга тенг бўлиш у ёқда турсин, у кишига ўхшай олиш ҳам кўлимдан келмаслигини дилдан ҳис қилмоқдаман. У зот билан замондош бўлиш бошқалар учун бахт саналади. Зоти ҳазратдан кейин дунёга келиб, бир ҳаводан нафас олмайдиғанлар нечоғли афсус чекарлар. Имомнинг ҳаётини тузукроқ билган мардум борки, Оллоҳнинг марҳаматига сазовор санайди ўзини. Энди бизнинг зиммамизда ул зоти мукаррам ва ул зотгача яшаб ўтган улуг набийларимизнинг ана шу ишларига соя туширмаслик ҳамда турлук ислоҳлар киритмасликка уриниш вазифаси турибди.

У жим қолди; кўзлари филт-филт ёшланди. Қулоқ тутиб турганлар орасида жонланиш юз берди, кимдир олдинга ташланди. У Ҳасаннинг қаршисида тўхтади.

— Мени ҳамма яхши билади,—деди у жарангдор товушда.—Кимки билмас экан, билиб қўйсин: мен Сааднинг ўғли Қайс бўламан. Ҳасан, сен биз учун Халифа Алининг қони гупуриб турган ва ул зотнинг ўзини гавдалантирган ёдгор сиймосан. Қўлингни бер...

Ҳасан бу ҳаракатнинг маъносини дарров илғади.

— Яна бир-икки оғиз гапим бор. Эшитинглар!—У ҳамон Ҳасаннинг қўлини қўйиб юбормас эди.—Менинг кўнглимда ҳазрат падаримиз ҳам бобомизнинг эътиқодига содиқ қолишдан бошқа мақсад йўқ ва бўлган ҳам эмас. Агар сиз мени бу мўтабар ўринга сайламасангиз ҳам заррача хафа эмасман. Мадинага қайтиб бориб, ўша ерда яшайвераман. Узингизни қийнаманг, виждонингизга эрк беринг. Кўз кўзга тушганда хижолат тортар бўлсангиз, қалбингиздаги Оллоҳнинг ойнасига боқинг. Шундан кейингина бир қарорга келинг. Мен эса ўша виждон қаршисида бош эгаман, биродарлар, мени сайлашни иқингиз суймас экан, Кўфа менга зарил эмас, елкаминг чуқури кўрсин дея Мадина мукаррамага равона бўламан. Ортимга қарамайман ҳам.

Саад ўғли Қайс мачитнинг бурчакларида ҳам Ҳасанни тинч қўймас, ўша жарангдор овозда:

— Қўлингни бер, Ҳасан. Қўлингни бер, Каломуллоҳ ҳаққи, Расулulloҳнинг суннатлари ҳаққи, қасам ичиб айтаман, сенга тўлиқ ишонч билдираман,—дерди.

Хуллас, ҳазрат Ҳасанга ишонч билдирилиб, қасамёд қилинди.

Ҳасан мачитга халифа Алининг ўғли бўлиб кирдию халифа бўлиб чиқди ва тўпланган оломонга юзланди:

— Энди, биродарлар, Мулжимнинг ўғли Абдурахмонга жазо бериш фурсати етди. Омма кўз ўнгида отамнинг васиятини бажаришим шарт.

Абдурахмон, кўллари боғлиқ, бояги жойидан бир неча қадам нарида турарди. Одамлар бири олиб, бири қўйиб қичқира бошлашди:

— У дунёдаги энг яхши инсонни ўлдирди!..

— Тилкалаб ташлаш керак уни!..

— Келинглар, унинг башарасига тупурайлик!

— Бизнинг тупугимизга тўйсин!

— Қумга кўмиш керак уни!

— Йўқ,—дея ҳаммадан баландроқ қичқирди халифа Ҳасан.—Отам буни васият қилмаган. Бу сотқинни шундай жазолаш лозимки, кейинчалик қон тўкилишига йўл қўйилмасин. Қонга—қон, жонга—жон!

Абдурахмон бошини кўтарди, нигоҳи халифа Ҳасаннинг нигоҳи билан тўқнашди.

— Қиличинг қаерда?—деб сўради халифа Ҳасан.

Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Теварак-атрофдан қиличлар жаранги қулоққа чалинди.
— Меникини ол! Мана, ол! Менинг қиличим билан ўлдир!
— Узининг қиличим ҳам бор,—деди халифа Ҳасан.—
Бироқ ўзининг қиличи билан адолат ўрнатурмиз.

Абдурахмоннинг қиличини келтиришди. Халифа уни қўлига оларкан, ҳазрат Алининг қуриган қонига беланган ялтироқ тигга термулди.

— Отамни шу қилич билан чопдингми?

— Ҳа, шу қилич билан, халифа,—дея жавоб берди Абдурахмон.—Мен ушбу қилич ила ер юзидаги энг ёмон одам ўлдирлишини Оллоҳдан ўтиндим ва неча кунлар уни тинимсиз қайрадим.

— Оллоҳ сенинг дуойингни қабул қилди,—деди хўрсиниб халифа Ҳасан.—Сен охир-оқибат шу қилич ила энг ёмон одамнинг боши кесилишини тилагансан, шундайми? Узинг айтгандай бўлади албатта!

Ва у Мулжим Муродийнинг ўғли Абдурахмоннинг бошини ушбу, отасининг қон юқи ҳали кўчиб тушмаган шамшир ила чолиб ташлади. Лекин у бу билан ҳам чекланмай, шамшир-ни тагин кўтарди. Оломон ҳайрон эди: наҳот халифа Абдурахмоннинг узилган бошини ҳам чопмоқчи? Бир одамни икки марта ўлдириб халифа Ҳасандай кўнгли бўш одамга ярашмайди-ку? Аммо Ҳасан бошқа фикрда эди: шамшир сўнгги бор унинг дасты ила ерга тушиши лозим, майит ер юзидаги энг ёмон киши бўлиб қолиши шарт эди.

Ҳасан қилични тош зинага шу қадар зарб билан урдики, тошлар майда-майда бўлиб сочилиб кетди. Бир талай тош синиқлари сачраб Мулжим Муродийнинг ўғли Абдурахмоннинг гавдасига теги ва оёқ томонига тўкилди.

Оллоҳ шерининг қатл этилгани, халифалик унинг ўғли Ҳасанга ўтгани хусусидаги хабар Дамашққа, у ерда халойиқдан ўзига ишонч билдириб қасам ичишларини сўраётган Абу Сўфённинг ўғли Муовиянинг қулоғига-да этиб келди.

У кўп йиллар мусулмонларга амирлик қилишни орзу қиларди. Бу орзусини у қилич ёрдамида рўёбга чиқади деб ҳисоблар ҳамда шу кунларда Дамашқдан Қўфага юришга тайёргарлик кўраётганди.

Муовия Дамашқнинг бош мачити минбарига кўтариларкан, кўзлари питракдай ўйнар, юрагида эса тулкининг муғомбирлиги ҳоким эди. У гўёки хоҳиш-истаклари аллақачон амалга ошгандек тутарди ўзини.

— Менинг суюкли халқим,—дея маърузасини бошлади у,—диққат бериб эшитинг. Халифа Али ўлди. Унинг ўрнига ўғли Ҳасанни сайлашди. Биз ҳали-ҳануз сайлов натижалари хусусида баҳслашганимиз йўқ. Лекин тегирмон навбати билан деган гаплар бор, ахир! Ҳасан бунга амал қилмади. Биз қадим аждодларимиз наслининг кўтарилиши ва исломнинг мустаҳкамланиши тарафдоримиз. Ислом ичида душманлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Энди нима бўлади?

Мачитда тўпланганлар бирин-кетин такрорлашди:

— Энди нима бўлади?

— Айтайми, нима қилиш керак,—деди Муовия айёрлик билан,—янги насллар кучайиб, қадим аждодлар насллари саёзланиб, охир-оқибат қуриб қолиши керакми? Нима учун биз ўз ҳуқуқларимиздан фойдаланмаслигимиз керак? Фойдаланамиз ва исломни қайтадан барпо қиламиз!

Шу чоқ мачитда ур-сур бошланди, бу тўполонни халифа Алининг содиқ тарафдорлари бошлашди.

Муовия буни кўриб, дарҳол тулкилик қилди.

— Мени тўғри тушунинглар, биродарлар. Мен халифа бўлиш ҳақида ўйламайман ҳам. Бироқ эслатиб қўймоқчиман, эндиги гал—бизники, ҳуқуқ—биз, дамашқликларда. Хоҳланг, Қўфага бориб Ҳасан қошида таъзим қилинг, хоҳланг—ўз ҳуқуқингиздан одамга ўхшаб фойдаланинг ва ўз халифангизни сайланг. Узингиз ҳал қилинг! Муҳими—исломнинг куч-қудратини кенгайтириш! Барибир кўрасиз, у шу даражада юксаладики, бутун ер юзи бизнинг яшил байроқ соясида қолажак! Кофирлар бизнинг қошимизда бош эгажак! Айтмоқчиманки, агар сиз менга ишонч билдирсангиз, кофирлар албатта сизга бўйсунажак! Дамашқликлар, сизлар буни хоҳламайсизми?

Ушбу даъватга жавобан юзларча ва мингларча қўллар уни олқишлаб ҳавода силкидилар.

Бу кеча Муовия галаба қилса-да, ўта чарчоқ ҳолда уйкуга ётди. Нима бўлади энди? Дамашқ аҳолиси уни халифа этиб сайлади, бироқ қўфаликлар Ҳасанни танлашди-ку?.. Шундай қилиб, ислом олами ушбу кеча бирваракайига икки халифага эга бўлди.

Муовия тўшақда ётиб ухлай олмади, ҳадеб тўлғанаверди. Чунки у Ҳасаннинг кўпчилик овоз билан сайланганини биларди. Нима қилиш керак энди? Бобо қуёш ўзининг илк ёғдуларини Дамашққа сочаркан, Муовия ўрнидан туриб дераза қошига келди. Тунги бедорликда у ўзини қийнаган муаммога жавоб топди: фақат ва фақат ҳарбий куч ёрдамида ҳаракат қилмоқ зарур. Кучли ва энгилмас қўшин билангина Муовия мусулмон оламига раҳбарликка эришиши мумкин.

Халифа Ҳасан мачитдан чиқиб, шаҳар чеккасига борди. Қаерга борапти, нима учун—буни ўзи ҳам билмасди. Унга ахборот беришларича, Дамашқдаги сайловдан сўнг Қўфада ҳам Муовия тарафдорлари кўпайиб бораётганди. Наҳот шундай? У учраган кишиларнинг қиёфасига беихтиёр разм соларди. «Ахир, манави одам кечагина мени қўллаб-қувватламаганми,—дея ўйларди у.—Наҳотки у қароридан қайтган?»

Кишилар салом беришарди, у эса алиқ оларди. Бироқ бу саломлар самимий бўлмагани туфайли қалби ғоят ўртанар, кайфияти тушарди. У қандайдир тошга ўтириб ортига ўгирилди. Бу ер қабристон, ўзидан унча олис бўлмаган масофада халифа Али ётарди. «Мен қаёққа келиб қолдим-а, ё отам қақирдимикан?» дея ўйлади Ҳасан. У шаҳарга кўз тикиб турди. Қўфада нималар юз берапти ҳозир?

— Отажон,—дея нидо қилди у,—эшитишимча, дамашқликлар Муовияни қўлламоқдалар. Қадрдон Қўфа ҳам шунга ҳозирлик кўрмоқда. Ҳатто менга ҳурмат-эътибор кўрсатганлар ҳам. Айт, нима қилай?

Айни лаҳзада олисдан бир отлиқнинг қораси кўринди. Ҳасан ўрнидан турди. Отлиқ шуъла каби бир кўзга ташланиб ғойиб бўлди, сўнгра Ҳасаннинг шарпасини пайқади шекилли, зум ўтмай тумшугидан бўлиқ кўпик оқиб турган тўриқ от пайдо бўлдию Ҳасан дарҳол отлиқни таниди. Бу Сааднинг ўғли Қайс эди.

— У, ҳурматли халифа,—дея сўз қотди у,—биласанми, Муовия қирқ минг кишилик лашкар билан Қўфага яқинлашмоқда...

Ҳасаннинг томоғи қуруқшаб кетгандай бўлди.

— Бундан чиқди, тагин бегуноҳ мўмин-мусулмоннинг қони тўкилади... Э, Оллоҳ, қандоқ қилиб бунинг олдини олса бўлур?

Қайс отдан иргиб тушди. Унинг юз ифодасида қатъийлик сезиларди.

— У, халифа, Муовия билан тенгма-тенг жанг қилурмиз. Унинг қирқ минг аскарлари бор, лекин шунча қўшин бизда ҳам топилади!..

— Эй, Қайс, Қайс,—дея бош чайқади Ҳасан.—Бир талай қўли қон жаллодлар эмас, ҳақиқий жангчилар ҳақида ўйлагин сен. Ахир, Муовия ҳам, мен ҳам қони, эътиқоди бир одамлармиз-ку. Бизнинг қавмимиз битта, Қайс!

— У, халифа,—деди Қайс,—бугун эътиқод деганинг фақат Муовиянинг шамширигагина хизмат қилади. Агар унинг ҳужуми муносиб жавоб қилолмас эканмиз, динимизнинг, эътиқодимизнинг ҳолига маймуллар йиғлайди. Менга рухсат бер, Муовияни Қўфага киритмайман. Ахир, биз ушбу ҳужумни қайтармасак, халқнинг кўзига қандоқ тик қараймиз, юзимизга тупурмайдиими?..

— Сен,—деди халифа Ҳасан,—ниманки айтсам, шуни қиласан. Лекин заковатим ила бирор тўғри хулоса чиқаролмаяман. Муовиянинг ўн минг кишилик қўшинини кутиб ол, лекин жанг қилма, тинч-тотув яшашга сулҳ туз.

— У, жаноб халифа,—дея ажабланиб тикилди Қайс,—Муовия сен билан сулҳ тузиш учун эмас, халифаликни тортиб олиш мақсадида йўлга чиққанини наҳотки тушунмасанг.

— Қон тўкилмаслиги керак,—дея ўтинди халифа, отасининг ҳали эскирмаган қабрига нигоҳ ташларкан.—Тўкилмаслиги керак, тўкилмасин. Мен халифаликдан воз кечишга розиман, нима бўлсаям динимизнинг қудрати ошса бўлди. Муовия,

эҳтимол, исломни яхшироқ ривожлантирар, майли, халифалик уники бўлақолсин! Агар халққа зулм қилса, Оллоҳнинг жазоси муқаррар-ку...

— Бу—охирги сўзингми?—дея тушкун руҳда сўради Қайс.
— Ҳа, охирги сўзим,—дея қатъий жавоб берди халифа Ҳасан.—Халифалик муҳим эмас мен учун, муҳими—осойишталик ва тартиб. Муовияга бориб айт: халифа бўлаверсин, ҳеч ким талашмайди.

Қайс халифанинг қошидан енгилган ва ҳолдан тойган жангчи каби сўппайиб жўнади. Остидаги боя уни бу ёққа қушдай елдириб келган йўрға энди зўрға оёқ олиб, гўёки атайин тупроқда чанг тўзғитиб чайқала-чайқала йўлга тушди.

Отлиқ кўздан йўқолгани ҳамон халифа отасининг қабри томон ўгирилди.

— Ота, суюкли отажонимиз,—дея шивирлади у.

Бирдан сесканиб кетди. Ҳозиргина унинг қаршида дўппайиб турган қабр бирдан... ғойиб бўлди. У худди саҳрода ёлғиз қолиб кетгандай эди.

— Ота, отажон, қаёққа ғойиб бўлдинг?—дея қичқирди у телбаларча.—Қаердасан? Тобутинг қаерда? Ахир, жигарим Ҳусайн билан сени шу ерда елкамизда кўтариб келмаганмиди? Ахир, биз шу ерда қабр қазмаганмиди? Сенинг жасадингни шу ерда қўймаганмиди? Қандай ғойиб бўлдинг сен, эй, имом Али! Мен сени қучоқладим, сен ҳам суйиб-эркаладинг... Мабодо, чинданам бу ерда бўлмасанг, нахотки менга кўринишни истамайсан? Ахир, сен ўғлингни қўриб, унинг сўзларини эшитиб турибсан, нима учун гапирмайсан? Майли, менга жавоб берма, ҳечқурса Ҳусайнга садо бергин! Эҳтимол, мени эмас, уни севарсан... Мабодо бирор номаъқул иш қилган бўлсан, айтгин, отажон! Уғлингга қанчалик қийинлигини биларсан: Муовия Кўфага қўшин тортиб бостириб келмоқда. Эҳ, агар сен ҳаёт бўлганингда, отажон! Лашкарга ўзинг бош бўлган, зулфигорингни қиндан суғуриб бир ҳамла қилганингда эди, Муовиянинг қўшини тугул, изи ҳам қолмасди. Қон ҳам тўкилмасди...

Халифа Ҳасан тили бирор калимага келмай, чўккалаганича узоқ йиғлади. Уйига тунда қайтди.

Ҳа, халифа Ҳасан Муовия қўшинлари билан юзмага-юз чиқмади, энди эса кўфаликлар ким ҳақу ким ноҳақлиги ҳақида эмас, ким кучли—шу ҳақда ўйлардилар. Куч жиҳатдан Муовия устун эканини англаш қийин эмасди, шу туфайли халқ Ҳасандан юз ўгирди. Бу ҳол унинг аламини кўзгарди.

Абу Сўфён ўғли Муовия Кўфага консиз қўшин тортиб кириб кела бошлади. Шаҳарда байроқлар товланарди. Халқ қўшинни кутиб турар, у яқинлашарди. Кенг сағриси ўта ярашган, чиройли безатилган сулув аргумоқ гўё устидаги чавандоз билан гурурланаётгандек эди—янги халифани манзилга элтарди. Муовия халифа Алининг ўғли Ҳасан билан учрашмоқ учун сабрсизлиги ила ошиқарди.

От мачит ёнида тўхтади. Жангчилар кўчалар бўйлаб тарқалиб кетишди. Мана ўша—Муовия! Мана унинг қўшини! Лекин, қизиқ, кўфаликлар қаёққа даф бўлишди? Еҳуд улар Ҳасан билан бирга қочиб қолишдими, еҳуд бу ер Кўфас, бошқа манзилмикан, балки Ҳасан учун қасам ичса, Дамашқ даҳоси поёнсиз саҳрода бўйнимизни сапчадек узиб ташлайди деб ўйлаб гумдон бўлишдимикан бир ёққа?

Абу Сўфён ўғли Муовия отдан сакраб тушган заҳоти ҳамма нарса тушунарли бўлди-қолди. Унинг ён-атрофида нимадир шивирлабми, пишиллабми овоз чиқарди, сўнгра ҳаракатга келди, бирдан югурди ва ўмбалоқ ошиб айланганча ғойиб бўлди.

Кўфа шаҳри ҳам, унинг аҳолиси ҳам ҳеч ёққа кетмаган—жойида эди. Нафаси ичига тушиб кетган оломон эътиқодга чорловни эмас, зўрликни кутарди. Лашкарларнинг мачитга томон яқинлашаётганини кўриб оломон ўтакаси ёрилиб, Муовия кўрсин учун илоҳи борича яқин келиб ўзини ерга урганча тавба-тазарру қилиши лозим эди.

— Кўлингни, ў, қўлгинангни ўпай, Абу Сўфён ўғли Муовия. Каломуллоҳ ва пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифлари ҳаққи, таъзим қиламан сенга.

Қасам ичувчилар сони сезиларли камайгач, Ҳасан илгарилар, мачитга киришга муваффақ бўлди. Айни лаҳзада у отаси халифа Алига эмас, Бобоси Мухаммад алайҳис-салом соллаллоҳу алайҳи вассалламга жуда ўхшаб кетди.

Мачитга кираркан, бири қўйиб, бири олиб қичқираётган оломоннинг сўзларини аниқ эшитди:

— Кўлингни, қўлгинангни ўпай, Абу Сўфён ўғли Муовия, Каломуллоҳ ва пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифлари ҳаққи, таъзим қиламан сенга...

Бу овоз кимники? Бу кимларнинг овозлари? Ахир кўни кечагина ана шу одамлар, худди шу одамлар Ҳасаннинг халифалик қилишига қасамёд этишмаганмиди? У тушунди, бугун Муовияга қасамёд қилаётганларнинг овозларини эслаб қолди.

Бу овозлардан димиқиб кетди, худди бўғилаётгандек бўлди. У бир нарсани тушунмасди: булар Абу Сўфён ўғли Муовияга талпинишмоқдами ёки аллақандай йўқликка-ми? У ўгирилган эди, кўзига чексиз-поёнсиз кенглик, нарғи йўқлик—бир манзара кўринди. Бобосини шу кенгликда кўрди, отасини ҳам... Бирин-кетин улардан садо келди:

— Мазлумлар томонда бўлинглар, золимларга қарши туринглар!

— Гарчи душманингиз эса-да, ҳеч бир инсонга беҳуда озор етказманг.

Орқада кимдир қасам ичишга шошилиб Ҳасанни туртиб юборди, у эса кенглик ва йўқлик манзараси қошида тек турарди...

Худди шу ерда қасам отли оғир сиртмоқ нақд бўйнида турганини ҳис қилди. Бир неча қадам нарида Муовия турарди. Унга ҳар томондан қўллар чўзилиб таллинар, ўзи ишонч ва қатъийлик ила кўкка кўз тикиб қотиб турарди. Ҳозир Ҳасан унинг қошида бошини эгади ҳамда тиззаларини қучоқлаганча Оллоҳнинг каломи ва пайғамбаримизнинг суннатлари ҳаққи дея қасам ичади...

Шундай қилиб, икки халифа бир-бирларига рўпара туриб қолишди. Улардан қай бири чин халифа? Кўпчиликнинг хоҳиши билан сайланган Ҳасанми ёки лашкар йўллаган Муовиями? Бинобарин, ўша кўпчилик деяётганимиз энди Муовия томонга осонгина ўтиб олишмадими? Энг муҳими—мачит қошида яроғ кўтарган шоввозлар унинг жангчилари эмасми?

— У, Ҳасан, сен нечук қулга ўхшаб оломон ичида турибсан!—дея пишқирди Муовия.—Сен ахир, халифа Алининг ўғлисан-ку!

— Мен ҳам Оллоҳнинг қулиман, Муовия,—дея жавоб берди Ҳасан,—ахир, динимиз, бани башар бир-бирига биродар деб уқтирмайдими? Кишиларни бир-бирига ёв қилиб қўйиш кимга керак!

Муовия кулди.

— Барчамиз—дини бир биродарларимиз. Сен тўғри айтасан, Ҳасан. Бироқ ҳозир дўстлик, тартибот бузилган, икки халифалик вужудга келган. Бизнинг вазифамиз тарқоқ ҳолга келган исломни қрлаштиришдан иборат. Узинг ҳам тушунасан-ку, Ҳасан, халифалик битта бўлмоғи лозим, тўғрими?

Ҳасан ён-верига қаради. Ҳеч нима деблмади. Хўш, нима ҳам дея оларди? Зеро, у оломон ичида Муовиянинг халифалигини тан олиш учун турибди шекилли?

— Агар менинг шартларимни қабул қилсанг,—деди Ҳасан,—майли, халифалик сеники бўлақолсин.

Оломон Муовиянинг авзоига термуларди. Унинг юзида бирйўла турли ифодалар акс этарди. Бир муддат ўтиб-ўтмай ифодалар битта бўлди: Муовия юмшоқ ва оқкўнгил тус олди.

— Мабодо халифа бўлсам, сенинг ҳар қандай шартингга розиман, Ҳасан.

— Сен халифа бўласан,—деди Ҳасан,—лекин хоҳлардим-ки, кўфаликлар янги сайлов ўтказишни орзу қилиб қолишмасин. Шартим: бизнинг муқаддас эътиқодимиз фақат соф ва мустаҳкам бўлсин! Зинҳор мусулмонларнинг қони тўкилмасин!

Улар бир-бирларининг қўлларини сиқашди.

— Қўларинг бунча иссиғи-а,—деди қулиб Муовия.

— Бу шу кунгача сақлаб келган кўфаликларнинг қўллари,—дея истеҳзо қилди Ҳасан.—Мана, кўряпсанми, қўлимнинг иссиғи ҳали тамом бўлгани йўқ, улар бўлса... Мен эса... Муқаддас Қуръони карим ҳамда жаноб пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифлари ила қасам ичман сенга, Муовия!

У Муовиянинг қўлларини сиққунига қадар халифа бўлиб турган эса-да, қўйиб юборган заҳоти тагин халифа Алининг ўғлига айланди... Сўнг у бошини эгган кўйи мачитдан ташқарига чиқди. Кўчага чиқиб улгурмаёқ елкасига ким-

дир қўлини қўйди. Буни кутмагани учун ажабланиб, дарҳол ортига ўгирилади.

— Кимсан, сенга ким керак?— деди у.

— Мен халифа Муовиянинг одамиман,— деган жавобни олди.

— Тўхта-чи, сен Ваққосмасмисан,— дея ҳаяжонланиб сўради Ҳасан,— ахир кўфалик эмасмисан? Қанақасига дарҳол Муовиянинг одамига айландинг?

Ваққос уялиб ерга қаради.

— Мени у юборди. Биласан-ку, элчига ўлим йўқ! Халифамиз айтяптики, халифа Алининг Ҳусайн исми яна бир ўғли бор-у, лекин бирон киши унинг қасам ичаётганини кўр-мабди. Жанобимиз тайинладики, Ҳасан, маросим тугамасдан бурун Ҳусайинни бу ёққа жўнатаркансан.

Ҳасаннинг боши қотди. Нима қилсин: Ҳусайннинг олдига борсинми ё ишон-устун бўлиб бораётган замин узра тентираб юраверсинми?

* * *

Халифа Муовия қўшинлари билан Дамашққа қайтиб келди. Қўфани тарк этаркан, мусулмонлар амири чор тарафга виқор ила кўз югуртирди ва тобеларига олижаноб тўралар каби кулимсираб қўйди. Барибир унинг кўзларида ҳоқимият эгасининг ғуруридан кўра кўпроқ ўйчанлик зоҳир эди. Ҳасанга нима бўлган ўзи, дея ўйларди, қонуний йўл билан мерос олган халифаликдан нечун осонгина воз кечди; нечун Ҳасан учун қасамёд этганлар осонгина уни... алмаштиришди. Буларнинг сабабини инсон ақлининг аянчли қаваклариди уя курган марас туйғулар айтади, дея ўйларди Муовия.

— У, ислом оламнинг амири,— дея ҳовлиқиб унга яқинлаша бошлади Абдулла Амир ўғли.— Эшитишимча, Ҳасан Кўфани тарк этиб, Мадинага йўл олишга чоғланаётганмиш. Унинг ҳолига маймунлар йўғлайди энди, тўғримасми, ў, амирлар амири?

Халифа Муовия отини тўхтатмади, гўё ён тарафидаги тилёғ-ламаларнинг сўзларини эшитмагандек. У қўлини даста қилиб оломонни кўрсатаркан, суради:

— Айт-чи менга, улар ким?

— Сенга, сенинг улуғлинингга имон келтирган, қўли кўксига турган халқ,— деб жавоб берди Амир ўғли Абдуллоҳ.

— Лекин улар Ҳасангаям ишонч билдиришган-ку,— дея кесди Муовия.— Ҳа, халқ ўз ҳоқимига ишонади, лекин ўз халқига қай даражада ишонини ҳоқимлар яхши ўйлаб кўришлари керак. Халқ қуролли куч қошида жим туради... Бошқаришни эплаш керак. Муҳими, халқ ўз ҳоқимининг қонуналари еру кўкда муқаддас эканига ишонсин. Халқни керак бўлса, ишонишга мажбур қилишнинг эплаш зарур. Қолганлари хамирдан қил суғургандек кетаверади, Абдуллоҳ! Ҳар қандай исёни, гарчи у подшога, тузумга қарши бўлса, муқаддас қонуналарга қарши, дея бўяб, сўнгра бостириб юборавериш мумкин...

Улар шаҳар чегарасига чиқдилар. Кўз олдиларида Кўфадан саҳро орқали Дамашққа элтувчи қарвон йўллари намоён бўлди.

— У, жаноби амир,— дея айёрлик ила сўзлади Абдулла,— бироқ айнан Ҳасан қонунларга содиқлиги билан улуг эди. Нима учун у енгилди?

Бу дафъа отининг жиловини тортиб тўхтатди.

— Сен менинг лашкарбошим ва ўнг қўл одами сифатида билиб қўйишиг керак: кимки халқни бошқарадиган бўлса, бир эмас, икки қилич билан ҳаракат қилиши шарт. Ортингга ўгирилиб қара— минглаб жангчилар қулоғи динг ҳолда ортимиздан эргашмоқда. Нима учун бошқаларнинг ортидан эмас, бизнинг ортимиздан? Чунки бизнинг кучимизга ишонишади. Улар яна шунинг учун ҳам эргашадиларки, бизнинг куч ва ваҳима, қисқаси, орқамиздан нимадир ундиришади. Нима учун Ҳасаннинг кучи синди ва қўшини тарқалиб кетди, биласанми? Ва нима учун унинг кўплаб жангчилари бизнинг ортимиздан эргашмоқда? Энди уларга:— Ул!— де, ўлишади;— Улдир!— де, ўлдиришади. Қизиқ, булар худди ўша, Ҳасаннинг ишончли одамлари эмасмиди? Улар Ҳасанга ишонишмади, шунинг учунки, иккита эмас, битта қиличи бор эди. Ҳаёт жуда алдамчи, Амир ўғли Абдуллоҳ. Нариги дунёга боришинг учун ҳам фойий оламда тўлиқ бир ҳаёт яшамоғинг шарт. Одам эса бу ҳаётни қандоқ яшаб ўтайди? Сен бу хусусда ўйлаб кўрганмисан ҳеч? Сенга

илгари ҳам айтганман: кимки бошини баланд тутса, икки қиличга эга бўлмоғи лозим. Бир қиличи бор улуғларни халқ тан олгиси келмайди. Ана, ўгирилиб тагин бир қарвагин қўшинимизга...

— У, амирим, ҳеч одоғи кўринмайди-ку?

— Қиличингни бер менга!

Абдуллоҳ таажжубланиб қилични Муовияга тутқазди.

— Мана бундай,— деди у ўз қиличини кўкка кўтариб, Абдуллоҳнинг қиличини эса пастга тушириб.— Ердигиларга мана бу қилични ишлатасан. Етилган ҳосил каби ўриб ташлайсан, хом ашёни тўплагач, халққа тарқатасан. Учдан икки қисми — ўзингга, қолган бир қисми — халққа; мана бу қиличинг эса фалакка тегсин. Яъни, агар сен осмону ерларга ҳумқдор бўлмас экансан, қучингни йўқотасан. Олисан келаётган туялар қарвонини кўряпсанми?

— Кўряпман,— дея бош ирғади Абдуллоҳ.

— Ҳолбуки туяларга ҳам кўп нарсани ўргатса бўлади, Абдуллоҳ. Унга айтасан:— Чўк!— деб,— ётади, яна айтасан:— Тур!— деб,— туради,— юр!— дейсан,— юради. Саҳрода оғир юк билан кетаверасан — бўйсунганча кетаверади у ҳам. На ем-хашак демай, на сув демай неча кунлар йўл босади. Уларнинг бардошлилиги тўғрисида афсоналар тўқилмаганми ахир... Халқ ҳам туя каби тоқатлидир. Одамга ҳам, туяга ҳам хос бўлган бир нарса бор, ғазаб дейдилар буни. Зулмдан қутулмоқ учун уринаётган вақтда туя билан одамнинг фарқини азбаройи биллолмайсан. Лекин юрак кўтариши қийин бўлган шунанга лаҳза келадики, беихтиёр ғамга ботиб қолади ҳар бир жонзот. Ушанда кўраверасан ғазабу нафратнинг кучини... Эгасининг қилиғидан ачиқланган туя нималар қилиш мумкинлигини ўзинг айт, Абдуллоҳ.

— Менинг амирим туяни қарвоннинг охирига қўйиб ҳайдаган бўлур эди,— дея ишонқирамай жавоб берди Абдуллоҳ.

— Йўқ, тополмадинг,— деб бош чайқади Муовия,— илгариги вақтларда шундай қилишган. Ҳозир эса эгасидан ғазабланган туя то ўзининг ғазабини ошқор қилгунча қарвоннинг бошида юриши ҳам мумкин. Сал қулоғини динг қилса—ҳолига вой! Бошқа гал ғазабга минмаслиги учун нақ терисига сомон тикадилар-а! Одамларга ҳам шундоқ қилиш зарур. Кимки норози бўлиб ҳаяжонланса — бошини ол! Бу—бошқалар учун дарс. Доимо мустакил бўл, Абдуллоҳ, сабр ва ғазабнинг мувозанатини сақла, бўйлаки, тарозининг бир палласида мудом тилло қўйиғлиқ. Ақлингдан фаромуш қилмагилки, бирор нарса уни босиб кетгувчи бўлмасин. Мабо-до сабр босиб турса — сенинг бахтинг, зинҳор нафрат оғир келса—тамом деявер... Мувозанатни бу тарзда сақламоқ ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, албатта. Аҳволи танг камбағал нима қилиши мумкин? Лашкарга қўшилади. У ерда эса қонун жуда жўн: ур, тер, тарқат. Жангчи ихтиёрли равишда ўлади, ёхуд ўлдиради, икки ҳолда ҳам аввало ўзининг, сўнгра сенинг номингдан қилади бу ишни. Лекин у ўз улушини ўйлайди. Бу—охир-оқибат Арш учун қилинган ҳаракат, аслида эса қилич ёрдамида барпо бўлган ҳоқимият. Фақат унинг ҳаққига хиёнат қилмагин, камбағалнинг умидини сўндирмагин. Агар у умидидан айрилса, хавфли одамга айланади, ундан сўнг... Одамларнинг қутурган туялар билан қандоқ муомала қилишларини кўрганмидинг?

Абдуллоҳ буларни эшитаётиб қаттиқ таъсирланганга ўхшарди. У сесканди.

— Ҳа, кўрганман, эсимда, амирим,— дея ўлдираб қўйди у.

— Яхши бўлди, энди сен сабр ва ғазаб хусусида тушунчага эга бўлдинг. Тагин қилич ва нон ҳақидаям эшитганинг борми?

Абдуллоҳ жавоб кутаётган ҳумқдорга қаради.

— Буни ҳам билиб қўймоқ керак,— деди амирлар амири узоқ-узоқларга тикиларкан.— Бошқариш учун кучли бўлмоқ лозим. Елканли кеманинг йўлини шамол очади, бошқарувчининг йўлини—куч-қувват очади. Лашкарингни олдинга унда, уни энг қонли жангоҳларга бошла. У нафас ютиб, даманиям чиқармай ўлдираверади, ўлаверади. Лекин сўнгги нафасигача ўз улушини кутади... Камбағалнинг олдида нонни ташлагин-да, қўлини боғлаб шилавер. Қанча урсанг, фиринг демайди. Лекин унинг оғзидидаги нониям олиб қўйиб, яна урсанг, эҳтиёт бўл, у сенга ташланиб қолади. Уларнинг тушунчаси шунанга, бироқ сен нонни берар чоғинг мана шундай вазият бўлиб қолишини унутма ва қиличингни шунга кўра тайёрла.

Ушандай ҳолда қарол бечора ҳашаматли сарой ҳақида эмас, шу саройдан ўзига тегадиган ўлжа — нон ҳақида орзу қилади. Агар Оллоҳ буларнинг ҳаммасини кейин ҳам кўнглимга солиб, қўллаб турса, кўриб турсан, халифалигим қай даражада кучайиб кетишини! Ҳозир эса жазирамада кўйиб қелишгаётган тутқун одамларни ҳашаматли саройларимизда соялаб олишларига рухсат берамиз. Бунинг устига пешин намози вақти бўлиб қолди...

Қуёш мағрибга оғиб кечки салқин туша бошлади. Халифа Муовия қўлидаги қиличчини юқори кўтарганча қотиб турарди. Кўшинлар, уни ўраб олган кўйи денгиздай чайқаларди. Халифанинг қўли худди фалакнинг томига тегиб турганга ўхшарди.

Шу кунни ер юзида Худонинг энг бахтсиз бандаси халифа Алининг ўғли Ҳасан бўлди. У тарк этган ўшал Кўфада падари бузрукворининг жонига қасд қилишди, қўлидан отамерос халифаликни тортиб олишди, ахир. У оила аъзолари ва бир неча яқинлари билан олис йўлга ҳозирланарди. Саҳронинг нарёғидаги Мадинаи мунавварага бориши керак. Унинг қалби ўртаниб хаёл қиларди: бу қанақа дунё ўзи, а? Бундай мараз одамлар фақатгина Кўфада яшармикин? Е бутун ер юзидаги эл-улус бўзилиб бўлганмикин? Унинг ўзи-чи? Узи нега Муовия қошида бошини эгди?

Кўз ўнгида шамол қўш сувориб атрофга қуюқ соя солди. У бошини кўтариб, қаршисига жигари Ҳусайини кўрди.

— Мен билан юр,— деди унга Ҳасан,— икки жигар бир-биримиздан ҳафаллашиб юришимиз ярашмайди.

— Бизга нима бўлди?— деди Ҳусайин, Ҳасаннинг ёнига келиб ўтираркан,— Оллоҳ бошқа ундай кўнларни ато қилмаса керак бизга.— Унинг овози бўғилди.— Тўғри, биз жанжаллашсак бўлмайди. Лекин халифа Алидек инсоннинг ўғилларидан биронтаси Муовияга тенг келмаса, нима деган гап, ахир? Билиб қўйгин, ака, юрагимдан сени эъозлаб, мудом куяр эдим, шу туйғу мени тарк этгандек бўляпти.

— Мен — ярадор қушчаман,— дея жавоб берди Ҳасан ва қўлини инисининг елкасига қўйди,— Ярамга туз сепма.

— Йўқ, ака,— дея эътироз билдирди Ҳусайин,— сен билан мен бошқалардек эмасмиз. Бизга ҳам отамиз, ҳам бобомиз қараб туришибди. Уз навбатда биз ҳам дунёни уларнинг кўзлари билан кўришимиз шарт. Қандоқ қилиб шундай туллак одамга кўлингни бердинг-а? Бу билан отамнинг ва бобомнинг муборак қўлларини ҳам булғаганингни сезмадингми?

— Эҳ, Ҳусайин, барисини мендан кўра аълороқ тушунасан,— деди Ҳасан,— модомики ажодларимиздан сен билан менга кўзу қўлларимиз муқаддас аъзолар сифатида ўтган бўлса, биз уларни асрашимиз ҳам бир-биримизни эъозлашимиз даркор. Мен кўрққаним туфайли қасамёд қилганим йўқ. Ислому йўлидаги яқка эътиқодли кишиларнинг бир-бирларини бўғизлашини, қон тўкилишини истамадим, холос. Узинг яхши биласан-ку, Оллоҳдан бўлак ҳеч кимдан кўрқмайдиганлар наслиданмиз.

Ҳусайин ғамгин бош чайқади.

— Наслимизнинг аёвсизлигини тўғри таъкидлаяпсан,— деб кўзлари ғилтиллади унинг,— яна, айтмоқчиманки... Сен келажак ҳақида ўйламадинг. Бугунги кунни деб бизни келажакда хор-зор яшайдиган қилиб қўйдинг. Қон тўкилишини ким хоҳлабди? Менми? Е сен айёрликкаям қарши туриш мумкин эмас, деб ўйлаяпсанми? Унда эсингда бўлсин: бугунги тўкилган қон келгусида тўкилажак қон денгизидан томчилар бўларди!

Ҳасан қорайиб кетгандай бўлди. Ҳа-да, иниси анчайин сўзларнимас, ҳақиқатни сўзлаяпти-ку.

— Лекин унинг ҳам қачондир кунни битади-ку, Ҳусайин. Унинг ҳокимияти вақтинчалик, жигарим. Сўнгра халифалик яна наслимиз қўлига ўтади.

— Отамизни ким ўлдиртирди ўзи?— дея тўсатдан сўради Ҳусайин.— Ахир у айёрликнинг қурбони бўлмадимми? Улар очик жангда отамизга бас келолмасликлари туфайли ортидан одам қўйиб ҳужум қилдилар! Энди эса бизни бир-биримизга қарши қилиб қўймоқда. Узинг ўша ноодил кимсага қасамёд қилганинг етмагандай мендан ҳам талаб қилишингга бало борми. Йўқ, бу менинг қўлимдан келмайди! Мен ҳар қандай адолатпеша болакайга, чолга қўл чўзиб, этагини ўпи-

шим, ҳатто чўкка тушиб таъзим қилишим мумкин. Лекин Муовия... Йўқ, йўқ!

Ҳасан руҳан эзилиб кетди. Ялинчоқ оҳангда деди:

— У, Ҳусайин, агар қон тўкилишини сендек жўн тушунганимда эди, мен халифаликдан воз кечмаган ҳамда Муовия учун қасам ичмаган бўлардим!

— Қон тўкилиши, қон тўкилиши!.. Буни биз истамасмиз, лекин улар-чи,— дея эътироз билдирди Ҳусайин.— Агар сен бирор фалокатнинг олдини оляпман шу билан деб ўйлаган бўлсанг, қаттиқ адашгансан. Ҳали кўп қон тўкилади. Ҳар қандай тақводор минглаб одамларнинг қони тўкилишига қаршилиқ қилиши мумкин эди, лекин Муовия... Эҳ, ака, ака, сен имонли кишиларни ўзинг истамаган ҳолда норози қилдинг. Тагин мени қасам ичишга ундашинг-чи! Йўқ, сен бобомизни, отамизни буткул унутгансан. Мендан биров бирор нарса талаб қилса, унинг мақсади нима экан, деб ўйлайман. Пайғамбар бобомиз Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи вассаллам ва отамиз улуғ имом Али ҳам Муовия олдида тиз чўкишармиди, бир тасаввур қил!

Ҳасан хўнграб юборди. Йўлга отланишгаётган аёлу болалар нима гаплигини тушунмай анграйиб қолишди. Ҳусайин ҳам кўзининг ёшини тўхтаолмади.

Шу пайт барчалари банд овозни эшитиб хушёр тортдилар:

— Карвон сафарга тайёр.

Ака-укалар кўзғалишди.

— Олдинда жазирама чўл кутаётир бизни ҳали,— деди Ҳасан.

— Чўл жазирамасидан ҳам оғирроқ кўргуликлар кутаётир, нипа бўпти у,— деди Ҳусайин.— Ҳалитдан от қоқинди.

— Нималар деяпсан, иним?

— Муовияга бўлган садоқатинг қасаминг касофати — ишонган отимиз қоқинди. Отамиз ва бобомиз белига ўтирганга отнинг орқани оёқлари ерга ўпириб кирар, олд оёқлари ҳавога кўтарилар эди. Отларимизнинг тагин икки оёқда туриб дадил ирғишлашини кўришимиз учун қанча қийинчиликларга чидашимиз керак ва бошимизга қанча балолар ёғиларкин...

— Оллоҳ ёр бўлади бизга, Ҳусайин. Сўз бериб айтаман, бу от яна дадил ўйнайди,— деди Ҳасан ишонч билан.

Ҳусайин бошини чайқади.

— Жуда кеч. Отимизнинг жилови бизда эмас, Муовиянинг қўлида. Нима десанг дегин-у, ака, сен у учун қасамёд қилмаслигинг керак эди.

— Бас қил!— дея қичқирди Ҳасан.— Нега бир гапни тўтидай ҳадеб такрорлаб қолдинг. Кўрясанми, карвон йўлга шай турибди, отга мин, кетдик...

Тарихий ҳижрат бошланди. Ҳасан атрофни кузатиб бораркан, укасининг бояги гапларини неча бор эсласа, шу заҳоти кўфаликлар уни қандай қилиб Муовия учун қасам ичишга ундаганиларини ўйлаб эзиларди.

У ўзи билан ўзи фикран олишарди.

— Мана кўрдим, кўфаликлар билан сира келишиб бўлмайди. Эй, кўфалик биродарларим, нечун сизнинг эътиқодингиз бунчалик суст ва ожиз. Нечун зарур бўлганда эътиқод отига миниб шижоат қилурсиз, яна зўр келганда шайтон отига миниб расволик қилурсиз? Э, Оллоҳ, мени ва мендан сўнг кимки Кўфага қадам ранжида қилса, уни ўз паноҳинда асрагил!

Дамашқда шодиёна байрам давом этарди. Амир Муовия кўшинлари билан сарой томонга оломон орасидан зўрға сирғалиб ўтди. Шунга қарамай юрагида ўралиб ётган шубҳа ва ғам илони баттар уни сиқар эди.

У саройга кириб тахтага ўтиргананда ҳам юрагидаги оғриқ босилмади. Сарой қоронғу, тахтага ҳар томондан миҳ қоқиб тўлдириб ташланганга ўхшарди. Қулоғигаям алланечук мудҳиш овозлар чалинарди. Бу мудҳиш товушларни халифадан бошқа ҳеч ким эшитмасди. Шод-хуррамлик қилаётган сарой аъёнларини олиқшларкан, у баттар даҳшатга тушди, юзи қордай оқариб кетди...

Ниҳоят, у ҳамманг бас қил, деган маънода кафтини кафтига қарс урди. Энди, кўнглимдаги бу кўрқувни ким тарқатиши мумкин, дея боши қотарди, унинг юрагидаги илони ким ўлдириши мумкин? Шайтонлиги билан қасамга машхур

эди у, фикри хоҳ ижобий, хоҳ ёмон бўлсин, у бошқаларни лол қилиб қўйиш, ўзига ишонтириш қобилиятига эга эди, ўшандай ошиғи олчи одамнинг мана бу аҳволга тушиши қанчалик оғир.

У узоқ вақт ғамгин ҳаёл суриб турди-да, сўнг бирдан бошига келган фикрдан кўзлари чақнаб кетди.

— Марванни бошлаб келинглр бу ёққа,— дея у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди. Мана шу одам унга ёрдам бериши мумкин.

Марван боши ерга теккунча таъзим қилиб тахт ёнига келди.

— Қаддингни ростла,— дея кутиб олди уни Муовия,— мен сенга сиримни очмоқчиман. Шунинг учун, кимга агар ишонсам, у қулга ўхшаб букилиб-тиришавмаслиги, аксинча, ўзини мағрур тутмоғи лозим. Кел, ўтир!

Марван кўрсатилган ерга ўтирди-ю, лекин юраги така-пука эди. У Муовияни бир неча иноқ тенгқурлари билан кўп кўрган эди. Ҳар учратганда Муовия кўзига ҳар хил кўринарди. Яна у ҳайрон қоларди: Муовия ҳатто ўзининг душманлари билан рўпара келиб қолса-да, жуда очик юз ва илтифот ила кўришар, илонини енгиди сақлар эди. У ҳозир ҳам Марваннинг ёнида ўша-ўшалигича эди, бироқ Марван недандир хавфсираб, тортинчоқлик билан:

— Чақирган экансан, эй, имонлилар амири... Буюр...— деди.

— Менинг жудаям муҳим ишим бор сенда,— деди Муовия ва кўз қири ила Марванни кузатди.— Узингга маълум, мен учун энг муҳим нарса — исломнинг келажаги. Кўпинча умидсизликка тушиб, ислом дини келажакда хароб бўлмаса деб кўрқаман. Бирор мўминнинг биргина томчи қони тўкилишини юрагим кўтаролмайди. Лекин Ҳасан бизнинг имонимизга хавф солиб турган биринчи даражали шахс.

— Ҳасан сенга қасам ичди-ку,— деди яна тортинчоқлик билан Марван.

— Унутмагинки, ундан ҳар балони кутиш мумкин. Унинг укасидан ҳам... Умуман, Ҳасан ўлиши лозим, бироқ отасига ўхшаб эмас...

— Яъни?— деди шивирлабгина Марван.

— У шов-шувсиз дорилфаноми тарк этиши керак. Эшитишимга қараганда, Ҳасаннинг хотинларида бири Жийда улардан ҳадед норози бўлавергач, Ҳасан уни, севаман сени, деб овутибди.

Марван бир калла кўрғошин бўлагига айланди гўё ва бошқа садо чиқармади.

— Оллоҳ субҳаноҳу ва таоло ҳаққи, буюк ислом ҳаққи,— дея давом этди Муовия,— сен бугунги оқшомдан кечикмай Мадинага жўна. Жийда билан яқинлаша олиши мумкин бўлган бирор кишини топасан. Уни ўғлим Язидга иситиб келасан.

Марваннинг кўрқоқ кўзларида товушсиз савол пайдо бўлди.

— Диққат билан эшит, Жийдага яхшилаб тушунтир, агар Ҳасанни заҳарласа, ишонтириб айтаманки, уни ўғлим Язидга хотинлики олиб бераман. Яна уқтиргинки, Муовия сўзидан асло қайтмайди. Хўп, жўна.

Зинадан тушаркан, Марван ўзига билдирилган буюк ишонч ҳақида ўйларди.

Муовия хотиржам тортди. Юрагидаги илон ҳам жим бўлди. Ҳатто тахтиравон ҳам уни безовта қилмасди энди.

У:

— Сарой муҳофазаси кучайтирилсин!— дея бўкирди.

...Марван Дамашқдан узоқлашганда ботаётган қуёш кумли саҳро бўйлаб яшилсимон нурларини сочарди. Марваннинг халтачасидаги заҳар ҳам худди шу рангда эди.

Охири келгуси сонда

Санобар Фахриддинова

Менга бир сўз айтинг...

*Менга бир сўз айтинг, гардлардан фориғ,
Токи бинафшалар атрига чўмай.*

*Менга бир сўз айтинг, кўксимдаги чўғ
Гурласин, мен сизни шу ўтга кўмай.*

*Менга бир сўз айтинг, девона, саркаш
Умрим йўлингизга айлай поёндоз.*

*Бир сўз малҳам бўлар, гоҳ бир калом — тош,
Тошлардан сақласин июнатингиз.*

*Менга бир сўз айтинг, ҳабибим, бир сўз —
Эласин гуноҳу савобларимни.*

*Япроққа осилган ёмғирдай айбсиз
Кўз ёшлар ювмасин қароқларимни.*

*Томирда қон каби оқсин, жон ёқсин,
Жон — бу дилнингдаги дунё аслида.*

*Мангу собит турса, қурбони бўлай,
Эзгулик ва ҳақнинг ҳимоясида.*

Менга бир сўз айтинг... шундайин бир сўз...

Битмаган мактуб

Сўнггига етмади мактубинг,

Сўнггига етмади жасорат.

Қоралаб ташлади машъум тун

Тақдирнинг уфқини бешафқат.

Ҳаётнинг қулоғи том қотди

Шивирлаб айтилган нидодан.

«Вафосиз бир уйда тонг отди,

Муҳаббат — бекордир, тонг — ёлгон!»

Ой, қуёш борлиги рост эди,

Севиңч — ёш борлиги рост эди.

Ишқ — бардош борлиги рост эди

Сен ёлгон билмаган лаҳзалар,

Дил туғён билмаган лаҳзалар...

Сўнггига етмади мактубинг...

Бурчлар..

Тонгдан зшигингни қоқади бурчлар,

Вазифалар лангар ташлар умрингга.

Сўроқлар, ундовлар — ўтпуркар кучлар

Найзадек санчилар руҳингга.

«Хизматга...» — сўз синар айтилмай,

Бурч йиғлар гўдагинг кўзида,

Сўз синар... сен эса қайрилмай

Кетасан бурчларинг измида.

Сўз синар... ҳуқуқлар тўлиқар,

Армоннинг чўзилар бўйлари.

Дардларинг олдида кўру кар

Бонг урар Вақт — Бурчнинг чопари...

Тошпўлат Тажай Тажай

Тошпўлат аканинг Калвак Маҳзумга
айтган аъзуларининг биринчиси

ЁХУД

Шу кеча-кундузда куфрлигим жудаям ошди-да... Бу белбоқсизларингиз нима қилмоқчи, ахир? Тушунмасам, пирингнинг арвойи!

Кеча маҳаллага боргон эдим. Биттаси келиб, сизни камасия чақиради, деди. Бордим. Камасия қўлимга бир носвой қоғозни бериб: «Сиз фалон газетга обуна бўласиз», деди. Феълим айнади: ким айтибди, дедим. Олипталик қимай ёзиллаверинг, дейди. Вой, дедим, вой, вой сани ўша олипталигингга пес қилай, дедим. Кекирдагингни чўзма-е, тушмуғингга елтушкур, дедим. Худойлигимни айттайми: шу апандичаларнинг биттасигаям қойил эмасман, худой ҳаққи! Бу хумсалардан ҳам хасипим совуди, соч ўстириб ақлни гаровга қўйганми? Шу апандичаларнинг кўйнакчасини қаранг: вой ўша чўнтакчасига мишиғимни қоқай! Қаранг, ҳали юрт сўраётганлар шулар денг! Вой, ўша оберган шаҳарингни шолворингга соберай. Бўйнига бойлаган пайтавасини кўриб тагин куфрлигим ошди. Вой, ўша қози дасторларингни йиғиштириб липпамга қистирай, дедим.

Бу хумсаларни онаси без қилиб туққанми, сўзларим парвойига келмайди. «Гапни калта қилинг, ёзиласизми-йўқми?» дейди. «Ўша гўзиматингга нима каромат бор, ўпкангга қурт тушгур», дедим. «Газета сизни янгиликлардан бохабар этадир», дейди. Шошма, апандича, шошма, янгилигингдан худо ҳаққи галавам айнади. Нарх-навони осмонга чиқардингми, чиқардинг. Худо инсоф берсин, деб тишимни тишга қўйдимми — қўйдим, пирингни арвойи. Президентга беш парасан солиқ тўла дединг, тўлаяппанми — тўлаяппан. Фалон жамғармага дединг, бобоғимни сотиб бердим. Бунисига дединг сайратмамни сотдим. Этигим ўн беш кундан бери гаравда... Йўқ, ўша гўзиматингга сираям ёзилмайман. «Шундай чапани, бесавод бўлиб юраверасизми?» дейди, қизилбош. Вой, ўша жамғармаларнинг нонини еган тишларингни қоқиб олай сени... сан нима девотсан?! Мани Жулқунбой ёруғликка чиқарганми — чиқарган! Элга танитганми — танитган. Жулқунбойни қамаб, оттирворганларингдан кейин мани гўзиматларинг унутвордимми — унутворди. «Ешлик» деган жўрнал мани кадрдоним Жулқунбойга иззат кўрсатдимми — кўрсатди. Бас, ман «Ешлик»ка мухлисман, дедим. Камасия дегани «Ешлик»дан кўрқадими ё ҳурмат қиладими, ҳар тугур носвой қоғозини қайтиб олиб жўнаб қолди. Хў, гўзиматингдан ўргилдим, дедим.

Энди Маҳзум тоға, гапнинг индаллоси, тунов кунни «Ешлик» редаксасидан бир одам келди. Сизни ишга оламин, деди. «Шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб гап йиғасиз», дейди. «Ҳов бирда Жулқунбой домламиз «Йиғинди гаплар»ни ёзганлар-ку, шуни сиз билан бирга ёзамиз», дейди. Мен қишлоқ-шаҳарлардаги ёзгучи мухбирлар кўмагида ўша жойларнинг дарду ҳасратини ёзиб юборар эмишман. Жўрнал «Тошпўлат тажанг нима дейди?» деб босаверар эмиш. Юрган эканман-да мардикор бозори қайдасан, деб, а тоға? Кўндим. Мана энди, «Ешлик»ка обуна бўлволай, деб шошиб бораётганим. Ие, қаранг, қаранг, Бобо Кайфийми? Ҳой, ҳой, тўхта, ўша талўнга оладиган ароғингдан кеч, пирингни арвойи. Бизаям ичганмиз вақтида, нима каромат кўрдик. Юрардик ашулани ванг қўйиб:

**Истаканинг непочум лублу ма-мажжону,
Истаканга тўлдириб сол! Лублу уважай!**

Ҳе, кетди ўша дамлар... Нима қолди? Санам қайт, Кайфий. Уша «оқсоқол»нинг пулига айттайми, берироқ кел, пирингни арвойи, «Ешлик»ка ёзил. Бир йил маза қип ўқийсан. Бир йиллик кайф қайдаю бир кунлиги қайда. У, юм оғзингни, ман ишлайман ўша жўрналда, ёзил дегандан кейин ёзил-да!

Куфрлигим қурсин, тоға, ўзларига йўл бўлсин!

Қалвак Маҳзумнинг Тошпўлат тажонга деганлари

Э, Тошпўлат иним, айтай десам ҳасратим кўп. Жулқунбой бизга қадрдон эдилар. Бизни бир оз кулки қилгон бўлсалар-да, биз баҳона дардларини айтиб олганлар, ҳа, бу рост! Каминанинг хотира дафтаридаги гапларни эслайсизми? Э, омон бўлсинлар, эс кирали-чиқарли бўлиб қолдимиз, а? Хўп, мен ёдингизга солай: «Эй боши бўш донолар, эй қовоқ кийган диндошлар, вой мусулмон комиллар!» деб бошланарди. Ҳали ҳам эламадингизми? Астафйруллоҳ!.. Давомини эшитинг:

«...Замона охир бўлди: кўп беҳуда ишлар чиқди. Шарорат пешаларнинг ишлари авж олиб бизнингдек фақирлар хор бўлди. Кийимлар қисқариб, сочлар узайди; эркаклар хотун, хотунлар эркак қиёфасига кирдилар. Барчадан ақл кетди; ҳамма гумроҳ; борар йўлидан, қилар ишидан адашди; уламога ҳурмат, ёшларга шафқат, ўғлонларга муҳаббат йўқ! Бас, буларнинг барчаси охирзамон аломати бўлмай нима бўлсун?!

Тунов кун икки чорақли салла бошимда, юз битталик тасбеҳ кўлимда, маллачопон эгнимда кўча-бақўча, гузар-багузар кезиб охирзамон ишларини бирма-бир томоша қилур эрдим. Мишиқ-тупуги оқган болагиналар ярим белидан лой кечиби ит уруштириш билан машғуллар, кўриб зиёда завқим келди:

«Эй гўдаклар, дедим, — биз ҳам бир вақтларда шундай эдик, энди ўтуб кетти ўша замоналар», — дедим. Ешлиқ бир подшоҳлик; ўйноғони қоладир шу гўдакларнинг!

Шу йўсунда болалик кунларимни эслаб борур эрдим, орада нима бўлди-ю, олдидан лўп этиб милтиқ кўтарган бир ўрус чиқиб қолди, кофирнинг зеҳни койимасун, деб йўл бериб четроққа туруб эрдим, ҳалиги бадбахтнинг оғзидан «Ассалому алайкум» чиқиб қолмасунми?.. Бошда «Мазақ қилдиёв бу кофир!» деб ўйладим-да, менга қараб келаётгани учун «кофирнинг саломига жавоб жойизми, йўқми?» деган шубҳада қолдим. Қарасам, менга кўлини узатаётибдир. Ноилож кўлимни бериб башарасига қарадим. Тавба-тавба, ўзимизнинг қуйи маҳаллалик Абжал сариқ!

— Ҳа, Абжал, чўқиндингми, шапкани қанчага олдинг?! — дедим. Теги мусулмон боласи эмасми, бир оз қизорди.

— Йўқ, тақсир... милисияларга яқинда шунақа кийим беришди, — деди.

— Ахир бутхонада бергандир, берса ҳам! — дедим.

Кулди. Демак, худди сирнинг устидан чиқгонман. Мендан ўн одимча узоқлашиб кетган эди, кўнглимга бир гап келиб, уни тўхтатдим:

— Азтойдил бўлдингми, ёки шунчалик замонасозликми? — дедим.

— Ҳазиллашманг, тақсир!

— Уялма, Абжал, бу вақтда тириклик тошдан қаттиқ бола-чақанинг ташвиши кишини қайси қўйларга солмайди... — дедим.

— Ҳа, тақсир! — деди.

— Яширинча бўлса ҳам намозингни ўқи, чўқинғонингда ҳам ичингда «худое ўзинг кечир...» деб тур, қани бўлмаса бир «таждиди имон» қилайлик! Лоилоҳа илло...

Бечора тевааракка олонглаб калима айтди. Ул кетгандан сўнг мусулмонларнинг ҳолига афсус қилиб йиғла-

дим: — Ох, — дедим, — бу кофир мусулмонларнинг бошига нималар солмади, — дедим.

Бозорга қараб борур эрдим. Ёнимдан худди қўғирчоқнинг боласидек ўрусча кийим кийиб ёсонгон, кўлида чўққанинг терисидан ёсолгон нарсага китоблар солгон ўн икки ёшор чомолиқ бир қиз бола шипиллаб ўтиб кетди. Уз-ўзимга, тўхта-чи, шу мочағар билан бир сўзлашай, деб:

— Тўхта, қиз! — дедим. Тўхтади.

— Қоёққа борасан!

— Мактабга!

— Мактабинг қаерда?

— Шу яқинда.

— Отин оинг борми?

— Бор.

— Отин оингнинг эри нечта?

Мазмуни отин ойиси оғзини пишиглаб қўйгон шекилли, жавоб бермаи ерга қаради. Мен ҳам сўзни айлантирмай ичимдан «кетти-саккизта бордир» деб ўйладим. Қизи тушқур жажмондеккина экан. Ҳайфики, бузулгон-да...

— Ўруснинг инжилини ўқиябсанми? — деб сўроғон эдим, бунга ҳам жавоб бергуси келмади. Энди ўзига яраша гапдан гапурай деб сўрадим:

— Эмчагинг олмадек бўлуб қолибдир: ўйнашинг ҳам борми?..

Қизи тушқурнинг ҳали қитиқ пати ўлмаган экан: юзини чирт ўгуриб: «Ху соқолинг кўксингга тўкулсун!» деб қарғади ва йўлига югуриб кетди. Уйлаб қизнинг



билдимки, онаси юқоридан тавба қилиб тушкан ҳаром-зодалардандир ва отаси ҳам ...лардандир. Бўлмаса, тухумдаккина қизини шу бошидан инжил ўқутуб, бузукчиликка кўярмиди? Ва шу боланинг топиб келган пулини баҳузур еб ўлтурармиди?.. Асли бузук, тинат бузук, тавба дейтурғон замон, биродарлар!..

...Шундай анвои-турлик фитна-фасодларни кўра-кўра бозорға етди... Атторлиқда Мулло Берди деган ошнам бор; ўзи беҳад донишманд, ақли расо, илми сифо-ҳиргарчиликнинг, илми сиёсат ва илми ҳикматларнинг борчосидан ҳиссаманд одам. Буларнинг устига алҳол газнит ҳам ўқийтурғон бўлубдир... Узимизнинг юрт сўроб турғон амалдорлар аҳволотидан савол қилиб эрдим, дўкон ижараси билан правой қоғозни ошириб юборғонларидан дуру дароз шикоят қилди ва яна ушбу кунларда ҳамма маҳкамаларда ўзимизнинг туркона она тили билан иш қилаётғонларидан хабар берди. Ҳа, энди ўзимиздан ҳам булохтир, дисатнай, анжирнай, сакратар ва кофиралилар етушуб қолди-да, деб ўйла-



сам ҳам, кўнглумга: «Она тилини маҳкамаларда ишла-тиш жойизмикин, йўқмикин», деган шубҳа келди. Аммо бу масала тўғрисида бир ўзга вақтда китоб кўрмакчидирман...»

Эй, бораколло, ана эсладингиз-а! Сиз-ку, унутибсиз, аммо ўзингиз айтган «Ёшлик» жўрнали унутмабди. Алҳол, мени ҳам хизматга чорладилар. Муддао шулки, сиз мендан кўра ёшроқ бўлғонингиз боисидин шаҳар-ма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юрасиз. Мен эрсам, бунда ўлтуриб китоб кўруб, номаларни ўқуб, жавоблар тайёрлайман. Оқибатде сизу биз Жулқунбой руҳини шод айлаб халққа дардга ш бўламиз. Ҳамонки хизматда

эканмиз, жўрналга обуна бўлмасак исноддир, деб бел-боққа ўн тўрт сўму қирқ тийинни қистириб келяпман. Ўн тўрт ярим сўм нима деган гап, а, мулла Тошпўлат. Худойимдан айланай, шу жўрналга меҳрим тушиб қолди. Ўн тўрт ярим минг сўм бўлғонда ҳам ёзилар эдим. Қани, юринг-чи, Анави жувонга учрайлик. Лаббай? «Дўндиқ экан, суяги борми, а», дейсизми? Куфр кетманг-а, илгари ярашарди сизга бу қилиқ. Шайтонга ҳай беринг.

— Идраска қизимка. Испискангни олиб подпискани топориш қилиб юборақол. Тошпўлат аканг билан ҳали ҳам Самарқанд дарвозада турамиз. Ўн тўрт сўму икки тангани қуртдай санаб ол, пулимга розиман, қизимка, айланай...

Тошпўлат тажанг ва Калвак Маҳзум сўзларига қисқа изоҳ:


Муштарий биродарларимизга етуб маълум бўлсин-ким, ҳазрат Абдулла Қодирийнинг мервсларидан сув ичиб қудрат толғучи ожиз қаламимиз адабиётимизнинг икки қаҳрамонига қайта жон ато этмакка журъат қилди. Гарчи биз баённи Жулқунбой тасвирига етқуриб беролмасак-да, Тошпўлат тажанг ва Калвак Маҳзум бугуннинг ташвишлари билан яшамоқлари, эл дардини айтмоқлари даркор, деган қарорга келдук. Ҳазил муто-йиба билан бошланган бу суҳбатнинг давомини Сиз — азизлар, шаҳар-қишлоқларда истиқомат қилувчи ҳавас-корлар, ёш ёзувчилар қоғозга туширасизлар. Шу тарзда кўпчилик бўлуб ҳашар-қисса яратсак ажаб эмас. Куннинг муҳим гапларини, дардларини ҳажв қилиб «Тошпўлат тажангнинг деганлари ва Калвак Маҳзумнинг жавоблари» тарзида ёзиб жўрналимизга юборсангиз миннатдор бўламиз. Ёзганларингизни саралаб, жўрналнинг январ сониде эълон қила бошлаймиз. Қаламларини чархлаб турган Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Саъдулла Сиев, Фарҳод Мусажонов, Анвар Обиджон, Ориф Фармон каби ҳажвчилар бу юмушдан ўзларини четга олишса кўп армонда қолишларини билиб, Тошпўлат акалари, Маҳзум тоғалари билан суҳбатни бошлаб юборганлар. Аммо сиз сира чўчиманг. «Улар турганда бизга йўл бўлсин», деб андиша қилманг. Биз аввал Сизлардан эшитамиз. Шундай экан, Тажанг акангизни меҳмонга чорлангу айтганларини оқизмай-томизмай ёзиб юбораверинг. «Ўзлари ёзмайдиларми», дейсизми? Тошпўлат акамиз жиндак бадхатроқлар. Шу боис ўзингиз ҳаттотлик қилинг. Кишига савоб ҳам керак-ку, а, лаббай?

Мактубларингизга интиқмиз, азизлар!

Дарвоқе, ҳазратимиз Абдулла Қодирий сатрларини суҳбатга мослаб бир оз ўзгартириб фойдаландик, бу ўчун бизни айбситмайсиз, деган умиддамиз.

Калвак Маҳзумнинг «Ёшлик»даги жиянлари

ЧАЙНВОРД



Чайнворд (сўзлар занжири)да берилган саволларга жавоб толиб, катакларга ҳарфма-ҳарф тўғри жойлаштиринг.

1. Қаландарлар шоҳи саналмиш, ҳазрат Навоийдан кейин ўтган оташин шоир:

«...Мазлум эллар инграбушким, парча нонга зор эса, Куфр элига.....[!]идек раҳнамо пайдо бўлур».

2. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон қаламига мансуб машҳур шеърлардан бири.

3. Қатағон этилганларнинг ишларини қайта кўриб, уларни оқлаш билан шугўлланувчи комиссия номи.

4. Улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур Соҳибқирон ибн Тарағай Баҳодир ҳаёти ва фаолиятига доир асар.

5. «.....[!] руҳига салламно!

Шуур, шукӯҳига салламно!»

[Машиқ Юнусов — Элбек. «Фахрия».

6. Ўзбек рўмончилиқ мактаби асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» рўмонидаги ижобий қаҳрамонлардан бири.

7. Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб биринчи президент Йўлдош Охунбоевга бағишлаб ёзилган дoston.

8. «Бўлмаса базм ичра ул ой ўзга дилбарни нетай,[!] жонбахшидин айру шаҳду шаккарни нетай».

[Феруз]

9. «8 март», «Фарзанд дуоси» каби асарлар муаллифи Ғози Юнуснинг матбуотдаги тахаллусларидан бири.

10. «Зафардан изла ёрингни, Тўлиб қайна, тошиб ўйна. Тирикман, куйла борингни[!] эт!»

[Усмон Носир. «Юрак».]

11. Атоқли ёзувчи ва таржимон Мирзакалон Исмоилий ўзбек тилига ўгирган, буюк рус адаби қаламига мансуб асар.

12. Қатағон йиллари қурбони Зиё Саиднинг фелъетўнчи сифатидаги тахаллусларидан бири.

13. «О, ана шеър ана санъат! Уқиб чиқиб пол қолдим. Йўқ, шоир мен эмас эканман, халқ душмани бўлса ҳам Фитрат шоир экан!», деган эди машҳур эрон шоири[!]

14. «Таъма қилма нодонлардин, қадринг билмас, Зулмат ичра йўл адашсанг,[!] солмас».

[Аҳмад Яссавий. Ҳикмат.]

15. Усмон Носирнинг 1934 йилда ёзилган драмаси.

16. «Ҳақиқат букилади, лекин синмайди», деган эди ҳибсга олинаётганида Ўзбекистоннинг биринчи Халқ шоири Муҳаммадшариф[!]

17. Элни деб жонини тикканлардан бири, адиб ва муаллим [1879—1933]. «Тараққиёт», «Хуршид», «Осиё» каби газет ва жўрналлар муҳаррири.

Тузувчи Анвар МИРЗАЕВ.

Мундарижа

НАСР

Насрулло ҚОБУЛ. Амир Музаффар. Ҳикоя	7
Фаффор Ҳотам. Тоҳир ва Зухронинг кулмаган бахти. Қисса	12
Биқир Юлдуз. Қарбало фожиаси ёхуд золимлар, мўминлар ва қасоскорлар. Қиссанинг давоми	70

НАЗМ

Мирзо КЕНЖАБЕК. «Қонун йўқ ишқ деган қонундан бўлак»	4
Толиб диллар давраси. Моҳигул ОТАМИРЗАЕВА, Олим УСМОН, Дилдора МАРДИЕВА, Қаримжон ТУРСУН	10
Алишер НАРЗУЛЛО, Шухрат ИКРОМ	49
Санобар ФАХРИДДИНОВА	75

НИГОҲ

Муҳаррир минбари	33
Масъуд АБДУЛЛАЕВ. Отамнинг қабри қаерда?	35
Нормурод АВАЗОВ. Туркистонда ҳақ олинмади, берилди	38
«Ох, бу золим ҳукумат бизга налар қилди...» ЧУЛПОН, БЕҲБУДИЙ, ФИТРАТ	39
Турк мусиқаси	45
Муҳаббатнома. Усмон НОСИР. Монолог	48

МАҚОЛАНАВИСЛИК

Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка	2
Наим КАРИМОВ. Ҳамзани ким ўлдирган ёхуд Шохимардоннинг қора баҳори	50
Ғулломхон ҒАФУРИЙ. Бозор—адолат тарозиси	65

АДАБИЙ ТАНҚИД

Яшар ҚОСИМ. Олис изтироблар тафти	60
Ҳалоллик ва холислик — бош мезон	69
ТИЛ САНДИҒИ	67
ЧАЙНВОРД	79

ЕЛПИҒИЧ

Тошпўлат тажанг нима дейди?	76
---------------------------------------	----

ЎШЛИК



[«Молодость»]
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал

на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Р. ЭГАМБЕРДИЕВ
Техник муҳаррир: Р. ЖУМАЕВ
Мусаҳҳиҳ: М. ТУРСУНОВА

Манзилимиз:
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,
60-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 78-94-05
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83
Масъул котиб — 78-97-07
Наср бўлими — 78-97-58
Назм бўлими — 78-77-16
Мақоланавислик, адабий танқид ва санъат бўлими — 78-17-47
фотомухбир — 78-97-58

Таҳририят ҳажми 12 босма табоқдан ортиқ роман ва 8 босма табоқдан зиёд қиссалар қўлёзмасири қабул қилмайди. Бир босма табоқча бўлган асарлар муаллифларга қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади. Ойбитикдан кўчириб босилганда «Ўшлик»дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 21.08.91 й. да туширилди.
Босишга 30.09.91 й. да рухсат берилди.
Офсет босма. 1-офсет қоғози.
Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
Қоғоз ҳажми 5,00 босма табоқ.
Шартли босма тобоқ — 8,4.
Наشريёт ҳисоб босма тобоғи 12,1
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76.
146192 нусхада чоп этилади.
Буюртма — № 5873
Баҳоси обуначиларга 80 тийин,
сотувда 1 сўм.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Кўмитаси «Қамалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

© «Ўшлик» 10, 1991.